

ИВАН БУНИН

ТИЙРАМОХ

Дүрйөш шаджанчылык шаңшырылған



ЛИСТОПАД

DAVR PRESS

84/12 100 - 1962

P.

ИВАН БУНИН

ТИЙРАМОХ

Ҳикоя ва шеърлар



ТОШКЕНТ
"DAVR PRESS" HMV

265811

206 ALISHER NABIEV NOMIDAGI
TOSHDOTAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Атоқли рус шоири ва ёзувчisi, рус адиблари орасидан адабиёт йұналиши бүйіча Нобель мүкофотининг илк совриндори Иван Бунин Россия замини табиатини яхши билган, бу ерда кечадиган йил фасллари ўзгаришларига хос нозик ва нафис жиҳатларни гоятда теген ҳис әтган, бөг-рөглар ва дала-даштлар, дарё ва құллар, үрмөн ва чаманзорлар, қир-адир ва ийловлар, олис йүл ва довонлар тилини ва айникса, инсон дилини чуқур түщунған ҳамда буларнинг барласини беңад қадрлаган атоқли рус адибидір.

Ушбу түпламдан Иван Бунин турли йилларда ёзған ва унинг күп-лаб танланған асарларига киригилған ўттизга яқын ҳикоялар ва юздан ортиқ шеърларнинг ўзбекча таржималари жой олған. Умид қиласыз-ки, Буниннинг насырий ва назмий асарларини ўзида акс әттирган бу илк түплам, моҳир сүз заргари ижод ғаманидан ҳажман ва мазмунан мана шундай кенг күламда тузилған нажиб гулдаста ўзбек китобхона-нига манзур бўлади.

Масъул мұҳаррір:
Бахтиёр Назаров, академик,
филология фанлари доктори, профессор.

Сўзбоши муаллифи:
Ақмал Сайдов, академик.

Тузувчи:
Гулом Мирзо,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланған.

“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйииниг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тұлық қолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик күринишда күчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4741-3-0

© “DAVR PRESS” НМУ, 2018



ИВАН БУНИН ИЖОД ЧАМАНИДАН НАЖИБ ГУЛДАСТА

Жаҳон адабиётининг дурдоналарини, шу жумладан, дунё адибларининг неча юз йиллар давомида улуғ аждодимиз — буюк давлат арбоби ва музaffer саркарда, моҳир дипломат ва бунёдкор зот, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур ҳақида яратган сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш гоят дол зарб аҳамиятга эга.

Истиқлолнинг ўтган чорак асрлик даврида ўзбек китобхони айни шу мавзуда қалам тебратган Гарб адабиёти намояндаларидан — Кристофер Марло, Георг Гендел, Йоҳанн Волфганг Гёте, Эдгар Аллан По, Ҳилда Ҳукҳэм, Хорхе Луис Борхес, Люсьен Керен каби адибларнинг асарлари билан танишиш имконига эга бўлди.

Атоқли рус шоири ва ёзувчиси, рус адиблари орасидан адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофотининг илк совриндори (1933 йил) Иван Бунин жаҳон адабиётининг ана шундай йирик намояндаларидан биридир.

Иван Алексеевич Бунин 1870 йил 10 (22) октябряда Россиянинг Воронеж шаҳрида қадимий зодагонлар оиласида дунёга келган. Бунинлар оиласи 1873 йили Липецк вилоятига қарашли Озёрки қишлоғига кўчиб борган. Айрим манбаларга қараганда, бу қишлоққа XVIII асрнинг иккинчи яромида Иван Буниннинг катта бобоси Семён Фёдорович асос солган. Уша даврдан эътиборан Озёрки қишлоғи Бунинларнинг мулки ҳисобланган.

Ёзувчининг отаси Алексей Николаевич Бунин (1827–1906) ёшлигиде офицер бўлган, Севастополь мудофаасида¹ қатнашган. Онаси — Людмила Александровна Бунина-Чубарова (1835–1910) шоиртабиат, кўнгилчан ва нозиктааб аёл бўлган².

Иван оилада учинчи фарзанд, акалари Юлий ва Евгенийдан кейинги кенжак ўғил ҳисобланган. Уларнинг оиласи каттагина бўлиб, қариндош-уруглар, амма-амаки, тоға-холалар кўпчиликни ташкил этган. Иван Буниннинг қайд этишича, уларнинг қавмидан машҳур инсонлар кўп чиққан. Шоира А.П.Бунина³ ва шоир В.А.Жуковский⁴ шулар жумласига киради⁵.

¹ Севастополь мудофааси — Россия империясининг Британия, Франция, Усмонли турклар империяси ва Сардиния қироллигидан иборат иттифоққа қарши 1853–1859 йилларда олиб борган Қўрим жангидаги мудофаа.

² Грудкина Т.В. Иван Алексеевич Бунин // Сто великих мастеров прозы. — М.: “Вече”, 2007. — С.335.

³ Анна Петровна Бунина (1774–1829) — қадимий зодагонлар авлодидан бўлган рус шоираси ва таржимони. Замондашлари уни “Рус Сапфоси”, “Унинчи ихом париси”, “Шимолий Коринна” деб аташган.

⁴ Василий Андреевич Жуковский (1783–1852) — рус шоири, рус шеъриятидаги романтизм асосчиларидан бири, таржимон, танқидчи. У Афанасий Иванович Бунин (1716–1791) ва Солиҳа исмли турк асирасининг никоҳсиз туғилган фарзанди бўлган.

⁵ Бунин И.А. Собрание сочинений в четырех томах. Т.1. — М.: “Правда”, 1988. — С. 3.

Еш адиб 1881 йили Елец шаҳридаги гимназияда ўқий бошлаган, лекин касаллиги сабабли 1885 йилдан уйда, акаси Юлийнинг қўлида таҳсил олган. Юлий университетни туттаганидан сўнг сиёсий фаолияти туфайли бир йил қамоқда ўтиргач, Озеркига бадарга қилинган ва гимназияда ўтиладиган барча фанларни укасига ўргатган.

У Иванга тил, фалсафа, психология, табиий ва аниқ фанлардан дастлабки билимларни берган. Қисқаси, уларнинг иккаласи ҳам илмга чанқоқ бўлишган, айниқса, адабиётга алоҳида қизиқишган. Шуни таъкидлаш жоизки, Иван Буниннинг ёзувчи бўлиб шакланишида акасининг ҳиссаси катта бўлган.

Иван Бунин 18 ёшидан шеърлар бита бошлаган. Аммо, унинг ўзи бир ўринда: “Менинг ёзувчилик қисматим, хотирам панд бермаса, Орлов вилоятига қарашли қишлоғимиздаги қўргончамизда жуда-жуда олис замонларда, саккиз яшар болакай пайтим, бирдан кўнглимда шеър ёки эртакка ўхшашибирон нима ёзиш истаги туғилганда бошланган бўлса, ажаб эмас”, деб эслаган.

У 1889 йили Орёл шаҳрига келган ва “Орловский вестник” газетаси таҳририятига мусахҳид бўлиб ишга кирган. Бу ерда 1891 йили “Шеърлар” номли биринчи тўплами нашордан чиқкан.

Иван Бунин 1894 йили машхур адиб ва мутафаккир Лев Толстой¹ билан, 1895 йили эса жаҳон адабиётининг яна бир мумтоз намояндаси, атоқли рус

¹ Лев Николаевич Толстой (1828–1910) — рус ёзувчisi. Россиядаги қадимий дворянлар суоласидан, граф. Петербург Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси (1873), фахрий академик (1900). 1844–47 йилларда Қозон университетининг араб-турк ва хуқуқшунослик факультетларида ўқиган.

ёзувчиси Антон Чехов¹ билан юзма-юз учрашган. Бунгача улар билан үзаро мактублар ёзишиб турган².

1895 йилда Иван Буниннинг “Дунёниг бир чеккасида” номли ҳикояси босилиб чиққан ва адабий танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинган. У илк насрый асарининг муваффақиятидан илҳомланиб, адабий ижод билан астойдил шугулланишга бел боғланган. Натижада 1898 йили “Очиқ осмон остида”, 1901 йили “Хазонрезги” номли шеърий тўпламларини чоп эттирган. Шунингдек, 1900 йили “Антонов олмалари”, 1901 йили “Қарағай” ва “Янги йўл”, 1904 йили эса “Қора тупроқли замин” каби ўз даврининг энг сара ҳикояларини яратган².

Иван Бунин 1903 йилда “Хазонрезги” шеърий китоби учун Россия Фанлар академиясининг олий нишони — Пушкин мукофотига³ сазовор бўлган. Орадан кўп ўтмай, 1909 йили Петербург Фанлар академияси-

¹ Антон Павлович Чехов (1860–1904) — рус ёзувчisi. Москва университетининг тиббиёт факультетини 1884 йилда тутаттагач, шифокор бўлиб ишлаган. 1892–98 йилларда Москва яқинидаги Мелихово кишлогида яшаб, маҳаллий дэҳқонларга тиббий ёрдам кўрсатган, уларнинг болалари учун мактаблар очган.

² Қаранг: Бунин И.А. Освобождение Толстого // Бунин И.А. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т. 8. — Москва: “Воскресенье”, 2006. — С.15–153; Бунин И.А. “Когда был жив Л.Н. Толстой, мне не страшно было” (Переписка Ивана Алексеевича Бунина со Львом Николаевичем Толстым) // Бунин И.А. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т. 13. — Москва: “Воскресенье”, 2006. — С.31–42; Бунин И.А. О Чехове // Бунин И. А. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т. 8. — Москва: “Воскресенье”, 2006. — С.154–230; Бунин И.А. “В родном доме. Свой среди своих” (Переписка И.А. Бунина с А.П. Чеховым и М.П. Чеховой (1891–1904 гг.) // Бунин И.А. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т. 13. — Москва: “Воскресенье”, 2006. — С.43–78.

³ Пушкин мукофоти — октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Россиянинг адабиёт буйича энг нуфузли мукофоти. 1881 йил 17 августда Петербург Фанлар академияси томонидан таъсис этилган.

нинг фахрий ақадемиги әтиб сайланган. Унинг 1910 йилда ғазилган “Қишлоқ” қиссаси ҳам китобхонлар өзтибори ва эътирофини қозониб, муаллифга катта шон-шуҳрат келтирган.

Шундан кейин, 1911 йили Иван Бунин “Сувсиз водий” номли яна бир машҳур қиссасини ёзган. Шу тариқа адебнинг сермаҳсул ижоди “Қадимги одам”, “Игнат”, “Захар Воробьев”, “Мазмунли умр”, “Сан-Францисколик жаноб” сингари бири-биридан етук ҳикоя ва қиссалар билан бойиб борган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Иван Бунин 1917 йилги октябрь инқилобига (тўнтаришига) мутлақо салбий муносабатда бўлган. Большевикларнинг “янгича тартиб”ларини 1920 йилгача чидам ва умидсизлик билан кузатган, сўнгра Россияни бутунлай тарқ этган.

Шу тариқа Иван Бунин ҳаёти ва ижодининг муҳожирлик билан bogliq ogir ҳамда маҳақатли даври бошланган. Парижда у “Возрождение” газетаси атрофида шаклланган ўнг кучлар доирасига қўшилган¹.

Айни вақтда адид хорижда ҳам изчил ва серқирра ижодий фаолиятини давом эттирган. Муҳожирликда яратилган асарларида Иван Бунин ўз Ватани тақдирiga бефарқ әмаслигини адабий қаҳрамонларининг ажиб кечинмалари орқали ғамгин, аммо гўзал ва са-мимий оҳангларда тасвираган.

Иван Бунин 1927 йил июлдан “Арсеньевнинг ҳаёти” романни устида жиддий ишлай бошлаган ва ушбу асарини 1933 йилда ёзиб тугатган. Табиийки, бу дав-

¹ Грудкина Т.В. Иван Алексеевич Бунин // Сто великих мастеров прозы. — М.: “Вече”, 2007. — С.339.

рда адеб ҳикоялар ёзишга кўп фурсат ажратса олмаган. Шунга қарамай, 1930 йилда у “Қисқа ҳикоялар” ва “Олис” сарлавҳаси остида қирқдан зиёд кичик пъесалар, ҳикоялар, табиат манзараларини тасвирловчи адабий асарларини чоп этирган.

Бу кичик асарларда ёзувчи ўз романи устида ишлаётганда, дилининг тубига чўкиб қолган хотиралар юзага қалқиб чиққанда туғилган, бироқ романга кирмаган мавзулар бадиий талқин этилган. Иван Бунин кўпроқ қадимги Россиянинг бирон-бир манзарасини бир-икки жумлалардаёқ тушунарли, бекаму кўст ифодалашнинг моҳир устаси бўлиб, адебининг насрдаги ана шу ихчам асарлари аслида мутлақо алоҳида жанр ҳисобланади.

Мазкур “увоқ”, яъни митти, қисқа асарлар мавзуси ҳам, шакли ҳам турли-туман экани билан ажралиб турди. Айтайлик, “Соябонли арава”, “Ҳалокатга маҳкум уй”, “Санам”, “Қизил фонус”, “Дара” каби жажжи ҳикоялар — муаллиф ўз бошидан кечирган ҳаётий лавҳалар бўлса, “Фил”, “Бузоқнинг боши” ҳикоячалари ўйноқи бадиий асарлар сирасига киради.

Бу туркумдаги ҳикоялар қаторидан, шунингдек, “Кўз ёши”, “Сармоя”, “Туб ерли” сингари суҳбатлар ҳамда адабий асар қаҳрамонларининг тасвири (“Қотил”, “Девор остидаги осмон”, “Марья”, “Кампиршо”, “Буважон”) каби бошқа ўзига хос мавзулар ўрин олган. Энг муҳими, Иван Буниннинг қисқа ҳикояларида кўзга яққол ташланиб турувчи қарама-қаршиликлардан ва турли-туман товушлардан иборат бепоён ва қадимги Россия манзараси алоҳида бўёқларда ёрқин ифода этилган.

Адібнинг сийрати билан бөглиқ жиҳатлар ҳақида сүз борғанды, барча буюк шахслар каби Иван Бунин ҳам ўзига хос, таъбир жоиз бўлса, ажабтовур феълатвор соҳиби бўлганини таъкидлаш лозим. Гарчанд адид дворянлар қавмига мансуб бўлгани ҳолда, Ватанида ҳам, муҳожирликда ҳам бутун умри давомида моддий танқислик ичида яшаган бўлишига қарамай, ўзига Нобель мукофоти учун берилган катта миқдордаги маблагни ўта очиққўллик ва тантлилк билан харжлаган. Аввало, Иван Алексеевич Швециядан Францияга қайтиб келиши билан қуюқ эйёфат уюштирган, ҳамёнида сўнгти чақа қолгунига қадар муҳожирларга тарқатган.

Бу ҳақда адид “Сегодня” газетаси мухбирига, жумладан, шундай деган: "...Мукофотни олишим биланоқ 120000 франкка яқин маблагни улашишимга тўғри келди. Аслида ҳам, пул билан муомала қилиш борасида мутлақо уқувсизман. Энди бу борада қийинчилик янада ортди. Моддий мадад сўраб ёзилган нечта хат олганимни биласизми? Оз фурсат ичида 2000 тагача ана шундай мактуб қўлимга тегди”¹.

Эътиборли жиҳати шундаки, Иван Бунин Иккинчи жаҳон уруши бошланганда, немис фашистлари билан ҳеч қандай муносабатда бўлишни хоҳламаган. Шунинг учун ҳам 1939 йили оиласи билан бирга Грасс шаҳрига қўчиб кетган. Уруш тугагач, яъни 1945 йилдагина яна Парижга қайтган.

Иван Бунин Ватанга қайтишни жуда хоҳлаган ва бу ҳақда доимо орзиқиб ўйлаган. Аммо, урушдан сўнг

¹ Мусский С.А. Иван Алексеевич Бунин // 100 великих нобелевских лауреатов. — М.: “Вече”, 2006. — С.52.

собиқ иттифоқ ҳукумати ижозат берганига қарамай, негадир Россияга қайтиб келиш унга насиб этмаган. Адиб умрининг охирида тез-тез хасталикка чалиниб турган бўлса-да, муҳожирликдаги ҳаёти давомида олтита янги китоб ёзган.

Иван Бунин ҳаётининг сўнгги дамларигача Россияни унутмаганидек, Францияга ҳам самимий ҳурмат-эҳтиромини қалбининг тўрида сақлаб қолган. У Нобель мукофотини топширишга бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқида бу хусусда, жумладан, шундай деган:

“...Мен дастлабки табриклар ва телеграммалар оқими ичра қизгин ҳаяжон, сукунат ҳамда ёлғизлик огушида қолиб, Швеция академияси қабул қилган ушбу қарорнинг теран аҳамияти ҳақида тун бўйи ўйлаб чиқдим. Нобель мукофоти таъсис этилганидан буён сиз илк марта уни Ватанидан бадарға бўлган одамга тақдим этяпсиз. Бинобарин, мен кимман? Франциянинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб ва бунинг учун ҳамиша шу юрга чуқур миннатдорчилик туйгуси билан яшаётган бир муҳожирман”¹.

Иван Бунин Парижда 1953 йили 7 ноябрдан 8 ноябрга ўтар кечаси оламдан ўтган ва “Сент-Женевьев-де-Буа”² қабристонида дағн этилган. Камина

¹ Речь Ивана Бунина по случаю вручения ему Нобелевской премии в 1933 году. Қаранг: <http://www.buninivan.org.ru/md-ar-author-10/>

² Сент-Женевьев-де-Буа қабристони (фр. Cimetière communal de Sainte-Geneviève-des-Bois) — Иль-де-Франс вилоятининг Париж яқинидаги Сент-Женевьев-де-Буа шаҳридаги Лео-Лагранж (rue Leo Lagrange) кӯчасида жойлашган православ насронийлар қабристони. Парижда яшаган рус муҳожирлари 1927 йилдан бошлаб шу ерда дағн этила бошланган. Қабрлар сони 1939 йилда 50 та бўлса, 1952 йилда 2 мингтага етган. Умуман, мавжуд қарийб 15 мингта қабрдан 5 минг 220 таси рус муҳожирларига тегишли. Шу боис маҳаллий француэлар бу ерни “Рус қабристони” деб ҳам аташади. Иван Бунин ва унинг турмуш ўртоги Вера Николаевна Муромцева-Бунина шу ерда дағн этилган.

1994—1996 йилларда Ўзбекистоннинг Франциядаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси ҳамда ЮНЕСКОдаги доимий вакили сифатида фаолият кўрсатган давримда Иван Бунин қабрини зиёрат қилиш имконига эга бўлганман.

Ўтган даврда Иван Бунин номини агадийлаштирип борасида Россияда, шунингдек, Францияда ҳам муайян амалий ишлар қилинган. Бугунги кунда Санкт-Петербургда — мактаб, Москвада — хиёбон ва метро бекати, Липецк, Ельц, Ефремов ва Одесса шаҳарларида — кучалар, Воронежда — кутубхона, Елецк Давлат университети ҳам Иван Бунин номи билан юритилади. Адибнинг болалиги ўтган Озёрки қишлоғида унинг ота қўргони қайта тикланган, ҳозирда сақланиб қолмаган Бутирки қишлоғидаги бувисишинг ҳовлиси пойдеворида ҳам Иван Бунин шарафига ёдгорлик ўрнатилган. Адаб 1909—1910 йилларда яшаган Ефремов шаҳарчасидаги уйда эса музей ташкил этилган.

Орёл шаҳридаги И.С.Тургенев адабиёт музейида 1957 йилдан буён Иван Бунин ҳаёти ва ижодига багишлиланган алоҳида зал ишлаб турибди. Бу ерга 1973 йили Франциядан Иван Буниннинг Париждаги ижодхонаси мебеллари олиб келинган. 1991 йил 10 декабрда ушбу шаҳардаги XIX асрга мансуб дворянлар қўргонида И.А. Бунин музейи очилган. Бундан ташқари, адаб 1920—1953 йилларда муҳожирликда яшаган Парижнинг Жак Оффенбах кўчасидаги 1-үйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган...

Энди Иван Бунин ижодининг айрим қирраларига тўхталиб ўтамиз. Адебнинг “Темурхон”¹ ҳикояси ҳақида сўз борганда, авваламбор, ушбу шаклан ихчам, маэмунан эса ниҳоятда қамровдор бадиий асар Францияда, адеб муҳожирликда яшаган даврда ёзилганига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, собиқ тузум даврида — Амир Темур номи қатагон этилган ўша мустамлака йилларида нашро этилган китобларда бу ҳикояга деярли ўрин берилмаган.

“Темурхон” ҳикояси илк бор адебнинг 1943 йили Парижда чоп этилган “Хилват хиёбонлар” номли ҳикоялар тўпламига киритилган². Иван Бунин ижодининг гултожи ҳисобланувчи мазкур тўпламга адебнинг ўзи: “бу — бутун ҳаётим давомида яратилган энг мақбул ва энг асл ижод маҳсулимдир”³, деб баҳо берган.

Ушбу тўплам тўлалигича муҳаббат мавзусига бағишиланган дунёдаги ягона русча китоб ҳисобланади. Зотан, мутахассислар эътироф этганидек, хорижда Иван Буниннинг севги ҳақидаги энг гўзал ҳикоялари дунё юзини кўрган⁴.

Хусусан, “Хилват хиёбонлар” тўпламидан жой олган юзга яқин ҳикояларда муаллиф бемисл очиқлик ва ҳассос бир дардкашлик билан китобхонни мафтункор

¹ Қаранг: Иван Бунин. Темурхон. Рус тилидан Гулом Мирзо таржимаси // Ҳуррият, 2014, 10 сентябрь; Иван Бунин. Темурхон. Гулом Мирзо таржимаси // Амир Темур Фарб адеблари нигоҳида / масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи А.Сайдов; тузувчи F.Мирзо. – Т.: “DAVR PRESS”, 2016. – 71–76-бетлар.

² Бунин И.А. Темные аллеи. — Нью-Йорк, 1943.

³ Қаранг: http://royallib.com/author/bunin_ivan.html

⁴ Иван Алексеевич Бунин // Великие писатели XX века. — М.: “Мартин”, 2002. — С.82

түйгүлар ва отапин ишкү түгёнлари оламига ошно этади. Жумладан, “Темурхон” ҳикояси — улкан маҳорат билан насрда яратылган бекиёс даражада оҳангдор ва таъсиричан назмий дурдонадир.

Марж Алдановнинг эътироф этишича, “Темурхон” ҳикояси Иван Бунинга умрининг охиригина дамларида ҳам қувоит багишлаган. Гап шундаки, адаб вафотидан атиги уч кун олдин ана шу ҳикояси ҳақида мақтов тула бир мақола чоп этилган талабалар журналини ўқиб қолади.

Буни қарангки, ёни адабиётшунос ўз мақоласида Иван Буниннинг ўттиз йил аввал яратылган мазкур ҳикоясидан парчалар келтирад экан, айни вақтда бу асарни барча ёплар ҳайрату ҳаяжон билан севиб мутолаа қилаёттанини қайд этган экан. Бинобарин, буюк адаб умри давомида нечоглик юксак шон-шұхратга бүркәнгән бұлмасин, бари бир, ҳаётининг сұнгти да-қиқаларигача эътибору эътирофга бепарво бўлмаган¹.

Адебининг турмуш ўртоги В.Н. Муромцева-Бунина² эса Иван Буниннинг биографи ва ижоди бўйича тад-қиқотчи Александр Баборекога маълум қилишича, у Иван Алексеевичга умрининг сұнгти тунларидан биринча “Темурхон” ҳикоясини ўқиб берган. Ўшанда Бунин “Воҳ, садқангман, Темурхон! Мискин гадоларга сен: “Қалбимда тўла армон, сугуриб олинг!”, — дейсан” сатрларини чуқур хўрсиниш билан такрорлаган экан³.

¹ Алданов М. О Бунине // “Новый журнал”, Нью-Йорк, 1953. — Кн. 35.

² Вера Николаевна Муромцева (1881—1961) — Иван Буниннинг рафиқаси; Россия империяси биринчи чақирик Давлат думаси раисининг жияни; эски дворянларга мансуб москвалик профессорнинг кизи; мулохазали, фахм-фаросатли, ҳар қадамда ва ҳар ишда зукко, яхши тарбия кўрган, тўртта тишин билган, баъзида таржима билан ҳам шугулланган зиёли аёл бўлган.

³ Бунин И.А. Полное собрание сочинений в 13 томах. Т. 4. — Москва: “Воскресенье”, 2006. — С.458.

Иван Буниннинг Соҳибқирон Амир Темурга бағишлиган “Чўғ” ва “Чодирда” номли шеърлари ҳам ўзбек китобхони эътиборига илк бор ҳавола этилмоқда¹. Бу шеърлар “Темурхон” ҳикоясидан олдинроқ ёзилган.

“Чўғ” шеъри 1913 йилда “Современник” журналинг 4-сонида эълон қилинган. Шоир ушбу шеърида Темурбек тимсолида ўз ўглини оқил ва иродали, хушёр ва сергак қилиб тарбиялаб, ҳаётнинг мураккаб синовларига тайёrlаётган ота образини гавдалантирган.

“Чодирда” номли шеър эса 1916 йили “Летописи” журналининг октябрь сонида чоп этилган. Бу шеърда Иван Бунин Соҳибқиронни дунёга келтирган ва парваришилаган она образини маромига етказиб бадиий тасвирашга муваффақ бўлган.

Ҳар икки шеър Иван Буниннинг кейинги даврда нашр этилган тўпламларига, хусусан, 1965 йили Москвада чоп этилган 9 жилдлик асарлар тўпламининг 1-жилдига² киритилган бўлиб, ҳозирги замон ўзбек адабиётшуносарининг эътиборига тушган³.

Шу ўринда, ўз-ўзидан, Иван Бунин рус заминида туғилган, 1920 йилдан эътиборан умрининг қолган қисмини, яъни 33 йилини Францияда — муҳожирликда ўtkazган бўлса-да, доим Россия қайгуси билан яшаган адабни Ватанида ҳам (юқорида тилга олинган икки шеър 1913 ва 1916 йилларга мансуб), хорижда

¹ Иван Бунин. “Чўғ”, “Чодирда”. Рус тилидан Гулом Мирзо таржимаси // Амир Темур Гарб адилари нигоҳида. — Т.: “DAVR PRESS”, 2016. — 77—78-бетлар.

² Бунин И.А. Собрание сочинений в 9 томах. Т.1. — Москва: “Художественная литература”, 1965. — С. 351—352 и 405—406.

³ Мустафа Байишанов. Солнце восходит с Востока // “Звезда Востока”, 2015, №4. — С.99—102.

ҳам ("Темурхон" қикоиси 1921 йили Парижда ёзилған) Амир Темур образига мурожаат этишга, бу Улуг ҳукмдор ҳақида исарлар битишга нима мажбур этди деган, деган сапол туғилиши табиий.

Бу мұраққаб савол билан муштарийни ҳам, үзимини ҳам узоқ қийнаб үтирасдан, академик Бахтиёр Назаровнинг нуқтаи назарини келтирмоқчимиз. Йъини: "...Бунин октябрь тұнтарувини, шуро ислоҳотларини қабул қылмадигина әмас, уларни кескин ва оникора танқид әтди. Унинг Амир Темур образига мурожаати замираидә Россиянинг иқтисодий-сиёсий қудрати таянчларидан бири бўлмиш, Соҳибқирондек бутун дунёни зир титратган зотни вояга етказган Гуркистон аҳли ҳам шўравий балодан қутула олмаётганидан қайғуриш, маъюсланиш туйғулари ётади, бизнингча"¹, деб ёзади атоқли олим.

Бунда, ҳойнаҳой, Иван Бунин XX аср бошларида Шарқнинг бир нечта мамлакатларига саёҳат қилиб, бу ердаги халқларнинг турмуши ва удумлари, тарихи ва маданияти, адабиёти ва санъати билан танишгани ҳам муҳим аҳамият касб әтган. Чунки улуг адаб шу аснода қалбига Шарқ руҳини чуқур сингдирган бўлса не ажаб?!.

Қолаверса, рус дворянлар адабиётининг сўнгги ўирик вакили бўлмиш оқсуяк Иван Буниннинг Шарққа, унинг буюк мутафаккирлари ҳаётига қизиқиши бежиз бўлмаган. Нега деганда, у Крим муҳорабасининг гувоҳи бўлган отаси ва яқинларидан ушбу ўлка хотираларини, мусулмон халқлари эришган оламшумул зафарларни эшитгани шубҳасиз.

¹ Бахтиёр Назаров. Фитрат ва Бунин // Тафаккур, 2015, № 4. — 67-бет.

Иван Бунин ҳаёти ва ижодий фаолияти билан боғлиқ яна бир қизиқарли далил шуки, у асарлари собиқ иттифоқ ҳудудида нашр этилишига рухсат берилган биринчи муҳожир-адиб ҳисобланади. Аммо, адабнинг китоблари XX асрнинг 50-йиллариданоқ чоп этила бошланганига қарамай, айрим асарлари, шу жумладан, “Бадбаҳт қунлар” номли кундалик дафтари фақат “қайта қуриш” давридан сўнгтина нашр этилган.

Шу нуқтаи назардан, Иван Бунин ижоди эски тузум амал қилган замонда ўзбек тилига нечоғлик кўламда таржима қилингани ҳақида аниқ ва батафсил маълумотларга эга эмасмиз. Энг муҳими, мустақиллик йилларида бу борада муайян қадамлар қўйилаётгани диққатни тортади.

Кейинги даврда Иван Буниннинг “Совуқ куз” ва “Бернар”¹ ҳикояларини — Абдулла Шер, “Муза”² , “Хилват хиёбонлар”³ ҳикояларини — Тоҳир Қаҳҳор, “Ешлик ва кексалик”⁴ ҳамда “Чиптаковуш”⁵ ҳикояларини — Умид Али, “Стёпа”, “Қўналға” ва “Баҳорда — Иудеяда”⁶ ҳикояларини — Ортиқбой Абдуллаев, “Қўналға”⁷ , “Қасдлашув”⁸ ва “Юз рупия”⁹ ҳикояларини Олима Набизода ўзбек тилига таржима қилган.

¹ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-uch-hikoya.html>

² “Шарқ юлдузи” журнали, 1986 йил, 12-сон.

³ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-uch-hikoya.html>

⁴ <http://ziyouz.uz/adabiyot/jahon-nasri/ivan-bunin/2014-12-23-10-00-06>

⁵ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-chiptakovush.html>

⁶ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-uch-hikoya-3.html> Яна қаранг: <http://ziyouz.uz/adabiyot/jahon-nasri/ivan-bunin/2014-12-23-10-27-01> <http://ziyouz.uz/adabiyot/jahon-nasri/ivan-bunin/2012-09-20-06-35-55>

⁷ <http://ziyouz.uz/adabiyot/jahon-nasri/ivan-bunin/2012-09-20-06-35-55> Яна қаранг: 13.02.2013 / <http://ijod.uz>

⁸ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-uch-hikoya.html>

⁹ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin-uch-hikoya.html>

Шунингдек, “Илтифотли иштирок”, “Қотил”, “Одамхўр”, “Куз ўплар”, “Сармоя”, “Думли юлдуз”, “Шақирилаган қонурга”, “Бува”, “Арафа”¹ ва “Корнет Елагин иши”² ҳикояларини — Дилдорхон Алиева, “Зумрад осмон”³ ҳикоясини — Назира Жўраева, “Оидин кечада”⁴ ҳикоясини — Ориф Толиб, “Бозорда”⁵ ҳикоясини эса Холниса Раҳмонқулова ўзбекчада пичитрган.

Иван Буниннинг ўзбек тилига таржима қилинган назмий асарлари ҳажми бундан ҳам оз. Ҳусусан, Гулом Мирзо таржима қилган шеърларнинг бир қисми матбуотда эълон қилинган бўлса⁶, аксарияти ушбу тўпламдан жой олган. Турсун Али адабнинг 10 та шеърини ўзбекчага ўгириб, матбуотда эълон қилган⁷. Шунингдек, Сирожиддин Рауф таржимасида бир туркум шеърлар “Шарқ юлдузи” журнали саҳифалари орқали ўзбек ўқувчисига яхши таниш⁸.

Иван Бунин қаламига мансуб ўтизга яқин ҳикоя ва юздан ортиқ шеър биринчи маротаба мана шундай қамровдор тўплам ҳолида ўзбек китобхони эътиборига ҳавола этилмоқда. Ҳикоялар ва шеърлар адаб

¹ “Жаҳон адабиёти” журнали, 2015, 6-сон, 21–27-бетлар.

² Бунин И. Корнет Елагин иши / Уч мусофири: Ҳикоялар. Таржимон Дилдорхон Алиева. — Т.: “O’zbekiston”, 2014. — 4–63-бетлар. Яна қаранг: <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin/29.07.2015>

³ <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/ivan-bunin/03.03.2008>

⁴ “Галик” журнали, 2016, 4-сон, 62–63-бетлар.

⁵ “Китоб дунёси” газетаси, 2016 йил, 22 июнь.

⁶ “Китоб дунёси” газетаси, 2016 йил, 25 май; “Шарқ юлдузи” журнали, 2016 йил, 5-сон, 171–174-бетлар; “Соҳибқирон юлдузи” журнали, 2016 йил, 2-сон, 53–55-бетлар.

⁷ “Жаҳон адабиёти” журнали, 2010, 4-сон, 92–96-бетлар.

⁸ “Шарқ юлдузи” журнали, 2015 йил, 3-сон, 206–209-бетлар.

ижодидаги юксалиш жараёнлари ҳақида қитобхонда муайян тасаввур шакланишини назарда тутган ҳолда, хронологик тартибда, яъни ёзилган санаси бўйича жойлаштирилди.

Айрим ҳикоя ва шеърларнинг бир неча таржималари тақдим этилмоқда. Бундан кўзланган мақсад Иван Бунин ижоди мутахассислари ва мухлисларига бир асарнинг турлича таржима матнларини ўзаро қиёслаб, холис таҳлил ҳамда талқин этиш учун имкон яратиши дир.

Тўпламдан ўзбек олимлари Бахтиёр Назаров ва Мустафо Бойэшоновнинг Ўзбекистонда Иван Бунин ижодининг ўрганилишига доир илмий мақолалари ҳам ўрин олган. Шунингдек, адабнинг ҳаёт ва ижод йўли билан боғлиқ муҳим маълумотлар тақдим этилаётгани китобхонга фойдали бўлади, деган умиддамиз.

Албатта, биргина китоб доирасида мамлакатимизда Иван Бунин ижоди бўйича олиб борилаётган таржима ва тадқиқотларни тўла қамраб олдик, дейишдан йироқмиз. Айни чоғда, ушбу тўпламни тайёрлашда ёрдами тегкан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нашрлари — “Шарқ юлдузи” журнали ва ijod.uz сайти, шунингдек, ziyoruz.uz ҳамда Ўзбекистон Ҳалқ шоири Хуршид Давроннинг kh-davron.uz онлайн-кутубхоналари, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” ва “Соҳибқирон юлдузи” журналлари ҳамда “Китоб дунёси” газетаси таҳририятларига чуқур миннатдорлик билдирамиз. Иван Бунин асарлари таржимонлари ва тарғиботчилари бўлмиш адибу олимларимизга алоҳида ташаккур изҳор этиб, янги илмий-ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Энди китобининг номланиши ҳақида икки оғиз сўз. Ашаламбор, “Тийрамоҳ” деган ном улуг шоирнинг “Хазонрэзи” (“Листопад”) достони сарлавҳасининг ўзбекни талқини эканини таъкидлаш лозим.

Маръумки, илк бор матбуотда 1900 йили “Куз достони” сарлавҳаси остида эълон қилинган бу достон ўша йил ёз ойларида Тула губерниясининг Оғизиқа қишлоғида ёзилган. Иван Бунин достонга бемисл меҳр ва эътибор билан ёндашган. Бинобарин, у “Хазонрэзи” номи билан 1901 йилда шеърий тўплам чиқаргани на 1903 йили айни шу китоби учун Пушинин мунофотини олгани ҳақида юқорида айтиб ўтдик.

Адабий доираларда ушбу достон тўғрисида кўплаб муносабатлар билдирилган. Жумладан, Корней Чуковский¹ни фикрича, Иван Буниннинг шеърларида Пушинин шеъриятига хос бўлган, аммо ўша давр учун тансиқ бўлиб қолган покиза қалб садолари ва руҳий мувозапат, соддалик ва самимилик, теранлик на тамкинлик кишини ўзига мафтун этади².

Таниқли рус шоири Александр Блок³ “Лирика ҳақида” номли мақоласида Иван Бунин шеърлари ҳам дунёқарани каби гоятда яхлит ва ёрқинлиги, унинг илк китоби ва шу китобга номи қўйилган “Хазон-

¹ Корней Иванович Чуковский (тахаллуси; асл исм-фамилияси Корнейчуков Николай Васильевич, 1882—1969) — рус ёзувчиси, болалар шоири, таржимон ва адабиётшигунос. Ижодининг асосий қисмини болаларга багишланган асарлар таниқлаётади. “Вания ва Тимсоҳ”, “Тозалабюв” (“Мойдодир”), “Суваракбой” (1921), “Панна-серхархаша” (1924), “Бармалей” (1925), “Войжонимнинг саргузашлари” (1929) каби машҳур шеърий эртаклари асосида кўплаб спектакль на мультфильмлар яратилган. У Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ташкентда янаган, Асрлари ўзбек тилига таржима қилинган.

² Одесские новости, 1903, № 5899, 26 февраль.

³ Александр Александрович Блок (1880—1921) — рус шоири ва ёзувчиси, публицист, драматург, таржимон, адабий танқидчи.

рэзги” достони замонавий рус шеъриятининг юксак намунаси сифатида эътироф этишга муносиб эканини таъкидлаган¹. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин².

Александр Твардовский³ таъбири билан айтганда, Иван Бунин, ҳойнаҳоӣ, Лев Толстойни ҳисобга олмаганда, Россия замини табиатини жуда яхши билган, бу ерда кечадиган йил фасллари ўзгаришларига хос нозик ва нафис жиҳатларни гоятда теран ҳис этган, бөг-роғлар ва дала-даштлар, дарё ва қўллар, ўрмон ва чаманзорлар, қир-адир ва яйловлар, олис йўл ва до-вонлар тилини чукур тушунган ҳамда буларнинг бар-часини беҳад қадрлаган рус адидидир.

Иван Бунин одатда ўзи достон деб атаган “Хазон-рэзги” номли ҳажман ва мазмунан салмоқли шеърида сўз устасига муносиб тарзда ўта мураккаб ҳамда мукаммал ташбеҳ қўллаб, ўрмонни бева аёл — Кузнинг қиши арафасидаги олтинранг кўшкига қиёслаган. Шу аснода хазонрэзги оғушидаги дарахтзорнинг ёрқин, таъбир жоиз бўлса, ҳатто башанг манзарасини турфа

¹ Блок А. Собрание сочинений. Т. 5. — М.-Л., 1962. — С. 141.

² Куприн А.И. Русская литература, 1963, № 2. — С.177; Горький М. Собрание сочинений. в 30-ти томах. Т. 28.

³ Александр Трифонович Твардовский (1910–1971) — рус шоири ва жамоат арбоби. Москва тарих, фалсафа ва адабиёт институтини тугатган (1939). СССР Ёзувчилар уюшмаси бошкаруви котиби (1950–54, 1959–71); “Новий мир” журнали бош мухаррири (1950–54; 1958–70); Европа езувчилари жамиятининг вице-президенти (1963–68) лавозимларида ишлаган. “Муқаддима”, “Кохоз раисининг кундалиги”, “Муравия мамлакати”, “Василий Тёркин”, “Йўл четидаги уй”, “Йироқ-йироқларда”, “Шу йиллар лирикасидан” каби асарлари билан машҳур бўлган. Рус адабиёти ва адилларига бағишлиланган “Адабиёт хақида маколалар ва мулоҳазалар”, “Блок хақида”, “Пушкин ҳақида сўз”, “Бунин түгрисида” каби адабий-танқидий асарлар муаллифи. “Фронт шеърлари”, “Василий Тёркин” каби айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Ўзбекистон ҳаётидан шеърлар ва мақолалар ёзган.

рангларда (“Нафармон, заъфарон, аргувон”) маҳорат билан таснифлаган¹.

Шоир ва таржимон Гулом Мирзо ушбу дос-
тониниң ўзбекча таржимасига “Хазонрэзги” эмас,
аинан “Тийрамоҳ” деб ном берар экан, назаримиэда,
асингдан узоқлашмаган, аксинча, бу билан ўзбекча
матнда Иван Буниннинг юқорида қайд этилган ўта
новик поэтик гоясини янада ёрқин қўринишда рӯёбга
чиқаришига эришган. Чунки, қўйидаги мисранинг ўзи-
ни бу фикримизни яққол тасдиқлаб турибди:

Ва мінифиқ бенадек Тийрамоҳ
Кириб келар кўркам ўйига.

“Тийрамоҳ” сүзи тилмизига форсчадан ўзлашган
булиб, “хира ой” на “куз” деган лугавий маъноларни
беради. Узбек тили шеваларида бу сўзнинг “тирама”,
“тирамо”, “тирамоҳ” каби шакллари кўп учрайди. Де-
мак. Иван Бунин назарда тутган бева аёл тимсоли-
диги Куз фаслини номлашда ўзбек таржимони Шарқ
шетрияти анъаналарига таяниб тўғри йўл тутган. Яъ-
ни, “тийрамоҳ” таркибидағи “моҳ” сўзи одатда аёл
зотига нисбатан ишлатилади.

Табиийки, таржимонлик ишига олим ва адид сифа-
тида, шу билан бирга, гоятда санъаткорона ёндашиш
талаб этилади. Зотан, муайян асарни ўз халқига тақ-
дим этиштган таржимон олдида улкан масъулият ту-

¹ Тиардонский А.Т. О Бунине // И. А. Бунин. Собрание сочинений в 6 томах. Т.1. Стихотворения. — М.: “Художественная литература”, 1987. — С.39.

Узбек тилининг изоҳли лугати: 4-жилд. — Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”, 2008. — 108-бет // www.ziyouz.com kutubxonasi.

ради: у ўша адиб ҳурмати, асарининг туб моҳияти ва гоясини, бадиий ютуқларини, қўлланилган сўз санъати унсурларини имкон қадар аслиятдагидек сақлашга эътибор бериши даркор.

Таржимачилик ишининг долзарблиги масаласига келсак, таржимасиз бирон-бир халқ ва миллат маданияти ўз-ўзидан тараққий топмаган ва топмаслиги муқаррар. Бинобарин, таржима назарияси ва амалиёти соҳасининг йирик намояндаларидан бири, атоқли олим Гайбуллоҳ ас-Салом таъбири билан айтганда, “Таржима санъатисиз халқлар бир-бирлари учун соқов бўлиб қоладилар, бир-бирларини тушуна олмайдилар”.

Мухтасар айтганда, Иван Бунин насрой ва назмий асарларини ўзбек тилига ўтирган таржимонларимизнинг заҳматкаш ижодий меҳнатига муносиб баҳо беришни холис китобхон ихтиёрига қолдирамиз. Моҳир сўз заргарининг ижод чаманидан тузилган ушбу најиб гулдаста китобхонга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**Акмал Сайдов,
академик**



ҲИКОЯЛАР

ТЕМУРХОН¹

Во-оо-ох, садиғаң бұлай, Темурхон²! — гоят-да жарандор, сермәнк ва беҳад гамбода ушбу нола Қарындағы қышлоқ қақвахонасидан ақл бовар қилмас бир жүншілдік билан тараалмоқда.

Күклам туни қоронғу ва зах, тог дарасининг тунд деңгөләринин ишінде жүргітілген ойнады. Қояга қапишиләй қақвахонаға тақтада, кетте йүл бүйіда, шундоққина баланың боттаңыча очиқ автомобиль ва унинг иккита нақшатын, алжарқұзыдан тараалған құш ёғду устунлари олдинга, зулумот бағриға қадалиб турибди. Йироқдан, апчы қүйидан күрінмас уммөннинг шовқини эши-

¹ Гулом Мирзо таржимаси.

Гулом Мирзо — 1964 йили Қашқадарә вилоятіда туғилған. Шоир ва таржимоп, Үзбекистон Республикасыда хизмат құрсаттан журналист. Үзбекистон Езувчилар уюшмасининг ағзоси, “Демократлаштириш ва инсон құкуқлары” журналының баш мұҳаррири үринбосари.

² Аслиятда “Темир-Аксак-Хан” деб аталған бу ҳикоя илк бор Берлинда чиқадын “Веретено” адабий-бадий альманахининг 1922 йил 1-сонида чоп этилған. Ҳикоянинг номида Амир Темур шахсига Гарбдаги муносабат мұхри сезилиб түрганидан күз юмиб бўлмайди. Шу билан бирга, сарлавҳада айнан ўзбек тилидаги “Темир”, “оқсоқ” ва “хон” сўзларини қўллаш орқали Иван Бунин Соҳибқирон тарихини Гарбнинг бошқа адилларига нисбатан чуқурроқ билишини англатишга интилган бўлса ажаб әмас. Ҳикояда Амир Темур шаъннининг юксак даражада улуғланиши, ҳақиқатан ҳам, рус адаби Соҳибқирон сиймосига нисбатан хурмат-эхтиром билан қараганини тасдиқлайди, назаримизда.

тилади, борлиқда кечанинг намчил шамоли безовта эсгани-эсган.

Қаҳвахона, тамаки тутунига тўла бўлса-да, шифтдаги тунука чироқ нуридан гира-шира ёрг ва бурчақдаги ўчоқда қизарип турган лахча чўғ ҳисобига анчайин иссиқ ҳамдир. Темурхон ҳақида дардли қўшигини бошлаган дарвиш хонанинг лойсувоқ сатҳида чордона қурган. У эгнига қўйтери камзул ва бошига ёзда офтобнинг, қишида эса қор-ёмгирининг таъсирида ранг-тусини йўқотиб, уникан телпак кийган, нақ ибтидоий одамга ўхшайди. Дарвишнинг тиззасида дагал ёғоч чолгу — дўмбира. У мукка тушиб олган, шу боис юз-кўзи тингловчиларга қўринмайди, фақат телпаги остидан чиқиб турган долчинранг қулоқларигина қўзга ташланади, холос. Дарвиш оҳиста тор чертиб, создан мунгли садоларни бир-бир юлқиб олар экан, адоксиз қайғу-ҳасрат билан афгон қилмоқда, дардчил нола чекмоқда.

Ўчоқ ёнида, курсида назокатли алфозда бўлиқ, истарали татар киши, қаҳвахона соҳиби ўрнашган. У аввалига, қандайди мулойимлик ва бир оз маҳзунлик биланми ёхуд илтифоту истеҳзо биланми, жилмайиб қўйди. Сўнг учирма қошлари ва илжайған лабларида табассум ўрнини эгаллаган аламдийдалик ҳамда таажжуб билан тек қотди.

Дарча олдидаги ўриндиқда баланд бўйли, қотмалигидан шонасида кураклари бўртиб қўринган, оппоқ соқолли, қора чопони ва оқ салласи бугдойранг юзига ажабтовур тарзда мос тушган ҳожи чекиб ўтирибди. Айни вақтда у чилимни тамоман унугтан, бошини деворга суяган, қўзлари эса юмуқ. Бир оёги, йўл-йўл

жун пайлоқлар, тиззадан букилган ҳолда ўриндиқ устидаги булса, кейингиси, пойабзал ичидагиси пастга осилган кийи қолган.

Хожининг үнидаги столча атрофида автомобилни тұхтатыб, қашлоқ қақвахонасида бир пиёладан бемаза қоюй ичинш нияти хаёлиға келиб қолган ўша йұловчилари дәккансусха бош кийим ва нам тортмас инглизча нальто кийған барваста жаноб ҳамда эътибор ва ҳаяжондан ранги оқаринқираган ёш гүзәл хоним жойлашған. Хоним жанублик, татарчани билади, янграётған туркона қўшиқ сўзларини яхши тушунади...

— Во-оо-оҳ, садқанг бўлай, Темурхон!

Дунё дунё бўлиб, Темурхондек улуг Соҳибқиронни кўрмаган. Бани башар у зотнинг қаршиисида зир титраган, жаҳоннинг энг сулув қизлари ва ноз-истигноли не-не аёллари унинг бир лаҳзалик канизаги, чўриси бўлиш учун жон беришга ҳам шай турган. Аммо, не тонгки, умрининг ниҳоясида Темурхон буюк салтанати таҳтини бозорнинг чанг-губорли тош йўлагига алмасиган ва ўтган-қайтган дарвишу девоналар, фақиру гадолар, мискину ногиронларнинг жанда этакларидан ўпид, шундай дер экан:

Эй, далли-девоналар, қўксимдан қалбимни сугуриб олинг, зотан исташ истагида йўқ энди қалбда!

Яратган Эгам бу илтижони инобатга олиб, уни фоппий дунёнинг бефойда шон-шуҳратидан ҳам, ўткинчи ҳаётнинг пуч ҳаловату ташвишларидан ҳам фориг этгач, Темурхон салтанати таназзулга юз тутган, у бунёд этган қанчадан-қанча азим шаҳар ва гулшан бодлар, муҳташам сарой ва қалъалар ҳувиллаб қолган, бу гўшаларнинг вайроналари эса мангу ложувард само

гумбази остида ҳамда дўзах оловидек серёлқин офтоб тифида тупроққа қоришиб, қумларга кўмилган...

— Во-оо-оҳ, садқанг бўлай, Темурхон! Довругинг, шонинг қани? Ёвларни қилиб яксон, сурган давронинг қани? Қани ул маъсумалар, нозанин гулсумалар, ишқ тўла қалб-сийналар, йигитлик онинг қани? Хобгоҳингни тўлдирган, кулгичлари кулдириган, кўзи кундек кўйдириган — моҳитобонинг қани?

Ҳамма сукут оғушида, ҳаммани қўшиқ маҳв этган. Бироқ, галати бир ҳол: ўша бебок ва тушкун дард-қайғу, ўша аччиқ-аламли гина-қудурат айни дамларда кимгадир олиймақом шодлик ҳамда сурур, энг азиз ва лазиз қувонч багишламоқда, таъбир жоиз бўлса, дардга малҳам бўлмоқда эди.

Йўловчи жаноб столга кўзларини қадаганича, шашт билан сигара тортади. Ёнидаги хонимнинг кўзлари катта-катта очиқ, мўлт-мўлт ёшлиар ёноқларини ювиб тушмоқда.

Улар бир муддат сел бўлиб ўтиришгач, қаҳвахона даҳлизига чиқдилар. Дарвиш қўшигини тугатди ва соҳиб тутқазган берч обинондан ушатиб, ей бошлади. Бироқ, қўшиқ ҳали-бери тутамагандек ва ҳаргиз тутамайдигандек, бу қўшиқнинг адоги йўқдек туюларди гўё.

Хоним кетар чогида дарвишга бир олтин танга узатди, лекин жуда кам ҳақ бердим, деб ташвишланди ва қайтиб бориб яна бир — йўқ, икки, уч олтин танга бергиси, ёки бўлмаса, ҳамманинг кўз ўнгидаги бахшининг тарашадек қўлларини ўпид олгиси келди. Хонимнинг қароқлари шўр ва қайноқ кўз ёшлиар туфайли ҳали ҳам ловиллаб ёнар, аммо кўнглида шундай

түйгулар түгён урмоқда әдикі, илло, у жазирама құшы остидаги бу кенг дунёнинг барча ғаму ташвишлары қуйга солинган, күрінмас уммоннинг суронли олис шоңқини, абри найсоннинг салқину нафис таровати, қалбнинг әнг пучмоқ жойларигача кириб боришига интилағттаи беҳаловат шамолнинг ажыб қутқулари билан үнің ахсаусынан шамолнинг өзінің әңгімелілігін анықтады. Қалбнинг әнг пучмоқ жойларигача кириб боришига интилағттаи беҳаловат шамолнинг ажыб қутқулари билан үнің ахсаусынан шамолнинг өзінің әңгімелілігін анықтады.

Уәкілде инборылаб еттегі ҳайдовчи әпчиллік билан пастта ғушиді на чироктар нури олдида әғилиб, үзиншінің тәлба-тескири пустинінде худди жонзотларга үхшаб қызық ҳатты-харакаттарни бажардикі, айни шуни күтіб турған машина бирдан жонланды, овоз чиқарды да үт олиб титрай бошлады. Жапоб эса хонимнинің улонға чиқишиңға күмаклашиб, уннинг тиззазарини қалған жүн рүмөл билан ўраб қўйди ва ёнгинасига жойланыпди, аёл фаромуш ҳолатда унга раҳмат айтди... Автомобиль силлиқ йўл бўйлаб гоҳ пастта әнади, гоҳ нур устунлари билан қандайдир буталарга таянганча юқорига ўрлайди ва барчасини ортда қолдириб, тун қаърида кутаётган янги қияликлар ва дўнгликлар сарри интилади... Юксакларда, ҳайбатли тог чўққилари осмон этаги билан туташган сарҳадлардаги сийрак булатлар орасида юлдузлар милт-милт ёнади, йўлнинг олис адогида қирғоққа урилаётган тўлқинлар кўпиги оғушида кўрғазнинг қайрости оқарыб кўринади, шамол меҳр ва шаҳд билан юзларни шаппатилайди...

“Воҳ, садқангман, Темурхон!” дея янграйди құшиқ, сендей аҳдли зот қани, сендей шаҳдли зот қани,

сендай бахтли зот қани?! Ҷақноқ кўз, чайир, чаққон, хушкелбат ва паҳлавон, Жаброилдек фаришта, Сулаймоншоҳдек саришта! Бошда тожингга безак — жаннатнинг мевалари. Етти рангли камалак мисоли жигалари. Бир бор ўпмоққа маҳтал қўлларинг узукларин — оламнинг не-не гўзал қўзлари сузуклари. Аммо, дунёйи дуннинг шоҳқадаҳин тўнкариб, дарвиш бўлдинг бир куни, чанг кўчаларда гарид. Воҳ, садқангман, Темурхон! Мискин гадоларга сен:

“Қалбимда тўла армон, сугуриб олинг!”, — дейсан.

Асрларнинг гардлари қўнади мозорингга. Даврларга дош берган мақбаранг деворида, гумбазнинг оқ ва мовий нақшига баҳс қилгандек, очилиб турар қийғос бир тўп ўжар наъматак. Ҳар баҳор наъматакда шаън гуллар пайдо бўлар. Ҳар баҳор бу гулларга булбуллар шайдо бўлар...

Во-оо-оҳ, садқанг бўлай, Темурхон! Шонли замонинг қани? Кўксингда кетди армон — дардга дармонинг қани? Бу дунёнинг бисотин бир пулга олмай, отиб; бедилларни уйготиб кетдинг, карвонинг қани?

Тоглар ортда қолди, чекинди, катта йўл бўйлаб энди уммон чопиб бормоқда, урҳо шовқин солиб ва қисқичбақаю балиқлар бўйини таратиб, қиргоқнинг оқ қумлари узра ҳаллослаб югурмоқда. Олис-олисларда, қоронгу ва собит маъволарда гулхан чўглари янглиг алвон-кумуш чироқлар йилтиллайди, узоқларда шаҳарнинг қирмиз шуъласи ярқирайди, шу ял-ял уфқ ва денгиз кўрфази узра ёпилган тун кўрпаси қурумдек қоп-қора, айни вақтда бирам юмшоқ туюлади одамга.

Париж, 1921 йил

ОЙДИН КЕЧАДА¹

Бу тушмиди ёки менга рўё бўлиб кўриндими?

Кузнинг мунгли тўлин ойи анчадан бери кўкда сувиб юргандай, кун давомидаги майда ташвишлар ва ғлон-яшиқлардан ором оладиган вақт киргандай туолди менга. Менимча, бутун Париж, ҳатто энг чеккадаги гариб кулбалар ҳам уйқуга чўмган эди. Узоқ ухладим, уйқу мени жуда секин тарқ этди. У худди ўз ишини қойилмақом баҳаргачгина кетадиган куйинчак дўхтирга ўшарди. Бундай табиб бемор согайиб, кўксини тўлдириб нафас олгачгина, кўзларини очиб, ҳаётга қайтиш қуонгич билан кулиб қарагачгина, хотиржам бўлади. Уйқудан уйғонганимда сокин ва ойдин тун чўккан эди.

Бешинчи қаватдаги хонамда сассиз қадам ташлаб, деразалардан бирининг ёнига келдим. Гира-шира ёришиб турган кенг хонага қўз ташладим, сўнг деразанинг устки ойнасидан ойга тикилдим. У мени ўз нурларига чумдирди, мен эса унинг юзига узоқ термулиб турдим. Ёгдулар парда тўрлари орасидан ўтиб, хонадаги қоронгиликни бир оз тарқатар эди. Бу томондан ой кўринмасди. Лекин тўртала ойна ҳам, уларнинг ён-атрофидаги нарсалар ҳам ёришиб турарди. Ёгду оқишмовий ва оқиш-кумушранг дераза раҳлари ёнидан ўтар, уларнинг қийшиқ ва қулранг соялари эса хиёл ёришиб турган курси ва ўриндиқларга ўзини ташла-

¹ Ориф Толиб таржимаси.

Ориф Толиб — 1987 йили Фарғона вилоятида туғилган. 2009 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳозир “Ёшлик” журналида маъсул котиб бўлиб ишлайди. Шеър ва ҳиқоялари турии тўпламларда, даврий нашрларга эълон қилинган. “Учрашув” номли шеърий китоби 2011 йили “Адиб” нашриётида чоп этилган.

ган эди. Энг чекка дераза ёнидаги курсида мен севган аёл ўтиарди. Кўйлаги қизчаларникидай оппоқ, юзи рангпар ва чиройли эди. У ҳозир иккаламиз бошдан кечирган ва бизни кўпинча ғазабга миндириб, муросасиз душманларга айлантирадиган жамики нарсалардан толиқиб ўтиарди.

Бу кеча унинг ҳам уйқуси қочган. Нега?

Аёлимга қараашдан қочдим, ёнига бордим-да, дераза токчасига ўрнашдим... Ҳа, вақт алламаҳал бўлган — қаршимиздаги беш қаватли уйнинг бутун девори зимзиё. Деразалари худди сўқир кўзга ўхшайди. Пастга қарадим — кўчанинг тор ва чуқур йўлаги ҳам қоронги ва кимсасиз. Бутун шаҳар шундай. Хира нур сочаётган ойгина бир томонга бир оз қийшайиб, гилдираб боряпти, аммо тутундай ёйилган булувлар орасида ҳаракатсиздай кўринади. Шаҳар бўйлаб биргина у уйгоқ кезяпти. У тўппа-тўғри менга тикилиб турибди, бир оз кемтилган ва шу сабабдан ғамгин кўринади. Булувлар унинг олдидан тутундай сузиб ўтяпти. Ой ёнида улар анча ёруг эди, эриётганга ўхшарди, нарироққа бориб анча қуюқлашди, томларнинг четига етганда эса буткул қора кийиб, зулмат бағрига сингиб кетди...

Ойдин тунни кузатмаганимга ҳам минг йил бўлганди ўзи! Ўйларим яна олис, деярли унутилган куз кечаларига йўл олди. Бундай кечаларни болалигимда, ўрта Россиянинг баланд-паст даштларида кўрганман. Парижни хаёлан тарқ этдим ва бутун Россия, юксак осмон остида ётган улкан кенгликлар бир лаҳза кўз олдимда намоён бўлди. Ана — Бойкўл денгизининг тиллодай товланиб турган сатҳи. Манави бўлса — шарққа томон ёришиб бораётган зим-зиё қарагай ўрмони, бу-

лар эса — унда-бунда үрмөнлар, ботқоқликлар, сийрак дирахтээрлар. Улардан қүйида жанубга томон бепоён далалар ва текисликлар чўзилган. Үрмөнлар орасидан юнга чақирилаб ўтган темир йўл рельслари ой нурида кучсиз ялтирайди. Йўл ёқасидаги уйқусираган турфа ранг чироқлар кўзларини пирпиратиб, ватанимга томон бирин-кетин чопиб бораётгандай. Олдимда паст-баданд далалар, уларнинг ўртасида эса — заминдорнинг ёки уйи. Нураб, тутдай тўклилай деб тургани ой нурида аниқ курниади.. Наҳотки бу болалигимда хонамга ифрасиган, усмирилгимда йўлдош бўлган ўша ой бўлса? Ноҳир у омадсан шилгимни өслаб мен билан дардлашиб турибди. Йруг тун бағрида менига овунч бўляпти...

— Нега ухламаяпсан? — аёлимнинг жураътсиз тошуни эштилди.

Қайсаrlигимиз сабаб узоқ давом этган сукунатни бириничи бўлиб у бузди, бу эса кўнглимда оғриқли бир қониқини ҳиссини ўйготди.

— Билмадим... Ўзинг-чи?

Яна узоқ жим қолдик. Ой томларга яқин келиб қолган, хонамизга ўйчан тикилиб туради.

— Кечир, — дедим унга яқинлашиб.

У жавоб бермади ва кўзларини қўллари билан беркитди.

Мен унинг қўлларини кўзларидан олдим. Еноқларига ёш думалаб тушди, киприклари ёш боланикайдай титраниб туради. Аёлимнинг қаршисига тиз чўкиб, бағрига юзимни босдим. Икковимиз ҳам сел бўлиб йигладик.

— Наҳот сен айбдор бўлсанг? — шивирлади аёлим. — Ахир ҳаммасига мен сабабчимасманми?

Аёлимнинг кўз ёш ювган юзларига шодон ва мунгли табассум ёйилди.

Мен эса иккаламиз айбдор эканимизни айтдим. Чунки иккаламиз ҳам баҳт қасамини буздик. Айни дамда биз яна бир-биримизни ўтли муҳаббат билан севардик. Бундай ҳисни бирга изтироб чеккан, бирга янглишган, шу билан бирга, ҳақиқатнинг камдан-кам учрайдиган лаҳзаларини ҳам бирга қаршилаганларгина тушиби мумкин.

Бизнинг баҳтимиизга хира тортган, мунгли ойгина гувоҳ эди...

1899 йил

ЧИПТАКОВУШ¹

Бешинчи куни эсган изгирин кўзни очиromай қўйди. Кўзни қамаштиргувчи оппоқ қор ва гира-шира илганаттандан, совуқ забтига олган хутор кулбаларидан бирида қайғу ҳукмрон эди: бу уйда мурғак бир бола оғриб ётарди. Кичкина бемор иситмаси қўтарилиб, алаҳсираганида гингшиб аллақандай қизил чиптаковуш² беришларини ёлвориб сўрарди. Муштипар она куну тун жажжи ўглининг тўшаги олдидан жилмас, қўрқув ва noctorlikdan аламини ичга сиғдиролмай аччиқ-аччиқ кўз ёш тўкарди. Нима қилса бўлади, қандай ёрдам бериш мумкин? Эр хизмат сафарида бўлса, отлар ювошмас, эплаш қийин, касалхонагача эса ўттиз чақирим йўл босиш

¹ Умид Али таржимаси.

Умид Али — 1978 йилда туғилган. Самарқанд Ҷавлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тутатган. “Дилмоҳим”, “Кукка йўл”, “Салом, ширин туйгулар” номли шеърий ва насрый тўпламлар муаллифи. “Кўнгилга сайд” сұхбатлар тўплами чоп этилган. “Аъло кайфият” журналида масъул котиб бўлиб ишлайди.

² Чиптаковуш — юпқа, тилим-тилим пўстлоқдан тўқилган оёқ кийими.

керак. Дүхтирга хабар етказилган тақдирда ҳам бундай соvuқ авжига чиқкан кунда унинг келиши даргумон...

Даҳлизда тақиллаган овоз әшитилди — Нефед келтирган бир уюм похолни полга ташлаб, ҳансираган кўйи кафтларини уҳлаб, бир-бираига ишқаб, иситар-кан, сўнг хона эшигини қия очиб, бекага юэланди:

— Хўш, бекам, аҳволи қандай? Хиёл енгиллашиб қолдими?

— Қаёда дейсан, Нефед! Аллақаёқдаги нарсаларни сўрайдими-е? Қизил чиптаковушни сўраяпти...

— Қизил чиптаковуш? Бу нима бўлдийкан?

— Ҳудо билади. Алаҳсираянти. Иситмаси тушманини. Оғани маҳон бўлиб ұтиби, болам бечора.

Нефед телнак бостирилган бошини иргаб, ўйга ботди. Телнак, соқол, эски почапустини, қийшайган пиймалар... қор остида қолган, муз қотган... Туйқус ўзкарлиги тутди йигитнини:

— Тағқчани сўраяптими, кўнгли шу нарсани хоҳлајитими, демак топиш керак, топиш.

— Қаерда экан бу зормонда?

— Новосёлкага бориш керак. Растанда бордир. Қизили топилмаса ҳам фуксин билан бўяймиз.

— Ҳудо хайрингни берсин, Новосёлкагача олти чақиримлик йўл-ку? Бу изгиринда юриб бўладими?

Тагин ўйга ботди Нефед, аммо зум ўтмай тилга кирди.

— Ҳечқиси йўқ, бораман. Чиқмаган жондан умид, яёв борсам ҳам зарар килмайди. Шамолга терс туриб бораман.

Нефед эшикни қия очиқ қолдирганча чиқиб кетди. Ошхонада бир сўз ҳам қотмай, чакмонни кийидида, устидан калтапўстинни әгнига илиб, белини оҳори

кетган белбог билан гир айлантириб маҳкам сикди. Сўнг қўлига қамчини олиб эшикка чиқди. Қор уюмларини гарч-ғурч босганча ҳовли оша дарвозага етди ва мисоли қутураётган чўл денгизига рўбарў бўлди.

Туш ўтиб, сўнг атрофга қоронги туша бошлагач, муштипар аёлнинг қўнглига хавотир оралади — Невед бу маҳалгача қайтмаганди. “Етиб олган бўлса, тунаш учун қўноққа қолгандир”, — дея ўзини овуди. Неча кунларга чўзиладиган бундай совуқ ҳавода уйга қайтишга ҳам эринасан киши. Эртага тушликкача кутиш керак. Хизматкорнинг уйда йўқлиги аёлнинг қўнглига баттар ваҳм солар, тун тобора қўрқинчли туйиларди. Бутун уйни мана шу хавф-хавотир чулгаб олганди: зим-зимистонда, қўзни очирмайдиган бўронли қорда шўрлик не аҳволда қолди экан?

Мойчироқ олови ловуллаб ёнар, титраб-қўтарилиб ёлқин таратарди. Муштипар она уни олиб полга, кроватдан сал нарига қўйди. Болакай қилт этмай ётар, шуълада унинг сояси девор бўйлаб қўтарилиб, ҳайбатли тус олар, олов ҳар титраганда соя ҳам шунга монанад нари бориб, бери келарди. Бемор ҳуш-бешуш қўнгил истаги тинчлик бермаётган нарсани талаб қилишдан тўхтамасди. Баъзан аччиқ қўз ёшларини оқизиб, ёлворишга ҳам тушарди:

— Ойижон, бера қолинг! Жон ойижон, чиптаковушимни беринг!

Бу дам онаизор тиззаларини ерга ташлаб, кўксини муштлай кетарди:

— Эй, Худо, ёрдам бер! Ўзинг қутқар!

Ниҳоят, тун ариб, тонг оқаргач, дераза ортида гала-ғовур эшитилди. Бека бу изғирин товуши әмаслигига, одамлар овози келаётганига амин бўлди. Кейин кимдир деразани бетоқатларча тиқиллатди.

Беканинг ҳовлисига шошиб кириб келганлар новосельсклик әркаклар әди. Улар Нефеднинг буткул музлаб тарашадай қотган, оппоқ, жонсиз жасадини күтариб келишганди. Улар шаҳардан қайтишаётганда адашиб қолиб, туни билан изғишиганды. Сал нарида даҳшатли қорга ботиб тарракдай қотган отга йўликишибди. Бу аянчли манзарадан ичларига қўркув тушиб, “Энди барчамиз шу ерда ўлиб кетамиз” деб умидлари сўнганида учи кўриниб турған пиймани кўриб қолишибди. Корни титиб, пийма кийган одамни қор уюмидан тортиб чиқаришса, у жуда таниш одам чиқибди, аммо баҳтга қарши танада жондан асар қолмаган экан. Ўтлоқ хуторга қарашли эканига ишонч ҳосил қилган новосельсклик йўловчилар нажот топилганидан мамнун бўлишибди-ю, аммо бошқа тарафдан кўнгилларини қайғу қамраб олибди. Улар жасадни даст кутариб, беканинг кулбаси томон юришибди.

Дарвоқе, Нефеднинг қўйнида янги чиптаковуши ва фуксин бўёғи солинган шиша ҳам бор экан.

1924 йил 22 июнь

КОРНЕТ ЕЛАГИН ИШИ¹

I

Бу иншадаҳшатли бўлинш билан бирга галати ва жумбоқали, қаллананинг учини топиб бўлмайдигандек кўриниарди. Бир томондан, у жудайм оддийдек кўрин-

¹ Дилядорхон Алиева таржимаси.

Дилядорхон Алиева — Тонкеттга шахрида туғилган. Филолог ва таржимон. 2015 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Ҳозирги вактда “Жаҳон адабиёти” журналида фаолият юритмоқда.

са, иккинчи томондан — жуда мураккаб эди, бизнинг шаҳар тили билан айтганда, худди тутуруқсиз романларга ўхшарди, айни дамда эса унда чуқур маъноли бадиий асар ёзса бўладиган бир нимадир бор эди... Нима бўлганда ҳам ҳимоячи судда ҳақ гапни айтди.

— Бу ишда, — деди у гап бошлаб, — бу ерда худди мен билан айбловчи ўртасида ҳеч қандай баҳсга ўрин йўқдек туюлиши мумкин: ахир айланувчи ўз айбини бўйнига олди, унинг жинояти ва иззат-нафси ҳақорат қилинган қурбонининг шахсияти каби ўзининг шахсияти ҳам бу залда ўтирганларнинг кўпчилигига ҳар ҳолда эриш ва аҳамиятсиздек туюлар. Бу фақат ташқаридан шундай кўринади холос, аслида ундаи эмас: баҳс ва мунозараларга сабаблар ошиб-тошиб ётибди...

У сўзида давом этиб, деди:

— Айтайлик, менинг мақсадим — судланувчига шафқат кўрсатишга эришиш. Шунда кўп гапга ҳожат қолмасди. Қонун чиқарувчи шунга ўхшаш ҳолларда суд нимага амал қилиб иш кўриши кераклигини кўрсатмаган, у бундай пайтларда кўпроқ ақл-Фаросатга, виждонга ва зийракликка кенг имконият берган ва биз шу имкониятдан фойдаланиб, жиноятчига жазо бериш учун қонуннинг у ёки бу бандини танлашимиз керак бўларди. Мен ўша ақл-Фаросат, виждон, зийракликни ишга солиб, шу орқали уларга таъсир ўтказиб, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи бор яхши сифатларини юзага чиқаришга ва шу орқали суднинг унга муносабатини ўзгартиришга астойдил ҳаракат қилардим, ахир у бир гапда маҳкам туриб олган: мен буни атайлаб қилганим йўқ, деяпти. Судланувчини оз эмас, кўп эмас, нақ “одамхўр бўри”га чиқарилган бундай

на иягтда айбловчи билан баҳслашишдан ўзимни қандай қилиб тия олишим мумкин, ахир? Ҳар бир ишни ҳар ким ўзича тушунади, уни ҳар ким ё ундаи, ё бундай тарзда ёритиши, ўзига хос у ёки бу тарзда тақдим этиши мумкин. Мана бу ишда ҳозир биз нимани куриб турибмиз? Назаримда, йўқ нарсани, кўриб турибмиш, айбловчи билан ҳамжиҳатликда ёритиб бера оладиган на биронга қарашимиз ва на биронта тафсилот йўқки, дайраг: “Ҳа, шундай!” ёки “Йўқ, бундай ёмас!” дей олсан — қаекда, мен чурқ эта олмаяпман. Аммо ҳамидидан муҳими шундаки, ишнинг маънодошти “ундай бўлмаган”га олиб келаяпти...

Бу ишнинг ўзи бошланиши ваҳимали эди.

Утган йилнинг 19 июнь куни. Эрта тонг, соат бешолтилар чамаси бўлишига қарамай, лейб-гвардия полканинг ротмистри Лихарев иш хонасида аллақачон тонг отиб улгурган, шаҳар ҳавоси ёз қуёшидан дим на қуруқ эди. Ротмистрнинг уйи шаҳар ташқарисида гусар қазармаларининг биридаги корпусда жойлашгани учун ҳам атрофда ҳали жимжитлик ҳукм сурарди. Атрофдаги бу сокинлик ва ўзининг навқирон ёшидан фойдаланган ротмистр қаттиқ уйқуда эди. Стол устида ликёрдан бўшаган шишалар, охиригача ичilmай қолган қаҳва идишлари турарди. Кўшни хонадаги меҳмонхонада эса бошқа зобит — штаб-ротмистри граф Кошиц, ундан нарироқдаги иш хонасида корнет Севский ухлаб ётишарди. Эрта тонг одатдагидек, жўнгина бошланди, худди шундай жўн кунларда галати воқеалар содир бўлганидек, 19 июннинг ана шундай эрта тонгларидан бирида ротмистр Лихаревнинг уйида тўсатдан ақлга сигмайдиган, ҳайратланарли бир

воқеа бўлди. Кутимаганда эшик қўнгироғи чалиниб, хизматдаги аскарнинг оёқяланг оҳиста ва енгил юриб, эшик томон боргани эшитилди, сўнг ташқаридан кимдир атайлаб баланд овозда ўкирди:

— Уйда ким бор?

Эшикни ланг очди-да, меҳмон ошхонага этиги билан гурс-гурс босиб, шпорларини шарақлатиб шовқин солиб бостириб кирди. Ротмистр бошини кўтариб, уйқули кўзлари билан ҳайрон қараб турарди: рўпарасида полқдош дўсти корнет Елагин турарди, у жиккак, озгиндан келган, соchlариmall, сепкил юзли, қийшиқ оёқлари ўзига мос, нимжон, эгнида буни у ҳар доим ўзининг энг “ожиз” томони деб қайта-қайта такрорлашни хуш кўрадиган башанг уст-бошда эди. У ёзги шинелини тез ечиб, уни стулга ташлади-да, баланд овозда: “Мана сизларга менинг погонларим!” — деди. Сўнг девор рўпарасидаги диванга келиб чўзилди ва қўлини боши орқасига қўйди.

— Тўхта, тўхта, — деди мингирилаб ротмистр лўқ кўзларини ундан узмай, — қаердан келяяпсан, сенга нима бўлган ўзи?

— Мен Маняни ўлдирдим, — деди Елагин.

— Мастмисан? Қанақа Маня? — деди ротмистр.

— Мария Иосифовна Сосновская деган артистни.

Ротмистр оёгини дивандан туширди:

— Нима, ҳазиллашяпсанми?

— Афсуски, йўқ, балки бу яхшиликкадир, балки ёмонликка.

— Ким у? Яна нима бўлди? — қичқирди граф меҳмонхонадан туриб.

Елагин чўзилди-да, оёғи билан әшикни енгил төпид, ланг очиб юборди.

— Бўкирма, — деди у. — Бу мен, Елагинман. Мен Манияни отиб қўйдим.

— Нима? — деди граф ва бир лаҳза индамай турди-да, бирдан хахолаб кулиб юборди. — Мана, гап қаерда! — бақирди у қувноқлик билан. — Жин урдин сени, бу гал узрингни қабул қиласиз. Яхшиямки уйғотдинг, бўлмаса яна ухлаб қолган бўлардик, кечаша соат учгача роса кўигилхушлик қилибмиз.

— Ўн сўнум, уни ўлдирадим, — қатъий туриб тақрилди Елагин.

Алдаясан, укажон, алдаяпсан! — деди мезбон ҳам пайтогини кия туриб баланд овозда. — Мен бўлса ростданам бир тап бўлибди-да, деб, ваҳимага тушшетсан эдим... Ефрем, чой қани!

Елагин шиммининг чўнтағига қўлини суқиб, ундан унча катта бўлмаган бир калитни олди ва уни елкаси она столга улоқтириб, деди:

— Боринг, ишонмасангиз ўзингиз кўринг...

Судда прокурор Елагин воқеасини ташкил этган сурбетлик, ҳаёсизлик ва шунга ўхшаш баъзи даҳшатли манзаралар ҳақида кўп гапириб, асосий эътиборни қўпроқ шу томонга қаратишга уринарди. Ўшатонг ротмистр Лихарев фақат дастлабки дақиқаларданга ўзи айтганидек, ҳеч қандай “ғайритабиийлик”ни, Елагиннинг оқариб кетган юзи, кўзларида ҳеч бир “ваҳшийлик”ни пайқамаганини, сўнгра эса “унданам-бунданам ҳайратдан ёқа ушлаганини” эсдан чиқарганди...

II

Шундай қилиб, ўтган йилнинг 19 июнь эрта тонгигда мана бундай воқеа юз берганди.

Граф Кошиц ва корнет Севский ярим соат ичидаги Сосновская яшаган уйнинг йўлаги олдида ҳозир бўлдилар. Энди кўнгилга ҳазил сигмасди.

Аравакашни учирив ҳайдашга мажбур қилишди, етиб келгач, аравадан отилиб чиқиб, шоша-пиша калитни қулф тешигига суқа бошлашди, қўнгироқни ҳам зўр бериб босишиди, лекин калит эшикка тушмади, уйнинг ичидан ҳам ҳеч қандай садо эшитилмади. Тоқатлари тоқ бўлиб, шошиб ташқарига чиқишида, қоровулни излай кетишиди. Қоровул орқа йўлакдан чопиб ошхона томонга ўтди, қайтиб келиб, оқсоч хотиннинг айтишига қараганда, Сосновская уйида тунамаганини — қўлига қандайдир ўроғлиқ нарсани кўтариб, кечқурун чиқиб кетганини айтди. Граф ва корнет ҳайрон бўлиб қолишиди: энди нима қилишади? Ўйлаб-ўйлаб, елка қисганча қоровулни ҳам ўзлари билан бирга олиб, қисмга жўнадилар. Қисмдан туриб ротмистр Лихаревга қўнгироқ қилишди. Ротмистр телефондан бақириб берди:

— Бу тентакнинг дастидан дод солишга ҳам тайёрман, у Сосновская турадиган уйга эмас, улар учрашиб турадиган ишратхонага боришлирини айтиши керак эди: Староград кўчаси, ўн тўрт. Эшитяпсизми? Староград кўчаси, ўн тўрт. Худди Париж ишратхоналарига ўхшаб тўгри кўчадан кирилади...

Улар Староград кўчаси томонга жадал кетишиди.

Қоровул извошли ўрнига ўтири, ўзини вазмин, эркин тутган ҳолда даҳа назоратчиси офицерларнинг рўпарасига чўқди. Ҳаво иссиқ, кўчалар сершовқин, одамга тўла, шундай офтоб чарақлаган, ҳаёт қайнаган бир тонгда қаердадир одам ўлиб ётганига ишонгинг келмасди. Наҳотки йигирма икки ёшли Саша Елагининг қўли бордийкин? Уни нима сабабдан ўлдириди? Қандай ўлдириди? Ҳеч нимани англаб бўлмасди, саволларнинг ҳаммаси жавобсиз қоларди.

Староград кўчасидаги икки қаватли, эски файэсиз уй инга колиб тўхтаганиларида, уларнинг айтишларича, “бутунлай руҳларин тушиб кетганди”. Наҳотки бу иш шу ерда содир бўлган бўлса? Наҳотки буларни кўриши шарт бўлса? Шундай дейсан-у, кўрмаса бўлмасди ҳам. Бироқ даҳа назоратчиси бирдан сергакланди, ўзини тетик ва бардам тута бошлади.

— Калитни беринг-чи, — деди у қуруқ ва қатъий оҳангда. Зобитлар қоровулларга хос ҳадик билан калитни унга тутишди.

Ўйнинг ўртасида дарвоза бор эди, дарвоза ортида ёлгиз дарахт ўсиб турган чоққина ҳовли, тўқ-кулрангдаги тошли девор олдида дарахт янада яшилроқ бўлиб кўзга ташланарди. Дарвозадан ўнг томонда тўғри кучага чиқадиган, ҳалиги сирли эшик бўлиб, энди уни очини керак эди. Даҳа назоратчиси қовогини уйганча калитни қулфга соглан эди, эшик очилди-қолди ва граф билан корнет қандайдир қоп-қоронги ўйлакка ўхшаш бир нимани кўрдилар. Назоратчи ёритгични қаердан излаш кераклигини билгандек, қўлини олдинга чўзди-да, деворга шап этиб урди, тор ва ху-

виллаган хона бирдан ёришиб кетди. Хона ўртасида иккита оромкурси, унинг ўртасида столча, столча усттида эса товуқ гүшти, мева қолдиқлари билан тұла ликопчалар бор әди.

Бундан ҳам даҳшатлироги ҳали олдинда әди. Йўлакнинг ўнг томонида қўшни хонага ўтиладиган йўл бўлиб, у хона ҳам қоп-қоронги әди, шифтига қора шойи соябон тортилган, тагидан эса сопол фонус ўрнатилган бўлиб, худди гўрни ёритгандек ёритиб турарди. Хона деворларининг тепасидан пастигача қандайдир қора мато қопланган бўлиб, ҳамма ёги берк, деразасиз әди. Бу ерда ҳам тўрда катта, пастқам турк дивани бўлиб, унда ички кўйлакда кўзлари ва лаби ярим очиқ, оёқлари бир оз керилган, юзлари оқарган, тенги йўқ, ёшгина соҳибжамол чўэилиб ётарди.

Кирганлар таққа тўхтаб, қўрқув ва ҳайратдан бир зум қотиб қолишли.

III

Марҳуманинг ноёб ҳусн әгаси бўлишига сабаб, у ўз ноёблиги билан, масалан, нуқсонсиз аёлларни тасвирлайдиган замонавий рассомлар ўзларига қўядиган талабларни қондира оларди. Бу ерда лузумли ҳамма нарса муҳайё әди: сарвдек қадди-қомат, тонг каби тиниқ бадан, ихчам, нуқсонсиз силлиқ оёқлар, болаларникiday маъсум ва жозибали лаблар, бежирим, мукаммал юз-андом, заррин соchlар... Энди буларнинг ҳаммаси жонсиз әди, барчаси тошдай қотиб, тузи ўчиб, бу гўзаллик марҳумани борган сари баттар

Күркінчли қилиб борарди. Соч турмаклари шундай сақланғандыки, шу алфозда ҳам бемалол балга кириб борса бұлаверарди. Боши диваннинг күтарилган ғидорига қўйилган, сал-пал қўқрагига тегиб турган ишни, унинг ярим очиқ кўзлари ва бутун чеҳрасига қандайдир ўйчанлик ва ҳайрат багишларди. Шифт тағидаги марҳума уэра қанотларини кенг ёйиб турган қандайдир йиртқич қушга ўхшаш қора соябон тубига белгемиқ шина чироқ буларнинг барчасини гира-шира ериттиб турарди.

Худумас, бу манзарани кўрган даҳа назоратчиси кам дони қотиб қолди. Сунг бу ишни батафсилоқ үрганини мақсадида, ҳаммалари чўчибгина унга яқинлаштылар.

Марҳуманинг нағис ялангоч қўллари бўйи бараварида тўғри, текис чўзилиб ғтарди. Кўкрагида, кўйлагинин жимжимадор тўрида Елагинга тегишли бўлган искита ташриф қоғози, ерда эса ялангоч оёқчаларга иисбатан гоятда қўпол туюлиб турган гусарлар қиличи ғтарди. Граф бемаъни хаёлга бориб, уни сопидан чиқариб қон излари бор-йўқлигини билмоқчи бўлди. Даҳа назоратчиси уни бу ноқонуний ҳаракатдан тўхтатиб қолди.

— Ҳа, албатта, албатта, — шивирлаб мингиради граф, — тўғри, ҳали ҳеч нимага тегиши мумкин эмас. Мени ҳайрон қолдирадигани шуки, ҳеч қаерда ҳеч қандай қонни, бирон-бир жиноят изини кўрмаяпман. Афтидан заҳарланиш бўлса кераг-ов?

— Сабр қилинг, — деди насиҳатомуз оҳангда даҳа назоратчиси, — терговчи ва докторни кутайлик. Лекин, заҳарланишга ҳам ўхшаб кетаяпти...

Заҳарланган бўлиши аниққа ўхшайди. Ҳеч қаерда — на ерда, на диванда, на баданда, на мархуманинг тунги кўйлагида қондан асар йўқ эди. Диван ёнидаги оромкурсида аёллар панталони, тунги кўйлак, уларнинг тагида эса садафдек товланиб турган мовий ранг кўйлак, яхшигина тўқ-кулранг матодан юбка ва кулранг шойи манто¹. Буларнинг ҳаммаси диванда тартибсиз сочилиб ётса-да, лекин биронтаси ҳам бир томчи қон билан булғанмаганди. Диван тепасидаги токчадан топилган бўш шампан идишлари ва пукаклар, шам қолдиқлари, соч тўғнағичлари, ёзиб, йиртиб ташланган қогоз парчалари, ёрлигига “Op. Pulv” деган қоп-қора ваҳимали ёзувли шиша идиш ҳам заҳарланиш бўлса керак, деган фикрни тасдиқлаб туради.

Даҳа назоратчиси, граф ва корнет бирлари олиб, бирлари қўйиб навбатма-навбат ёрлиқдаги ёзувни ўқиб турганларида кўчадан экипажнинг шовқини эшитилди: доктор билан терговчи етиб келганди. Бир неча дақиқадан сўнг Елагиннинг гаплари ҳақиқат бўлиб чиқди. Сосновская чиндан ҳам револьвердан отиб ўлдирилганди. Кўйлакдан қон доглари топилмади. Аммо кўйлакнинг тагида, юрак атрофида кўкиштоб қонталаш додни топишиди. Доднинг ўртасида четлари куйган, думалоқланган рўмолча билан ёпилгани учун ҳеч бир жойни булгамаган қоп-қора қон томчилаб турган жароҳат кўриниб туради.

Шифокорлар текшируви яна нимага аниқлик кирилди? Кўп нарсаға эмас: мархуманинг ўнг ўпкасида сил хасталигидан қолган излар бор; яқиндан туриб отилгани учун ўлим бир лаҳзанинг ўзида содир бўл-

¹ Манто — аёллар мўйна пальтоси, шуба.

тан; шу алфозда ҳам марҳума битта-яримта сўз айтиши мумкин бўлган; қотил ва унинг қурбони ўртасида ҳеч қандай кураш бўлмаган; у шампан виносини ичиб, кетидан унча қўп бўлмаган афъюнни портерга (заҳарланишга озлик қиласади) қўшиб ичган ва ниҳоят, уни бу машъум кечада эришгани бир эркак билан қовушгани бўлган...

Бу эркак нимага, нима сабабдан аёлни ўлдириди? Елагиннинг бу саволга жавоби битта эди: уларнинг ҳар иккиси — у ва Сосновская — “фожиали аҳволда” әдилар, улар бу аҳволдан қутулишнинг ўлимдан бошқа чорасини кўрмаганлар, Сосновскаяни ўлдириб, Елагин унинг буйргуини адо этган, холос. Марҳуманинг ўлими олдидан ёзган хатлари эса буларнинг барчасини инкор этарди. Унинг кўйлаги кўкрагидан Елагинга тегишли бўлган, марҳуманинг ўз қўллари билан поляк тилида (айтиш керакки, саводсизларча) ёзилавериб, тўлиб, титилиб кетган ташриф қозозини топишиди. Шулардан бирида бундай сўзлар ёзилган эди:

— Театр бошқаруви раиси генерал Коновницинга! Дўстим! Бир неча йиллик олийжаноб дўстлик учун сендан миннатдорман... Сенга сўнгти саломимни ўллай туриб, менинг охирги чиқишларимдан тушган пулнинг ҳаммасини онамга бериб қўйишингни илтимос қиласдим...

Бошқасида:

— Бу одам мени ўлдириб, тўғри иш қилди... Бахтсиз, бечора она! Ўз хоҳишим билан ўлмаганим боис мени афв этишингизни сўрадим... Она! Биз қўришамиз... у ерда, арши аълода... Сезаяпман — бу охирги дамим...

Сосновская шунга ўхшаш ташриф қоғозларига ўзининг ўлими олдидан битган бошқа мактубларини ҳам ёзиб қолдирган. Улар токчада майды-майды йиртилган ҳолда ётарди. Уларни йигиб, елимлаб қуийдагиларни ўқишиди:

— Бу одам менинг ва ўзининг ажалини талаб қиляпти... Бу ердан тирик чиқишга умид йўқ...

— Хуллас, менинг куним битди... Худойим мени ёлғиз қолдирма... Мен сўнгти хаёлимни — онамга ва муқаддас санъатга багишлайман...

— Охири йўқ, тубсиэлик! Бу одам менинг тақ... Мени қутқар, Худойим, ўзинг мадад бер...

Ва ниҳоят, энг сирлиси:

— Quand meme pour toujours...¹.

Барча мактублар — марҳума ёнидан топилганлари ҳам, токчада парчаланган ҳолда ётганлари ҳам гўё Елагиннинг сўзларига бутунлай зид эди. Лекин, ҳамма гап ўша “гўё”да эди. Елагиннинг тақдирини ҳал қилювчи ўша Сосновскаянинг ёнидан топилган “Мен ўз хоҳишим билан ўлмаяпман”, деган сўзлари ёзилган ташриф қогози йиртилиб ташланса бўлмасмиди? Елагин хатларни йиртиб ташламагангина эмас, балки ўзи билан олиб кетмаган ҳам эди, аксинча, ўз қўли билан (буни яна бошқа ким ҳам қиласди?) энг қўринарли ерга қўйиб қўйган. Шошиб қолганидан уларни йиртмагандир. Бундай пайтда йиртишни эсдан чиқарган бўлиши мумкинди. Минг шошмасин, ўзи учун хатарли бўлган бундай мактубни у қандай қилиб марҳуманинг кўкрагига солиб қўйисин? У ўзи, умуман шошиб қолганмикан? Асло, у марҳуманинг у ёқ-бу

¹ Энди, алвидо... (франц.)

Өгүнин тартибга келтирган, устини қўйлак билан ёпган, ярасига шунчайин рўмолча бостириб қўйган-да, ўзини ҳам тартибга келтирган... Йўқ, бу ерда прокурор ҳақ: буларни шошганда қилиб бўлмасди.

IV

Прокурор шундай деди:

— Жиноятчилар икки хил бўлади. Биринчиси, тасодифийлар бўлиб, улар жиноятни газаб ва нафрат устида, ишлари ўнгидан келмай қолган вақтда содир етади, бу илмий тилда “оний ақлсизлик” дейила-ди. Иккинчиси, содир этаётган жиноятини олдиндан ўйлаб, ёмон ниятда қасдан содир этади: булар тугма жиноятчилар бўлиб, жамиятнинг, жамоат тартибининг душманлари, яъни “одамхўр жиноятчи”лардир. Биз судланувчи курсисида ўтирган одамни бу тоифалар-нинг қайси бирига киритсак бўлади? Албатта, ик-кинчисига. У, шубҳасиз, тажрибали жиноятчи, у жиноят содир этди, чунки у ялло қилиб юриб, ахлоқсиз ва бебош яшашдан қутуриб кетганди...

Бу тантанали нутқ (Елагин тўғрисида шаҳримизнинг умумий фикрини ифода этган бўлса-да) фавқулодда галати эди. Елагин судда юзини қўли билан одамлардан пана қилиб, тирсагига суюниб ўтироди ва саволларга қисқа-қисқа, гижинибгина, маъюс жавоб бериб турди. Бир томондан прокурор ҳақ эди: судланувчи ўрнида ўтирган унақа-бунақа жиноятчи эмас, у ҳатто “оний ақлсизлик”дан ҳам лат емаган.

Прокурор ўртага иккита савол ташлади: биринчидан, ўзи жиноят жазавада, яъни ҳаяжонда содир

Этилмаганмикан, иккинчидан, у ихтиёрсиз равища қотилликка ҳамкор бўлмаганмикан, — деди ва ҳар иккала саволга ҳам ўзи тўла ишонч билан: йўқ, асло, — дея жавоб қайтарди.

— Йўқ, — деди у биринчи саволга жавоб бера туриб, — ҳеч қандай жазава тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, негаки, жазава ҳолати бир неча соатга чўзилмайди. Елагин нимадан ҳам жазавага тушарди?

Охиригина масалани ҳал қилиш учун прокурор ўзига жуда кўп савол берди ва шу ондаёқ уларни рад этиб, масхараомуз кулиб қўйди-да, деди:

— Уша машъум кунда Елагин одатдагидан кўпроқ ичмаганмикин? Йўқ, у ўзи кўп ичади, лекин ўша куни ичмаган.

— Унинг саломатлиги жойида бўлганми ё йўқми? Уни текширувдан ўтказган шифокорларнинг фикрига қўшиламан: у соглом; лекин ўзини тийишни мутлақо билмайди.

— Агар у ҳақиқатан ҳам ўша аёлни севган бўлса, унда жазава севган аёли билан эр-хотин бўлолмаслиги туфайли келиб чиқмадимикин? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас: чунки судланувчи унга ғамхўрлик қилмаган, бирга бўлиш учун бирор-бир қатъий чора ҳам кўрмаган.

Бундан кейин:

— Балки Сосновскаянинг чет элга кетиши уни шу кўйга солгандир? Йўқ, аёлнинг жўнаб кетишини у аввалдан билганди.

— Балки Сосновскаянинг чет элга жўнаши туфайли алоқаларига дарз кетгандир? Бундай ҳам эмас, чунки алоқаларининг узилиши ҳақида бу кечадан аввал

ҳам күн маротаба гаплашилган. Агар шундай бўлмаса, унда нима ахир? Нима, унда ўлим тўғрисида гаплашишганми? Хонадаги галати ҳолат, шайтон васвасаси, умуман, ўша вужудни ўртагувчи “қора” тундек унга азоб берармиди? Ўлим ҳақидаги гап-сўзлар Елагин учун янгилик бўлолмасди: бундай миш-мишлар ўзи ва маъшуқаси ўртасида тўхтовсиз бўлиб, кўнгилга ҳам урганди. Шайтон васвасаси тўғрисида сўз очишнинг ўзи кулгили. Уни гоятда завқсиз нарсалар: кундалик кечки овқат, ундан қолган қолдиқлару бўшаган шишалар, ҳатто афв этасизу, тунги ҳожатбарор идишлар ҳам батамом тийиб қўйганди.

Елагин еган, ичган, ҳожатхонага борган, гоҳ вино деб, гоҳ қаламтарош деб бошқа хоналарга ҳам чикқан...

Прокурор шундай ҳолоса ясади:

— Бунгача Елагин қотиллик содир этганмиди, агар бу марҳума хоҳишига кўра ижро этилгани инобатга олинса, баҳсни чўзишга ҳожат ҳам қолмайди. Елагин Сосновская ўзини ўлдиришни сўраганини айтиб, унинг “Ўляяпман, лекин ўз хоҳишим билан эмас” деган мазмунда ёзилган, ўзи учун фожиали якун топган мактубини тақдим этиб, бизни асоссиз ишонтиromoқчи бўляпти.

V

Прокурор нутқидаги тафсилотларнинг кўпига эътиroz билдириш мумкин. “Судланувчи мутлақо соглом...” Лекин, касаллик билан саломатликнинг, ақл билан ақлсизликнинг меъёри қаерда? “У оила қуриш

ҳақида ўйламасди ҳам...” Ўйламаганининг боиси, авваламбор, бари беҳудалигига ишонарди; иккинчидан, наҳотки севги ва никоҳ бир-бири билан шунчалик bogлиқ бўлса? Елагин Сосновская билан никоҳдан ўтганда, умуман, ўртадаги барча фожиаларга чек қўйиб, бир ўла хотиржам бўлармиди? Ҳар қандай кучли, ҳаттоқи, умуман, унчалик оддий бўлмаган севгида ҳам қандай қилиб бўлса-да, никоҳдан бўйин товлашдек антиқа бир хусусият борлигини наҳотки ҳеч ким билмаса?

Такрор айтаман, булар тафсилот, холос. Аслида прокурор ҳақ гапни айтганди: бу жазава натижаси эмасди.

У яна шундай деди:

— Шифокорлар хulosасида Елагин, жазавадан кўра кўпроқ хотиржам бўлган, мен эса уни нафақат хотиржам бўлганини, хотиржамлиги билан ҳаммани ҳайрон қолдирганини тасдиқлайман. Биз бунга жиноят содир этилиб, сўнг тартибга келтирилган ва у ерда Елагин яна узоқ қолиб кетган хонани кўздан кечирганимиэда амин бўлдик. Сўнг Елагиннинг Староград кўчасидаги ўйдан хотиржам чиқиб, эшикни шошмай, яхшилаб қулфлаганини кўрган терговчи Ярошенко-нинг кўрсатмаси. Ва ниҳоят — Елагин хулқи ҳақида ротмистр Лихарев фикри. Масалан, Елагин корнет Севский уни “ақл-ҳушини йигиб олиши”га ишонтиromoқчи бўлиб, Сосновская ўзини ўзи отмаганми, шуни эслаб қўришини сўраганида, у нима деган? У: “Йўқ, акагинам, ҳаммаси жуда яхши эсимда!” — дея ўша заҳоти қандай отганини тасвирлаб берган. Терговчи Будбергни “Елагин ўз ёқимсизлиги билан ҳай-

рон қолдирган, яъни у иқоридан сўнг ҳам, совуқ-қонлик билан чой ичиб ўтирган”.

Терговчи Фохт эса ҳайратдан ёқа ушлади: “Жаноб штаб ротмистри, — кинояли деди Елагин, — умид қиласанки, мени бугуноқ ўқишдан озод қиласиз. — Бу шу қадар даҳшатли эдики, — деди Фохт, — корнет Севский буни қўтаролмай ҳўнграб йиглаб юборди...” Тўгри, ротмистр полк командири хузурдан унга чиқарилган буйруқни олиб келганида, Лихарев ва Фохтнинг юзидан, энг муҳими, энди у зобит эмаслигини тушунганида Елагин йиглаб юборган вақтлар ҳам бўлган. Худди шундай дамларда у ҳўнграб йиглаб юборган, — деди-да, прокурор ҳам ишни шу жойда якунлаб қўя қолди.

Албатта, сўнгти жумла янада галатироқ чиқди. Шунга ўхшаш бошга тушган мусибат сени тарашадек қотирган баҳтсиз дамларингда, тўсатдан уйғониб кетиш, ҳатто арзимас, мутлақо аҳамият касб этмаган, тасодифан кўзинг тушган бирор нарса ҳам, дабдурустдан сенга аввалги шодон ҳаётингни, умидсизликка тўла кунларингни ва шу дамдаги аҳволингнинг бор даҳшатини ёдингга солишини ким билмайди дейсиз?

Барча воқеалар Елагинга бу шунчаки, аҳамиятсиз ва тасодифий нарсалар эмаслигини эслатиб қўйди. Ахир уни тугма зобит деса бўларди — унинг ўн аждоди ҳарбий хизматчилар бўлган. Энди эса у бирдан зобит бўлмай қолди. Унинг зобит эмаслигининг сабаби фақат бу эмасди, у энди ўз ҳаётидан ортиқ кургани, чин юракдан севган аёлининг бу ёргу оламда йўқлиги учун ҳам зобит бўлмай қолганди, бундай қабиҳ ишни унинг ўзи ўз қўллари билан содир этганди.

Бироқ, бу ҳам тафсилот, холос. Энг асосийси, “оний ақлсизлик” ҳақиқатан ҳам бўлмаган. У ҳолда нима содир бўлганди? Прокурор тан олиб айтдики, “бу шубҳали ишда асосий эътиборни биринчи навбатда Елагиннинг феъл-автори муҳокамасига ва Сосновская билан ораларидаги муносабатни қандай аниқлашга қаратиш керак! Сўнг прокурор қатъий туриб деди:

— Ораларида ҳеч қандай ўхшашлик бўлмаган икки шахс топишишди...

Шундай бўлганмикан? Ҳамма гап шунда эди...

VI

Елагин ҳақида, мен, аввало шуни айтмоқчиманки, у энди йигирма икки ёшга тўлди: бу қалтис ёш, замон эса нотинч, буларнинг бари инсоннинг келажагини белгилайди.

Одатда, бундай пайтда одам, тиббиёт тили билан айтганда, балогат ёшини бошидан кечиради, ҳаётда эса бу — илк муҳабbat кўринишида бўлиб, негадир, бунга доим шоирона ва умуман олганда, гоят енгилтаклик билан қаралади. “Илк муҳабbat”га тез-тез фожиа, қайгу ҳамроҳлик қиласи, лекин мутлақо ҳеч ким бундай пайтда одамларни шунчаки ҳаяжон, азоб эмас, балки ундан хийла теран, мураккаб бир ҳиссиёт ўртаётгани ҳақида ўйламайдилар; ҳали бошга тушмаган нарсалар учун қуюнишади, балогат даврининг ваҳимаси, ўзни намоён этишнинг машақкати, илк жинсий майл. Агар мен Елагиннинг оқловчиси бўлганимда, суддан унинг ёшига айнан шу нуқтаи назардан

келиб чиқиб эътибор қаратишларини ва қаршимизда-
ги одамнинг шу маънодан келиб чиқиб, мутлақо тен-
ги йўқлигини инобатга олишларини ўтинган бўлардим.
“Навқирон зобит, эс-хушини йўқотиб, айш-ишратга
берилган”, дея прокурор кўпчилик фикрини тақорла-
ди-да, ҳақлигини исботлаш мақсадида ҳикояни бошқа
бир гувоҳ — артист Лисовскийга ошириб юборди:
Елагин бир куни кундузи театрга келиб, артистлар
машқ қилишга тарқалишаётганда, уни қўриб қолган
Сосновская чаққон четга ўтди-да, Лисовскийнинг па-
насиға яшириниб: “Амаки, мени ундан пана қилинг!” —
деди. Мен уни пана қилдим, дея ҳикоясини бошлади
Лисовский, шаробга чўмилган бу зобит бирдан тўх-
тади ва гангид турган жойида оёқларини керди-да,
бақрайиб: бу Сосновская деганлари қаерга даф бўл-
ди? — деди талмовсираб.

Ҳа, айнан шундай: мияси айниган одам, лекин ни-
мадан айниган: наҳотки “бебош, бемаъни турмушдан
бўлса?”

Дейиш мумкинки, Елагин аслзода ва бой оиласдан
чиқкан. Онасидан (қарангки, у ортиқча ҳаяжонга гоят
мойил тоифадан бўлган) жуда эрта етим қолган, отаси
эса бераҳм, қаттиққўл одам бўлган. У доим шу қўр-
қув туфайли отасидан узоқлашиб туриб катта бўлган.
Прокурор аёвсизларча Елагиннинг нафақат ахлоқий,
жисмоний қиёфасини ҳам осонгина чизиб ташлади.

Кейин шундай деди:

— Шунаقا жаноблар, қаҳрамонимиз мана шундай
“кўркам” зобит либосида юрган. Энди аҳволига бир
қаранг-а. Энди уни безайдиган ҳеч вақоси қолмаган;
қаршимизда паст бўйли, букир бир йигитча,mall

мўйлови, бетайин, беэътибор боқиб турган башараси, эгнидаги қоп-қора камзули билан бир оз Отеллони ёдга солувчи одамни кўриб турибсиз. Менимча, унда насл бузилишининг ўзига хос белгилари яққол кўзга ташланиб турарди. Зеро, баъзи ҳолларда, айтайлик, отаси кўзидан нарида ўзини озод ҳис этганда, ва яна қонунни четлашга имконият туғилганда, одамлар билан муносабатда бирор-бир тўсиқ билан ҳисоблашиб ўтирамайди.

Нима ҳам дердик, қўполдан-қўпол берилган бу баҳоларнинг кўпи рост эди. Буларни эшига туриб, мен аввало бир нарсага тушунолмадим, ахир, қандай қилиб ўша машъум, ўта чалкаш бир фожиага бу тахлит юзаки ёндашиш мумкин: устига-устак, унда наслдан-наслга ўтиб келаётган белги ҳам шундайгина кўзга ташланиб турган бир пайтда, яна уни нимаси билан ажратиб олиш мумкин; иккинчидан, айтилган рўй-рост гапларда мен ҳақиқатнинг бир бўлагинигина кўра олдим, холос.

Тўгри, Елагин отасидан безиб ўсди. Лекин, бу журъатсиз дегани эмас-ку, айниқса, ота-она олдида. Устига-устак аждодлари, ота-боболари билан уни боғлаб турган мерос аталмиш риштани теран ҳис эта олиш бахтига мұяссар бўлган бундай одам учун. Ҳа, Елагин зобитга хос қўркам ташқи кўринишдан бебаҳра эди, лекин бу ҳам унинг фавқулодда қобилиятли эканидан дарак эмасми: синчиклаб бир қаранг-а, деган бўлардим мен прокурорга,mallадан келган, оёқлари ингичка, букир бу одамга, ўшандада сиз деярли қўрқув билан кичик кўзлари мовий (уни сиздан олиб қочаётган) бу сепкилли юз учун аҳамиятсиз нарсанинг ўзи йўқлигини кўрасиз. Ва яна сиз ўша бузилган

насланинг қудратига бир эътибор қилинг-а: қотиллик содир этилган кун, у эрталабдан ўқишда бўлган ва ионуштада олти қадаҳ ароқ, бир шиша шампан виноси, икки қадаҳ конъяқ ичиб, шунда ҳам мутлақо хушёрикни йўқотмаган.

VII

Кўпчиликнинг Елагин ҳақида билдирган чиркин фикрларига қарама-қарши ўлароқ, полкдош дўстлари ўз кўрсатмалари билан уни ҳимоя қилишга тайёр турардилар. Дўстлари у ҳақда фақат яхши гапларни айтишди. Масалан, эскадрон командири у ҳақда фикр билдириб бундай деди:

— Елагин полкка қадам қўйған қундан бошлаб, офицерлар орасида одоб-ахлоқи билан ўзини кўрсата олди ва доимо ўта хушфеъл, гамхўр, кичик ходимларга муносабатда ҳам одил бўлди. У феълидаги бир жиҳат — бетайнлиги билан ажralиб турарди. Лекин бунинг ҳеч кимга зарари тегмасди. Фақат унда кайфият ўзгариши, яъни қувноқ одамдан маъюсга, сергақдан индамасга, қатъиятли одамдан бирдан ўз қадрқимматига, келажагига ишонмайдиган одамга айланиб қолиши осон кечарди, холос.

Сўнг ротмистр Лихарев бундай Фикр билдири:

— Унинг галатироқ эканини айтмасак, Елагин гамхўр ва яхши дўст, камтарин ва камгап, баъзан шўх, бебош, баъзан эса завқ-шавққа тўлиб-тошиб бизни ҳайрон қолдираарди. У ёнимга келиб, Сосновскаяни ўлдирганига иқорор бўлганида, Севский билан Кошиц Староградский кўчасидаги уйга югуришди. У баъзан қўрқувдан ҳўнг-

хўнг йиглар, баъзан ёвузларча заҳархандалик билан ку-
либ қўярди. Уни қамоққа олиб кетишаётганда биздан
фуқаро кийимига қаерга буюртма беришни сўради...

Сўзни граф Кошиц давом эттироди:

— Елагин табиати тўқис одам эди. У бир вақтнинг
ўзида ҳам мулоийим, ҳам асабий, таъсиран ва завқ-
шавққа тўла одамга айланиб улгуриши мумкин эди. У
театрдан, мусиқадан ўзгача таъсиранар, бир зумда
йиглаб юбориши ҳеч гап эмасди. У мусиқа борасида
ҳам анча қобилиятли бўлиб, деярли барча чолгу ас-
бобларини bemalol чала оларди.

Бошқа гувоҳлар ҳам тахминан шуларни айтишди:

— У жуда ишқибоз одам бўлиб, доим қандайдир
чинакам, фавқулодда бир нарсани кутиб яшарди...

— Дўстлар баэмида қувноқ, ҳатто жонингга тे-
гар даражада мулоийим бўлиб, атрофидаги одамлардан
шампан виносидан кўпроқ сўраб оларди-да, тўғри
келган одамини шу билан меҳмон қилаверарди. Сос-
новская билан учраша бошлагандан бери ҳиссиётини
иложи борича сир сақлашга уринарди. У ўзарганди,
хаёлчан, ғамнок юарди. Бир куни у ўзини ўлдиришга
қарор қилганини айтиб қолди...

Елагин билан яқиндан таниш бўлганлар шундай
маълумот беришди. Судда ўтириб, мен унинг портре-
тига бундай қора бўёқни прокурор қаердан топгани
ҳақида ўйладим? Балки, унда биз билмаган бошқа
маълумот бордир? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас.
Тахминимча, прокурорнинг унга қора бўёқ чаплаши-
га сабаб, унинг “баҳтли ёшлар” тўгрисидаги умумий
қарашларига қўшимча, яна, суднинг ихтиёрида турган,
ягона, Елагиннинг Кишинёвдаги дўстига юборган ха-

тини ўқиб билганлари сабаб бўлганди. Хатда Елагин ўз ҳаёти тўғрисида сурбетларча сўзлаб:

— Мен, огайни, бутунлай лоқайдлик қуршовида қолдим: менга энди ҳаммаси бари бир! Бугун яхши, Ҳудога шукур, лекин, эртага нима бўлади — тупурдим, кечаси ётиб ўйла — эртаси туриб сўйла. Учига чиққан ароқхўр, салкам донги кетган аҳмоқ деган ном ортиридим.

Бундай ўз-ўзига баҳо чечангина прокурорнинг “Ўз нафсини ўйлаб, лаззат кетидан қувган Елагин, борини унга багишлаган аёлни жамоат ҳукмига ташлаб, уни нафақат умрига зомин бўлди, ҳатто сўнгги умиди — насроний урф-одатига қўра дафн этилишдан ҳам маҳрум этди...” — деган нутқига алоқаси бордек туюларди. Чиндан ҳам алоқаси бормиди ўзи? Йўқ, прокурор хатдан бир неча сатргина олганди, холос. Хатнинг тўлиқ матни қўйидагича әди:

“Азизим Сергей. Хатингни олдим, кеч бўлса-да, жавоб ёзяпман, нима ҳам қилардик? Хатимни ўқиб: “Бунча ажи-бужи, сиёҳга тушган пашша ўрмалаганми!” — деб ўйласанг керак. Нима ҳам қилардик, буям бир ёзув-да, айтишади-ку, агар ойна дегани бўлмаса борми, феъл-атворингга баҳо берувчилар ҳам топилади. Мен ўша-ўша ишёқмаслигимча қолдим, билсанг ундан ҳам баттар, икки йиллик мустақил ҳаёт ва яна алланималар менда ўз изини қолдироди. Шундай гаплар борки, ҳатто Ҳазрат Сулаймонга ҳам айттолмайсан!

Агар бир кун келиб ўзимни гумдон қилганимни эшишиб қолсанг, ҳайрон бўлма, деб айтиб қўяяпман. Мен, огайни қандайдир лоқайдлик домига тушиб

қолдим: менга энди ҳаммаси бари бир! Бугун яхши, Ҳудога шукур, әртага нима бўлса бўлар, тупурдим, кечаси ётиб ўйла — эртаси туриб сўйла. Ўзимга уччига чиққан ароқхўр, донги кетган аҳмоқ деган ном орттирганим қолди. Ишонасанми, йўқми, билмадим? Баъзан юрагимдаги кучни, оғриқни, барча гўзал, дабдабали, умуман, жин урсин, қалбим нимага талпинса, ўшангага майлни ҳис этиб тураман. Балки буни ёшликка ўйярсан: нега энди мен тенгилар бундай ҳолатларни бошдан кечирмайди?

Мен ўлгудай асабий бўлиб қолганман: баъзан қишида, кечқурун, бўрон, совуқ бўлишига қарамай, ўрнимдан даст тураман-да, ҳатто ҳеч нима билан ҳайрон қолдириб бўлмайдиган шаҳарликларни лолу ҳайрон қилиб, кўчага чиқаман-да, аста-секин юқорилаб боравераман — эътибор қиляпсанми, яна ўша қаерлардадир қулогимга чалинган оҳангни тутиш истагида ўзимни мутлақо ҳушёр ва хотиржам тутган ҳолда. Қани энди, тутолсам! Майли, сенга ёриламан. Юрагимдан уриб қолди, унақаси ҳеч ерда йўқ... Энди бу ҳақда бас қиласайлик. Илтимос, менга хат ёзиб тур, манзилимни биласан: Нима деганинг ёдингдами? “Россия, корнет Елагинга...”

Ақлга сигмайди: ҳеч бўлмагандан бу хатлардан биронтаси ўқилганда ҳам муштарак бирор нарсаси бўлмаган икки кимса қандай қилиб топишишдийкин, деб айтиш мумкин бўлармиди?

VIII

Сосновская ҳақиқий поляк аёли бўлиб, Елагиндан катта, ёши йигирма саккизда эди. Отаси майда амалдорлардан бўлиб, қизалоқ уч ёшдалигига ўз жонига қасд қилганди. Онаси анчагача бева яшади, сўнг худди ўшандай майда амалдорга турмушга чиқди ва яна бева қолди. Кўриб турганингиздек, Сосновскаялар оиласи ўртаҳол оилалардан бўлган. Лекин бошқаларда топилмайдиган ажойиб самимийликни ва биэга маълум бўлган саҳнага бу даражада эрта қизиқиш унда қаердан пайдо бўлди экан.³ Бунга унинг оиладан ёхуд ўзи ўқиган хусусий пансиондан олган тарбияси сабаб бўлолмайди.

У жуда яхши ўқиганди, бўш вақтларида кўп мутоллаа қиларди. Ўқиган китобларидан ўзига ёққан фикр ва ҳикматли сўзларни ёзиб олиб, мудом ўз ҳаётига қиёслаб кўтарди, умуман, у кундаликка ўхшаш қайдлар қилиб борарди, агар ойлаб қўлга олмай ташлаб қўйилган, бу парча-парча қилиб йиртилган қофозларни кундалик дейиш мумкин бўлса. Ахир у бу кундаликка ўз орзу-умидларини, ҳаётга қарашларини ёзиб, кўнглинини бўшатарди, яна кирхона, тикувчи ва бошқа алланималарга кетган харажатларни ҳам киритиб борардида. У айнан қандай гапларни қўчириб олаоди?

— “Биринчи баҳт, бу — дунёга келмаслик, иккинчиси эса фанога кетиш”. Ажойиб фикр!

— Еруғ дунё ўлгудек зерикарли, тоқатни-тоқ қилади, юрак хориқулодда нимагадир талпинади.

— “Одамлар у дунёга равона қиласиган қийноқларнигина тушунишга қодир”. Мюссе.

— Мен ҳеч қачон турмушга чиқмайман. Бу ҳақда ҳамма гапиряпти. Бунга Ҳудо ва Ажал номи билан қасам ичаман.

— Е муҳаббат, ё үлим. Мен севадиган одам Ер юзида бормикан үзи? Бундайи йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас! Унда телбаларча севганим бу дунёни қандай ташлаб кетаман!

— Қўрқинчли, мафтункор, сирли муҳаббатни ердан ҳам, қўқдан ҳам топиб бўлмайди...

— Ойим бойлик учун эрга тегишимни хоҳлайди. Мен, бойлик учун-а! Севги деган сўз бу заминга бегона, унда азоб-уқубат ҳам, жозиба ҳам етарли, афсус, мен бундай туҳфадан бенасибман!

— Ҳисобсиз йиртқич кўзлар менга еб қўйгудек боқади, мен үзимни худди маҳлуқлар маконида бўлгандек ҳис этаман.

— “Унинг ҳаётдаги барча тоат-ибодатлари қалби тубидагиларни пинҳон сақлашга қаратилган бўлса-ю, унга суқилиб кира олдим, дея ким ҳам мақтана оларди?” Мюссе.

Сосновская пансиондаги курсни тугатгач, онасиға үзини санъатга бағишлишини айтганда, меҳрибон католиклардан бўлган онаси аввал-бошда буни эшитишни ҳам истамади, қизи эса бошқаларга ўхшамасди, бирорвга итоат этиш у ёқда турсин, ҳатто онасиға ҳам элбурутдан таъсир ўтказиб, Мария Сосновскаянинг ҳаёти оддий, шуҳратсиз бўлиши мумкин эмаслигига уни кўндирганди.

У ўн саккиз ёшида Львовга жўнади ва қўп ўтмай ўз орзусини рўёбга чиқарди: саҳнага ҳам бирон-бир қийинчиликсиз эришди ва тез орада назарга тушди.

Омма орасида ҳам тез танилди, анча жиддий бүлган театр санъати оламида хизматининг учинчи йилида бизнинг шаҳарга таклиф этилди. Лъвовга келган куниданоқ, деярли, аввалгидек, кундалигини юрита бошлади:

— “У ҳақда гапиришяпти, кулишяпти, йиглашяпти, унинг ўзи ким, ким билади?” Мюссе.

— Агар онам бўлмаганида, ўзимни ўлдирган бўлардим. Бу менинг доимий орзум...

— Мен шаҳар ташқарисига чиққанимда, у ердан тубсиз, ажойиб осмонни қўраман ва шу лаҳзада менга нима бўлаётганини анголмай қоламан. Шу пайт овозим борича қичқиргим, куйлагим, бирон нима ўқигим, йиглагим, севиб қолгим ва охири ўлгим кетади!

— Мен ўлимнинг энг гўзалини танлайман. Ихчамги на уй оламан-да, уни мотам матоси билан қоплайман. Девор ортида куй янграйди, мен эса оддийгина оқ кўйлакда, ўз ифори билан ўлдирувчи атрофимдаги гуллар ичида ётаман. О, бу қандай нашъали!

Кейин:

— Ҳамма танамга муҳтоҷ, руҳимга эмас...

— Бой бўлганимда бутун дунёни кезардим ва ундан муҳаббатимни аямаган бўлардим...

— “Инсон нима исташини ўзи билармикан, ўйланларига ўзи ишонармикан?” Красинский.

Ва ниҳоят:

— Ярамас!

Қилган ишини пайқаш унча қийин бўлмаган бу ярамас яна ким бўлди экан? Аниги шуки, у бор, унинг мавҳум шахс бўлиши мумкин эмас. “Лъвовдаёқ, — деди терговчи Заузе, Сосновскаянинг хизматдоши, —

у кийинмасди, ечиниб хизматини адо этарди, танишлари-ю мухлисларини уйида, очиқ-сочиқ тунги күйлақда, ялангоч оёқларини күрсатиб қабул қиласади. Унинг гўзаллигидан ҳамма лол қоларди, бу, айниқса, янги келганларга кўпроқ таъсир қиласади ва улар бундан ҳанг-манг бўлиб қолардилар. Сосновская шунда: “Асло ҳайрон бўлманг, буларнинг бари ўзимники”, — дея тиэзасидан тепасини bemalol очиб кўрсатарди. Шу билан бирга у тез-тез кўз ёши тўкиб, — унинг муҳаббатига муносиби йўқлигини ва бирдан-бир нажоти ўлим эканини бот-бот таъкидларди...

Мана, Константинополга, Венецияга, Парижга бирга борган, Краков ва Берлинда у билан бирга бўлган “ярамас” ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу қандайдир галисиялик ер эгаларидан бўлиб, фавқулодда бадавлат одам эди. Сосновскаяни ёшлигидан яхши билган тер-говчи Вольский у ҳақда шундай деди:

— Мен Сосновскаяни ҳамиша ахлоқсиз аёл деб ҳисоблаганман. Улкамиз фуқароси ва артист сифатида ўзини қандай тутишни мутлақо билмасди. У фақат пулни ва эркакларни хуш кўради, холос. Бу беадаб, қандай қилиб қизалоқ пайтидаёқ ўзини кекса галицийлик тўнгизга топширди экан?

Сосновская ўз ўлими олдидан Елагин билан қилган суҳбатида айнан шу “тўнгиз” ҳақида гапириб берганди. Шу ерда у бепарволик билан Елагинга шикоят қилиб:

— Мен ўз ҳолимча ўсдим, менга ҳеч ким қарамаган, мен ўз оиласда, бутун ёргу оламда барчага бегона эдим. Бутун авлоди билан лаънатга учрагур бир хотин мени, ишонувчан, покиза бир қизни фаҳш

йўлга бошлади... Фақат даҳшат билан эслаш мумкин бўлган, абраҳамнинг абраҳи бўлиб чиқсан бир одами мен Лъвовда худди ўз отамдек яхши кўриб қолгандим. У мени нашага, винога ўргатди ва мени Константинополга олиб кетди. Ўша ерда унинг бутун бошли ҳарами бўлиб, у ўз ҳарамида ётиб, ялангоч жорияларини томоша қиласди-да, мени ҳам улардек ечинишга мажбур этарди, у шундай абраҳ ва пасткаш одам эдики...

IX

Шаҳримиизда Сосновская тўғрисида тезда мишим гаплар тарқалди.

— Лъвовдаёқ, — деди терговчи Мешков, — кўпчиликка бир кечанинг ўзидаёқ у билан бирга бўлишни таклиф этган ва севишга қодир бўлган қалбни излаётганини айтган. Сосновская бундай қалбни сабот билан излаган. Ўзи эса: “Менинг асосий мақсадим — яшаш ва ҳаётдан баҳра олиш” дея такрорларди. Чашнагир барча шароблардан тотиши лозим, лекин биронта хилидан маст бўлиши мумкин эмас. Аёл эркак билан муносабатда ҳам шундай йўл тутиши керак”, дерди. Ўзи худди шундай қилган, — деди Мешков. — Шаробнинг баридан тотиб кўрган деб айтолмайман, бироқ йўлдан урганларининг саноги йўқлигини биламан. Балки, у буларни энг асосий иш — атрофида шовқин-сурон кўтариб, театрга ёланган олқишибиларни тўплаш учун қилгандир. “Пул, — дерди у, — қўлнинг кири, мен худди сўнгти мешчанлардек мумсик, баъзан зиқнаман, лекин, нимагадир пул ҳақида ўйламайман.

Мұхими — шұҳрат, қолғанлари аста-секин бұлаверади". Сосновская ўлим ҳақида гапирганида ҳам айнан ўзи түгрисида бирөвларни гапиришга мажбур қилиши күзлаган бўлса, не ажаб...

Лъвовда содир бўлғанлари биэнинг шаҳарда давом эттирилди. Қайдлар ҳам деярли худди шундай ёзиб борилди:

— Ҳудойим-еї, қандай зерикарли, қандай азоб бу! Қани энди ҳаммаёқ остин-устин бўлса-ю, барини ер ютса!

— Бир куни кечқурун қабристонга бордим: у ер шундай ажойиб әдики! Менинг назаримда... йўқ, асло, буни тасвиrlашга ожизман. Менга қолса тун бўйи қабрлар устида қолиб, уларга обдон, тинкам қуригунча сўзларимни тўкиб-солган бўлардим. Эртаси куни мен ўз ролимни ҳар қачонгидан ҳам яхши ўйнардим...

Ва яна:

— Мен кеча кечқурун соат ўнларда қабристонга бордим. Бу қандай таъсири манзара. Ой нури қабро тошлари ва хочларга ўз нурини тўкиб ташлаганди. Мени минглаб марҳумлар ўраб олгандек туюларди. Ўзимни шундай баҳтиёр ва енгил ҳис қилдимки. Мен ўзимни жуда яхши ҳис этдим...

У Елагин билан танишгандан сўнг бир куни ундан полқда отлиқ аскарлардан бирининг ўлганини эшигган ва Елагиндан уни ибодатхонага, марҳум ётган ерга олиб боришини сўраган, кейин эса ойдинда ибодатхона ва марҳумнинг қўриниши унда ҳайратланарли таас-сурот қолдирганини ёзган.

Шұҳратга, одамлар эътиборига ташналик бу вақтга келиб дарғазабликка айланиб ултурганди. Унинг

ўзига муносабати яхши эди. Умуман олганда, унинг чиройида ҳеч қандай ўзига хослик бўлмаса-да, бари бир, алоҳида, кам учрайдиган ўзгача мафтункорлик, айсрона ёвузлик билан қоришиб кетган соддадиллик, очиқкўнгиллик бўлиб, бу қоришиқ самимийликни доим ўйинга чорлаб турарди: портретларига қаранг, нигоҳларига диққат қилинг, унинг ўзига хослиги — бир оз очилган лаблар, доимо ҳўмрайган, маъюс нигоҳ ёқимли, ўзига тортувчи худди бирор нима ваъда қилаётгандек, қандайдир сиролиликка розилик билдираётгандек ахлоқсизликнинг бир кўриниши бу.

У ўз гўзаллигидан қандай фойдаланишни биларди. У ўз мухлисларини ўзидағи бор гўзалликлар — жарангли овози, кулгили ва қўз ёшга тўла жонли саҳна ҳаракатлари билангина әмас, балки уларни ўз баданини намойиш этадиган роллари билан ҳам ушлаб турарди. У уйида қўнгилни суст кетказадиган шарқона ва юононча либосларда юрар ва қўплаб меҳмонларини шу либосларида кутиб оларди. Ҳар хил тўппончалар, ханжар, ўроқ ва мурват кўринишидаги қиличлар, турили хилдаги заҳарлар солинган шиша идишлари бўлган, унинг ўзи айтганидек, қотиллик учун маҳсус мўлжалланган бу хонага уларни олиб киради-да, бу ерда суҳбатнинг жонини киргизадиган доимий нарса ажальдерди.

Бу ҳам етмагандек, тез-тез ҳаётдан воз кечишининг турли усуслари ҳақидаги суҳбатларида у девордаги ўқлорлиқ револьверни олиб, тепкисини қўтаарарди, стволи оғзини ичиб турган вискисига тираб туриб: “Мени ҳозироқ ўпинглар, бўлмаса ўзимни отиб ташлайман?” — дея оғзига думалоқланган заҳари кучли

дорини оларди-да, “Агар меҳмон шу тобнинг ўзида тиз чўкиб, яланг оёқларимдан ўпмаса, заҳарни ютиб юбораман”, — дерди. У барчасини шундай ишонарли қилиб бажаардики, меҳмоннинг қўрқувдан ранглари қув оқариб, унга икки карра мафтун бўлиб қайтарди ва бутун шаҳар бўйлаб айнан унинг барча ҳаяжонга соладиган жиҳатлари ҳақида миш-мишларни ёяр эди.

— У, умуман, ҳеч қачон ўзига ўхшамас эди, — деди судда уни узоқ вақт яқиндан билган гувоҳ Залесский. — Одамни мазахлаш, жигига тегиши — булар унинг доимий машғулоти эди. У сирли ва ёқимли қарашлари, маъноли кулишлари, маъсум боладек маъюс хўрси-нишлари билан одамнинг ғазабини қўзғашга жуда уста эди. У Елагин билан ҳам ўзини шундай тутарди. У Елагинни гоҳ ёндирап, гоҳ устидан совуқ сув қуярди... У асли ўлишни истармиди? У ҳаётнинг ашаддий ишқибози эди, ажалдан эса ўлгудек қўрқарди.

Умуман олганда, унинг феълида хушчақчақлик, қувноқлик кўпроқ эди. Эсимда, бир куни Елагин унга оқ айиқ терисини совга қилиб жўнатди. Бу вақтда у уйида меҳмон кутарди. Пўстин уни шундай қувонтиридики, уйидаги меҳмонларни ҳам унуди. У пўстинни ерга ташлади-да, ҳеч кимга эътибор қилмай, устида боши билан ўмбалоқ ошиб, шундай ҳаракатларни қўрсатдики, бунга ҳар қандай акробат ҳасад қилган бўларди. Нимасини айтасиз, аёлмисан аёл эди.

Уни гам-гусса, умидсиэлик ҳолдан тойдирганини, ўша бизга таниш Залесский гапириб берганди. Ун йилдан бери билган шифокор Серошевский уни Львовга кетишидан олдин даволаганда унда сил касали аломатлари топилганди. Яна охирги пайтларда

у рухий тушкунликдан, хотира пасайишидан, галлюцинациядан азоб чекарди. Хуллас, шифокор унинг ақли расолигидан ҳам хавотирда әди. Ўз ажали билан ўлмаслигига, ҳатто уни асаб касалидан даволаган шифокор Шумахерни ҳам ишонтиrolганди. (Ундан Шопенгауэрнинг икки томлигини олиб, уни дикқат билан ўқиб чиққан, ажабланарлиси шуки, кейин маълум бўлишича, у ўқиганлари маъносига жуда яхши тушунган). У ҳаммани ўз ажали билан ўлмаслигига ишонтирар, дўхтир Шумахер уни айнан шу асаб бузилишидан даволаганди. Шифокор Недзельский шундай кўрсатма берди:

— Галатироқ аёл әди. Ундаги қувноқлик, ноз-карашма қўпроқ уйида меҳмон қутгандагина аён бўларди: баъзан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирдан жим қоларди, сўнг кўзлари ола-кула бўлиб бошини столга уради ёки бўлмаса нарсаларни — бордоқ борми, қадаҳ борми, ерга ота бошларди... Бундай вақтда унга қанча тезроқ: “Қани, яна”, — дея шошилтирсангиз, у ҳаракатини шунча тезроқ тўхтатарди.

Ва ниҳоят айнан мана шу “галатироқ ва мафтункор аёл” билан корнет Александр Михайлович Елагин учрашиди.

X

Бу учрашув қандай содир бўлди? Булар орасидаги яқинлик қандай дунёга келди, уларнинг бир-бирлариги бўлган туйгулари, муносабатлари қандай әди? Бу ҳақда Елагиннинг ўзи икки марта ҳикоя қилиб берганди: биринчи марта қисқа, узуқ-юлуқ, қотиллиқдан

бир неча соат ўтгач — терговчига; иккинчи марта — сўроқда, биринчи сўроқдан уч ҳафта ўтгач.

— Ҳа, — деди у, — Сосновскаянинг ҳаётдан кетишига мен айборман, лекин унинг ўз истаги билан...

Мен у билан ярим йил аввал театр кассаси олдида поручик Будберг орқали танишганман. Уни чин юракдан севиб қолгандим, у ҳам менинг ҳис-туйгуларимга бефарқ бўлмас, дегандим. Баъзан у мени, мен уни севганимдан ҳам ортиқ севар деб ўйлардим, баъзан эса бунинг акси бўларди. Бундан ташқари, у доим муҳлислари қуршовида бўлар, уларга ноз-карашмалар қиласади, мен эса раشك азобидан адои тамом бўлиб борардим. Ниҳоят, бизнинг бундай фожиали аҳволимизга аслида бу эмас, мен тушунтиrolмайдиган нимадир сабаб... Нима бўлганда ҳам қасам ичиб айтаманки, мен уни рашқдан ўлдирганим йўқ...

Айтганимдек, у билан ўтган йилнинг февраль ойида театр олдидаги касса ёнида танишганман. Мен уникуга борганман, лекин октябрь ойигача кўп эмас, ойда икки марта бўлганман, у ҳам бўлса кундуз кунлари. Октябрда мен унга севги изҳор этдим, у ўпишимга рухсат берди. Бу воқеадан бир ҳафта ўтгач, у, мен ва дўстим Волошин билан шаҳар ташқарисидаги ресторанга кечки овқатга бордик-да, у ердан фақат иккимиз қайтдик, у хурсанд, меҳрибон, озгина кайфи ҳам бор эди. Мен ўшанда ўэзимни шундай журъатсиз ҳис этдимки, ҳатто унинг қўлинин ўпишга ҳам қўрқардим.

Кейин у мендан Пушкинни сўради ва “Миср кечалари”ни ўқиб, деди: биргина кечани севган аёлингизга багишлаш учун ҳаётингиздан кечармидингиз? Мен “ҳа” деб жавоб беришга шошганимда, у сирли

жилмайди. Мен уни жуда севиб қолгандим, бу севги фалокат келтиришини аниқ кўриб, ҳис этиб турардим. Имкон қадар яқинлашганимиздан сўнг, унга муҳаббатим, нимани ҳис қилаётганиму дардида адо бўлаётганим, отам унга уйланишимга рухсат бермаслиги, никоҳсиз мен билан яшашининг иложсиэлиги, поляклар жамияти уни артист сифатида рус зобити билан никоҳсиз очиқдан-очиқ алоқа қилишига йўл қўймаслигини бир амаллаб айти бошладим. У ҳам ўз қисматидан, тушуниб етолмаган қалбидан шикоят қилди, менинг изҳори дилимга, сукут ичидаги саволимга, мени севадими, ўқуми, буларга жавобдан ўзини олиб қочди, унинг қилган шикоятлари эса иккимиз яқин бўлишимиз мумкинлигига менда умид уйгоди...

Кейин шу йилнинг январидан бошлаб ҳар куни уникига борадиган бўлдим. Мен унга театрга, уйига гулдаста юборардим, совгалар қиласардим... Мен унга мандолина, оқ айиқ териси, узук ва олмос кўзли билагузук совға қилдим, яна бош суюги шаклида ясалган тўғнагич ҳам туҳфа этдим. У ажал рамзли нарсаларни хуш кўтарди ва у менга бир неча бор мендан айнан худди шундай француэ тилида “Quand tete roug toujours!” сўзлари ёзилган тўғнагич олиш орзуси борлигини айтганди.

Шу йилнинг йигирима олтинчи мартада у мени кечки овқатга таклиф этди: кечки овқатдан сўнг у илк бор ўзи японча хона деб атайдиган ётоқхонасида менга ўзини багишлади. Кейинги учрашувларимиз ҳам айнан шу хонада ўтадиган бўлди, у кечки овқатдан сўнг хизматкорни ухлашга жўнатарди. Кейин, у менга ўз ётоқхонасининг тўғри зинага олиб чиқадиган таш-

қари әшиги калитини бериб қўйди. Йигирма олтинчи март хотирасига унинг истаги билан исми-шарифимиз, илк яқинлигимиз санаси ўйиб ёзиладиган никоҳ узугига буюртма бердик...

Шаҳар ташқарисига қилган сафарларимиэнинг бирида қишлоқ ибодатхонаси ёнида жойлашган хоч олдида туриб, Ҳудо ҳузурида уни мангу севишим, у менинг хотиним эканлиги, то ўлгунча унга содиқ қолишим ҳақида онт ичдим. У маъюс ва ўйчан жим турарди. Сўнг оддий, лекин, қатъий туриб: “Сени севаман!”, “Quand même pour toujours!” — деди.

Бир куни майнинг бошларида, униқида кечки овқат пайтида у афюн кукунини олди-да: “Ўлиш қандай осон-а! Бир чимдим кифоя, кейин ҳаммаси тамом!” — деди. Сўнг кукунни шампан виноси солинган қадаҳга сепиб, уни оғзиға олиб борди. Мен қадаҳни қўлидан тортиб олиб, винони тош устига сепиб юбордим, қадаҳ этиқ тепкисига урилиб, чил-чил бўлди. Эртаси куни у менга: “Кеча фожиа ўрнига, қулгили иш бўлди!” — деди. Ва: “Нима қилсан экан, журъатим етмаяпти, сен ҳам эплолмайсан, қўлингдан келмайди... Қандай шармандалик!” — дея қўшиб қўйди.

Шундан сўнг биз жуда кам кўришадиган бўлдик: энди мени кечқурунлари бошқа қабул қилолмаслигини айтди. Нега энди? Мен бундан жинни бўлаёздим, роса қийналдим. Бундан ташқари, у, менга совуқ, масхараомуз муносабатда бўла бошлаганди, ўзини мен билан худди кеча танишгандек тутар ва тайиним йўқлигидан мени таҳқирларди... Бирдан яна ҳаммаси ўзгариб қолди. У сайрга чиқиши учун олдимга келарди, энди у тилёгламалик қилишга ўтганди, балки

бу унинг олдида ўзимни совуққон тутишни ўзлаштира бошлаганимдандир. Охир у учрашиб туришимиз учун худди ўзи буюргандек хилват күчалардан бирида жойлашган, мутлақо күздан нари, қоронги, алоҳида уйни ижара олишимни сўради... Бу уй қандай қилиб тартибга келтирилганини биласизми...

Мен ўн олтинчи июнь соат тўртларда уйига бориб, унга уй олганимни айтиб, қўлига битта қалитни тутқаздим. У жилмайиб туриб қалитни қайтараркан: “Бу ҳақда кейинроқ гаплашамиз”, — деди. Шу вақт эшик қўигироги чалиниб, қандайдир Шкляревич деган одам келди. Мен қалитни шоша-пиша чўнтағимга яшириб, алланималарни гапира кетдим. Уйдан Шкляревич билан бирга чиққан ҳам эдик, Сосновская йўлакдан туриб: “Душанба куни келинг”, — дея қичқирди-да, менга аста: “Эртага соат тўртда кел”, деб шипшиганди, бошим гир айланиб кетди...

Эртасига роппа-роса соат тўртда етиб келдим. Эшикни ошпаз аёл очиб, Сосновская мени қабул қилолмаслигини айтиб, мактуб тутқазганида ҳайратдан ёқа ушладим. У мактубида ўзини нохуш ҳис қилаётганини, онасини кўргани дала ҳовлига боришини айтган, “энди кеч” деб ёзганди. Бундан қоним қайнаб, биринчи учраган қандолат дўконига кирдим-да, “энди кеч” деганинг нимаси, ҳозироқ тушунтири, дея заҳарханда мактуб ёзиб, хат ташувчидан жўнатдим.

Хат ташувчи уни уйда йўқлигини айтиб, мактубни қайтариб олиб келди. Шунда мен у билан алоқани бутунлай узишга қарор қилдим. Уйга қайтиб, унинг учун балки шунчаки ҳазил-мазах бўлиб туюлган, лекин мен учун эса ўзим билан нариги дунёга олиб ке-

тишим мумкин бўлган, ҳаётимдаги бирдан-бир азиз нарса — никоҳ узугини ўзимга қайтаришини сўраб таъна-дашномли янги мактубимни ёздим: шу билан бари тугади, менга ўлимдан ўзга йўл йўқ, демоқчи бўлгандим. Мактуб билан бирга унинг менда сақланашётган суратини, хатларини, яна майдა-чўйда нарса — қўлқоплари, тўғнагичлар ва шляпасини ҳам ўзига қайтариб юбордим. Хизматкор келиб, унинг уйда йўқлигини, хат билан жўнатилган нарсаларни қорувулга қолдириб келганини айтди.

Кечқурун циркка бордим, у ерда менга унча таниш бўлмаган ўша Шкляревични учратиб қолдим, зерикиб қолмаслик учун, у билан бирга шампан виноси ичдик. Бирдан Шкляревич: “Менга қаранг, кўриб турибман, азоб чекяпсиз, бунинг сабабини ҳам биламан. Ишонаверинг, у бунга арзимайди. Буни ҳаммамиз бошимиздан ўтказганмиэ, у бурнимиздан ип ўтказиб олганди...” — деб қолсами. Қилич олиб, бошини қоқ иккига бўлгим келди-ю, аммо-лекин ўзимдан ўтганни ўзим билардим, бундай қилиш у ёқда турсин, ҳатто суҳбатимиизни ҳам бўлолмасдим, ундан аслида ичимда хурсанд эдим, чунки менга ҳамдард топилганидан қувонардим, менга нима бўлганини билмадим-у, лекин мен унга миқ этмадим, Сосновская тўғрисида-ку, огиз ҳам очмадим, лекин, уни Староградский қўчасига олиб бориб, учрашуви-миз учун ўзим ёқтириб танлаган уйни кўрсатдим. Бу уйнинг касридан аҳмоқ бўлганимдан ўлгудек уялардим, ҳам алам қиласди.

У ердан аравакашни Невяровский ресторани томон шоширдим: ёмғир шивалар, арава учиб бораиди, мени

ёмгир ҳам, қаршымдаги мени ёндириб кул қилаётган аланга ҳам азобларди, ундан құрқардим. Тунги бирларда мен Шкляревич билан ресторандан қайтиб, энди ечиниб турғандим, хизматкор хат тутқазди: у мени күчада кутарди, тездә тушишимни сұраганди. У хизматчи аәл билан бирға келиб, мендан хавотирланганини, шунинг учун аәлни үзи билан олиб келганини айтди. Мен аәлни уйига кузатиб қўйишни буюриб, үзим каретага ўтиридим, биз Староградский томон жўнадик. Ҳар доимгидек унинг ҳозирги хотиржам ҳолати менга ҳам қўчди. Етиб келганимиэда, анча үзига келиб қолди, уй унга жуда ёқди. Мен уни қўлидан ушлаб, таъна-дашномларимни кечиришини, аччиқ устида бе-риб юборган портретини ва бошқа буюмларни қайта-ришини сўрадим.

Биз тез-тез жанжаллашиб турардик, бунда мен үзимни айбдор ҳис қилардим ва охирида ундан уэр сўрадим. Ярим кечаси соат учда уни уйига олиб бориб қўйдим. Йўл-йўлакай суҳбатимиз яна жанжалга айланди. У тўғрига қараб ўтиради, юзи менга кўринмасди, фақат атир исию, совуқдан-совуқ заҳар овозини ҳис этар әдим: “Сен эркак әмассан, — дерди у, — сенда характер деган нарсанинг үзи йўқ, мен хоҳлаганимда жигингта тегиб, хоҳлаганимда юпатишим мумкин. Агар мен эркак бўлганимда бундай аәлни бурда-бурда қилган бўлардим!” Шунда мен қичқириб: “Ундаи бўлса узугингизни қайтариб олинг!” — дедим-да, узукни зўрлаб қўлига тақиб қўйдим. У менга ўгирилди-да, хижолат бўлгандек қулиб: “Эртага кел”, — деди. Мен энди нима бўлганда ҳам бормаслигимни айтдим.

У қўрқа-писа, уялиб: “Йўқ, сен Староградскийга келасан, келасан...”, деди. Сўнг қатъий қилиб: “Йўқ, мен келишингни ўтиниб сўрайман, мен яқинда чет элга кетаман, мен сени сўнгги бор кўриб, сенга муҳим гапни айтишим керак”, — деб қўшиб қўйди. Ва яна йиглаб: “Мени ҳайрон қолдиргани, сени севаман, сенсиз яшолмайман деб ўзингни отишга ҳам тайёрсану, лекин сўнгти бор кўргинг келмаялти!..” — деди. Шунда мен ўэимни қўлга олиб, эртага қай пайтда бўш бўлишим хабарини етказишимни айтдим. Биз ёмғирда туриб, унинг йўлаги олдида ажралишарқанмиз, юрагим унга бўлган севгидан ва раҳм-шафқатдан ёрилай дерди. Уйга қайтгач, меникида bemalol ухлаб ётган Шкляревични кўриб ҳайрон қолдим ва ундан жирканниб кетдим...

Душанба, ўн саккизинчи июнь куни эрталаб унга соат ўн иккidan кейин бўшлигимни айтиб хат юбордим. У: “Староградскийда соат олтида”, — деб жавоб юборди.

XI

Сосновскаянинг оқсочи Антонина Кованько, ошпази Ванда Линевич ўн олтинчи шанба куни Сосновская сочини жингалак қиласман, деб спирт лампасини ёқа туриб, паришонликда гугуртни тунги қўйлагининг этагига ташлаб юборгани, қўйлак бирдан ёниб, Сосновская даҳшатдан қичқириб, эгнини ечиб отгани ва қўрқувдан аҳволи ёмонлашиб, унга доктор чақиришганини айтиб кўрсатма беришган. Сўнг у такрорлаб:

— Бу яқинлашиб келаётган фалокатдан дарак... —
деяверган.

У баҳтиқаро бўлса-да, ёқимтой аёл эди! Унинг бо-
лаларча ваҳимаси ва тунги қўйлакнинг ёниб кетгани
менга фавқулодда таъсир қиласи, ташвишлантиради.
Бу арзимас нарса у ўлгандан буён одамлар орасида
гап-сўзга сабаб бўлган, судда қулоқни қоматга кел-
тирган, бир-бирини инкор әтувчи далиллари билан
узуқ-юлуқлигича қолиб кетган ўша жумбоқли воқеага
алоқаси бордек, уни ёритиб бериши мумкиндеқ, на-
заримда. Сўнгги қунларигача миш-мишдан боши чиқ-
маган, биргина тилаги уни тушуниш, қўнглини забт
этишларини истаган, қизиқишлиари доим намоён бўлиб
турган, деярли ҳеч бир кимса, жумладан, Елагин ҳам
тушунмаган, ҳис этолмаган ўша ҳақиқий Сосновская-
нинг менда жонли сезгилар уйғотиши ҳайрон қоларли
ҳодиса эди.

Яна қайтараман: инсон мулоҳазаси ҳайратланар-
ли даражада ожиз, нотавон: ҳаммавақт бўлганидек,
мана ҳозир яна содир бўлди, қачонки одамлар, ҳат-
то андаккина бўлса-да, рўй бераётган ҳодисаларнинг
муҳимлигини тушуниб этишлари керак бўлиб қолса,
кўриб кўрмасликка, эшитиб эшиитмасликка олишла-
ри маълум гап. Уларга Елагиннинг Сосновскаянинг,
умуман, улар ўртасида бўлиб ўтган, аниқ-равшан кў-
риниб турган муносабатни шу даражада ҳақиқатта хи-
лоф равишда, атайин, нотўгри талқин қилиш керак-
миди? Худди қабиҳликдан бошқасига миқ этмасликка
келишиб олишгандек: биттаси айш-ишратга берилган,
ароқхўр, рашқчи бир гусар бўлса, яна бири ўзининг

ахлоқсиз, пала-партиш ҳаёти билан ўзи ҳам чалкашиб ётган бир артист аёл бўлган-да...

— Алоҳида хоналар, вино, фоҳишалар, уриш-жанжал, — мана, у ҳақда нималарни гапиришади. — Қиличнинг жаранги ундаги олий туйғуларни сўндириди...

Шароб, мана олий туйғу! Елагиндек одам учун шароб дегани нима әди ўзи? “Баъзан азобни ҳис этаман, баъзан эса яхши ва баланд турадиган нарсаларга интиламан, умуман, жин урсин, юрагимни бекорга зирқириатиш нима зарил менга! Қаердадир қулогимга чалинган, лекин, ҳамон йўқ, ушлаб бўлмайдиган бир оҳангни тутиб олгим келади. Кайфда нафасни енгил, bemalol оласан, ўша тутқич бермас куй ҳам кайфда аниқ ва яқиндан эшитила бошлайди. Мусиқа, севги, кайф — булар сени йўлдан уради, улар ўткир ва ортиқча, дунёни, ҳаётни ҳис этишни ҳаддан ташқари мураккаблаштириб юборади.

— Аёл Елагинни севмасди, — дейишарди у ҳақда. — У Елагиндан қўрқарди холос, чунки Елагин ўзимни ўлдираман деб унга доим таҳдид қилиб келарди, — яъни у нафақат ўз ўлими билан Сосновскаянинг юрагини огритиб келган, уни катта можаронинг асосий қаҳрамонига айлантироқчи бўлган. Далиллар шундан гувоҳлик берадики, Сосновская ҳатто унга нисбатан нафрат туйғусини ҳис этган. Сосновская ўзи уники бўлганмиди? Наҳотки, бу нарса ишни ўзгартира олса? У ўзи кимларга тегишли бўлмаган! Ҳатто Елагин Сосновская севиб ижро этган ишқий комедияни фожиага айлантиришига сал қолган...

Яна:

— Сосновская ўша, кундан-кун авж олиб бораёт-
ган даҳшатли ва тийиқсиз рашидан ўлгудек қўрқарди.
Бир маротаба Сосновскаянида артист Стракун меҳ-
мон бўлганди. Елагин аввал-бошда тинчгина ўтириди,
фақат рашидан юзи оқарганди, холос. Сўнг бехос оти-
либ ўринидан турди-да, қўшни хонага чиқди. Соснов-
ская ҳам изма-из унинг ортидан чиқиб, қўлидаги ре-
вольверни кўриб қолди-да, ўзига, Сосновскаяга раҳм
қилишини сўраб, тиз чукиб ялинди. Бундай ўйинлар,
деярли тез-тез бўлиб турган.

Сосновская, ниҳоят, Елагиндан бутунлай қутулиш
мақсадида чет элга кетишга қарор қилган ва у ўли-
ми олдидан бу сафарга тайёр бўлган — буни англаш
наҳотки қийин бўлса? Елагин Староград кўчасидаги,
Сосновская чет элга кетишини баҳона қилиб, сафа-
ролди уни қабул қила олмайдиган ўша уйнинг калити-
ни олиб келганди. У калитни олмади, Елагин калитни
мажбуrlаб тикиштирмоқчи бўлди. Сосновская: Энди
кеч, уни олишдан ҳеч қандай маъно йўқ, мен жўнаб
кетяпман, дея маълум қилди. Елагин унга бураб-бу-
раб шундай хат ёздики, Сосновская мактубни олароқ,
уни мурда ҳолида топишидан қўрқиб, яrim кечаси бў-
лишига қарамай, оёгини қўлига олиб уникига югурди.

Майли, шундоқ ҳам дейлик (бироқ бу мулоҳаза-
лар Елагиннинг тавба-тазарруларига мутлақо қарши),
ҳар ҳолда, нима учун Елагин Сосновскаяни бундай
“ваҳимали”, “ҳаддан зиёд” рашик қилиб, тинч ҳаётини
фожиага айлантирмоқчи бўлган экан? Унга бу нима
учун керак бўлди экан? Нега энди Елагин рашидан
газаби зўрайған бир пайтда уни шундай отиб ташла-
мади экан? Нима сабабдан “қотил ва қурбон ўртаси-

да кураш бўлмаган?” Кейин: “Сосновская гоҳо ундан жирканарди ҳам”... У бегоналар олдида Елагинга ҳар хил ҳақоратли лақаблар қўйиб, уни ҳўрлар, ҳатто бир гал уни маймоқ кучук боласи деб ҳам чақирганди. Эй, Худойим, Сосновская шуниси билан Сосновская-да... Сосновская яна бошқа кимдандири нафратланиши ҳақида Львов хотираларида шундай ёзади: “У мени ҳали ҳам севади! Мен-чи? Мен нимани ҳис қиласяпман? Севгини ҳам, нафратни ҳам!” У ўзи Елагинни ҳақоратлаганмиди? Ҳа, бир марта уришиб қолишганди, ана ўшандан кейин бу ҳол улар орасида тез-тез такрорланиб туради, — Сосновская оқсочини чақириб, никоҳ узугини ерга улоқтириди-да, туриб бақира кетди: “Мана бу матоҳни ўзингга ола қол!” Бундан аввалроқ нима рўй берганди? Бундан аввалроқ Сосновская ошхонага югуриб бориб:

— Мен сени чақираман-да, мана бу никоҳ узугини ерга улоқтираман ва уни ўзингга олиб қўйишишингни айтаман. Эсингда бўлсин — бу ҳазил, холос. Кейин уни ўзимга яна қайтарасан, чунки шу узук билангина мен у биланман, ўша эси паст билан, никоҳланганман, у мен учун дунёдаги барча нарсадан қимматли... — деди.

Сосновскаяни бекорга “енгил табиат” дейиш масди, католиклар черкови ҳам уни “беадаб, бузуқ аёл” сифатида насроний урф-одатлари бўйича дафн этишни рад этганди. У буткул эркин севгини ўзига касб қилиб олган ва шунга хизмат қилувчи аёллар тоифасидан эди. Бу яна қанаقا тоифа бўлди экан? Бундай мижоэли жинс вакиллари яққол кўзга ташланиб туради, унинг нафсини қондириб бўлмайди, у

қопиқмайды ҳам. Сабаби нима? Сабабини мен қаёқдан билай?

Қарангки, нималар содир бўлмайди: ўша ўта мурраккаб, ўзига мафтун этувчи нусха эркаклар орасида (у ёки бу даражада) тажовузкор нусхалар ҳам учрайди. Моҳиятан, бундайлар нафақат аёллар билан бўлган муносабатда, балки, улар ўз дунёқарашларига кўра барча нарсаларга таъсирчанлиги ўткир бўлиб, бутун жон-танини бериб бўлса-да, айнан шундай аёллар тоифасига интилади ва шов-шувли севги фожиалари қаҳрамонига айланади-кўяди. Нимага? Бу диднинг оқсоқлигими ёки йўлдан озганликнинг шарофатими, балки, бундай аёлларга эришиш осонлигидандир? Албатта, йўқ, минг карра йўқ. Шунинг учун ҳам йўқки, бундай эркаклар Сосновскаядек аёллар тоифаси билан яқин алоқада бўлиш қанчалик азоблигию баъзан ростданам ваҳимали, ҳатто ҳалокатли якун топишини олдиндан сезадилар ва аниқ кўра оладилар. Буни кўриб, билиб турсалар-да, бари бир, кўпроқ, айнан, ана ўшандай аёлларга талпиниб, ўзларига бало-қазони сотиб оладилар. У, албатта, ўлими олдидан хат ёзаётганда, сўнгги дами келганига ўзини ишонтиromoқчи бўлиб, кулгили бир саҳнада роль ижро этганди, холос. Кундалиқдаги ёзувлар оз бўлса-да, бунинг акси эканига ишонтиrolмайди, у фоят сийқаси чиқсан, сода битилган, қабр зиёрати тўғрисида ҳеч қандай сўз йўқ...

Кундалиқдаги соддалиқни, ясамаликни, қабр зиёратини ҳеч ким инкор этмайди, худди у Мария Вечерова ва Мария Башкирцевага ўхшашлигига ишора қилишни яхши кўргандек. Нима учун у айнан ўша

хилдаги кундаликни танлади әкан, балки у шу тоифа аёлларга үхашашни хоҳлагандир? Унда гўзаллик ҳам, ёшлиқ ҳам, шуҳрат, пул, юзлаб мухлислар — ҳаммаси бор эди-ку. У булаордан эҳтирос ва завқ билан фойдаланаарди. Унинг ҳаёти муттасил азобга айланиб бораарди, ҳар доим ҳамма одамлар ва ҳамма нарса у қутгандагидек бўлиб чиқавермаганидан кейин кўнгилга урган бу оламни ташлаб кетиш иштиёқи унга тинчлик бермай қўйганди. Бу ниманинг касридан? Бу унинг бошига битган балонинг касридан. Нима учун айнан шу балони бошига сотиб олди, бошқа нарсани эмас? Булаарнинг барчаси, уларнинг айтишларича, ўзини санъатга фидо қилган бундай аёллар учун оддий ҳолми? Нимага бу шунчалик жўн? Нимага?

XII

Дам олиш куни әрталаб соат саккизларда унинг ётоқхонасидағи стол қўнгироқчаси жиринглади: у ўйгонди-да, оқсочини одатдагидан эртароқ чакириди. Оқсоч хотин баркашда суюқ шоколад солинган финжон олиб кирди-да, дераза пардасини суриб қўйди. У ўринда ҳар доимгидек хўмрайганча лабларини яrim очиб, ўйчан ва паришонхотир уни кузата туриб:

— Биласанми, Тоня, кеча мен доктор кетганидан кейин дарров ухлаб қолдим. Вой, Худойим-ей, шуна-қанги қўрқиб кетдим! Елагин келиши биланоқ ўзими ни қушдай енгил ва яхши ҳис қилдим. Ярим кечаси ўйгониб, ўрнимда тиз чўкиб, бир соат Худога илтижо қилдим... Узинг ўйлаб кўр, бутунлай ёниб кетганимда нима бўларди-а! Кўзларим оқиб тушган, лабла-

рим шишиб кетган бўларди. Менга қараб бўлмасди... Афт-башарам пахта билан қопланарди-қоларди.

У шоколадга қўл ҳам теккизмай, нималарни дир узоқ хаёл суриб ўтироди. Кейин шоколадни ичди-да, ваннада чўмилди ва чўмилиш халатида ёйиб ташланган соchlарида ўзининг ихчамгина ёзув столида мотам ромига солинган қоғозга бир неча хат ёзди: у ўзи учун бундай қоғозга анча аввал буюртма бериб қўйганди. Кийиниб, нонушта қилди-да, жўнаб кетди: у дала ҳовлида онасиникида бўлди ва унинг доимий ишонган одами актёр Стракун билан кеч соат ўн иккиларда қайтди.

— Иккови курсанд қайтишиди, — дея ҳикоя қилди оқсоч хотин. — Уларни йўлакда кутиб олдим-да, Сосновскаяни ёнимга чақириб, Елагин у йўқлигида бериб юборган нарсани ва хатни унга бердим. Нарсалар борасида: “Тезда буларни яшир, Стракун қўрмасин!” дея шипшиди, сўнг шоша-пиша хатни очди-ю, бирдан ранги оқариб кетди, ўзини йўқотганча, Стракуннинг меҳмонлар хонасида ўтирганига ҳам қарамай: “Худо ҳаққи, тез каратага югур!” — деб бақирди. Мен каратса олиб келишга кетдим. Карета келганида, у йўлакда тайёр турарди. Биз бор кучимиз билан чопдик, у бечора эса йўл-йўлакай чўқиниб: Эй, Худойим, ишқилиб тирик бўлсин-да,” — дея такрорларди нуқул.

У душанба эрталабдан чўмилиш кийимида дарёга кетди. Уша куни уникида Стракун билан инглиз аёли тушлик қилишиди (уникига ҳар куни инглизчадан дарс бергани келарди-ю, деярли ҳеч нима ўтмасди). Тушдан кейин инглиз аёли кетди. Стракун эса яна ярим соатлар туриб, сигарет чекди, сўнг оёгига япон

туфлисими илганча диванда ётган беканинг тиззасига бошини қўйиб ётди. Охири Стракун кетди, кетиш олдидан Сосновская ундан “бугун кеч соат ўнда” келишини ўтиндиги.

— Бу жуда тез эмасми? — кулиб деди Стракун ўлакда асосини қидира туриб.

— Вой, ўйқ, илтимос! — деди у. — Борди-ю, келганингда мен бўлмасам, хафа бўлма, хўпми...

Кейин у каминда қандайдир хат ва қогозларни узоқ ёқди. Сўнг оқсоч хотин билан ҳазиллашиб ўтириб, хиргойи қилишди:

— Ўзим ёнмаганимга яраша, энди ҳаммасига ўт қўяман! Бундан ёниб кетгани минг марта яхши эди. Ёнсан ёниб, бир йўла қулга айланай...

Кейин яна деди:

— Вандага айт, кечки овқатни соат ўнга тайёрлаб қўйисин. Ҳозир эса мен кетяпман...

У соат олтиларда қогозга ўралган револьверга ўхшаш нарсани ўзи билан олиб чиқиб кетди!

У Староградскийга кетди, йўлда шанба кунги воқеадан сўнг этаги ёниб кетган тунги қўйлагининг этагини кестириш учун тикувчи Лешинскийнинг уйи томонга бурилди, тикувчининг айтишига қараганда, ўша куни у қувноқ ва ёқимтойгина қўринган. Сосновская тунги қўйлагининг у ер-бу ерини кўздан кечирган-да, қогозга ўраган ва уйидан аввалроқ олиб чиқкан бўғчасига жойлаб, устахонада чевар қизлар билан узоқ суҳбатлашиб ўтирган ва: “Эй, Худойим, мен энди кетишим керак, кеч қолдим, менинг фаришталарим!” — дея қайта-қайта такрорлаган, охири бир хўрсиниб, ўрнидан даст турган-да, қувонч билан:

— Хайр, пани Лешинская, хайр, сингилжонларим, фаришталарим, мен билан гурунглашиб ўтирганингиз учун раҳмат сизларга, сизлар билан аёллар даврасида ўтириш қандай мароқли, ҳадеб эркаклар билан бўла-вериш ҳам жонга тегар экан.

У яна бир марта осто надан туриб, кулиб, бошини иргаган-да, чиқиб кетган.

Нега у револьверни ўзи билан олиб олди?

Револьвер ўзи Елагинники әди, у, Елагин ўзини отиб қўйишидан қўрқиб, револьверни ўзида сақларди. “У бир неча кундан сўнг чет элга кетиши муносабати билан револьверни ўз эгасига қайтаришни ният қилганди”, — деди оқловчи ва қўшиб қўйди:

— Шундай қилиб, у машъум, лекин унинг учун қасддан уюштирилмаган учрашувга жўнади. У соат еттида Староград кўчасидаги 14-ийнинг 1-хонадонига етиб борди, — мана, бу уйнинг эшиги ҳам ёпилди, эшик фақат 19 июнь куни эрталаб қайта очилди, холос. Тунда у ерда нималар содир бўлди? Буни Елагиндан бошқа ҳеч ким бизга ҳикоя қилиб беролмайди. Уни яна бир марта эшитиб қўрайлик-чи...

XIII

Прокурор бизнинг хотирамизда яна бир бор жонлантиришни лозим топган, ўша айблов баённомаси саҳифаси бўлмиш ва шу билан ўз ниҳоясига етган Елагиннинг ҳикоясини суд залини тўлдирган одамларнинг барчаси чуқур сукут билан тинглади:

— Мен ўн саккизинчи июнь душанба куни эрталаб унга соат ўн иккidan кейин бўш эканлигимни бил-

дириб, мактуб жүннатдим. У: “Староградскийда, соат олтида”, — дея жавоб юборди.

Мен ўн беш дақиқаси кам олтида ўша ерда әдим, үзим билан енгил овқат, икки шиша шампан виноси, икки шиша портьер, стаканча ва бир шиша атир олиб бордим. Уни узоқ кутишимга тұғри келди: у соат еттиларда етиб келди...

Үйга кириб, мени паришон ҳолда үпди, сұңг кейинги хонага үтиб, үзи билан құлида олиб келган үрголиқ нарсани диванга ташлади. “Чиқиб тур, — деди у Француэчалаб, — мен ечинишим керак”. Мен чиқиб кетдим. Яна узоқ бир үзим ёлгиз үтирадим. Мен мұтлақо ҳушёр, лекин жуда дилгир әдим, мұносабатимиз ниҳоялаб бораётганини гира-шира ҳис әтиб туардим... Устига-устак, муҳит ҳам галатироқ бўлиб боради: худди тундагидек, мен олов ёнида үтирадим, ҳолбуки бу қоронги хонанинг гунг деворларидан ташқарыда ҳали ёруг ва ажойиб ёз куни ҳукм сураётганини сезиб, билиб туардим... У мени узоқ вақт ёнига чақирамади, мен ҳам унинг нима билан банд әканини билолмадим. Эшик орқасида тиқ этган товуш эшитилмасди. Охири: “Энди кираверишинг мумкин...”, — деб бақирди у.

У диванда битта тунги қўйлагининг үзида, пайпоқсиз, туфлисиз ялангоч оёқларини қўрсатиб, хўмрайганча шифтдаги фонарга жим тикилиб ётарди. Үзи билан олиб келган бўхча очилиб, унда мен үз револьверимни қўрдим-да: “Буни нега олиб юрибсан?” — деб сўрадим. У бир оздан сұңг: “Узим, шундай... Ахир, мен жўнаб кетаяпман... Яхиси, сен буни уйингда әмас, шу ерда сақла... — деб жавоб қайтарди. Хаёлимдан:

“Иүқ, бу бекорга эмас!” — деган даҳшатли бир фикр ўтди.

Бундан кейинги сұхбатимиз узоқ, лекин зўрма-зўраки, совуққина кечди. Ичимда ўлгудай қўрқиб турардим, — миямга бирор ақлли гап келиб қолармикин, деб кутардим. Мана, ҳозир, фикримни бир ерга жамлайман-да, охири энг муҳим қароримни айтаман деб интиқ әдим, чунки мен бу учрашув биз учун сўнгиси әканини ёки ҳар ҳолда бизни узоқ муддатли айрилиқ кутаётганини англаб турсам-да, ҳеч нарса қилолмадим, ўзимни бутунлай кучсиз ва ожиз ҳис этардим. У: “Чеккинг келса, чекавер...” — деди. — “Сенга ёқмайди-ку! — дедим мен. — “Энди менга бари бир, — деди у. — Менга шампан виносидан бер...” Бундан мен шундай хурсанд бўлдимки, зеро бу мен учун најжот әди. Биз бир неча дақиқа ичида бир шиша шампан виносини бўшатдик, мен унинг ёнига ўтиридим-да, қўлларидан ўпа туриб, бу айрилиқни қўтара олмаслигимни айтдим. У соchlаримни тўзгита туриб, паришон ҳолда: “Ҳа, ҳа... Хотининг бўлолмаслигим, бу қандай баҳтсизлик... Барчаси, бари бизга қарши, ёлғиз Яратганинг ўзигина бизга хайриҳоҳ... Мен сенинг қалбинги, тасавуурингни севаман...” Бу сўнгти сўзлари билан нима демоқчи бўлди, билмадим. Мен юқорига — соябон тепасига боқиб: “Қара, сен билан бу ерда худди саганада тургандекмиз. Қандай сукунат!” — дедим, у бунга маъюс жилмайиб қўйди...

Соат ўнларга бориб, у очиққанини айтди. Биз олдинги хонага ўтдик. У жуда кам овқат еди, мен ҳам, — биз қўпроқ ичдик. Бирдан кўзи мен олиб келган енгил овқатга тушди-ю, “тентак, яна нималарни қўтариб

юрибсан! Бошқа бундай қилма”, — деди. “Бу “бошқа” деганинг қачон бўларкин?” — дедим. У бир галати қараш қилди-да, сўнг бошини эгиб, қовоги остидан кўзларини олайтириб қаради. “Исо, Марям, — деб пичирларди у, — биз энди нима қиласиз? Мен телбаларча сени хоҳлаяпман! Юра қол...”

Бирмунча муддатдан сўнг мен соатимга қарадим, соат икки бўлганди. “У-ҳўй, кеч бўлиб қолибди, — деди у. — Ҳозироқ уйга кетишим керак”. Аммо, у жойидан ҳам қўзғалмай, қўшиб қўйди: “Биласанми, бу ердан жуфтакни қанча тез ростласак, шунча яхши, лекин жойимдан қўзғалолмаяпман. Ҳудди бу ердан чиқиб кетолмайдигандек ҳис этяпман ўзимни. Сен Ҳудонинг хоҳиши билан менинг ёзмишим, қисматимсан...” Ҳаттоти шуни ҳам тушунишни истамаяпман. Эҳтимол, у кейин ёзиб қолдирган: “Уляяпман, лекин ўз хоҳишим билан эмас”, — деган сўзлар билан болиқ бирор нарса демоқчи бўлгандир. Бу сўзлар билан у менинг олдимда ўзини кучсиз, ҳимоясиз ҳис этган деб ўйлайсиэми? Менимча, у бошқа нарсани: бизнинг толесиз бу учрашувимиз — тақдир, Ҳудонинг истаги, у ўз ихтиёри билан эмас, Ҳудонинг хоҳиши билан ўляяпман, деган сўзларни айтмоқчи бўлган. Ваҳоланки, мен ўшанда бу сўзларга кўпам эътибор бермаганман, унинг галатироқлигига кўнишиб ҳам қолгандим. Кейин у дабдурустдан: “Қаламинг борми?” — дея сўраб қолди.

Мен яна ҳайрон бўлдим: унга қалам нега керак бўлиб қолди экан? Ён дафтардаги қаламни олиб беришга шошилдим. У ташриф қозозимни ҳам сўради. Унга нималарнидири ёзаётганда: “Менга қара, ташриф

қогозига хат ёзиш ноқулай-ку”, — дедим. “Йүқ, бу шунчаки үзим учун”, — деб жавоб берди. — Мен үйлаб, ҳам ухлаб оламан, мени ёлғиз қолди”. Әзила-вериб тұлдыриб ташланган ташриф қогозини күкраги-га қүйди-да, күзини юмди. Ҳаммаæk шундай тинчи迪-қолдики, бундан әсинг огиб қолиши ҳеч гап әмасди...

Шу алпозда ярим соатдан күпроқ вақт үтди. У бирдан қүзини очди-да: “Едимдан чиқаёзиби, мен уәугингни қайтариб бергани келгандым. Кеча үзинг ҳаммасига нұқта қўймоқчи әдинг-ку”, — деди совуқ-қина қилиб. У қаддини бир оз күтарди-да, узукни деворга қараб улоқтири. “Наҳотки, сен мени сева-сан? — деярли қичқириб деди у. — Тушунолмайман, қандай қилиб сен мени бу ёргу оламда яшашимга йўл қўйиб беряпсан! Мен аёлман, менда субут йўқ. Мен ўлимдан қўрқмайман — азоб чекишдан қўрқаман, хо-лос, лекин сен битта ўқ билан мени, сўнг үзингни мар-ҳумга айлантиришинг мумкин”. Менга шу ерда аянчли аҳволимизнинг даҳшатли бир ҳақиқати аён бўлганди, энди қандай якун топмасин, буни нима биландир ҳал этиш вақти келганди. Лекин уни ўлдириш — йўқ, асло, бу иш менинг қўлимдан келмаслигини се-зиб турадим: мен ҳис этаётган нарса бошқа эди: мен учун ҳал қилувчи лаҳзалар етиб келганди. Мен револьверни олдим-да, тепкисини кўтардим. У ҳайқи-риб: “Нима? Фақат үзингни отасанми? — дея иргиб ўринидан турди. — Йўқ, Исо номи билан қасам ича-манки, бундай қилмайсан!” — деди ва револьверни қўлимдан юлқиб олди.

Яна ўша юракни ўртовчи жимжитлик. Мен чўнқа-йиб ўтирадим, у эса қимир этмай ётарди. Бир вақт

у ўзига ўзи полякчалаб ниманидир гапирди-да, ке-йин: “Уэутимни бу ёққа бер”, — деди менга. Мен унга узукни узатдим. “Ўзингникини ҳам!” — деди у. Мен бу буйруқни ҳам бажаришга шошилдим. У ўзиникини қўлига тақди-да, менга ҳам узугимни та-қишимни буюрди, кейин гапира кетди: “Мен сени ҳамиша севганман, ҳозир ҳам севаман. Сени ақлдан оздирдим, азоб бердим, нима қилай, феълим шуна-қа экан, қисматимиз шунақа бўлди. Менга юбкамни узатиб юбор-да, қора вино олиб кел...” Унга юбка-сини узатдим-да, винога кетдим, қайтиб келганимда ёнида заҳар солинган шиша идишни кўрдим. “Менга қара, — деди у қатъий оҳангда. — Ўйин-кулгилар шу билан ниҳоясига етди. Сен менсиз яшай оласан-ми?” Мен, йўқ, деб жавоб бердим. — “Ҳа” — деди у, — мен қалбингни, фикрларингни бутунича ўзим-ники қилиб олганман. Энди ўзингни ўлдириш учун иккиланмайсанми? Агар шундай қилолсанг, мени ҳам ўзинг билан олиб кет. Менинг ҳам сенсиз яшашим-дан маъно қолмайди. Мени ўлдирганингдан сўнг, ўлаётганингда ва ниҳоят мен энди тоабад, бутунлай сеники эканимни билиб ўласан. Энди мен сенга ўз ҳаётимни сўзлаб бераман...” У бир оз дам олиб, ўзи-га келди-да, шошмасдан, болалигидан бошлаб бутун ҳаётини менга ҳикой қилиб берди...

XIV

Мен ҳатто қайси биримиз ёзишни аввалроқ бошла-ганимиэни ҳам яхши эслайман... Ўшанда қаламни ик-кига бўлгандим... Биз ёзишни бошладик ва ҳаммавақт

жим ўтириб ёзик. Янглишмасам, мен энг аввал отамга хат ёздим... Сиз, нима учун мен отам “менинг бахтли бўлишимни истамаяпти” деб уларга қилган таънамни, менинг эса бирор марта бўлса-да, никоҳимизга отамнинг розилигини олишга ҳаракат қилмаганимни билмокчимисиз? Қайдам... Бари бир улар бу никоҳга рози бўлмасдилар... Мен кейин полқдаги дўстларимга хат ёзиб, улар билан видолашганман. Яна кимга дейсизми? Ҳа, тузукроқ қилиб кўмишларини айтиб, полқ қўмондонига хат ёзгандим. Демак, мен ўзимни ўзим ўлдиришимга ишонардим — сиз шундай демоқчисиз-да? Албатта. Ҳуш, нима учун энди буни қилмадим? Бу ёгини билмайман...

У, эсимда, шошмасдан, тўхтаб-тўхтаб, ҳар томонни ўйлаб ёзарди; сўзни ёзарди-да, хўмрайиб деворга қараб қўярди... Ҳатларни унинг ўзи йиртиб ташларди, мен эмас. Ёзарди-да, йиртарди, тўғри келган томонга итқитарди... Назаримда, ҳатто қабр ҳам ўша сўнгги соатларда, ўша жимжитликда, мана шу фонус остида ёзган бекорчи мактубларимчалик қўрқинчли бўлмаса керак. Мен ўша кеча у менга нимани буюрган бўлса, ҳаммасига сўэсиз итоат этганман.

У тўсатдан: “Етар, бўладиган ишнинг теэроқ бўлгани яхши. Менга винодан узат, мени дуо қил, эй Худо!” — деб қолди. Стаканга вино қўйиб, унга узатдим, у қаддини бир оз кўтариб, винога бир чимдим кукунни ташлади. У винонинг ярмидан кўпини ичиб, қолганини ичиб қўйишмни сўради. Мен ичиб юбордим. У тоқатсизлана бошлади-да, қўлимдан маҳкам ушлаб: “Энди мени ўлдир, ўлдир мени! Севгимиз ҳаққи, ўлдир мени”, — дея ялина бошлади.

Буни қандай әплашім мүмкін әди? Назаримда, уни чап құлым билан қучдім, ҳа, албаттa, чапи билан ва лабларига ёпишдім. У: “Алвидо, алвидо... Йүқ, ёки бұлмаса: Ассалом, әнді буниси то абадга... Бу ерларда бирор нарсага әришолмадім, демек, әнді бари у ерда, арши аълода...” Уни маңкам қисиб турардім, лекін бармогім револьверни босишиға шай турарди... Эсимда, бутун аъзои баданимни қалтироқ босганини ҳис әтардім. У полякчалаб: “Александр, севгилим менинг!” — дейишігa улгурди, холос.

Бу соат нечада содир бұлды дейсизми? Учларда, шекилли. Үндан кейин мен яна иккi соат нима иш қылдім? Лекін мен соат бирдан бошлаб Лихарев томонғa кета бошлаганман. Қолган вақт унинг ёнида бұлғанман ва үзим билмаган ҳолда нарсаларни тартибғa сола бошлаганман...

Мен нега үзімни отмадім? Мен бу ҳақда үйламасдім. Унинг жонсиз жасадини күрдім-у, барчасини унұтдім. Мен үндан күз узолмасдім. Кейин ҳүшимни үйқотған ҳолда уни ва хонани тартибғa келтира бошладім... Мен сендан кейин үзімни үлдіраман, деб берган ваъдамни бузишим мүмкін эмасди, лекін лоқайдлық мени бутунлай домига тортган әди... Мен ҳозир үз ҳаётимғa ҳам худді шундай лоқайдлық билан қарайман. Аммо мени жаллод деб үйлашларига ҳеч чидолмайман. Йүқ, йүқ! Балки, мен қонун олдида, Ҳудо олдида гуноқкордирман, лекін зинҳор унинг олдида әмас!

1925 ыйл 11 сентябрь

БОЗОРДА¹

— Сизга хўжалик буюмларидан бирор нарса керакми?

Бозордаги энг сара моллару соат дўконлари, дорихона, темир буюмлару идиш-товоқлар, бўёгу гуруч, чой, қаҳва сотиладиган расталарда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Бозор қаршисидаги дарвоза олдида супурги, тобут, белкурагу хаскашлар ҳамда ялтиллаб турган янги гилдираклар чиқариб қўйилган омборхоналар жойлашган.

Саратон, бегим кунлари, жазирама авжига олган. Бозор бўм-бўш. Бор-йўғи битта тасодифий харидор — шаҳарлик киши ибодатхонадан ўқдек отилиб чиқди. Унинг шошилинч иш билан бозорга киргани юз-кўзидан сезиларди. У энг катта омборхонанинг дарвозаси олдида тўхтади. Эшаксимон қалта оёқли байтали устига жиловни ташлади-ю, сомон ортилган чанг аравадан сақраб тушди, офтобда қизиган бош кийимини орқага суриб, бир муддат серрайиб туриб қолди.

— Хўш, хизмат, ака, хўжалик буюмларидан бирор нима керакми, мана, масалан, тобут?

— Тобут...

— Танлов катта. Сизга одмигинаси керакми ёки муҳташами?

Харидор янгилиги билан кўзни ўйнатувчи белкурагу супургилардан кўз узиб, керакли буюмга нигоҳ ташлади: бу арzon бўёқ сурилган, дагал, қопқогида

¹ Холниса Раҳмонқулова таржимаси.

Холниса Раҳмонқулова — 1975 йили Жиззах вилоятида туғилган. 1999 йилда Жиззах давлат педагогика институтининг филология факультетини тутатган. 2001 йилдан бўён бадиий таржима билан шутулланади.

хочи оқаріб турған ва қопқоқ нишабида митти пар-
ракли каллаги бор тобут әди.

— Ҳар ҳолда бунисидан яхшироқ...

— Кимга? Қақалоқ әмасми ишқилиб? Навжувон
болагами ё навниҳол қызға? Қари кампиргами ёки
чолға?

— Еш бола учун, азизим, сенга дардисар бүл-
масдим. Гүдак учун аллақандай арзимас матоҳни ўзим
ҳам йўниб олардим. Бутун бошли галлани далага таш-
лаб келиб ўтирибман-а...

— Бундан чиқди, отангиз ё онангизга экан-да?

— Онам учун...

— Волидангизнинг бўйи тахминан қанча әди? Жус-
саси йирик әмасмиди?

Харидор тобутларга қўз югуртириб, кафтининг
қирраси билан ўз елкасини қаричлади.

— Мана, бунисини бир кўринг-да. Бундан ўтади-
ганини тополмайсиз.

Сотувчи тезда бинафшаранг тобут бошига кафтини
босди ва чаққон ҳаракат билан уни бошқаларидан аж-
ратиб, йўлакка, харидорнинг олдига қўйди.

— Буниси бир оз кичиклик қиласидими, дейман...
Очиғи, у кейинги пайтларда анча озиб кетганди...

— Албатта, тобутларнинг энг сарасидан әмас-у,
бироқ маййитни созгина жойлаштириш мумкин.

— Мустаҳкамми?

— Кафолат бераман. Ҳавотирланманг, қиёматга
қадар етади.

— Қани, қопқоғини очсинлар-чи...

Сотувчи қопқоқни олди. Ҳаридор эгилиб, диқ-
қат билан синчиклади. Ичкариси бўялмаган, тилла-

ранг тахтаси гадир-будур, хуш ва қуруқ ҳид келарди. Айрим жойларига сариқ елим томган. Тобутнинг туви қингир-қийшиқ, бир-бирига ёмон ўрнатилган тахталардан иборат эди. Асосийси, кўзсиз тахталар эмасди. Буни қўрган харидорнинг қувончи ичига сифмай кетди. Буюмни ерга уриб, янада арzonроқ харид қилиш имкони туғилганидан жонланди:

— Йўқ, оғайнини, бу тобутнинг қиёматгача чидамайди, қара, нуқсони бор экан! Бу яроқсиз, азизим! Агар бешдан тушиб берсанг, оламан. Фақат шунда ҳам онамнинг ҳақи-хурмати!

1930 йил

ЁШЛИК ВА КЕКСАЛИК¹

Ажойиб ёз кунлари, осуда Қора денгиз.

Кема одамлар ва юклар билан лиқ — ҳатто кеманинг қўйругида ҳам лаш-лушлар қалашиб ётибди.

Кема дунё кезган — Қрим, Кавказ, Анатолия соҳиллари, Константинополь...

Қуёш чараклаб турибди, осмон мусаффо, денгиз нафармон, бош-кети қўринмас портда одамлар қатор тизилган, капитан ёрдамчиларининг қулоқни батанг қилгувчи сўкинишлари, қичқириқлари авжига чиқади, сўнг яна сокинлик чўкиб, ҳамма қимиirlаб қолади.

Кеманинг биринчи тоифали каюталари салқингина, шинам, тоза ва бўм-бўш. Бироқ ошхона ёнидаги ўловчилар тунайдиган тор, бадбўй ҳужралар, шийпонча таги ивирсиб, кўзга хунук ташланади. Ҳамма ёқда сассиқ ҳид ўрнашиб қолган. Устига-устак кун-

¹ Умид Али таржимаси.

нинг беаёв жазирамаси, илим-илиқ ҳаво димоқни ачитади. Бироқ денгиздан тараалаётган эпкин буларнинг ҳаммасини тўзитиб юборгудай бўлиб, вужудга ҳаловат инади.

Ёйловчилар сафида руслар, нўғайлар, курдлар, грузинлар, ҳатто греклар ҳам бор. Курдлар, сизга айтсан, ёввойи халқ — кун бўйи донг қотиб ухлашади, грузинлар эса қувноқ халқ: қўшиқ айтишади, жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушишади, гоҳида сакраб ҳам қўйишади қурмагурлар.

Кема Трапезундда талай вақт туриб қолди. Мен қиргоққа чиққандим, кема зинасида уймаланаётган бир тўда жулдур курдларга дуч келдим — сал нарироқда эгнига кулранг черкес кийиб, энсиз камарни маҳкам сиқиб олган чол диққатимни тортди. Курдлар биз билан битта кемада сузиб, бир палубада ётиб туриб, жойларини тоза сақлашарди.

Чолнинг соқоли денгиз кўпигидек оппоқ, юзи эса офтобда қорайиб кетганди. Катта-катта кўзлари йилтиллаб турарди.

Мен унинг олдига яқин бориб, “салям” дедим, кейин сўрадим:

— Кавказданмисиз?

Чолнинг чеҳраси очилиб, дўстона илтифот қилди:

— Узоқдан чўтлайверинг, жаноб. Биз курдлармиз.

— Қаерга кетяпсизлар?

Унинг юзлари жиддий тортди, магрур жавоб берди:

— Истанбулга, жаноб. Шоҳимиз олдига. Унга совга-салом обборяпман. У ўғилларимнинг барини урушга чақириб олганди. Еттовиниям. Шаҳид кетишди гў-

ри нурга тұлғурлар. Аммо шоҳимиз мени ёлғиэлатиб қўйгани йўқ, барака топсин.

— Це-це-це... — деб юборди туйқус ёнимиэда турган ёш грек. У пўрим кийинган: бошида олча ранг феска, эгнида кулранг сюртук ва оқ жилем, оёғида тугмалари қадалган ялтироқ ботинка бор эди. Қўлида папирос бурқситиб тутун таратаяпти. У бошини чайқаб чолга ачинган бўлди:

— Бай-бай, қариянинг бир ўзи қолибди-да, а?

— Қандай нодонлик, — тузи ўзгарди чолнинг, — Мана сен қариб-қартаясан. Аммо, мен ҳечам қаримайман. Маймун ҳақида эшитганмисан?

Йигит мийигида кулиб сўради:

— Қанақа маймун?

— Билмасанг, эшитиб ол. Тангри ер ва осмонни яратди, буни билсанг керак?

— Бўлмасам-чи?

— Кейин одамни яратиби-да, қулогига қўйибди: Сен, дебди, ўттиз йил мана шу дунёда яшайсан, умринг фаровонликда ўтади, дунёда нимаики бор ҳам масидан фойдаланасан. Ҳўш, маъқулми, дебди. Одам ўйланиб қолибди: ҳаммаси яхшику-я, ўттиз йил камлик қилмасмикан, сўнг Ҳудодан ўпкаланибди — шунча кам умр кўраманми? Эшитяпсанми? — хитоб қилди чол кулимсираб.

— Эшитяпман, — жавоб берди грек.

— Кейин Тангри эшакни дунёга келтирибди, унга ҳам тушунтирибди: Сен оғир юкларни ташийсан, одамларни миндирасан, манзилигача элтиб қўясан, агар ўжарлик қилгудай бўлсанг, боингга таёқ билан уришади. Розимисан? Бечора жонивор зорланибди,

йиглабди: Уттиз йил хор бўлиб яшайманми, ҳеч бўлмаса ярмини чегириб қўй, дебди. Буни эшитган одам — унинг ярим умрини меникига қўшиб бер, дебди Худога. Тангри рози бўлибди. Энди одамзотнинг умри қирқ беш йилга узайибди. Қара-я, чакки иш қилмабди-я? — сўради қувлик билан чол.

— Бўлмасамчи, — жавоб қилди грек унинг фикри ни тўла англаб етмай.

— Энди Тангри қўппакни вужудга келтирибди ва унга ҳам шунча умр берибди: Сен, дебди итга, хўжангнинг мол-дунёсини асрайсан, ундан бўлак ҳеч кимга ишонмайсан, кечалари ухламай уйини қўриқлайсан, дебди. Карагин-а, ит ҳам ўэига берилган умрдан нороэзи бўлиб, ярмига кўнибди. Шунда одам яна очофатлик қилибди, шунча умр увол кетмасин, меникига қўша қол, дебди Яратганга. Тангри тилагини бажо келтирибди. Ҳўш, энди бу азаматнинг умри қанчага чўэилди?

— Олтмишга, — деди грек қувониб.

— Ҳўш, ана ундан кейин Тангри маймунни яратибди, унга ҳам ўттиз йил умр берибди, кейин тушунтирибди: Сен меҳнат-машаққатсиз кун қўрасан, фақат ҳусндан мосуво бўласан, бошинг тап-тақир, юзларинг ажинли, тап-тақир қошинг нақ пешонанг бўлади, ким сени қўрса ўша заҳот хаҳолаб масхара қиласди...

Шу тоб грек чолнинг гапини бўлди:

— Демак маймун ҳам умрининг яримидан воз кечади, шундайми?

— Шундай, — деди чол ёнида турган миллатдоши қўлидан мундштукни оларкан, — Одам бундан ҳам фойдаланиб, маймуннинг ярим умрини ўзиникига қўшишни сўрайди Худодан. Яна...

Шундан сўнг қария жимиб, пича хаёлга толди, бизни унутди гўё. Кейин кўзларини бир нуқтага қадаб, вазмин гапира кетди:

— Одам ўзига берилган ўттиз йиллик умрни ма-роқли ўтказибди — ебди, ичибди, урушда қатнашибди, тўй-маъракаларда хурсандчилик қилибди, қиз-жу-вонлар билан бирга бўлибди. Кейин умрига қўшилган ўн беш йилини эшақдай ишлаб, бор топган-тутганини ўйига ташиб ўтказибди. Кейинги ўн беш йил ундан ҳам ошиб тушибди. Тўплаган бойлигидан хавотирга тушиб, кечалари билан ухломабди, асаби ишдан чиқибди. Умрининг охирида эса куч-куватдан қолиб, қариб-қартайиб тасқара маймунга ўхшапти-қопти. Кимнинг кўэи тушса, бошини лиқиллатиб, хаҳолаб кулармиш. Сен ҳам айни ўша одам аҳволига тушасан, — тиржайиб деди қария грекка мундштугини тишлари орасида силжитаркан.

— Сиз-чи, сиз бу аҳволга тушмайсиэми? — деб сўради йигит.

— Ҳа, мен бошқача одамман.

— Қанақа одам?

— Мен кабилар бу дунёда саноқли, — деди чол магрур. — Мен эшақдай бойлик ташимадим, йўқ мол-дунёга итдек қўриқчилик қилмадим, энди маймунга ўхшаб ташвишга тушишга не ҳожат? Шундай экан нега қарилкни бўйнимга олишим керак?!

1936 йил

СТЕПА¹

Қош қорая бошлаганда Чёрнь йўлидан кетаётган ёш савдогар Красилшиков жалада қолиб кетди.

У мовут чакмони ёқасини қўтариб, томчилар дувдуд томаётган картузини бостириб кийған ҳолда қўнжи узун этикларини аравачанинг ўқига қаттиқ тираб, тўсиқ орқасидаги ўриндиқда ўтирар, увишиб қолган ҳўл бармоқлари билан ивиб кетган тизгинни силтаб тортиб, югурик отни янада тез чопишга ундар, суюқ балчиқ сачратиб кетаётган чап томондаги филдирак ёнида йирик қўнгир овчи ит тилини осилтириб, бир маромда гизиллаб бораради.

Олдинига Красилшиков аравачани тош йўл бўйлаб чўзилган қора тупроқ, сўқмоқдан ҳайдади, сўқмоқ, кўпикланиб оқаётган кулранг бўтана билан тўлгандан кейин катта йўлга бурилиб, майда шагални гижирлатиб кета бошлади. Ён-атрофдаги дараҳтлар, осмон ҳам янги узилган бодринг ва фосфор ҳиди уфуриб турган қуюқ ёмғир пардаси остида кўринмай қолган эди, кўз ўнгига ёргу шуъла қора булувларни тешиб, кўзни олгудек ярақлаб чақнар ва бўшлиққа томир отган яшин бош устидан қалдираб ўтиб, бир лаҳзадан кейин худди қиёмат-қойимдан дарак бераётгандек, даҳшат билан гумбурлаб портлар эди. От дам-бадам чўчиб тушса-да, шитоб билан йўртаб борар, ит эса қулоқларини қисиб, жон ҳолатда сакраб-сакраб югурар эди.

¹ Ортиқбой Абдуллаев таржимаси.

Ортиқбой Абдуллаев — ёзувчи, таржимон, адабиётшунос, филология фанлари номзоди. 1943 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Красилников Москвада ўсди, шу ерда ўқиб, университетни битирди, аммо ёзда Туладаги бадавлат хонадонларни эслатадиган чорбогига келгач, мужиклар қишлоқ ҳаётига хос қайноқ лаззат огушида сармаст әди. Ез бүйи ўтган йилги саратонда орасидан чиққан помешчик-савдогарга ўхшаб юришни ёқтириб қолди ва тилла қутичага солинган сигарета чекадиган, йилтиллатиб мойланган этик, ён ёқа күйлак, бурма камзул киядиган, рус кишиси әканидан ниҳоятда гуурланадиган бўлиб қолди, ҳозир эса, жала ва қалдироқлар ичида, бош кийими ва бурнидан томаётган совуқ томчилар гашини келтираётганига қарамай, машҳур артист жононга жазманлик қилиб, июль ойида уни Кисловодскка жўнатгунча Москвада дайдиб юрганини, бекорчилик, жазирама, кесилган темир бочкалардан бурқсиб чиқаётган кўкимтири қорамой тутуни ва иссиқ қўланса ҳидга тўла ўнқир-чўнқир Москва қўчаларини, Кавказга отланган “Малий театр” артистлари билан Троицкий нишаблигига қилинган нонушталарни, “Трамблэ” қаҳвахонасидаги роҳатижон ўтиришларни, сўнг гилофи олинмаган мебеллар, қандиллар, нафталин ҳидли докаларга ўралган суратларга тўла хонасида интизорликда ўтказган тунларни тез-тез эслай бошлаганди...

Езда Москва оқшомларининг адоги бўлмайди, ўн бирларга борганда қоронги тушади, кутиб ўтираверасан, ўтираверасан, ундан эса дарак йўқ. Ниҳоят, қўнгириоқ, у қўркам ёзги либосда, нафаси тиқилиб зўрга гапиради: “Мени кечир, жоним, куни билан бошим оғриб ётиб қолдим, совға қилган чойгулингният чайнаб ташладим, шошилганимдан олифта бир извошчини ёллабман дегин, ўлгудек очман...”

Ниҳоят, жала ва момақалдироқ наъраси пасайиб, атроф сал ёришгандан кейин, олдинда, тош йўлнинг чап томонида яқинда хотини ўлган кекса мешчан Прониннинг таниш карвонсаройи қўринди. Шаҳарга ҳали йигирма чақиримча бор, нафас ростламасак бўлмайди, ўйлади Красилшиков, от қўпикка ботиб кетган, тагин нима бўлишини ким билсин, у томонлар қоп-қорайиб ётиби, чақмоқ чақишини қаранг-а... У йўлни карвонсаройга қараб солди ва ёгоч дарвоза қанотигача отни йўрттириб келди. — Бобо! — Қаттиқ қичқирди у. — Мехмонни қабул қил! — Аммо тунукаси занглаган ёгоч уйнинг деразалари қоп-қоронги, сас-садо йўқ. Красилшиков тизгинни қозиққа боғлаб, пилла-поядан соябонли йўлакка кўтарилиди, орқасидан лойга беланган, жиққа ҳўл ити сакраб чиқди, унинг кўриниши ваҳимали, қўзлари чақнаб маъносиз ялтиради, тер босган пешанасидаги картузни кўтариб қўйди, ёмгирда огирашган чакмонини ечиб, панжарага ташлади ва кумуш тўқали камар боғланган ён ёқа кўйлакда қолиб, қора лой сараб, ола-чипор бўлиб кетган юзини артди, сўнг қамчиси билан почасига ёпишган лойларни уриб-уриб тушира бошлади.

Оғил эшиги очиқ бўлса-да, уй ичида ҳеч ким йўққа ўхшарди. Молларга қарашяпти, шекилли, ўйлади у ва энгashiб, ён-атрофга тикилди: жўнаб кетаверган маъқулмикин? Кечки ҳаво оғир ва намчил эди. Ёмгирида әгилиб қолган бугдойзор томондан беҳисоб беданаларнинг хушхон хониши эшитилиб турарди, жала тинган, аммо тун бостириб келар, еру осмон хўмрайған зулмат қўйнида, тош йўлдан нарида, пастак қорамтири ӯрмон орқасида совуқ булуғлар янада қуюқлашган, дам-ба-

дам қизгиш шуъла ёйилиб, атрофга ёвуз тилларини чўзарди — Красилников даҳлизга ўтди, қоронгидан пайпаслаб меҳмонхона эшигини топди. Меҳмонхона ҳам қоп-қоронги ва кимсасиз эди, фақат қаердадир осма соатнинг чиқиллаши эшитиларди. У эшикни тарақлатиб ёпди, оғини судраб бориб, хонадаги бошқа эшикни очди: ҳеч ким йўқ, фақат иссиқ қора шифтга ёпишган мудроқ пашшалар норози бўлгандек гувилашди.

— Ўлиб қолишганми? — овоз чиқарди у ва шу заҳоти қоронгидан сўридан сиргалиб тушаётган ҳўжайиннинг қизи — Стёпанинг болаларга хос бийрон, ёқимли овозини эшитиди.

— Сизмисиз, Василь Ликсеич? Мен бир ўзимман, оқсочимиз дадам билан уришиб, уйига кетиб қолди, дадам бўлса хизматкорни олиб, иш билан шаҳарга кетувди, бугун қайтиши гумон... Момақалдироқдан ўлгудек қўрқдим, бир маҳал бу ёққа кимдир келганини эшитиб, ўтакам ёрилаёзди... Салом, мени кечираисиз, марҳамат қилинг...

Красилников гугурт чақиб, унинг қора кўзлари ва қорамагиз юзии ёритди:

— Салом, тентаккинам. Мен ҳам шаҳарга кетяпман, мана, қўрмайсанми нималар бўлаётганини, кутиб турай деб кирдим... Сен бўлсанг, қароқчилар босди деб ўйлапсанда-а?

Гугурт ёниб битди, аммо қизнинг хижолатомуз кулимсираётган юзи, бўйидаги қўзмунчоқлари, саргиш сатин қўйлак остидаги кичкина қўқраклари яққол қўриниб турарди... Бўйи Красилниковдан икки баравар кичик, худди ёш қизалоққа ўхшайди.

— Ҳозир чироқни ёқаман, — деди қиз шоша-пиша ва Красилниковнинг ўткир нигоҳидан баттар хижолат бўлиб, стол устидаги чироққа қўл чўзди. — Сизни Ҳудо етказди, ёлгиз ўзим ваҳима қилиб ётгандим, — у майин товушда гапиравар экан, оёқ учидатуриб, эҳтиёткорлик билан чироқнинг кампирағини бураб, шишасини чиқарди.

Красилников унинг эгилиб турган қоматига тикилганча бошқа гугурт чўпини ёндиради.

— Тўхта, кераги йўқ, — бирдан у гугуртни ерга ташлаб, қизнинг белидан қучоқлади. — Тўхтаб тур, қани, менга бир қарагин-чи.

Қиз хавотирланиб, елкаси оша қаради, қўлларини пастга тушириб, унга ўгирилди. Йигит уни бағрига тортди, қиз қаршилик кўрсатмади, фақат ҳайрат ва кўркув ичидаги бошини орқага ташлади. У гира-ширада қизнинг кўзларига юқоридан назар солар экан, кулиб қўйди:

— Яна қўрқяпсанми?

— Васил Ликсеич... — қиз ялинчоқ оҳангда зўрга гапиради ва йигитнинг қучогидан секин сиргалиб чиқишга уринди.

— Тўхта. Наҳотки мени ёқтирумасанг? Ҳар кўрганингда севиниб кетишингни биламан-ку...

— Сиздан яхши одам дунёда йўқ, — деб пичирлади қиз ҳароратли товушда.

— Ана, кўрдингми?..

Қизнинг лабларидан узоқ ўпди, сўнг қўллари пастга сиргалди.

— Васил Ликсеич... Ҳудо ҳаққи, қўйинг... Отингиз дарвоза олдида қолиб кетди-ку. Эсингиздан чиқариб

қүйдингизми?.. Отам келиб қолади... Қүйинг, керак эмас!

Ярим соатдан кейин у уйдан чиқди, отни ҳовлига киргизиб, бостиромага bogлади, юганини чиқарди, ҳовли ўртасидаги аравадан янги ўрилган ўт келтириб солди ва ҷарақлаб очилиб кетган осмондаги сокин юлдузларга тикила-тикила ичкарига кирди. Иссик қоронгулик оғушидаги жимжит хонага ҳамон олисдан заиф шуълалар тушиб турарди. Қиз сўри устида бошини кўксига солинтириб, гужанак бўлиб ётар, бояги ишнинг галатилигидан ҳам қўрқиб, ҳам роҳат қилиб, беихтиёр иссиқ кўз ёши тўкарди. У қизнинг шўртанг кўз ёшлардан ҳўл бўлган юзидан ўпди, ўнг қўлида папирос ушлаганча чалқанча ётиб, унинг бошини елкасига қўйди. Қиз индамай, тинч ётарди; у чекиб, чап қўли билан юзига тегиб турган паришон соchlарни эркалаб силади...

Қиз тезда ухлаб қолди. У қоронгиликка тикилиб ётар экан, мамнун кулимсираб қўйди: “Дадам шаҳарга кетди...” Кетиш бунаقا бўлади! Ярамас чол дарров билиб олади — қотмадан келган, жаҳли тез, қалин қоши бўлса қоп-қора, кўзлари ниҳоятда ўткир, ўлгудек ичганда ҳам ақлини йўқотмайди дейишади...

У уй ичи ёришиб, шифт билан пол ўртасидаги бўшлиқ бемалол қўринадиган бўлгунча ухламай ётди. Бошини буриб, ойнага қараб, уфқ яшил тусга кираётганини кўрди, гира-ширада стол бурчагига қўйилган Исо Масиҳнинг бир қўлини кўтариб, одамларга ўткир нигоҳ ташлаб турган улкан суратига кўзи тушди. У қизга қаради: ёнбошлаган кўйи оёқларини йигиб,

сокин ухлаб ётибди. Бечора қизалоқ нақадар дилга яқин...

Осмон батамом ёришиб, девор орқасидаги хўроz бир-икки қичқиргандан кейин у туришга шайланди. Кўкраги очиқ, соchlари ёйилиб кетган қиз ҳам сакраб туриб, яrim ёнбошлаб ўтириб ва ҳеч нарсани англамай унга тикилиб қолди.

— Стёпа, — деди у эҳтиёткорлик билан. — Вақт бўлди.

— Кетиб қоласизми? — шивирлади у гарансиб.

Сўнг бирдан ҳуши жойига келди, қўлларини устмавуст қўйиб, кўкрагига ура бошлади:

— Қаёққа кетасиз? Энди сизсиз қандай яшайман?
Мен нима қиласман энди?

— Стёпа, мен тезда қайтиб келаман...

— Дадам уйда бўлади-ку, сизни қандай қилиб кўраман?! Йўлдан нарига ўтиб, жон деб ўрмонда пойлаб турардим-у, мени уйдан ташқарига ким чиқаради дейсиз?

Йигит тишлирини гижирлатиб, уни чалқанчасига агадарди. Қиз қўлларини кенг ёйиб, охирги нафасини чиқараётгандек ширин энтикиб, “Оҳ” деб нидоқилди.

Бир оздан кейин у кўйлагини, картузини кийган, қўлида қамчи, чиқиб келаётган қүёшга орқа ўгирган ҳолда сўри олдида турар, қиз эса сўрида тиз чўккан кўйи болаларча ҳўнграб йиглар, лабини хунук қийшайтириб, тез-тез гапирав әди:

— Васил Ликсеич... Худо ҳаққи... азиҳ авлиёлар ҳаққи, мени хотин қилиб олинг! Ўлгунча чўрингиз бўламан! Остонангизни ялаб ётаман! Олинг мени! Жон

деб изингиздан кетар әдим, мени ким қўйиб юборади дейсиз?! Васил Ликсеич...

— Бас қил! — деди Красилников кескин. — Тез кунда келиб отангга учрашаман. Сенга уйланаман дейман. Эшигдингми?

У чўккалаб ўтири, дарров йигидан тўхтади, намланган кўзлари ярақлаб очилди:

— Алдамайсизми?

— Чин сўзим.

— Покланиш байрамида ўн олтига тўламан, — деди у шоша-пиша.

— Ана, демак, ярим ўйдан кейин никоҳдан ўтишимиз мумкин экан...

Үйга келиши билан у нарсаларини йигиштиришга тушди, кечқурун уч отли аравада темир йўлга жўнади. Икки кундан кейин у Кисловодскда эди.

1938 йил 5 октябрь

МУЗА¹

Мен ўшанда, гарчи бунинг учун ёшим ўтинқираб қолган бўлса-да, рассомлик санъатидан сабоқ олишга жаэм этдим — кўнглимда аввалдан ҳам шундай ҳавас бор эди — Тамбов вилоятида ер-мулким бўла туриб, бутун қишини Москвада ўтказдим. Мени шогирдликка олган рассом нўноқ, истеъдодсиз, аммо ўзига яраша донгдор ҳам эди; у санъат аҳлига хос барча зоҳирий

¹ Тоҳир Қаҳҳор таржимаси.

Тоҳир Қаҳҳор — 1953 йилда Наманган вилоятида туғилган. Шоир, журналист ва таржимон, филология фанлари номзоди. Ўзбекистонда хизмат кўрсаттани маданият ходими; Аҳмад Яссавий номидаги халқаро мукофот соҳиби. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

кўринишга эга эди: сочини елкасигача жингалак қилиб ўстирганди, тишига трубка қисиб юарди, калта, қизил барқут камзул, уринган, кулранг, узун этик-калиш киярди — мен улардан жудаям жирканардим — муомалада ҳечам истиҳола қилмасди, ўзганинг меҳнатига мутакаббирларча чап кўз билан қараб, худди ўзича сўзланаётгандек: “Чизганинги багоят ажойиб, багоят мароқли... Бир сўз билан айтсан, бу сиз учун улкан муваффақиятдир...”, деб қўйишга одатланган бир кимса эди.

Мен Арбат хиёбонидаги “Прага” ресторанига ёндош “Пойтахт” мусофиринасида яшардим. Кундузи рассомницида ёхуд ўз хонамда ишлардим, кечани кўпинча овқати арzon ресторонларда, турмуши ит ётиш мирза туришдан иборат дайди санъаткорлар орасида, ёшу қариси бир хилда пиво ва қисқичбақага муккасидан кетган янги-янги танишларим билан ўтказар эдим... Тўғриси, жуда зерикарли ва қўнгилсиз ҳаёт кечирадим! Ўша ўлардай бефарқ, тепса-тебранмас ирkit рассомни, унинг вайронага айланган, чангта беланганд, турли-туман сохта безаклар уюми тўла устахонасини; ўша қоп-қоронги “Пойтахт” мусофиринасини ўйласам, фақат энсам қотади...

Эсимда ушбу лавҳалар қаттиқ сақланиб қолган: деразага қор тўхтовсиз урилади. Арбат томондан қўнгироқларини жаранглатиб ўтаётган қўнкалар — от қўшилган трамвайларнинг тарақ-туруқ товуши келади, кечаси эса хира ёритилган ресторанда пиво ва яна алламбалонинг ачимсиқ иси анқийди... Чўнтағимда бирмунча пулим бўлатуриб, нима сабабдан шундайин аянч бир тарэда яшаганимни ҳалигача тушуниб етолмайман.

Баҳорда, март кунларининг бирида, хонамда расм чизиш билан машғул әдим; тош йўлдан эшитилаётган нагал товушлари қишидагидан бошқачароқ, қўнкалардан тарапалаётган мусиқавий садолар ҳам ўзгачароқ туюлар әди... Нохосдан кимдир даҳлиз эшигини тақиллатди. Баланд овозда: “Ким?” деб сўрадим. Аммо жавоб бўлмади. Бир оз кутдим, кейин тагин: “Ким у?” дея қичқирдим. Яна жимлик. Сўнг яна эшик тақиллади, бориб эшикни очдим; остоңада қулранг этикли, узун ва тўғри бичиқли қулранг пальто кийган, қишики қулранг шляпали новчагина бир қиз тура, кўзлари шаддод боқар, юзида, узун-узун киприкларида, шляпа остидан чиқиб, сочилиб ётган соч толаларида қор ва ёмгир нуқралари ялтирас әди. У мендан кўз узмасдан:

— Мен мутаассиб бир қиз — Муза Граф бўламан, — деди. — Сизнинг жудаям ажойиб киши эканлигинизни эшиитдим-у, танишгани келавердим. Қаршилигингиз ўқми?

Мен жуда ҳайрон бўлиб, аммо, албатта, расамади назокат билан жавоб бердим:

— Бошим осмонга етди, жуда мамнунман. Факат олдиндан айтиб қўймогим лозим, яъни мен тўғримда эшиитганларингиз аслида бошқачароқ; аслида, ҳеч қанақа ажойиблик жойим ўқ, мен — оддий бир рассомман.

— Бунинг ҳеч бир аҳамияти ўқ, муҳими, мени эшик олдида тутиб турманг, ичкарига таклиф қилинг, — деди у менга тик қараб, — ташрифимдан бошингиз осмонга етгач, эшигингизни ҳам очиб қўйинг-да, жонгинам.

У хонага кириб, ўзини худди онасининг уйида юргандек тута бошлади, четлари зарҳалланган, баъзи жойлари қорайған күзгу рўпарасига бориб, бошидан шляпасини олди, саргиш соchlарини тузатган бўлди; пальтосини ечиб стулга ташлади, енгил жун матодан тикилган катак-катак кўйлаги дарҳол эътиборимни тортди, у диванга бориб ўтиаркан:

— Калишим билан этигимни ечиб қўйинг, — деб буюрди. — Йўқ, аввал пальтомдаги дастрўмолни олиб беринг.

Унга дастрўмолни узатдим, у артиниб бўлиб, оёқларини мен томонга чўзди.

— Мен сизни кеча, Шоранинг концертида қўрган эдим, — беписанд деди у.

Мен мамнунлик ва эсанкирашдан аҳмоқона илжайганимча — бу қанақа меҳмон ўзи, ёпирай — итоаткорона қиёфада унинг қўнжли этик ва калишларини бирин-кетин ечиб қўйдим.

Қизнинг вужудидан ҳалиям ташқарининг бегубор ҳавоси уфуриб турар, бу ҳид хаёлимни пароканда қиласар, унинг рухсоридаги карашма, бебок нигоҳларидағи нозу истигно, узун ва чиройли қўлларидаги мафтункорлик хатти-ҳаракатларидағи мардона шаддодлик билан қўшилиб, дилимни баттар ҳаяжонга солар, ўртар эди.

У диванга қулайроқ ўрнашиб, бемалол-беписанда ўтириб олди, назаримда, ҳали-бери кетадиганга ўхшамасди. Ўйланқираб, лузумли бир гап тополмасдан, у мен тўгримда кимдан нималарни эшитгани, ўзи ким, қаерда ва кимлар билан истиқомат қилишини сўрай бошладим. У шундай жавоб қилди:

— Сиз ҳақингизда кимлардан қандай гап әшит-
ганимни айтиб ўтиромайман. Бу ерга қелишимнинг
бирдан-бир сабаби — сизни кеча концертда кўриб,
ёқтириб қолдим, шу холос. Сиз ниҳоятда чиройли ва
ёқимтойсиз. Ўзимга келсак, мен — докторнинг қизи-
ман, уйимиз ҳам бу ердан унчалик узоқ әмас. Пре-
чистенский хиёбонида.

Унинг сўзларида қандайдир қисқалик, кескирлик
ва ногаҳонийлик бор эди. Мен уни жалб этиш учун
бирор муносиб гап тополмаганимдан кейин:

— Чой-пой ичасизми? — деб сўрадим.

— Ичаман, албатта, — деди у. — Агар чўнтағингиз
кўтарса, Беловнинг ранет¹ олмасидан харид қилди-
ринг, унинг растаси шундоққина Арбатда жойлашган.
Фақат меҳмонхона ходимини тезроқ юборинг, мен
жуда бесабр қизман.

— Аксинча, сиз мутлақо сипо кўринасиз.

— Кўриниш ҳам гап бўлди-ю...

Меҳмонхона ходими бир қоғозхалта олма ҳам-
да биқирлаб қайнаб турган самоварни олиб келгач, у
ўрнидан туриб чой дамлади, пиёла ва қошиқчаларни
бошқатдан тозалаб артди... Бир пиёла чой ичиб, олма
еб бўлгач, диванга чуқурроқ ўрнашиб олди, сўнг мени
қўлларини ёзиб ишора қилган кўйи огушига чорлади:

— Энди бери келинг.

Енига бориб ўтирдим. У мени қучоқлаб олди, шо-
шилмасдан, оҳиста ўпди. Кейин бир муддат тикилиб
қолди ва худди мен унинг лутфларига муносиб экан-
лигимга ишонч ҳосил қилгандек, кўзларини жимгина
юмди ҳамда узоқ, сидқидиллик билан яна ўпди.

¹ Чучук олманинг бир нави. — F.M.

— Мана шундай, — деди у енгил тортган одамдай, — ҳозирча шу ҳам кифоя. Эртага бир гап бўлар.

Мусофирихона бўлмасига аллақачон қоронгилик оралаган, фақатгина кўчадаги чироқларнинг гира-шира ёғдуси кўзга чалинар эди. Айни дақиқалардаги ҳолатимни, қувончимни баён этишга тил ожиз. Қаердан келди бу ногаҳоний баҳт! Ўтиб бораётган кўнкалар қўнгирогининг ёд бўлиб кетган бир хилдаги жаранги ва отлар туёгининг тарақ-турук товуши тушимда эши-тилаётгандек туюлди.

— Индинга мен сиз билан “Прага” ресторанида бирга овқатланишни истайман, — деди у, — мен у ерга ҳозиргача бир марта ҳам кирмаганман, шунингдек, тажрибасиз бир қизман. Шу тобда мен тўғримда нималарни ўйлаб ўтирганингизни тасаввур қиласман, аммо, аслида, сиз — менинг биринчи севганим, биринчи муҳаббатимсиз.

— Қанақа севги-муҳаббат?

— Бўлмаса, буларни қандай аташ лозим?

...Шундан кейин ўқишни ташлаб юбордим. Раскомликка ҳавасим ҳам барҳам топди.

Биз у билан ҳеч ажралмасдан яшар, ҳар хил кўргазмаларга, концертларга, тасвирий санъат томошаоналарига борар, ҳатто, баъзан-баъзан оммавий маърузаларни тинглашга ҳам қатнаб турар эдик. Май ойида, унинг хоҳиши билан Москва яқинидаги қўргонга, эски бир чорбоққа кўчиб бордим: у ҳар куни олдимга келлар, тунги соат бирда яна уйига — Москвага қайтиб кетар эди. Умрим бино бўлиб чорбогда яшамагандим, шундай чорбог эгаси бўлишни хаёлимгаям келтирмандим. Москва яқинида, шундай ажойиб иқлимда,

бизнинг чўлларимиздаги қўргонларга мутлақо ўхшамган, кўм-кўк дараҳтзорлардан иборат қўргонда ҳеч бир иш қилмасдан боёнлардек яшашимни эса, асло кутмаган эдим.

Атроф қарагайзор ўрмон, уззукун ёмғир ёғади. Аҳён-аҳёнда ёрқин зангорликлар узра оппоқ булатлар тўпланади, теваракни майин бир шовқин қоплайди, кейин қуёш нурлари орасидан шаффоф ёмғир томчилари дувиллаб тўкилади, ўрмонзор тепасида хушбўй қарагайларнинг ҳовуридан юксалган улкан буг пайдо бўлади... Атроф рутубатли: шалаббо ўт-ўланлар, дараҳтлар танаси ойдиндагидек ялтирайди... Қўргон теварагидаги дараҳтзорлар шундай ҳайбатлики, бу ердаги онда-сонда қаққайиб турган чорбоглар жуда кичкина қўринар, худди иссиқ иқлимли мамлакатлардаги улкан дараҳтлар остидаги мўъжаз уйчаларга ўхшаб кетар эди. Ярмигача дараҳтлар сояси тушиб турган ҳовуз эса улкан кўзгуни эслатарди...

Менинг истиқоматгоҳим ўрмонзор ёқасида, бод этагида жойлашганди. Ёғочдан қурилаётган уй ҳали батамом битказилмаган, тахта деворларидағи ёриқ-тешниклар ҳам беркитилмаган, фаршининг тахтаси рандаланмаган эди: хонада ҳеч қанақа жиҳоз йўқ, фақат биргина қопқоқсиз печка шалтайиб қўзга ташланар эди. Каравотим остида пала-партиш ёйилиб ётадиган пойабзалларим доимий намгарчиликдан пўпанак босиб кетганди.

Кечалари ярим тунгача зими斯顿 бўлар эди; ўрмонзор узра гарб осмонидан ҳар доим қўрингувчи нимёргуллик ойдин кечаларда ой ёғдулари билан ўшандай осуда, ҳаракатсиз, ажойиб ва афсунг'ар бир ҳо-

латда қўшилиб кетарди. Тўрт тарафда ҳоким бўлган ана шу хотиржамликни, ана шу сокинотни, мусаффо осмон ва ҳаводаги ана шу осойишталикни сеза туриб, энди ҳеч ҳам ёмғир ёғмаслиги мумкин, дея ишонар эдим. Аммо Музани бекатга кузатиб қўйиб, ўрнимга чўзилишим биланоқ, бирдан ёмғир бошланганини, томни тарақлатиб шовқин солаётганини эшитардим, ташқаридағи қоронгилик багрида чақмоқнинг қийрихон шуълаларини қўрадим...

Эрталабки бинафшаранг заминда, рутубат оғушидаги хиёбонларда олачалпак қўланкалар ва қуёшнинг тигдор нурлари жилваланаар, пашшатутарларнинг чугур-чугури, сайроқи қораялоқларнинг бесаранжом нағмаси янграп эди. Чошгоҳга томон тагин ўрмонзордан буг юксалар, тагин булувлар тўдаланаар ва яна ёмғир шовиллаб қоларди...

Шом олдидан ҳаммаёқ равшан тортиб, ботаётган пастак қуёшнинг олтинранг, билурий нури барглар орасидан ўтиб, титраб ўйнаркан, сўникаётган кундуздан хабар берди. Шу пайт мен Музани кутиб олгани бекатга йўл олдим. Поезд келиб тўхташи билан бир тўда чорбогчилар йўлак сари ёпирилди: паровоздан тошқўмир ва ўрмонзорнинг губорсиз ҳиди анқиди, нигоҳим оломон ичида келаётган, қўлида турли-туман егулик, ичимлигу мевалардан қаппайган тўрхалта, қоғоз қопчиқлар қўтарган Музага тушди...

Уйга келгач, юзма-юз ўтириб, бир-биrimизга меҳрибонликлар кўрсатиб, яйраб овқатландик. Кечки пайт, унинг шаҳарга жўнаб кетиши олдидан, бодга сайд қилдик. У шундоққина ёнимда, бошини елкамга қўйиб олган кўйи, бу худди тушида рўй бераётгандек,

бейхтиёр юриб бораради. Атрофда қора күэгули ҳозвуз, юлдузлар сари қўл чўзган, асрий, илтижоли дарахтлар... Бир қарашда қўлни эслатадиган далаларда дарахтларнинг узун, поёнсиз кўлкалари ёйилган; жимжит, беспоён ва фусункор ойдин кечача...

Июнь ойида Муза мен билан Тамбов вилоятидаги қишилогимга борди, гарчи никоҳсиз бўлса ҳам, бир уйда яшай бошладик, хўжалик ишларини у ўз гарданига олди. У узун куз кунларини асло зерикмасдан, келажак ташвишлари ва китоб мутолааси билан ўтказиб юборди. Кўни-қўшнилардан бизнигига тез-тез келиб, меҳмон бўлиб турадиган одам Завистовский деган сўққабош кимса эди: у сариқбашара, нимжон ва қўрқоқ, созандалиқдан ҳам хабари бор, бизникidan икки чақирим нарида турадиган, камбагаллашган заминдор эди. Кипши бошланди, у бизнигига деярли ҳар куни келарди. Мен уни болалиқдан билардим, энди эса, у нусхага шундай ўрганиб қолдимки, ҳатто у келмаса, тун гариб ўтаётгандек туюларди. У мен билан шашка ўйнарди, Муза билан эса тўрт қўллаб рояль чалишарди.

Рождество байрами олдидан тасодифан зарурат туфайли шаҳарга жўнадим. Ой чиққан бир паллада шаҳардан қайтиб келдим. Уйга кириб, Музани тополмадим. Самовар қаросисида анчагача танҳо ўтиргач, ходимадан:

— Ҳуния, бека ойим қаерда? Сайрга чиқиб кетдими? — деб сўрадим.

— Билмадим. Улар эрталабдан буён уйда йўқлар, — деди.

— Кийиндилару жўнаб қолдилар, — жавоб қилди емакхонадан бошини ҳам қилиб ўтиб бораётган энагам.

“Ха-ха, Завистовскийнига кетган, — деб ўйладим, — тўғри, улар тезда биргалашиб келиб қолишади, ҳозир соат етти бўлиб қолди...” Кейин хосхонамга кирдиму бир пасда тош қотиб ухлаб қолдим — кун бўйи йўл юриб, ўлардай совқотган эдим. Бир соатлардан сўнг калламга ногаҳонда келган таҳликали фикрдан кўзим ярқ этиб очилди: “Ахир у мени ташлаб кетган бўлса-чи! Мени бу ерда ухлатиб қўйиб, ўзи бекатга кетган — унинг қўлидан ҳар иш кела-ди! Йўқ, эҳтимол, у ҳозир қайтиб келгандир”. Уйни айланиб чиқдим — йўқ, келмабди. Уят-э, шалпайган хизматкорларни ҳам гафлатда қолдирибди!..”

Соат ўнга яқинлашди, нима қиласимни билмасдим, ҳайрон-саргардон эдим: охири, мўйнали калта пўстинимни кийдим-да, негалигини ўзим ҳам билмаган ҳолда, қуролимни олдим, сўнг Завистовский қўргони томон катта йўл бўйлаб борарканман, шундай ўйлардим: “Атайлаб қилаётгандек, ҳозиргача у сариқбашара ҳам келмади, олдинда эса менга азоб берадиган, шубҳалар билан қийнайдиган бутун бир қайгули тун бор! Наҳотки, Музга кетган, наҳотки, у мени ташлаб кетса! Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!”

Корликлар орасидаги из тушган йўлдан гирчиллатиб одим ташлаб борардим: чап тарафимда, пастаккина, га-риб ой ёғдусида далаларнинг қорли манзараси оқариб қўринарди... Катта йўлдан қайрилиб, Завистовскийнинг аянчли қўргони сари шитоб юрдим: дала бўйлаб унинг ҳовлисига олиб борадиган хиёбоннинг икки четида ялангоч дарахтлар қаққайиб турар, эски ҳовлининг чап тарафида қилтиллаган уй қўринар эди. Уй қоп-қоронги... Музлаб ётган зинапоядан кўтарилиб, қопламаси кўчиб,

осилиб ётган оғир әшикни минг азоб билан очдим — даҳлизда қизарид ёнаётган печкага кўзим тушди, уй иссиқ, қоронги... Зал ҳам шундай қоронги эди.

— Викентий Викентич! — дедим.

Бўлма әшиги овозсиз очилди, фақат ой нури ва уч тавақали кўзгунинг акс шуъласи тушиб турган осто-нада пиймали Завистовский кўринди.

— Э-э-э... Бу сизмидингиз... Киринг, кираверинг, марҳамат... мен, кўриб турганингиздек, чироқ ҳам йўқ, тунни мана шундай қоронгиликда ўтказяпман... — дея гўнгиллади у.

Ичкарига кириб, дўнгайиб турган диванга бориб ўтиридим.

— Тасаввур қила оласизми, азизим, Музга қаёққадир гойиб бўлибди... — дедим.

У индамади. Сўнг эшитилар-эшитилмас бир овозда:

— Ҳа, ҳа, тўгри, мен сизнинг аҳволингизни тушуман... — деди.

— Яъни, нимани тушунасиз? — дея кескин сўрадим.

Худди шу аснода, худди Завистовскийга ўхшаб овоз чиқармасдан, уникига ўхшаш пийма кийган, елкасига шол рўмол ташлаб олган Музга ётоқхона томондан биз ўтирган бўлмага кириб келди.

— Қуролингиз ёнингиздами, — сўради у, — агар отмоқчи бўлсангиз, уни эмас, мени отинг!

Шундай деди-ю, қаршимга, бошқа диванга ўтириб олди.

Мен унинг пиймали оёқларига, кулранг юбкаси остидаги тиззаларига кўз ташладим. Деразадан муттасил сочилаётган заррин шуълаларда ҳаммаси аён кў-

ринарди. Бирдан: “Мен сенсиз яшай олмайман, мана шу биргина тиэзэларинг учун, юбканг ва пийма-этикларинг учун жонимни ҳам беришга тайёрман!” дея хитоб қилгим келиб кетди.

— Ҳаммаси равшан, ҳаммаси тугади, — Музанинг совуқ, қатыйй овозидан ҳушимга келдим. — Энди найрангбозлик қилиш бехуда, — деди у.

— Одам ҳам шу қадар шафқатсиз бўладими, — дедим инграгандай, оҳиста.

У Завистовскийга ўтирилди-да:

— Қани, папиросдан узат, — деди.

Завистовский итоаткорона эгилганича Музага та-макидонини очди, чўнтагини тимирскилаб, гугурт ахтара бошлади.

— Сиз мен билан сизлашиб гапиришяпсиз, — дедим нафасим қисилиб, — менинг олдимда у билан сенлашиб сўзлашмаслигингиз ҳам мумкин-ку!

— Нега энди, буни қандай дахли бор? — у қошлирини чимириб, папиросни лабидан узоқлаштиаркан, кибр билан сўради.

Юрагим гупиллаб урап, бўғзимга тиқилгудек ҳаприқар эди. Шартта ўрнимдан турдим-у, гандиракланча уйдан чиқиб кетдим.

1938 йил 17 октябрь

ХИЛВАТ ХИЁБОНЛАР¹

Кузнинг совуқ, ёгин-сочинли палласида ёмғирдан шилтаси чиқиб, эгри-бугри, қорамтир гилдирак изларидан топталиб ётган Гуланинг кенг йўлларидан

¹ Тоҳир Қаҳҳор таржимаси.

Бирнида тебраниб бораётган түрт гилдиракли соябон арава узун ёгоч уй қаршиисига келиб тұхтади: уйнинг бир тарафида подшолик тасарруфидаги почта бекати, нариги томонида эса йўловчилар ҳордик чиқариб тунаб қолиши ёки самовар қайнаттириб, тамадди қилиб олиши мумкин бўлган хусусий мусофирихона жойлапиган. Лойга ботган араванинг соябони тепага ярим кўтарилиган, извошга қўшилган учта жайдари отнинг думи балчиқ сачрамаслиги учун туғиб қўйилган әди.

Извошчининг жойида — ўриндиқда белини маҳкам сириб олган, қорамагиз юзи тунд ва жиддий чорпаҳил мужик ўтириби; камдан-кам кишиларда учрайдиган қоп-қора, қуюқ соқоли уни қадимги қароқчиларга ўхшатиб турарди; соябон остида катта шапкали, николайча қундуз ёқали кулранг шинель кийган басавлат ҳарбий қария ўтирар, унинг қошлари ҳали тим-қора бўлса ҳам, мўйловига туташган чакка соқоли оппоқ оқариб кетган әди; ияги ва багбақаси тозалаб қирилган, умуман, у ташқи қўринишдан Александр II га шундай ўхшаб кетардики, бу ўхшашлик Александр II даврида яшаган ҳарбий кишиларнинг деярли барчасида учарди; унинг қарашлари ҳам қатъий, саволомуз, шу билан бирга, бирмунча ҳоргин әди.

Отлар тўхтаган заҳоти у тик, текис қўнжли ҳарбийча этикдаги оёқларини аравадан пастга осилтирдида, бугу терисидан тикилган қўлқопли қўллари билан шинелининг этакларини тутган кўйи ёгоч уй ёнидаги майдоничага сакраб тушди.

— Чапга юринг, зоти олийлари, — дея извошли ўриндиқдан турмай дагал товуш билан қичқирди; ҳарбий кини остонадан ҳатларкан, баланд гавдасини сал

энгаштирганча, аввал даҳлиэга, кейин меқмонхонага кирди.

Меҳмонхона озода, саранжом ва иссиққина эди. Чап томондаги деворга зар ҳалли авлиё суврати осилган, унинг остида топ-тоза, дагалроқ матодан тикилган дастурхон ёзиглиқ стол, стол теграсида ялтиратиб ювиб қўйилган тахта харраклар. Ҳонанинг ўнг бурчагида яқинда бўр билан оқланган ошхона печкаси; ён томонда ола-була от ёпқичи ёпилган кат — суюнчиқсиз диванга ўхшаш бир нарса печканинг биқинига тақаштириб жойлаштирилган; печка тарафдан кўк шўрванинг, ҳил-ҳил пишиб ётган қўй гўшти, карам ва дафна баргининг қоришиқ, лаззатбахш ҳиди таралади.

Меҳмон шинелини ечиб тахта ўриндиққа қўйди, мундири, пўрим ҳарбий әтиклари яққол кўзга ташланиб, гавдаси янада басавлат тус олди, кейин қўлқоп ва бош кийимини ечди-да, озғин, рангпар қўллари билан сочини кетма-кет ҳоргин таради — оппоқ, қуюқ соchlари иккала чаккаси узра фатила-фатила бўлиб тушди, билин-билинмас чечак асорати қолган чўзинчоқ, чиройли юзида, қора қўзларида фавқулодда бир жонланиш пайдо бўлди. Меҳмонхонада ҳеч ким кўринмасди, у даҳлиз эшигини очаркан, овозини баралла қўйиб қичқирди:

— Ҳой, одам борми бу ерда?

Шу заҳотиёқ меҳмонхонага қора сочли, қора қошли, ёши ўтинқираб қолганига қарамай, ҳали-ҳамон диловар, кекса лўли хотинларга ўхшаган бир аёл кириб келди. Унинг ёноқ чаккалари, дудогининг устки қисми нафис туклар — ирнлар билан безанганди. Қомати тўла бўлса ҳам, қушдек енгил ва нозик одимлар, бўлиқ кўкраклари қизил кофтасини туртиб туар, қора

жуп юбкаси остидаги қорни эса, худди гознинг қорнидай, учбурчак бир тарзда күринар эди.

— Хуш келибсиз, зоти олийлари, — деди у. — Тамадди қилмоқчимилар ёки самовар қўйишни буюрадиларми?

Мусофир киши аёлнинг дум-думалоқ елкасига, тузгиброқ қолган қизғиш татарча бошмоқли хушбичим оёқларига бирров кўз югуртириди ва эътиборсизлик билан қисқа-қисқа қилиб деди:

— Чой ичмоқчиман. Бу ернинг бекасимисан, хизматкормисан?

— Бекаман, зоти олийлари.

— Демак, меҳмонхонани ёлғиз ўзинг бошқарасан?

— Худди шундай, зоти олийлари, ўзим.

— Бу қанақаси бўлди, а? Ҳамма ишни қўлингга овволибсан, ё тулимисан дейман?

— Эр қилмадим, зоти олийлари, аммо — сабаби тирикчилик, қолаверса, ўзим ҳам хўжалик ишлари билан шугулланишни яхши кўраман.

— Ҳа-ҳа, шундай дегин. Кўп яхши. Ўйни покиза тутаркансан, бу ишинг менга маъқул.

Аёл синовчан нигоҳини ҳарбий кишидан бир нафас бўлсин узмас, андак қисилган, хаёлчан қўзлари унга қадалган эди.

— Покизаликни ҳам жонимдан ортиқ кўраман, — деда жавоб берди у. — Ахир, аслзодалар хонадонида ўсдим, тарбият топдим, шундай бўлгач, рўзгор тутишим ҳам шунга яраша бўлади-да, Николай Алексеевич.

Мусофир илкис қаддини ростлади, қўзлари катта-катта очилиб, юзлари қизариб кетди.

- Надежда! Семисан? — деди у шоша-пиша.
- Менман, Николай Алексеевич, — дея жавоб берди аёл.

— Ё раббий, ё раббий, буни қара-я! — деди мусофири таҳта ўриндиққа ўтиаркан, күзларини ҳамон аёлдан узмай. — Ким ҳам шундай бўлишини ўйлабди дейсан? Кўришмаганимиизга неча йил бўлди экан-а? Ўттиз беш йилми?

— Ўттиз йил, Николай Алексеевич. Мен қирқ саккизга кирдим, сиз ҳам олтмишга бориб қолгандирисиз?

— Шунга яқинроқ... Ё тавба, жуда қизиқ бўлди, а?

— Нимаси қизиқ, тақсир?

— Ҳаммаси, ҳаммаси-да... Наҳотки тушунмаётган бўлсанг!

Мусофирининг ҳорғинлиги ва паришонлигидан асар ҳам қолмаган, энди у ерга тикилганча меҳмонхона бўйлаб кескин одимлар әди. Бир пайт у шартта тўхтади, юзлари лов-лов ёниб, сўз бошлади:

— Ўшандан кейин сен тўгрингда ҳеч нарса эшитмадим. Қандай қилиб бу ерларга келиб қолдинг? Нега аслэодалар хонадонидан кетдинг?

— Сиз кетганингиздан кейин улар менга ҳам жавоб бериб юборишиди.

— Кейин қаерларда яшадинг?

— Сиз сўраманг, мен айтмай қўя қолай, тақсир.

— Эрга ҳам чиқмадим, дедингми боя?

— Ҳа, тақсир.

— Нима учун? Шунчалик ҳусни латофатинг бўлатуриб-а?

— Журъат қилолмадим, тақсир.

— Нега журъат қилолмадим, дейсан? Нима деганинг бу?

— Нимасини ҳам айтай энди? Балки ёдингиэдадир, ахир сизни қанчалар яхши кўрардим...

Мусофир бу сўзлардан беҳад мутаассир бўлди, азбаройи қизариб кетганидан кўзларига ёш қалқди, сўнгра қовоқ уйиб, яна хона бўйлаб нари-бери одимлай бошлади.

— Ҳамма нарса ўткинчиидир, азизим, — дея гудранди у. — Муҳаббат, ёшлик — ҳамма-ҳаммаси фоний. Нима бўлган бўлса, ўтди-кетди. Ҳаммаси даҳмаза-ю bemazagarchilikdan iborat. Vaqtin keliib, bari unutiladi. Iovning muqaddas kitobida bu xususda nima deyilgan, bilasanimi? “Оқиб кетган сувлар янглиг хотирлагайсан”.

— Нима бўлсаям, пешонада бори бўларкан, Николай Алексеевич. Ёшлик-ку, ҳеч кимсага вафо қилмайди, аммо муҳаббат — бошқа нарса.

Николай Алексеевич бошини хиёл кўтариб, юришдан тўхтади-да, ҳасратли куулумсираб қўйди:

— Сен мени бир умр севолмасдинг-ку, ахир!

— Йўқ, севишим мумкин эди; ўшандан буён қанча йиллар ўтди, аммо мен ёлғиз муҳаббатим билан яшадим. Сизнинг аввалгидаи әмаслигингизни, орамизда неки ўтган бўлса, барини унутмогингиз мумкинлигини, бу билан ҳеч нарса йўқотмаслигингизни ҳам билардим... Лекин, ҳозир... Энди гина-кудурат қилиб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқ, албатта; аммо, тўгрисини айтганда, ўшанда сиз мени жуда шафқатсизларча ташлаб кетган әдингиз — мана шунинг учун ҳам ўзимни ўзим бир неча бор ўлдирмоқчи бўлганман, сизни деб

чеккан азобларимни айтиб адo қилиб бўлмайди. Николай Алексеевич, ёдингиздами, қандай даврлар эдики, ўшанда сизни Николенка деб чақирадим, сиз эса мени, эслайсиэми, нима деб атардингиз? Айтгандай, мендан лутфингизни дариг тутмай, қандайдир “Хилват хиёбонлар” тўгрисидаги шеърларни ўқисам ҳам индамас эдингиз, — дея нохуш жилмайганча қўшиб қўйди аёл.

— Эҳ-ҳе, сен ҳақиқатан ҳам ажойиб эдинг! — деди меҳмон армон билан бош чайқаркан. — Қандай жозибадор, қандай диловар эдинг-а! Кўзларинг ёниб турарди, жуда хушқомат эдинг. Эсингдами, сени кўрганда ҳамма ортингдан ниҳоясиз ҳайрат билан термилib қоларди?

— Эсимда, тақсир. Аммо сиз ҳам ўшанда гоят ажойиб эдингиз-да. Ана шунинг учун ҳам мен бор ҳусну латофатимни, бутун ёшлик жозибамни сизга фидо қилган эдим. Ахир, буларни унугиб бўларканми!

— Ҳа-ҳа! Ҳаммаси ўтаркан. Ҳаммаси унугиларкан.

— Тўғри, ҳамма нарса ўтади-ю, аммо ҳамма нарса ҳам унугилавермас экан-да.

— Бас, бас, мени холи қўй, — деди меҳмон тўсатдан ва қайрилиб дераза ёнига борди. — Илтимос, чиқиб кет бу ердан, — дея ёлворди у, сўнг дастрўмолини олиб, оҳиста кўзларига босди-да, бидирлаганча: — Ишқилиб, мени Ҳудо кечирсин, — деди. — Сен-ку кечирған кўринасан-а...

Аёл эшик олдига етганда таққа тўхтади:

— Йўқ, Николай Алексеевич, мен сизни кечирмаганман. Модомики, гап ҳиссиётларимиз ҳақида бо-

аркан, тұғрисини айтмай иложим йүқ, гуноҳингиздан үтишни ҳарчанд истасам-да, ҳаргиз кечиролмадим. Ұша пайтларда сиз мен учун ёруг дунёдаги әнг азиз киши әдингиз, кейин ҳам шундай бўлиб қолдингиз. Шу важдан ҳам сизни кечиролмадим. Келинг, яхшиси, шуларни әслаб үтирмайлик, гўрга кирган қайтиб чиқармиди ҳеч жаҳонда!

— Ҳа-ҳа, тўғри, үтган ишга саловат; буюр, отни қўшишсин, — деди мусоғир дераза олдидан нари жиларкан, бирмунча жиiddий, совуққон оҳангда. — Аммо, мен сенга айтсам, ҳаётда сира омадим юришмади, баҳтиёр бўлолмадим, тагин бошқача ўйлаб юрма, илтимос. Балки менинг гапларим сендаги худкашлик, иззатталаблик ҳиссиётига зиддир; балки улар сени таҳқир этар, бироқ мен очигини айтаман: хотинимни кўр-кўронга, телбалардек севар әдим. У эса, аввал хиёнат қилди, сўнг мен сени ташлаб кетгандагидан кўра ҳам баттар таҳқирлаб, ташлаб кетди. Ўглимга қаттиқ меҳро қўйган әдим — вояга етгунича унга не-не умидлару не-не орзуларимни боғлаган әдим-а! У эса одам эмас, исрофгар, сурбет, имонсиз, виждонсиз, ярамас бир ҳайвон бўлиб чиқди... Сирасини айтганда, буларнинг ҳаммаси турмушдаги ұша дахмаза-ю bemazagarchilik-ning бир кўриниши холос. Ҳўп, майли, омон бўл, азизам. Ўйлаб қарасам, сендан айрилиб, мен ҳам ҳаётдаги әнг бебаҳо гавҳаримдан жудо бўлган эканман.

Аёл унга яқин келди, әгилиб қўлини ўпди; Николай Алексеевич ҳам унинг қўлларидан ўпди.

— Буюр, отларни қўшаверишсин... — деди у.

...Соябон арава хусусий мусоғирхонадан олислаб бораркан, Николай Алексеевич хомуш ўйлар әди: “Ҳа,

жудаям чиройли эди, гүзәл эди, соҳира эди!” У хайрлашаётіб айтган сүнгги сүзларини эсга олди ва Надежданинг фақат құлларидан ўпганини әслаб уялди, аммо шу заҳотиәк уятчанлигидан хижолат чекди. “У менга умрининг эңг гүзәл даврини, олтин дақиқаларини бахш этгани рост әмасми, ахир?!”

Сүник қуёш эндиғина уфқа бош қўйған эди. Извошли ҳам алланарсаларни ўйлаган кўйи отларни йўрттириб борар, арава катта йўлдаги сон-саноқсиз, қоп-қора гилдирак излари бўйлаб шалоплаганча тебрана-тебрана елар эди. Ниҳоят, извошли қўпол, тўпори товуш-ла сўз қотди:

— Анави хотин, зоти олийлари, жўнашимиз биланоқ дераза олдига келиб орқамиздан термилиб қолди. Аввалдан танишлегистирингиз бўлса керак-да, зоти олийлари?

— Ҳа, Клим, таниш эдик.

— Ақли расо хотин у. Жуда бойиб-битиб кетаётганишиш — ҳамманинг оғзида шу гап. Қарзга пул ҳам бериб турди.

— Шуям мартаба бўпти-ю!

— Мартаба бўлмай-чи! Тўкин-сочин яшаш кимгаям ёқмайди! Аммо, ростини айтганда, ўзи жуда яхши хотин-да. Бирорга зигирча ёмонлик қилганини ҳали ҳеч ким эшиитмаган. Жарақ-жарақ пулни қарзга беради-ю, баъзи бойвуччалардай тирриқлик қилмайди. Лекин, ўз ишига пишиқ — қаттиқ хотин! Ландавурлик қилиб қарэни вақтида тўламасанг, ўзингдан ўпкала, аяб ўтирумайди.

— Ҳа-ҳа, ўзингдан ўпкала... Тезроқ ҳайды, мунча имилламасанг, поезддан кечикиб қолмайлик тагин...

Уфққа чўкиб бораётган қуёшнинг каҳрабо ёғдулари кимсасиз далаларда танҳогина жилваланар, отлар ўтлоқ йўлдан, худди сузиб кетаётгандек, бир маромда чопиб борар эди. Николай Алексеевич отларнинг ялтиюлт кўзга чалинаётган тақаларига термилиб ўтираскан, қора қошлини чимирганча ўйлар эди:

“Ҳа, ўзингдан ўпкала. Ажойиб дамлар эди-да ўшандада! Наинки ажойиб, чинакам афсунгар дамлар эди! “Атрофда наъматак гул очмиш алвон, хилват хиёбонлар шивирлар танҳо...” Е раб, ё раб, кейин ни ма бўлган эди ўзи? Агар Надеждани ташлаб кетмаганимда нима бўларди? Қандай бемаънилик, қандай бемазагарчилиг-а! Ахир, мана шу Надежда хароб бир мусофирихона соҳибаси бўлмай, менинг хотиним бўлиши, Петербургдаги хонадонимга бека, болаларимга она бўлиши ҳам мумкин эди-ку?!”

У кўзларини беҳол юмиб, бошини оҳиста чайқаб қўйди.

1938 йил 20 октябрь

ЗУМРАД ОСМОН¹

Тунги кўкимтири, зим-эиё осмонда оқиш булуутлар сузиб бораради. Тўлин ой атрофини ҳам кўкимтири булуутлар ўраб олган. Киши тикилиб қараса, гўё булуутлар эмас, балки тўлин ой сузаётганга ўҳшарди, атрофидаги

¹ Назира Жўраева таржимаси.

Назира Жўраева — Тошкент шаҳрида тутилган. Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) журналистика факультетини тамомлаган; журналист ва таржимон. 2003 йили “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюппалари аъзоси. Айни пайтда “Жаҳон адабиёти” журналида ишлайди.

юлдузлар бамисоли сочиб юборилган бир ҳовуч жаво-хирдай күринарди: тўлин ой аста-секин чексиз само узра юксалиб борар ва ўзи билан бирга юлдузларни ҳам ортидан эргаштириб кетаётгандек эди.

Очиқ дераза рахида бошини ортига ташлаганча осмонга тикилиб ўтирган қиз ўзини самодаги ажиг товланишлардан боши бир оз айлангандек ҳис этди. Қизнинг ёнида йигит турарди.

— Бу қандай ранг экан-а, ҳеч ажратолмаяпман! Толя, сиз ажрата оласиэмі?

— Киса, ниманинг рангини?

— Сизга неча маротаба айтишим керак, исмимни бундай атаманг деб...

— Уэр-р, Ксения Андреевна.

— Мен булутлар ортида қолган осмоннинг рангини айтаяпман! Ҳайратомуз ранг-а! Ҳам қўрқасан, ҳам ҳайратга тушасан киши. Ҳақиқатан ҳам бу самовий, ерда бунақси учрамайди. Зумрадга ўхшайди.

— Осмонда кўриниаяптими, демак, у самовий. Қизиқ, нима учун у зумрад бўларкан. Зумраднинг ўзи нима? Ранглар қоришмасими? Мен уни ҳеч кўрмаганман. Бу сўз шунчаки ёқиб қолган, холос.

— Ҳа. Эҳтимол, бу зумрад эмасдир, балки шунга ўхшаш нарсадир... бунақси, очигини айтсан, фақат жаннатда учраса керак. Бу ажойиботни кўриб туриб, жаннат, фаришталар, Арши аъло борлигига қандай ишонмаслик мумкин?

— Самбит дарахтида сап-сариқ ноклар..

— Толя, сиз жудаям айниб кетгансиз, Марья Сергеевна, эси паст қиз ҳар қандай ёш йигитдан афзалроқ, деб ҳақ гапни айтган экан.

— Киса, у жуда тўғри айтибди.

Қиз эгнига олачипор гулли чит қўйлак кийиб олганди, оёгида эса арzon пойабзал. Унинг болдири ва тиззалири тўла, соchlари калта қилиб қирқилган, бoshини кўрганни ром этадиган бир нозик тарзда хиёл ортига ташлаганди... Йигит бир қўлини қизнинг тиззасига қўйиб, иккинчи қўли билан унинг елкасидан қучди ва лабидан бўса олди. Қиз ўзини унинг огушидан аста бўшатди-да, қўлини тиззасидан олиб қўйди.

— Тинчликми, хафа бўлдингми?

Қиз бошини дераза кесакисига тиради, шунда йигит қизнинг лабини тишлаганча йиглаворай деб турганини кўрди.

— Сенга нима бўлди?

— Эй, ўз ҳолимга қўйинг...

— Айт, нима бўлди ўзи?

Қиз шивирлаб деди:

— Ҳеч нарса...

У дераза рахидан сақраб тушди-да, югуриб кетди.

Йигит елка қисиб қўяркан:

— Жинни бўлганми у! — деб қўйди.

1940 йил 3 октябрь

СОВУҚ КУЗ¹

Ўша йилнинг июнь ойида У қўрамизда меҳмон бўлди. У доим ўзимизнинг одам саналарди: раҳматли отаси отамнинг ҳам дўсти, ҳам қўшниси эди. Ферди-

¹ Абдулла Шер таржимаси.

Абдулла Шер — 1943 йили Тошкент вилоятида тутилган. Шоир, журналист, таржимон ва педагог. Узоқ йиллар олий ўқув юртларида “Этика” ва “Эстетика” филиалидан дарс берган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

нанд Сарой шаҳрида ўн бешинчи июнь куни ўлдирилди. Ўн олтинчи июнь эрталаб эса, почтадан газета келди. Отам қўлида “Кечки Москва” газетаси, хонасидан чиқиб, бизлар — У, ойим ва мен ҳануэгача чой ичиб ўтирган емакхонага кирди-да:

— Мана энди, дўстларим, уруш! — деди. — Саройда Австрия шаҳзодаси ўлдирилибди. Бу — УРУШ дегани!

Авлиё Пётр куни — отамнинг таваллуд санаси эди — бизниги жуда кўп меҳмон келди, тушлик маҳали менинг унга унаштирилганим маълум қилинди. Бироқ ўн тўққизинчи июлда Германия Россияга уруш очди...

Сентябрда У бизниги фақат бир кунга — урушга жўнаш олдидан хўшлашгани келди (у пайтлар ҳамма УРУШ тезда тугайди, деб ўйлар ва шунинг учун ҳам, тўйимиз кўкламга қолдирилган эди). Мана, хайрлашув оқшоми. Кечки овқатдан сўнг, таомилга кўра, самовар олиб кирилди, шунда отам бугдан терлаган дераза ойнасига тикилиб, деди:

— Ажаб барвақт ва совуқ куз!

Биз ўша оқшом сокин ўлтирап, ҳаддан ташқари босик, ботиний ўй ва туйгуларимизни сир тутганча, аҳён-аҳёнда бир-биrimizга шунчаки сўз қотиб қўяр эдик. Отамнинг куз ҳақидаги гапида ҳам ёлгондакам лоқайдлик бор эди. Мен балкон эшигига яқинлашиб, рўмолчам билан ойнани артдим: боф узра, қоп-қора осмонда шаффоф муз бўлакларига ўхшаш қиррадор ва равshan юлдузлар чарақларди. Отам гавдасини ўриндиқ суюнчигига ташлаганча, стол тепасидаги қизиб кетган осма чироққа паришон тикилиб тамаки

тутатарди, күэйнек таққан ойим эса чироқ ёғдусида камоли диққат билан ипак халтача тикарди — биз унинг нима эканини яхши билардик, бу ҳолат ҳам таъсиран, ҳам даҳшатли эди. Отам Ундан сўради:

— Шундай қилиб, бари бир нонуштага қолмай, эрталаб барвақт кетмоқчиман, дегин?

— Ҳа, агар рухсат этсангиз, эрталаб, — дея жавоб берди У. — Минг таассуф, лекин ҳали уйдагиларимга бирон-бир кўрсатма ҳам берган эмасман.

Отам енгил сўлиш олди:

— Майли, ихтиёринг, азизим. Гап шунақа экан, у ҳолда ойинг билан биз энди ухлайлик, эртага сени албатта кузатиб қўймоқчимиз...

Ойим ўрнидан туриб, бўлажак куёвини чўқинтириди, У эса аввал ойимнинг, кейин отамнинг қўлини ўпди. Иккимиз холи қолгач, биз тагин бир муддат емакхонада бўлдик — мен қарта сузишга тутиндим, У эса хонанинг у бурчидан бу бурчига жим бориб келарди, салдан кейин:

— Ҳоҳлайсанми, бир оз айланиб келамиэ? — деб сўради.

Кўнглим тобора хиралашиб борарди, лоқайдгина жавоб бердим:

— Майли...

У даҳлизда кийинатуриб нима ҳақдадир ўйларкан, мийигида жозибали кулганча Фетнинг шеърини эслади:

Совук эрур бу куз нақадар!
Нимчангни кий, шолингни ўра...

— Нимча ўйқ, — дедим. — Кейин нима эди?

— Едимда йўқ. Янглишмасам, мана бундай шекилли:

*Гўё ёнғин аста юксалар
Қарағайлар оралаб қара...*

— Қанақа ёнғин?

— Ойнинг чиқишини айтмоқчиидир-да. Бу мисраларда қишлоқ кузининг аллақандай таровати бор: “Нимчангни кий, шолингни ўра...” Боболаримиз ва бувиларимиз замони... Эҳ, Ҳудойим-эй, Ҳудойим-эй!

— Сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса, азизам. Бари бир, мунгли. Ҳам мунгли, ҳам яхши. Мен жуда, жуда ҳам яхши кўраман сени...

Биз кийиниб, емакхона орқали балконга чиқдик, ундан боққа тушдик. Аввалига шу қадар қоронги эдики, мен беихтиёр унинг енгидан ушлаб олдим. Кейин жавоҳирдек ярқирок юлдузларга қўмилган бутоқларнинг учлари ёришаётган кўкда қорайиб кўрина бошлади. У тўхтаб, уй томонга ўгирилди:

— Қара, деразалар қандайдир бошқача, кузга хос майин ёғду сочяпти. Ўлмасам, бу оқшомни ҳеч қачон унутмайман...

Мен уйга қарадим, У мени швейцарча ёпингичим устидан қучди. Тивит рўмолимни сал очиб, ўпсин деб бошимни сезилар-сезилмас орқага ташладим. Ўпгач, У юзимга тикилди.

— Қўзларинг қандай чараклайди-я, — деди. — Совқотмаяпсанми? Ҳавони қара, қишининг ўзгинаси. Мабодо ўлиб кетсам, ҳар қалай, мени дарров унутиб юбормассан?

Мен ўйлаб қолдим: “Ростдан ҳам ўлдириб қўйишиша-я?! Наҳотки, мен Уни қандайдир қисқа муддатга бўлса ҳам ёдимдан чиқарсам — ахир, бу дунёда ҳамма нарса бир кун келиб унтилади-ку?” Ўз ўйимдан ўзим чўчиб, шошиб жавоб бердим:

— Ундаи дема! Сен ўлсанг, мен ортиқ яшолмайман! У бир оз жим қолгач, дона-дона қилиб деди:

— Начора, агар ўлсам, мен сени у ёқда кутаман. Сен тўйиб яша, бу ёруг дунёда хўб ўйнаб-кул, кейин ёнимга боргин.

Мен алам билан ҳўнграб юбордим.

Эрталаб У кетди. Ойим кеча ўзи тиккан ўша машъум халтачани Унинг бўйнига осиб қўйди — халтачада ойимнинг ота-боболари урушларда тақиб юрган жажжи олтин бут бор эди, кейин биз Уни аллақандай ҳаяжонли ноумидлик билан чўқинтиридик. Сўнг Унинг ортидан тикилиб, кимингнидир узоқ сафарга кузатаётганингда бўладиган гангис ичида, фақат биз билан илк қуёш нурларидан ўт-ўланлар узра ярқираб ётган қировли, фараҳбахш эрта ўртасидагина вужудга келган зидликни ҳис этган қўйи, эшик олдидаги зинада қотиб турдик. Бир оздан кейин ҳувиллаб қолган уйга қайтиб кирдик. Мен елкаларимни маҳкам қучганча, нима қилишга ҳайрон, бор овоз билан ҳўнграшни ҳам, қўшиқ айтишни ҳам билмай хоналар бўйлаб тентий бошладим...

Уни ўлдириши — қандай даҳшатли сўз! Галиция-да, бир ойдан сўнг ўлдиришиди. Мана, ўшандан бери ўттиз йил ўтди. Узундан-узоқ туюлган бу йиллар мобайнида бошимдан кўп, жуда кўп воқеалар кечди: улар ҳақида диққат билан ўйлар экансан, кечмиш деб аталган бу сирли, англаш мушкул, ақл ҳам, юрак ҳам

бовар қилмайдиган ҳодисаларни хотирангда бирмабир саралайсан киши.

Ўн саккизинчى йилнинг кўкламида, отамдан ҳам, онамдан ҳам ажралган дамлар, мен Москвада, Смоленск бозоридаги “Бекам, энди қалайсиз, қатиқ берсам ялайсиз?”, деб доим устимдан қуладиган чайқовчи хотиннинг ертўласида истиқомат қиласдим. Мен ҳам чайқов билан шуғулланар, у пайтлардаги кўплар қатори, гоҳ қандайдир узукми, гоҳ жажжи хочми, гоҳ куя еган мўйнами — қолган-қутган баъзи нарсаларимни папоқ кийган, шинеллари ёқавайрон солдатларга пуллар эдим.

Ана ўшанда, кунлардан бир кун бозорнинг Арабатга туташ бурчагида, камдан-кам учрайдиган гўзал қалбли, истеъфога чиққан ҳарбий киши билан танишдим, тез орада турмуш куриб, у билан Екатеринодарга жўнаб кетдим. Эримнинг кўнгиллиларга қўшилишга интилган ўн етти ёшлардаги жияни ҳам биз билан бирга эди. Салкам икки ҳафта йўл юрдик: мен — чипта кавушдаги қишлоқи аёл, у — оҳори тўкилган казакча чакмонли, узун соқолига оқ оралаган деҳқон, хуллас, Дон ва Кубанда икки йилдан ортиқ яшадик. Қишида, денгиэда бўрон қўзғалган бир пайтда бошқа сонсаноқсиз қочқинларга қўшилиб, Новороссийскдан Туркияга қараб суздик; йўлда эrim терламадан ўлди.

Шундан кейин бу ёргу дунёда менинг учовгина яқин кишим қолди: эримнинг жияни, унинг ёшгина хотини ва уларнинг қизчаси — етти ойлик чақалоқ. Лекин, кўп ўтмай, эримнинг жияни гўдакни менга топшириб, хотини билан Қримга, Брангел паноҳига жўнай қолди. Шушу, улар бедарак кетишли. Мен эса оғир қора меҳнат билан ҳам ўзимни, ҳам қизчани боқиб, яна анча вақт Истанбулда яшадим. Кейин қизчани етаклаб, кўплар

қатори не-не юртларда саргардон бўлмадим, дейсиз!
Болгария, Сербия, Чехия, Бельгия, Париж, Ницца...

Қизча аллақачон улгайиб, жуда ёқимтой, аммо менга бутунлай бефарқ қарайдиган француз қизига айланниб, Парижда муқим яшаб қолди, у энди Мадлен яқинидаги қандолат дўконида хизмат қилар, кумушранг тирноқли нозик қўллари билан шоколад қутиларини силлиқ қоғозларга ўтар ва уни заррин bogичлар билан туғиб, харидорларга тутқазар эди; мен эса Худо берган насибага қаноат қилиб то ҳануз Ниццада яшайман...

Ниццада биринчи марта минг тўққиз юз ўн иккинчи йили бўлган эдим — унинг кейинчалик мен учун хор-зорликлар масканига айланишини ўша бахтиёр кунларимда хаёлимга келтира олармидим!

Бир пайтлар ўйламай-нетмай, сен ўлсанг, ортиқ яшолмайман, деган одам — мен ана шундай қилиб, Унинг ўлимидан кейин ҳам яшайвердим. Бироқ, ўшандан бўён бошимдан кечган савдоларни эслар эканман, доим ўз-ўзимдан сўрайман: хўш, у кунлардан нима қолди? Сўнг ўзимга ўзим жавоб қиласман: биргина ўша — совуқ куз оқшоми... Наҳотки, ҳаётимда шундай оқшом бўлган? Ҳа, бўлган эди. Умр бўйи кўрган куним фақат шу, қолганлари маънисиз тушдек ўтдикетди. Ва мен ишонаман, жуда қаттиқ ишонаман: қайдадир у ёқда, ҳув ўша оқшомдагидек навқирон муҳаббати-ю ўша ёшлиги билан У мени кутмоқда.

“Сен тўйиб яша, бу ёргуғ дунёда хўб ўйнаб-кул,
кейин ёнимга боргин...”

Мен тўйиб яшадим, хўп ўйнаб-кулдим, энди тезда ёнингга бораман.

1944 йил 3 май

ЮЗ РУПИЯ¹

Мен бу аёлни бир куни эрталаб меҳмонхона ҳовлисида кўриб қолдим. Меҳмонхона қўҳна голландча иморат бўлиб, океан соҳилидаги ям-яшил кокосзор бағрида жойлашган эди.

Ўша кунлари ўзим ҳам шу жойда дам олаётган эдим. Кейин ҳар куни уни шу ерда кўрадиган бўлдим. У айвондан икки қадам нарида бўлган уйнинг енгилгина, иссиқ сояси тушиб турган жойда қамиш креслода ярим ётган ҳолда ястаниб оларди. Баланд бўйли, маллатоб, қийик кўзли, канопдан тикилган куртка ва тор шим кийиб олган дастёр йигитча шағал ётқизилган йўлка бўйлаб яланг оёқ гарп-гурт қадам ташлаб келарди-да, кресло ёнидаги столчага патнисни қўяр, патнисда тилло пиёлада чой бўларди. Дастьёр қуруқшаб, ботиқ лунжи томон тортилиб кетган лабларини қимирлатмасдан тавозе билан бир нималар дерди-да, таъзим бажо келтириб, яна қайтиб кетарди. Аёл эса ярим ётган кўйи похол елпигич билан ўзини аста-аста елпир, қора бахмалдек гаройиб киприкларини бир ма-ромда пиорпиратар эди... У ер юзида яратилган қайси тоифадаги махлуқот оиласига мансуб экан-а?

У обдан тобланган, данакдек аёл эди. Каҳрабо кўкраклари, елкалари, қўллари ва оёқлари тиззасигача ялангоч бўлиб, баданига, сонларига кўм-кўк ялтироқ мато ўраб олганди. Сариқ оғочдан ясалган сандали-

¹ Олим Набизода таржимаси.

Олим Набизода — 1974 йилда тутилган; шоира ва таржимон. Тошкент Давлат университети (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Нигоҳ садоси” шеърий тўплами нашр этилган. Шеърлари инглиз, француз ва немис тилларида ҳам чоп этилган.

га лакланган қизил тасма тортилган, оёқчаларининг қизилга бўялган тирноклари тасма орасидан кўриниб турарди. Қатрон соchlари бошига ганак қилиб турмакланган, бу дагал кўриниш унинг болаларча маъсум қиёфасига асло мос эмасди. Қулоқчаларининг солинчакларида говак тилла сирғалаr тебранаради. Қоп-қора киприклари ақл бовар қилмас даражада узун ва гаройиб әдики, Боги Эрамда гулдан гулга учib-кўниб юрган капалакларни эслатарди; улар жаннатий ҳинд гулзорларида ҳам гоҳида хаёл мисоли кўзга ташланиб қоларди... Гўзаллик, ақл-идрок, аҳмоқлик каби сўзлар асло унга ёпишмасди, гўё барча инсоний хусусиятлар унга бегона әди. Дарҳақиқат, у бошқа сайёрадан келиб қолган жонзотга ўхшаради.

Соқовлик — унинг сўзсиз суврати әди. У ярим ётган кўйи миқ этмасди, қоп-қора баҳмалдек киприк-капалакларини бир маромда пириратар, елпигич билан ўзини аста-аста елпир әди...

Бир куни эрталаб меҳмонхона ҳовлисига рикша¹ жадал кириб келди. Одатда, мен мана шу рикшада шаҳарни сайд этиб қайтардим. Дастёр йигитча айвон зинапоясида истиқболимга пешвоз чиқиб таъзим бажо келтириди-да, паст товушда: — Сэр, юз рупия², — деди инглизчалаб.

Бу — ўша санамнинг баҳоси әди. Афсус...

1944 йил 24 май

¹ Рикша — ҳаммол тортиб юрадиган гилдиракли безакдор аравача, унда йўловчи ёки юк ташиш мумкин. — Таржимон изоҳи.

² Рупия — Ҳиндистон, Индонезия ва Ҳинд океани ҳавзасида жойлашган бошқа мамлакатларда пул бирлиги; харид қуввати ҳар хил. — Таржимон изоҳи.

ҚАСДЛАШУВ¹

Августнинг охириларида Канндаги пансионга бордим; денгизда чўмилиб, табиатдан нусха кўчириб, ижод қилмоқчи эдим. Анави галати аёл ҳар куни эрталаб қаҳва ичар, ўзи алоҳида столда ўтириб тамадди қилар, доим ўйчан, тунд қиёфада юрар, чор-атрофдаги одамларга эътибор бермас, қаҳвахўрликдан сўнг қайси гўрларгадир гойиб бўлар, кечгача қорасини кўрсатмас эди. Пансионда бир ҳафтадан бери яшаётган бўлсан-да, ҳамон ўша аёлни қизиқиб кузатиб юрадим: қоп-қора соchlари қалин, билакдек бир ўрим сочи орқасига ташлаб қўйилган, соchlари бошини чулғаган, қадди-қомати келишган, соғлом, әгнида қора-қизил мовут кўйлак, истараси иссиқ, лекин қиёфаси тунд...

Бизга ўн беш ёшлар чамасидаги әльзаслик қиз ош-овқат, чой-нон келтириб берар, бажонидил хизматимизни қиласди. Ёш бўлса-да сийналари бўлиқ, тўлишган, тўлишиб яна-да очилиб кетган, тантиқроқ, лекин ёқимтой ожиза эди. У бирорнинг гапини худди ҳуркак охудек қўзларини пирпиратиб, жилмайиб тингларди. Уни бир гал йўлакда учратиб қолиб саволга тутдим:

- Dites, Odette, qui est cette dame?
- Quelle dame, monsieur?
- Mais la dame brune, la-bas?
- Quelle table, monsieur?
- Numero dix.
- C'est une russe, monsieur.
- Et puis?

¹ Олим Набизода таржимаси.

- Je n'en sais rien, monsieur.
- Est-elle chez vous depuis longtemps?
- Depuis trois semaines, monsieur.
- Toujours seule?
- Non, monsieur. Il y avait un monsieur...
- Jeune, sportif?
- Non, monsieur... très pensif, nerveux...
- Et il a disparu un jour?
- Mais oui, monsieur...

“Гап бу ёқда экан-да! — деб үйладим. — Энди баъзи нарсалар ойдинлашяпти. Лекин у эрта билан қайси гўларга даф бўляпти экан? Ҳамон севгилисини излаяптими?”

Эртаси куни қаҳвахўрликдан сўнг, одатдагидек, хонамдаги очиқ деразадан шагал ғичирлаши эшитилди-ю пансион боғчасига мўраладим: у одати бўйича яланг бош, кўйлаги рангидаги шамсиясини кўтариб тез-тез юриб кетиб бораради. Оёгига қизил пойабзал.

Мен дарҳол ҳасса билан шамсияни олиб, унинг орқасидан эргашдим. У кўча бошига бориб Карно хиёбони томон бурилди, мен ҳам ўша муюлишдан бурилдим. Үйладимки, ўз хаёллари билан банд бўлиб орқасига қарамайди, пойлаб бораётганимни сезмайди. Дарҳақиқат, то вокзалга боргунча орқасига бир марта ҳам назар ташламади. Вокзалда учинчи тоифали вагонга чиқаётган чоғда ҳам орқасига ўгирилиб қарамади.

Поезд Тулонга бораради. Мен ҳам ҳар эҳтимолга қарши Сен-Рафаэлгача чипта олиб, қўшни купега чиқдим. Чамаси, у олисга кетаётган йўловчига ўхшамасди. Ҳўш, қаёққа кетяпти?.. Напулада, Тэулада деразадан бошимни чиқариб қарадим. Ниҳоят, поезд

Трэйясда бирпас түхтаган пайт яна бошимни чиқардим-у, бекатни тарк этаётган аёлни күриб қолдим. Вагондан сакраб тушиб яна унинг ортидан йўл олдим. Бу сафар олис масофадан таъкиб этиб боравердим.

Узоқ юрдик — дengiz ёқасидаги тик жарлик ёнидан ўтган эгри-буғри муюлишлар, ёш қарагайзор оралаб ўтган нишаб тошлоқ сўқмоқ ҳам ортда қолди. Шу сўқмоқ орқали соҳилга тик кесиб чиқилса, йўл хийла қисқаради. Ўрмон билан қопланган кимсасиз серқоя кўрфазча томон тог қиялаб борар, соҳилга етгач тик кесилган табиий девор ҳосил бўлар эди.

Вақт пешинга яқинлашиб қолган, кун иссиқ, қилт этган шабада йўқ, игна баргли арчазордан таралётган хушбўй ҳид димоқни ёраман дерди, атрофда зоф учмас, тик этган товуш эшитилмас, фақат чагалайлар сув сатҳида юзиб юрап, онда-сонда чигиллаб қўйишар эди. Денгизнинг очиқ бўлган жануб томони ялт-юлт этиб кўзни қамаштирап, йирик-йирик кумуш юлдузчалар сапчиб қирғоққа уриларди... Ниҳоят, у огирилигини орқага ташлаб юргурганча сўқмоқ бўйлаб ям-яшил кўрфазчага тушди.

Кўрфазча тўқ қизил қоялар орасида пайдо бўлган эди. Шамсиясини кумлоққа ташлаб шоша-пиша ечина бошлади. Оёқяланг эди. Мен сертош қояга ётиб олдим, у қоя остига қорамтири гулли кўйлагини ечиб ташлади. Унга қараб, ҳойнаҳой, чўмилиш қўйлакчasi ҳам қорамтири-тунд бўлса керак, деб ўйладим. Бироқ, кўйлак остида ҳеч қандай чўмилиш қўйлакчasi йўқ, фақат калтагина пушти сорочка бор эди, холос. Сорочкасини ҳам ечиб ташлади; у офтобда обдон тобланган, баданлари каҳрабо тусига кирган, соглом, бақувват эди.

Кип-ялангоч ҳолда оқаришиб турган тип-тиниң сувга кириб борди; чиройли түпікіларини әгиб-тұғрилаб, орқаларини намойишкорона үйнатиб, қуёшда қорайған белларини күз-күзлаб сувга шүнгиди. Сувда жимиб қолди, афтидан, сувда акс этаёттан қуёш нурлары құзларини қамаштирган әди. Кейин оёқларини үйнәтиб сувни шалоплатди, сув тубига чүнқайиб үтиреди, сувдан бошини чиқарып бир айланди-ю оёқ-құлларини кенг ёзиб сув устига ётиб олди; аста-секин юзиб құмлоқ соҳилга чиқди, тирсагини тираб құмга бошини қүйди.

Кумуш типратикандек ялтираб, бир маромда сокин чайқалаёттан бепоён денгиз гүё уфққа сингиб кетарди. Соҳилга туташ күрфазча ва шинамгина серқоя манзил тобора қизиб борарди. Қоядан иборат дим бүшлиқда, мұғъжаз жануб үрмөнида шу қадар теран сокинлик ҳукм сурадики, пастымдаги құмлоқда құксини құмга бериб ётган аёлнинг ялтираб турган елкаларига, икки тилим орқаларига, кенг ёйилған оёқларининг орасига урилаёттан шаффоф мавжларнинг майин чалоплаши ҳам бемалол эшитиларди.

Мен харсанг орқасига яшириниб олиб ялангоч гүзәлликни зымдан кузатиб ётар эканман, борган сари бетоқатланиб, бу қилиқ гирт бемаънилик, сурбетлик эканини паққос эсимдан чиқарып юбордим. Қадимни тиклаб трубкамни тутатиб тамаки чека бошладим. Дафъатан аёл ҳам бошини құтарди-ю пастдан юқорига — мен томон ажабланыб тикилиб қолди. Бироқ, аввал қандай ётган бүлса, үша ҳолатда чўзилиб ётаверди. Нима қилишимни, нима дейишимни билмасдан каловланиб ўрнимдан турдим. Аёл биринчи бўлиб тилга кирди:

— Мен йўл бўйи орқамдан бирор эргашиб келаётганини сезган эдим. Нега эргашдингиз?

— Кечирасиз, шунчаки қизиқувчанлик... — дедим гапни айлантиромасдан.

— Ҳа, кўриниб турибди, қизиқувчан экансиз. Мен ҳақимда сўраб-сурештирганингизни Odette айтган эди. Сизнинг рус эканингизни тасодифан эшишиб қолганман, шу боис ҳозир унчалик ажабланаётганим йўқ — ҳамма руслар ҳаддан зиёд қизиқувчан бўлади. Бироқ, айтинг-чи, нима учун ортимдан эргашиб келдингиз?

— Аввало, қизиқувчанлигим, қолаверса, касбим шунаقا.

— Биламан, сиз рассомсиз.

— Сиз эса расмбоп аёлсиз. Бундан ташқари, ҳар куни эрталаб қаёққадир гойиб бўлардингиз. Бу ҳол кўнглимга ғулгула солди: қаёққа? Нима учун? Ҳатто нонушта қилмасдан кетардингиз. Ваҳоланки, пансион аҳли бундай қилмайди. Боз устига, турқ-атворингиз ҳам бошқаларнидан фарқ қиласди, доим бир нарсани ўйлаб юрасиз. Ёлгиз бўласиз, миқ этмайсиз, қандайдир яширин сирингиз борга ўхшайди... Энди, ечинаётганимни кўриб, нима учун қайтиб кетмадингиз, деб сўрамоқчимисиз...

— Текин томошани ташлаб гўрга кетармидингиз, — деди у. Бирпас сукут сақлаб, қўшиб қўйди: — Ҳозир сувдан чиқаман. Бир дақиқа тескари қараб туринг, кейин бу ёққа келасиз. Сиз ҳам мени қизиқтириб қолдингиз.

— Ўлсам ҳам тескари бурилмайман, — дедим. — Мен рассомман, қолаверса, биз ёш бола эмасмиз.

— Бүпти, менга бари бир, — деди у елкасини қисиб.

Сүнг баралла ўрнидан турди, олд тарафдан аёллик таровати рўй-рост намоён бўлди.

Шағални гичирлатиб шошилмасдан олга юрди, пушти сорочкасини бошига ташлади, кейин қўйлакча бўйнидан жиддий қиёфаси кўринди, кийим ҳўл баданига ёпишиб қолди.

Мен унинг ёнига югуриб тушдим, ёнма-ён ўтирик.

— Балки, трубкадан ташқари, папиросингиз ҳам бордир? — деб сўради.

— Бор.

— Менга ҳам беринг.

Папирос бериб, гугурт чақдим.

— Раҳмат.

Тутунни ичига тортиб олис-олисларга нигоҳ ташлади, оёқ бармоқларини ўйнатди.

— Ҳозир ҳам сизга ёқяпманми? — деб сўради кесатиқ аралаш.

— Бўлмасам-чи! — деб хитоб қилдим. — Офатижонсиз, баданингиз, соchlарингиз, кўзларингиз... Фақат тунд қиёфангиз ғалати кўриняпти.

— Ростини айтсан, кўнглимга ёмон бир ниятни туғиб қўйганман.

— Ўзим ҳам шундай бўлса керак, деб ўйлагандим. Сиз яқинда ким биландир ажрашгансиз, кимдир сизни ташлаб кетган...

— Ташлаб кетмади, итқитиб юборди. Мени ташлаб қочиб кетди. Билардим, у адойи тамом бўлган кимса эди, лекин унга кўнгил бердим. Кейин маълум бўлдики, қип-қизил битта абраҳни яхши кўрган

эканман. У билан бундан бир ярим ойча мұқаддам Монте-Карлода учрашдик. Ұша оқшом казинода қимор үйнаб үтирган әдим. У ҳам ёнимда туриб қимор үйнарди, күзларини олайтириб шарчаларни күзатарди. Омади чопиб қўп ютди, бир марта ютди, икки, уч, тўрт... Мен ҳам анча-мунча ютуқни қўлга киритдим, у ҳаммасини қўриб турарди. Тўсатдан: “Гамом, пишти! Assez! — деб мен томонга ўгирилди-да: — N'est-ce pas madame?” — деб қўшиб қўйди. “Ҳа, пишти!” дедим кулиб. “Ие, русмисиз?”

“Кўриб турибсиз-ку”. “Ундаи бўлса, кетдик — кайф-сафо қиламиэ!” Унга разм солдим — афтидан азоб қўрган одамга ўхшарди, лекин хийла келишган... Кейин нима бўлганини тасаввур этиш қийин эмас.

— Ҳа, қийин эмас. Кечки овқат пайтида апоқ-чапоқ бўлиб, тинмай гап сотгансизлар, хайрлашадиган пайт келганда ажаблангансизлар...

— Тўппа-тўгри. Биз хайрлашмадик, бир-биrimизга ёпишдик-қолдик, ютиб олган пулларимизни совура бошлидик. Монте-Карлода, Тюрбид, Ницца да яшадик. Канн билан Ницца оралиғида, йўл бўйларида жойлашган қовоқхоналарда нонушта, тушлик қилардик. Сиз у жойлардаги нарх-наволар осмонда эканини билсангиз керак?! Ҳатто маълум муддат “Cap d'Antibes” меҳмонхонасида ҳам яшадик, ўзимизни бой-бадавлат этиб қўрсатишга ҳаракат қилдик... Ҳамёнимизнинг таги кўриниб қолди, охирги майдачуйдамизни тўплаб Монте-Карлога йўл олдик, лекин бу сафаримиз ҳалокат билан якунланди. У бирёзларга гум бўлиб кетиб пул топиб келар, аммо бу пуллар аввалгиларга нисбатан арзимас миқдорда — эллик,

юз франқдан ошмас әди... Сүнг менинг сиргаларимни, ҳатто никоҳ узугимни, ичдан бүйнимга тақиб юради-ган тилло хочимни, бир пайтлар мен әри бор хотин әдим, қайси ғұрларгадир әлтиб сотиб юборди...

— Албатта, әрта-индін биروف жуда катта қарзини тұлайды, нуфузли, сармоядор дүстларим, таниш-билишларим бор, деб ишонтирган.

— Ҳа, худди шундай бұлған. Унинг үзи ким әди? Анигини ҳозир ҳам билмайман. Үзининг үтмиши тұғрисида батафсил, аниқ гапиришни истамасди, мавзуу-ни дархол бошқа томонга буриб юборарди. Үзим ҳам бунга үнчалик әзтибор бермасдим. Биласиз, құпчилик муҳожирларнинг кечмиши бир хил бұлади: Петеңбург, ажойиб ҳарбий қисмда хизмат, кейин инқи-лоб бошланади, Истанбул... Эски оғайнілари ёрдами билан Парижда гүё яхшигина мавқега әга бұлади, истаган жойға құли етади, ҳозирча Монте-Карлода вақтихушлик қиласы өки Ниццада бирорта обру-әз-тиборли дүстининг пинжига кириб олиб... Хуллас, шунақа гаплар билан қўйнимни пуч ёнгоққа тұл-дирди. Мен бұлсам кундан-кунга руҳан тушиб, ёруг дунё қўзимга тор кўриниб борарди, у эса мийигида кулиб: “Хотиржам бўл, менга ишонавер, Парижда ҳозир биз учун елиб-югуришяпти, бопладим — нима қилганимни сенга айтис үтирмайман, бары бир ақлинг етмайди, буёгини үзимга қўйиб бер”, деб таскин бе-тарди.

— Ҳўш-хўш?

— Нима “хўш”?

У бирдан қўзларини чақнатиб менга қаради-ю, үчиб қолған папиросини узоққа отиб юборди.

— Сизга буларнинг ҳаммаси кулгили туюляптими?
Мен қўлидан тутиб маҳкам сиқдим.

— Шундай дейишга уялмайсизми?! Мен сизни
Медуза ёки Немезида қиёфасида тасвирламоқчиман.

— Улар қасоскор санамларми?

— Ҳа, жуда ёвуз.

У маъюс жилмайди.

— Немезида! Яна қанақа Немезида?! Йўқ, сиз
ёмон одамга ўхшамайсиз... Яна битта папирос беринг.
У чекишниям ўргатди... Ҳамма нарсага ўргатди!

Папиросни тутатиб, яна олис-олисларга назар таш-
лади.

— Даравоқе, чўмилиш учун шунча жойга келганин-
гизни кўриб ниҳоятда ажабланган эдим. Ҳар куни
бўзчининг мокисидек лўкиллаб юришдан зерикмасми-
кан деб ўйлагандим. Энди билсан, сизга ёлғизлик ке-
рак экан.

— Тўғри.

Қуёш тобора забтига олиб қиздиради, ҳовур ва
хушбўй ҳид кўтарилаётган қарагай шохларига қўниб
олган чирилдоқлар аччиқлангандек зўр бериб чириқ-
ларди. Аёлнинг қоп-қора соchlари, очиқ елкалари,
оёқлари қизиб кетганини сезиб турардим.

— Юринг, салқинга ўтайлик, кун ёндираман деяп-
ти. Гамгин тарихингизнинг давомини ўша ерда гапи-
риб берасиз, — дедим.

У уйқудан уйгонгандек сесканиб:

— Кетдик, — деди.

Биз яром доира шаклидаги кўрфаҳчани айланиб
ўтиб, қизил қоя остидаги салқин жойга ўтиродик. Бу
еर ёп-ёруг, лекин дим эди.

Мен яна унинг қўлини олиб, қўйиб юбормадим. У буни сезмади.

— Энди давоми нима бўларди? — деди. — Мен ҳақиқатан ҳам жуда хунук, шармандали ўша воқеани эслашни-да истамай қолдим. Ҳойнаҳой, сиз мени гоҳ анатви — гоҳ манави фирибгарнинг кунда-шундаги жазмани бўлса керак, деб ўйлаяпсиз. Ҳечам ундай эмас. Менинг ўтмишим ҳам бошқаларникидан унчалик фарқ қилмайди. Эрим дастлаб Деникиннинг, сўнг Врангелнинг Кўнгилли армиясида хизмат қилган, тақдир тақозоси билан Парижга келиб қолганимиздан кейин, албатта, шофёрлик қилди. Лекин аста-секин ичкиликка ўрганди, охироқибат ичкиликка шу қадар ружу қўйдики, ишдан ҳайдалиб, ялангоёқ дайдига айланди-қолди. Энди у билан бирга яшай олмасдим. Уни охирги марта Монпарнасада, “Доминика” остонасида учратдим. Албатта, русларнинг шунаقا қовоқхонаси борлигини билсангиз керак? Тун, ёмгир, у бўлса йиртиқ әтиқда қўлмак кечиб юрибди, қаддини дол қилиб ўтган-кетганинг ёнига чопиб боради, қўлларини чўзиб садақа сўрайди, одамларга ёрдамлашмоқчи бўлади, аслида, таксидан тушаётган йўловчиларга ҳалақит берарди, холос...

Мен серайиб қолдим, ундан кўзимни узмасдим. Аста унга яқинлашдим. Таниди, қўрқиб кетди, хижлат бўлди. Сиз унинг қандай ажойиб, меҳрибон, хушмуомала инсон эканини тасаввур ҳам қилолмайсиз. Қотиб қолди, ўзини қўярга жой тополмасдан менга тикилди: “Маша, сенмисан?” Бужмайган, уст-боши бир аҳволда, соқолига устара тегмаган, ҳаммаёгини сариқ жун қоплаган, шалаббо бўлган, совуқда дирдир қалтираиди...

Хамёнимда бор пулимни унга бердим, ҳўл, муз-дек қўли билан қўлимдан ушлаб билакларимни ўпа бошлади, елкалари силкинди, товушини чиқармасдан ўиглади. Ҳўш, қўлимдан нима ҳам келарди? Фақат икки-уч марта ҳар ойда юз, икки юз франқдан пул жўннатиб турдим. Парижда менинг шляпа тикадиган устахонам бор, мўмайгина даромад оламан. Бу ерга мен ҳордиқ чиқаргани, чўмилгани келганман. Мана, кўрмайсизми... Эрта-индин Парижга қайтаман. Анави фириғарни топиб қулогининг остига “шавла қайнатиб” қўйсам, жанжал қўтарсан — жуда бемаъни иш бўлар экан. Биласизми, мен бунинг бемаънилигини қачон росмана тушуниб етдим? Ҳозир билдим, сиз туфайли билдим. Бошимдан ўтган саргузаштни гапириб бердим-у, бирдан англаб қолдим...

— Ажаб, хушторингиз қандай қилиб жуфтакни ростлаб қолди?

— Ҳамма гап шундаки, у ниҳоятда ифлос йўлни танлади. Биз мана шу пансиончага жойлашдик, ҳозир сиз билан мен қўшниман. “Cap d’Antibes” меҳмонхонасидан кейин бу ерда яшашни тасаввур этиб кўринг-а! Бундан ўн кунча олдин оқшом чоги қиморхонага чой ичгани бордик. Албатта, мусиқа чалинаётган, ўигит-қизлар жуфт-жуфт бўлиб рақсга тушаётган экан. Бундай манзарани кўрсам беихтиёр кўнглим айнийдиган бўлиб қолган, шу қадар меъдамга урибди. Ишқилиб, ўтирибман, пирожний еяпман, у икковимиз учун буюртма беряпти, гоҳ-гоҳ илжайиб пичинг қиласди: “Қара, анавиларни қарагин, ҳақиқий маймунларга ўхшайди-я, оёқларини тапиллатиб, башарасини буриштирганини кўрмайсанми！”, дейди созандаларни

кўрсатиб. Сўнг бўм-бўш портсигарини очиб югурадакни ёнига чақириди, инглизларнинг папиросидан олиб кел, деб буюорди. Югурдак папирос келтириди. У хижолатомуэ: “Мерси, чой ичиб бўлганимиздан ке-йин ҳақини тўлайман”, деди. Тирноқларини кўздан кечириб ўтириб: “Қўлим дабдала бўлиб кетибди-ку! Ҳозир ювиб келаман...”, деди менга қараб ва ўрнидан турди-ю кетди.

— Кейин қайтиб келмади.

— Йўқ. Мен бўлсан кутиб ўтирибман. Ўн дақиқа кутдим, ўигирма дақиқа, ярим соат, бир соат...

Қандай аҳволга тушиб қолганимни тасаввур этяпсизми?

— Тасаввур этяпман...

Мен ўша манзарани яққол кўз олдимга келтирдим: стол атрофида чой ичиб ўтирибди, атрофига аланглайди, миқ этмайди, аҳмоқона аҳволга тушиб қолганини ўйлади, хуноб бўлади... Йирик деразалардан тун қўйинидаги осмон кўринади, сокин денгиз мавжланиб жилоланади, пальмаларнинг япроқлари қорайиб кўзга ташланади, созандалар полни тапиртупур этказиб тепади, асбобларини пуфлайди, темир ликопчаларни зарб билан уради, эркаклар товонларини бир-бирига уриштириб мусиқага мос равишда чайқалиб, рақс баҳонасида хонимларга маҳкамроқ ёпишиб, шаҳвоний нафсини қондириш ниятида бир томонларга судрайди... Кўнжи узун этик кийиб олган хизматкор кўкимтир мундирни унга узатиб, бош кийимини ечиб таъзим қиласи, бир қути “High Life”...

— Кейин нима бўлди? Сиз ўтирибсиз...

— Ўтирган ўрнимда адойи тамом бўлганимни ҳис этяпман. Созандалар ҳам уйларига кетди, зал бўшаб қолди, электр чироқлари ёқилди...

— Деразалар оқаришиб турибди...

— Ҳа. Урнимдан турай десам, оёқларимда мадор ўйқ. Нима қилсам экан, нажот борми? Ҳамёнимда бор-йўғи олти франк бор, холос. Қўлимга майдаганлар ҳам илашиб чиқди.

— У ростдан ҳам ҳожатхонага йўл олади, зарур ишни адо этади, ўзининг фирибгарлик ҳаётини ўйлайди, сўнг тугмаларини қадайди ва йўлак бўйлаб оёқ учиди юриб, орқа эшикдан кўчага чиқиб кетади... Ҳудо ҳаққи, кимга қўнгил қўйган эдингиз?! Энди уни излаб топиб ўч олмоқчимисиз? Нима учун? Сиз бокира қизалоқ эмассиз, унинг кимлигини, ўзингиз қандай аҳволга тушиб қолганингизни яхши билишингиз керак эди. Яққол кўриниб турган бемаъни ҳаётни нега давом эттиредингиз?

Аёл сукут сақлади, елкаларини учирив қўйди.

— Кимга қўнгил берганимни ўзим ҳам билмайман. Айтадилар-ку, чин муҳаббатга эҳтиёж бор эди... Афсуски, ҳеч қачон ҳақиқий муҳаббатга дуч келмаганман... У эркак сифатида менга ҳеч нарса берган эмас, бериши ҳам мумкин эмасди, чунки аллақачон эркаклик қобилиятини йўқотган эди... Ҳа, унинг кимлигини, ўзим қандай аҳволга тушиб қолганимни билишим керак эди. Бироқ, мен билишни ҳам, ўйлашни ҳам истамасдим.

Умримда биринчи марта енгил-елпи ҳаётга қадам қўйдим, орқа-олдимга қарамасдим, яллама-ёрим қилиб юравердим, ҳуэур-ҳаловатдан баҳраманд бўлдим,

қандайдир васваса ичидә яшадим. Хүш, нима учун уни топиб ўч олмоқчи бўлдим? Яна васвасага учдим, хирақасқон хаёлларга қул бўлдим. Ахир, мен қабиҳ, аянчли жанжалдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмаслигимни билмасмидим? Сиз нима учун деб сўрайяпсиз. Чамамда, менга ҳам унинг касофати урди, шекилли. Паст кетдим, фирибгарнинг ҳаётига шерик бўлдим; асосийси — у мени қиморхонада шармандали аҳволда қолдириб, ўзи ҳожатхона орқали кўчага қочиб чиқиб кетгани учун қасд олмоқчи эдим. Бош-кетимни йўқотиб қўйдим, қиморхона кассасига бориб ёлгон гапирдим, ялиниб-ёлвордим, эртагача сумкачамни гаровга олиб қолинглар деб илтимос қилдим, лекин сумкачамни олишмади, ижирганиб чой, ширинлик, инглиз папироси учун тўланадиган ҳақдан воз кечишиди.

Парижга телеграмма жўнатдим, учинчи куни минг франк пул олдим, қиморхонага бордим — у ерда юзимга қарашмасдан пулимни олишди, ҳатто ҳисобкитоб қогозчасини қўлимга тутқазишиди. Эҳ, азизим, мен ҳеч қандай Медуза әмасман, мен шунчаки муштипар аёлман, ожизаман. Устига-устак, ниҳоятда таъсирчанман, ёлғизман, баҳтиқароман. Лекин мени тўғри тушунинг — ахир макиённинг ҳам юраги бўлади-ку! Мен ўша лаънати оқшомдан бўён гўё бедаво бир дардга чалинган эдим. Сизни менга Худонинг ўзи етказди, энди кутилмагандан ўзимга келяпман... Қўлимни қўйиб юборинг, кийиниб олай, яқинда Сен-Рафаэлдан поезд ҳам қайтиб қолади...

— Садқаи сар, — дедим. — Яхшиси, чор-атрофга бир қаранг, анави қизил қояларни, ям-яшил кўрфазчани, гадир-буудур қарагайларни кўряпсизми? Гачир-гу-

чур этган жаннатий товушларни эшитяпсизми?.. Энди биз буёқقا бирга-бирга келамиз. Бўптими?

- Бўпти.
- Парижга ҳам бирга-бирга кетамиз.
- Хўп.
- Кейин нима бўлишини Худо билади.
- Ҳа, албатта.
- Кўлингизни ўпсам майлими?
- Майли, майли...

1944 йил 3 июнь

БАҲОРДА — ИУДЕЯДА¹

— Мени бир умрга майиб, оқсоқ қилиб қўйган бувоқеа айни навқирон йигитлик чогимда, олис Иудеяда юз берган эди, — деб ҳикоясини бошлади баланд бўйли, қомати келишган, юзлари саргимтири, қўй кўзлари ялтираб турадиган, жингалак калта соchlари оқарган киши. Чап тиззаси букилмаганидан у доим қўлтиқтаёқда юрар эди. — У пайтда Ўлик денгизнинг чап қирғогида — афсонавий Содом ва Гоморрада иш олиб бораётган тадқиқот гурухига аъзо эдим, Истанбулда ушланиб қолган шерикларимни кутиб Куддусда ётардим ва вақти-вақти билан Иерихон йўлидаги бадавийлар қўналғасида яшовчи шайх Аиднинг олдига бориб туардим; сафарга керакли ҳамма нарсани топиб бериш ва йўлбошловчилик қилишни зиммасига олган бу кишини менга қуддуслик археологлар тавсия қилишганди. Биринчи кун бир киши йўл кўрсатиб борди, маслаҳатлашиб, гапни пишитиб қайтдим;

¹ Ортиқбой Абдуллаев таржимаси.

эртаси куни унинг ўзи Куддусга келди; шундан сўнг манзилини ёлгиз топиб борадиган бўлдим, минишга келган чиройли байталини сотиб олдим, кейин у томонга кунда, кун ора қатнай бошладим...

Кўклам фасли эди. Иудея сахий қуёш нурларига гарқ бўлган, “Кўшиқлар қўшиғи” да айтилганидек: “Киши ўтиб кетди, замин гулга тўлди, қўшиқ куйлаш даври келди, майна соз чалади, гуллаган узум новдалари муаттар бўй таратади”. Тошлоқ Иудея саҳросидан ўтадиган кўхна Иерихон йўли ҳар галгидек кимсасиз, ташландиқ бўлиб, гармсел ва қум кўз очирмасди. Аммо бу чароғон баҳор кунларида мен ўзимни ниҳоятда бахтиёр, шод-хуррам ҳис қиласдим; Шарққа биринчи марта келишим, мисли йўқ янги бир дунёни ўз кўзларим билан кўрмоқда әдим, бу дунёда яна бир мўъжиза — Аиднинг жияни ҳам бор әди.

Урдун водийсигача чўэзилиб кетган Иудея саҳросининг ўзи бир олам, унда-бунда тиканак буталар ўсиб, илонлар ва какликлар макон қурган чағир тошли, қумлоқ тепаликлар, яйдоқ қирлар абадий сукутга чўмиб ётади. Иудеяда бутун қиши бўйи ёмгир ёгиб, муздек шамоллар эсади; баҳор, ёз, кузда яна бир хил манзара ва қабристон жимлиги ҳукмрон, аммо ҳамма ерда жазирама иссиқ, мудроқ сукунат.

Кудуқлари бор кичик дараларда бадавийлар манзилига хос излар: гулхандан қолган кул, чодирларни тикиш учун доирасимон ёки тўртбурчак қилиб тахланган қатор тошлар кўзга ташланади... Мен борадиган шайх Аиднинг манзили ҳам тепаликлар орасидаги кенг қумлоқ майсазорда жойлашган, сариқ қумлар қўйнида ниҳоятда хунук кўринадиган қора наматдан япалоқ

ёки тўртбурчак шаклда қурилган бир неча ўтовдан иборат эди. Бу ерга келганимда ҳар фал чодирлар олдида тутаб ётган тезак уюмини кўрар эдим, чодирлар ораси тор: ҳамма ерда итлар, отлар, хачирлар, эчкилар — уларни қаерда ва қандай боқишади — ҳалигача буни билмайман, бир тўда ялангоч, қора-қура, жингалак соч болалар, баъзилари лўлини, бошқалари занжини эслатадиган, аммо лаблари юпқа хотинлар ва эркаклар уймалашиб юришарди...

Уларнинг кийимлари ҳам жуда ғалати: жазирама иссиқ бўлишига қарамай, эркаклар тиззагача тушадиган қалин кўйлак, пахтали камзул, унинг устидан эса ола-була жундан — оқ ва қора рангда йўл-йўл қилиб тикилган, елкалари кенг, узун ва оғир қабо кийишади: бошларига бир учи ягринига ташланган, чеккаларига яна ола-була энли жун ипак ип икки марта айлантириб боғлаб қўйилган қизил ҳошияли йўл-йўл сариқ рўмол — кефийя ўраб олишади. Аёлларнинг кийими уларникуга тамомила қарама-қарши: бошларига кубсимон рўмоллар ташлаб юришади, юзи очиқ, эгнида кубсимон узун кўйлак, ўткир учли енги оз бўлмаса ерга тегай дейди, эркакларнинг оёғида нағал қоқилган қўпол бошмоклар; аёллар ялангоёқ юришади, болдиrlари бирам ажойиб. Эркаклар чилим чекишади, аёллар ҳам...

Қўналгага иккинчи марта йўлбошловчисиз ёлғиз ўзим келганимда мени яқин дўстларидек кутиб олишди. Аиднинг чодири ҳамманикидан катта эди, мен бу ерда — ичкарига кириш учун этаги кўтариб қўйилган қора намат чодир ёнида қатор ўтирган бир тўда кекса бадавийларга дуч келдим. Аид истиқболимга чиқди, ўнг қўлини лаби ва пешонасига тегизиб, таъзим

қилди. Чодирга мени ўзидан аввал киргиэди. Йчкари киргач, чодир ўртасига солинган гиламга ўтиришини кутиб турдим, сүңг мен ҳам унга ўхшаб ўнг қўлимни лабим ва пешонамга тегизиб ўтирган одамларнинг ҳаммасига таъзим қилиб чиқдим, кейин Аиднинг ёнига ўтириб яна шу ҳаракатларни такрорладим, албатта, менга ҳам шундай жавоб қайтаришди. Фақат хўжа-йин иккимиз қисқа ва оҳиста гаплашиб ўтиридик, одат шуни тақозо этарди, бундан ташқари, ҳали мен жонли араб тилини яхши билмасдим, бошқалар чекар ва сукут сақлашарди.

Чодирдан ташқарида менга ва меҳмонларга зиёфат тайёрлашмоқда эди. Одатда бадавийлар хибиз — зонгора нон ва әчки сутида пиширилган буғдој ёрмаси истеъмол килишади... Меҳмонни эса харуф — қумда қазилган ва тезак ёқиладиган ўчақда пиширилган қўй эти билан сийлашади. Таомдан кейин ҳар доим қанд солинмаган қаҳва тортишади. Ҳамма bemalol еб-ичиб ўтирас, намат чодирдан ташқарида эса худди дўзах алангасидек гармсел уфуриб турар, чодирнинг кенг очиб қўйилган тирқишидан саҳрого қарашнинг ўзи менни даҳшатга соларди: олисдаги ялтироқ қумлар одамнинг кўзига худди сузиб кетаётганга ўхшаб кўринарди. Шайх ҳар бир сўзидан кейин менга хожа — жаноб деб мурожаат қиласар, мен ҳам уни муҳтарам бадавий шайх, яъни саҳро ўғли деб атар эдим. Дарвоқе, Урдун арабчасига қандай аталишини биласиэларми? Жуда оддий: Шариат — бор-йўғи сувлоқ жой дегани.

Аид эллик ёшларга борган, паст бўйли, суюги ингичка, озгин бўлса-да, чайир; юзи — пишиқ гиштнинг ўзи; кулранг тиник кўзлари ўткир, оқара бошлаган,

қаттиқ, кумуш чўққи соқоли ва мўйлови яхшилаб кузалган, бадавийлар соқол-мўйловга алоҳида эътибор беришади, бошқалар сингари нағал қоқилган катта бошмоқ кийган эди. Қуддусда олдимга келганида белбогига ханжар тақиб, узун милтиқ қўтариб олганди.

Жиянини ўша “дўст” бўлиб борган кунимда кўрдим, у бошидаги катта мис кўзани ўнг қўли билан ушлаганча, чодир ёнидан қаддини тик тутиб ўтиб кетган эди. Неча ёшдалигини билолмадим, чамаси, ўн саккиздан ошмаганди, бундан тўрт йил олдин эрга теккани ва шу йилдаёқ бева қолгани, боласи йўқлигини, тогасининг чодирига гирт етим ва қашшоқ ҳолда қайтиб келганини кейинчалик билиб олдим. “Кўзингга қара, Суламиф!” – деб ўйладим мен. (Ахир Суламиф ҳам айнан шунга ўхшаган эди. “Кўддуснинг қизлари, мен қора ва чиройлиман”.)

У чодир ёнидан ўтаётуб, бошини салгина буриб, менга кўз қирини ташлаб қўйди: бу кўзлар фавқулодда қоп-қора, сирли эди. Қорача юзлари, қалин бинафшаранг лабларини кўришим биланоқ, мафтуну лол бўлиб қолдим... Фақат шулар дейсизми?! Бутун қиёфаси мени маҳлиё қилиб қўйди: мис кўзани қаттиқ ушлаган қўллари елкасигача ялангоч, узун кубсимон қўйлак остида оҳиста тўлганиб кетаётган хипча қомати, қўйлагини қўтариб турган бўлиқ кўкраклари...

Бу ҳам етмагандек, икки-уч кундан кейин уни Кўддусда — шундоққина Яфф дарвозаси ёнида учратиб қолсам бўладими! У оломон орасида мен томонга юриб келар, бошида қандайдир тугун қўтариб олган эди. Мени қўриб, тўхтади. Дарҳол олдига бордим.

— Мени танияпсанми?

У бўш турган чап қўли билан елкамга салгина туриб қўйиб, жилмайди:

- Танидим, хожам.
- Нима олиб кетаяпсан?
- Эчки пишлоги...
- Кимга?
- Ҳаммага.
- Демак, сотар экансан-да? Унда меникига олиб борақол.
- Қаерга?
- Мана бу ёқда, меҳмонхонага...

Мен Яфф дарвозасининг шундоқ ёнидаги баланд энсиз бинога жойлашган әдим, у кичкина майдоннинг чап томонидаги бошқа уйлар билан туташиб, зинапояларга тўла қоронғи, баъзи жойлари тим ёки қўхна гумбазлар билан ёпилган, қадимий устахона ва дўконлар қалашиб кетган “Шоҳ Ҷавид қўчаси”га уланиб кетган әди. У ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан олдинга ўтди ва эгри-буғри, тор тош зинапоялардан хиёл олдинга энгашшган қўйи хипча қоматини эркин тутиб юриб кетди, рўмолчадаги пишлоқни наридан-бери номигагина ушлаб олган ўнг қўли ялангоч бўлиб, елкасига тушиб турган қора соchlари қўэни ўйнатар әди.

Бурилишдаги зинапоялардан бирида тўхтади: у томонда, қўшни уйларнинг туташ тўртбурчак деворлари остида худди қудуқдаги каби қўкимтири сув — айни ўша сув — ялангоч бадани билан шоҳ Ҷавидни асиру лол этган Уриянинг хотини Вирсафия чўмилган қўхна “Авлиё Иезикил шалоласи” ярқираб қўриниб турар әди. У тўхтар экан, ойнага қаради, сўнг ўгирилиб, мафтункор қўзлари билан менга шодон назар ташлади.

Мен ўэимни тутиб туролмадим, энгашиб бүйнидан үпдим, у менга ҳайратланиб боқди — бадавийларда бўса олиш одати йўқ. Хонамга киргандан кейин у тутунини стол устига қўйди ва ўнг қўлини менга узатди. Мен кафтига бир неча майда мис чақа ташладим, сўнг ҳаяжондан қалтираган ҳолда битта олтин фунт чиқариб унга кўрсатдим. У тушунди ва киприклари ни юмди, итоаткорона бошини эгиб, кафтлари билан кўзларини беркитди...

Ярим соатдан кейин уни зина олдида қузатиб қўяр эканман:

— Яна қачон пишлоқ олиб келасан? — деб сўрадим.

У бошини оҳиста лиқиллатди:

— Яқин кунларда келолмайман.

Шундай деб беш бармогини кўрсатди: беш кундан кейин. Икки ҳафта ўтгач, Аиднинг олдидан қайтаётиб, манзилдан анча узоқлашганимда, орқамдан милтиқ овози эшитилди ва ёнимдаги тошга ўқ келиб урилди, зарб шундай кучли эдики, ҳатто тошдан тутун чиқиб кетди. Мен эгарга энгашиб, отга қамчи босдим, иккинчи марта милтиқ қарсиллади, чап тиззамга нимадир қаттиқ тегканини сездим. Қуддусга етгунча отни тўхтатмадим, бир вақт энгашиб қарасам, этигимдан қон кўпикланиб оқмоқда эди... Аид қандай қилиб иккни марта ҳам мўлжалга уролмаганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Яна жияни менга пишлоқ сотаётганини қаердан билиб олганига ҳамон ақлим етмайди...

1946 йил

ҚҰНАЛҒА¹

Бу воқеа жанубий Испаниянинг тогли депараларидан бирида рўй берди.

Июнь ойининг сўлим оқшоми эди, ойдин кеча, тўлин ой осмон пештоқида осилиб турарди, одатан, кундузи жала қўйиб ўтган бўлса, димиққан кечалари ой нафармон нур таратади, бинафша гуллаётган кезларда бу ҳол табиий хисобланади, пастак жануб ўрмонлари билан қопланган ясси тогларнинг довонлари сутдай оқариб қўзга яққол ташланиб турарди, довон уфққа бош қўйган.

Довонлар орасига жойлашган энсиз водий шимол томонга чўзилиб кетган. Водийнинг бир тарафига довоннинг кўланкаси тушиб турар, мозор сукунати хукм сураётган бу оқшомда тог жилгаси бир маромда жилдирап, гоҳ сафсар маъдан, гоҳ ёқут, гоҳ тиллақўнгиз сирли шуъла сочар, оламни нурга тўлдираётган мўъжиза кўзни қамаштиради. Қарши тарафдаги адирлар водийдан чекиниб, ўрнини паст текисликларга бўшатиб берган, текислик бўйлаб эски тош йўл ўтган. Шу пастликда жойлашган тошқўргон ҳам ниҳоятда кўхна кўринарди. Бемаҳалда тошқўргонга олдинги ўнг оёги оқсаётган тўриқ айгир отини қичамасдан миниб келаётган марокашлик бир киши ташриф буюрди. У баланд бўйли, оқ жундан тўқилган кенг-мўл яктак киийиб, бошига попукли ҳожиқидўппи қўндириб олган эди.

Тошқўргон одам зоти қирилиб кетгандек ҳувиллаб ётарди, ўз ҳолига ташлаб қўйилганга ўхшарди. Аслида ҳам шундай эди. Марокашлик киши дастлаб серсоя

¹ Олима Набизода таржимаси.

кўча бўйлаб, тош-девор уйлар оралаб ўтди; уйларнинг деразалари ўрнида бўшлиқ қорайиб кўринарди, томорқадаги боғлар ёввойилашиб кетган эди. Кейин у ойдин майдонга чиқди; бу ерда устига шийпонча қилинганд ҳовуз, пештоқига Мадоннанинг зангори ҳайкалчаси ўрнатилган черков, ҳамон одамлар истиқомат қилаётган бир нечта ҳовли бор эди. Олдинда эса, майдонга кираверишда карvonсарой жойлашган. Пастки қаватдаги деразалардан гира-шира нур тараларди.

Эгар устида мудраб келаётган марокашлик бирдан ҳушёр тортиб, жиловни силтади, оқсаб келаётган от ўнқир-чўнқир тош тўшалган майдон бўйлаб жадал юриб кетди, туёқ товушлари тун қўйнидан акс садо берарди. Туёқ товушини эшитиб карvonсарой бўсағасига кичрайиб, қоқ суяқ бўлиб қолган кампир чиқди, дафъатан уни тиланчига ўхшатиш мумкин эди. Сўнг кулча юзли, ўн беш ёшлар чамасидаги қизалоқ осто-нада пайдо бўлди; унинг жамалаги пешонасига тушиб турар, яланг оёқларига шиппакча илиб олган, эгнида оқиш печакгул тусидаги енгил кўйлак. Бўсағага бошини қўйиб ётган эшакдек қоп-қора ит ҳам ўрнидан турди, унинг жунлари сип-силлиқ бўлиб, кесилган қулоқлари динг бўлиб турарди. Марокашлик киши оstonага етар-етмас отдан тушди. Ит шу заҳоти қўзларини чақнатиб, тишларини хунук иржайтириб олға ташланди. Марокашлик қамчиси билан итни ҳайдашга уринди. Қизалоқ дарҳол итга танбех берди:

— Негра! — деб қичқирди жарангдор товушда. — Сенга нима бўлди?

Ит бошини эгиб аста-секин орқасига қайтди, тумшугини деворга қадаб ётди.

Марокашлик киши испан тилини бузиб гапиради, салом-алик қилди, сүнг шаҳарда темирчи борми деб сўради, эртага отни тақалатиш керак экан. Отни кечаси қаерда қолдириш мумкин? Отга ем топиладими? Ўзига ҳам овқат берилса, чакки бўлмасди. Қизалоқ унинг баланд бўйига, чечак излари қолган чўтири юзларига қизиқсиниб қаради. Қўноқ итга хавотирланиб назар ташлаб қўйди, ит жимгина ётибди, худди хафа бўлиб қолганга ўхшарди, қулоги хийла оғир кампир эса товушини қўтариб шоша-пиша жавоб қайтарди: темирчи бор, хизматкор уй ёнидаги молхонада ухлаб ётибди, кампир уни ҳозир үйготади, у отга ем беради. Овқат масаласида ҳам меҳмоннинг кўнгли тўқ бўлсин: тухум қўймоқ тайёрлаб бериш мумкин, лекин кечки овқатдан фақат оз-моз ловия бўтқа билан сабзавот қовурдоқ қолган, улар иситиб берилади...

Доим ширакайф бўлиб юрадиган хизматкор чол меҳмоннинг отига ем бериб, эгар-жабдугини ечиб олишда ёрдамлашди.

Ярим соатдан сўнг марокашлик киши ошхонада зўр иштача билан овқатланиб, саргимтири оқ мусалласни ютоқиб ичиб ўтиради...

Карvonсарой кўжна эди. Пастки қават узун-узун даҳлизлардан иборат бўлиб, йўлак охирида юқори қаватга чиқиладиган айланма зинапоя бор. Юқори қават иккига бўлинган: чап томонда кенг-мўл, лекин шифти пастак хоналар, хоналарга камбағал қўноқлар тунаши учун сўричалар қўйилган; ўнг томонда ҳам пастак шифтли ошхона, шифтлари-ю деворлари қуюқ тутундан қасмоқ бўлиб кетган емакхона, деворлари хийла қалин бўлгани боис токчадан ичкарига ўрнатил-

ган кичик деразалар, бурчакда ўчоқ, устига ҳеч нарса ёпилмаган стол, ёнида ўтиргичлар, ерга гадир-будур тошдан түшама қилинганды, у силлиқ-сирпанчиқ бўлиб кетган. Бу хонада керосин лампа милтиллаб турарди, у қоп-қорайиб кетган темир занжирга осиб қўйилган, хонага ачимсиқ тутун ва пиёздор ҳиди ўтириб қолган.

Кампир ўчоққа ўт ёқиб совуб қолган қовурдоқни иситди, меҳмон сирка ва зайдун мойи аралаштирилган совуқ ловия бўтқани еб бўлгунча тухум қўймоқ ҳам тайёр бўлди. У ечинмади, яктагини ҳам ечмади, чотини кериб талтайиб ўтиради, оёқларида қалин теридан тикилган бошмоқ бор эди, оқ жундан тўқилган кенг-мўл иштонининг пойчаси бурмали бўлиб, тўпигини қисиб турарди. Қизалоқ кампирга кўмаклашар, меҳмон иш буюрса сўзсиз бажо келтирас, лекин унинг кутилмаганды еб қўйгудек ўқрайиб қарашларидан, қуруқшаган чўтиро башарасию юпқа лабаридан, кўкимтири мўйловидан қўрқар эди.

Қўноқ шундок ҳам қўрқинчли кўринарди. Бўйи жуда баланд, кенг яктакда янада ваҳимали, попукли ҳожиидўппи кийиб олган боши хумдек. Устки лабининг четларида дагал шоп мўйловининг учлари жингалак бўлиб буралиб қолган. Соқолинининг орасида ҳам яккам-дуккам жингала тола учтарди. Бошини хиёл орқага ташлаб кеккайиб ўтиргани боис қўнгир тери остида ўйнаб турган кекирдак олмаси — бўқоқчаси одатдагидан йирикроқ кўринарди. Қорайиб кетган ингичка бармоқларида кумуш узуклар товланиб турарди. У миқ этмасдан еб-ичиб ўтирибди.

Кампир қовурдоқни иситиб, қўймоқ пишириб бўлгач, гулхани сўна бошлаган ўчоқ ёнига ҳолсизгина

нүкди ва ундан қаёқдан қаёққа кетяпсан деб сўради бақириб. Меҳмон бўғиқ товушда:

— Узоққа, — деб гапни қисқа қилди.

Қовурдоқ билан қуймоқни пок-покиза туширгач, бўшаб қолган кўзани чайқаб кўрсатди: қовурдоққа аччиқ қалампир қўп қўшилган экан, оғзини куйдириб юборибди. Кампир боши билан қизалоққа ишора қилди, қизалоқ кўзани олиб емакхонанинг қия очиқ эшигидан чиқиб, тим қоронги даҳлиз томон йўл олди — даҳлизда тиллақўнгизлар худди эртаклардагидек учқун сачратиб бир маромда парвоз этар, ажабтовур нур таратар эди.

Қўноқ қўйнидан папирос чиқариб тутатди, қизалоқ кетган томонга им қоқиб:

— Неварами? — деб сўради.

— Жияним, етимча, — деб жавоб берди кампир қичқириб. Сўнг әзмаланиб ҳикоя қилишга тушди: у марҳум акасини, яъни қизалоқнинг отасини жуда яхши қўрар, акасини деб қариқиз бўлиб ўтириб қолган, мана шу карвонсарой акасининг хусусий мулки ҳисобланар, акасининг хотини бундан ўн икки йил муқаддам бандаликни бажо келтирган, ўзи ўн саккиз йил бурун ўлган, мол-мулкини бир умр фойдаланиш учун кампирга васият қилиб қолдирган, ҳувиллаб ётган қўргончада яшаш ниҳоятда огирашиб кетган экан...

Марокашлик киши кампирнинг дийдиёсини паришонхотирлик билан тинглади, унчалик эътибор бермади, у ўзининг ўй-хаёллари билан банд эди. Қизалоқ кўзани мусалласга тўлдириб қайтиб келди. Қўноқ унга кўзларини лўқ қилиб тикилганча папирос қолдигани шу қадар жаҳд билан ютоқиб тортиди, оқибатда

кирлаб кетган бармоқларининг учини күйдириб олди. Сўнг янги папиросини шоша-пиша ўт олдириб, товушини кўтариб кампирга — у кампирнинг қулоги оғир эканини аллақачон сезган эди — мурожаат қилди:

— Агар жиянинг мусалласни ўз қўли билан қўйиб берса, бағоят мамнун бўлардим.

— Бу унинг иши әмас, — деди кампир чўрт кесиб. Сўнг зардали оҳангда қичқирди: — Кеч бўлди, мусалласни ичиб, бориб ухлагин. Ҳозир жияним сенга юқори хонага ўрин тўшаб беради.

Қизалоқ қўзларини чақнатиб дик этиб ўрнидан турди, кампирни ортиқча жавратиб ўтирасдан таптап қадам ташлаб зинапоя бўйлаб юқорига кўтарилиди.

— Ўзларинг қаерда ухлайсизлар? — деб марокашлик ҳожидўгисини терлаб кетган пешонасидан бир оз сурин қўйди. — Юқорида ётасизларми?

Кампир қичқириб гап бошлади: ёзда юқори қават жуда иссиқ бўлади, ижарачилар бўлмаган чоғларда — энди деярли келмай қўйди — улар пастки қаватнинг нариги бўлмасида, қарама-қарши томонда, ҳув анави хонада ётадилар. У қўли билан ўзлари ётадиган хонани кўрсатиб, сўнг яна ишлар чаппасига кетганидан шикоят қилишга тушди, ҳамма нарса қиммат бўлиб кетди, шу боис, иста-истама йўловчилардан ҳам қимматроқ ҳақ олишга тўғри келади...

— Мен эртага вақтли кетаман, — деди марокашлик кампирнинг гапларига эътибор бермай. — Эрталаб фақат қаҳва берсанг бас. Демак, ҳозироқ ҳисоб-китоб қилиб қўйишими мумкин. Ҳуш, қанча бўлди? Ҳозир тўлайман. Йў-ўқ, аввал майда пулларимни топай-чи, деб у яктагининг ички чўнтағидан юмшоқ қизил те-

ридан тикилган ҳамёничи чиқарди, бөгичини бүшатиб оғзини очди, стол устига бир ховуч тилло тангаларни жаранглатиб тўқди. Гўё пулларини синчиклаб сана-ётгандек пешонасини тириштириди, кампир эса ўчоқ ёнида ўтирган ўриндигидан туриб, кўзларини ола-кула қилиб тилло тангаларга тикилди.

Юқори қават қоронги, жуда иссиқ әди. Кизалоқ чўмилиш хонасининг эшигини очиб қўйди. Қоронгиликдан иссиқ ҳаво гуп этиб юзига урилди, дарча тирқишиларидан ярқ этган нур кўринди, бу хонага ҳам худди пастдаги каби кичикроқ иккита дераза ўрнатилган әди. У хона ўртасидаги юмалоқ столни чаққон айланиб ўтиб деразани очди, дарча эшикчаларини итариб ташқарига очди.

Ойдин кечак, бепоён осмон оқаришиб, яккам-дуккам юлдузлар кўзга ташланарди. Нафас олиш хийла енгиллашди, водийдан жилга жилдираши эшитиларди. Кизалоқ тўлин ойни томоша қилиш учун деразадан бошини чиқарди, ой ҳамон тепада бўлгани боис хонадан кўринмасди. Сўнг қизалоқ пастга қаради: ерда турган ит тумшугини кўтариб унга қаради. Бундан беш йилча олдин битта дайди қучук қайлардандириадашиб карвонсаройга келиб қолади, у қизалоқнинг кўз ўнгига катта бўлади, қизалоққа ўрганади, у эгасига шу қадар садоқатли әдики, бундай садоқатни фақат итлардан кутиш мумкин. Зотан, ит вафодор бўлади.

— Негра, нима учун ухламаяпсан? — деди қизалоқ товушини пасайтириб.

Ит беозоргина гингшиб, бошини бир силкитди-да даҳлизнинг очиқ эшиги томон ташланди.

— Қайт, қайт! — деб буюрди қизалоқ шошиб. — Жойингга бор!

Ит таққа тұхтади, тумшугини күтариб қызға қаради, күзларидан учқун сачраради.

— Сенга нима керак үзи? — деб сүради қизалоқ әркаловчи товушда. У доим ит билан худди одамдек гаплашарди. — Нега ухламаяпсан, эсипаст? Е осмондаги ой хаёлингни олиб қочдими? Ит бир нима деб жавоб бермоқчи бўлгандек яна тумшугини юқори күтарди, беозоргина ғингшиб қўйди. Қизалоқ елкаларини қисди. Бу ит унинг сирдоши, ёргу оламдаги бирдан-бир жонли сирдоши эди. Итнинг ҳис-туйгулари, ўй-хаёллари доимо қизалоққа тушунарли бўларди. Лекин ҳозир ит нима демоқчи, у нимадан хавотирланяпти — буни қизалоқ яхши англамади, шу боис қўлини арра-арра қилиб, ёлғондакам жаҳли чиққандек:

— Негра, жойингга бор! Ухла! — деб шивирлади.

Ит жойига бориб ётди. Қизалоқ дераза ёнида яна бирпас ўйланиб турди. Балки, итни анави марокашлик тасқара хавотирга солгандир? Ит карвонсарой қўноқларига деярли эътибор бермасди, ҳатто қўринишидан қароқчи ёки дордан қочган каззобга ўшаган кимсаларга қайрилиб ҳам қарамасди. Лекин баъзан айрим кимсаларга нима учундир худди қутургандек ташланиб қоларди, момагулдуракдек вовуллаб оёқдан оларди. Бундай пайтларда қизалоққина итни ҳовуридан тушириб, қайтариб қоларди.

Ҳозир итни бошқа нарса безовта қилаётган бўлиши мумкин: димиққан кеча, ҳавода қилт этган шабада йўқ, осмонда тўлин ой чарақлаб нур таратяпти — бундай ҳолат ҳар қандай тирик жонни қуюшқондан чиқариб

юборади. Бу оқшом ҳукм сурәтган гайритабиий сұкунат оғушыда водий тарафдан жилганинг жилдираши, молхонада дуп-дуп ер тепиб, шatalоқ отиб юрган әчининг туёқ товушлари баралла эшитилиб турарди. Қўйқис қари хачирми ёки марокашлик қўноқнинг айгири отими гурс этказиб әчини тепиб юборди, әчки жонҳолатда шу қадар хунук маъраб юбордики, қулоқни тешиб юборадиган ўткир товуш узоқ-узоқларга таралиб кетди.

Қизалоқ сапчиб ўзини деразадан ичкарига олди, нариги деразани ҳам очиб, дарча эшикчасини итариб юборди. Хона гира-шира ёришиб қолди. Хонада столдан ташқари, эшикдан кираверишдан ўнг томонда учта кенг каравот бор — бош тарафи деворга тираб, устига дағал чойшаб ташлаб қўйилган. Қизалоқ чойшабларни йиғишириб кираверишдаги биринчи каравотга ташлади, ёстиқ түшаб, кўрпача ёэди. Шу пайт хона эртаклардаги мўъжиза маскани каби ёришиб, майин қўнимтириш шуълага чулғанди — тиллақўнгиз қизалоқнинг гажагига қўнган эди. Қизалоқ уни астагина силади, тиллақўнгиз гоҳ ялтираб, гоҳ хира тортиб хона бўйлаб парвоз эта бошлади. Қизалоқ димогида хиргойи қилганча сақраб-сақраб пастга тушиб кетди.

Емакхонада марокашлик киши эшикка орқа ўгириб гўдайиб турар, паст, лекин қатъий оҳангда, асабийлашиб кампирга бир нималар деяётган эди. Кампир бoshини чайқаб рад маъносини билдиради. Марокашлик елкаларини учириб қўйди, хонага кириб келган қизалоққа шундай ўқрайиб қарадики, шўрлик жонҳолатда ўзини орқага ташлади.

- Жой тайёр бўлдими? — деди у бўғиқ товушда.
- Ҳаммаси тайёр, — деди қизалоқ шошиб.

— Тепага қандай чиқиши билмайман, мени кузатиб қўясан.

— Сени ўзим кузатиб қўяман, — деди кампир даргазаб бўлиб. — Ортимдан юр!

Кампир айланма зинапоядан инқиллаб-синқиллаб юқорига кўтарила бошлади, марокашлик эса бошмоқларини тап-тап этказиб унга эргашди. Қизалоқ бирпас туриб ташқарига чиқди. Остонада ётган ит сакраб турди, атрофида чир-чир айланди, думини ликиллатиб қувончини изҳор этди, сўнг эгасининг юзларини ялади.

— Нари тур, нари кет! — деб шивирлади қизалоқ ва эркалаб итни итариб юборди, остонаяга ўтирди.

Ит ҳам орқа оёқларига чўнқайиб ўтирди, қизалоқ унинг бўйнидан қучоқлаб олди, пешонасидан ўпди, ўтирган кўйи ит билан бирга тебрана бошлади. Юқори қаватдан марокашлик қўноқнинг оғир қадам товушлари, бўғиқ овози эшитилиб турарди. У хотиржамлик билан кампирга бир нималар дерди, лекин нима деяётганини аниқ-тиниқ англаб бўлмасди. Ниҳоят, у товушини кўтариб:

— Бўпти, бўпти! Фақат айтгин, кечқурун ичиб ётишим учун сув келтириб берсин, — деди.

Зинапоядан эҳтиёт бўлиб тушаётган кампирнинг қадам товушлари эшитила бошлади.

Қизалоқ даҳлизга кириб кампирнинг йўлини тўсди ва:

— Мен унинг нима деганини эшитдим. Йўқ, ўлсан ҳам олдига ёлғиз чиқмайман. Ундан қўрқаман, — деди қатъян.

— Бемаъни гапларни қўй, — деб қичқирди кампир. — Сен ўйлайсанки, мен яна-тагин мана шу маймоқ оёқ-

ларимни судраб тепага чиқиб-тушаманми? Ерүгрок бўлса ҳам кошкийди. Зинағоянинг сирпанчиқлигини айтмайсанми?! Унинг нимасидан қўрқасан?! Тўғри, у каллаварам, аччиғи бурнининг учидатурар экан, лекин ёмон одам эмас. У сен ҳақингда қўйиб-пизишиб гапирди, сенга раҳми келяпти, эҳ, шўрлик, сепи бўлмаса, ким ҳам уни келин қиласди, деяпти. Тўғри айтятти, сенда сеп нима қиласин! Биз аллақачон хонавайрон бўлганимиз. Анави беэзот диктаторга минг раҳмат, ҳеч бўлмаса, тинчликни сақлаб турибди. Аслини олганда, бундай тинчлик бўлганидан кўра қирпичоқ уруп бўлгани афзал әди, ўшанда еб-тўймас, хушомадгўй, олчоқ амалдорлардан бирйўла қутулардик... Бечора дехқонларни кўряпсанми, қуруқ устихон бўлиб қолган. Карvonсаройга ҳам гадойнусха қаланги-қасангилардан бошқа ҳеч ким келмай қўйди...

— Боя мен кирган пайтда нима учун аччиғланиб турган әди? — деб сўради қизалоқ.

Кампир каловланиб қолди.

— Нима учун әмиш! — деб гўлдиради кампир. — Мен унга бироннинг ишига бурнингни тиқмагин, дедим... Шундан кейин жаҳли чиқиб кетди... Қани, ивиқсима, дарҳол унга сув әлтиб бер! — деди кампир зардаси қайнаб. — Сув әлтиб берсанг, у сенга бир нима совға қиласди. Ваъдаси шундай. Бор, деяпман!

Қизалоқ қўзани тўлдириб юқори қаватдаги хонага сув олиб чиқди. Марокашлик қўноқ уст-бошларини ечиб каравотда алчайиб ётарди: ой ёргида унинг митти кўзлари ялтирас, соchlари тап-тақир этиб олинган боши қорайиб, узун ички оқ қўйлаги оқаришиб қури-

нар эди. Сұлақмондай яланғоч оёқларини үйнатиб құярди. Қувури узун, барабанли түппонча хона үртасидаги столда ялтираб турарди. Устки кийим-бошларини ёнидаги каравотга уюб қүйибди... Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда вахимали күринароди. Қизалоқ югурит бориб күзани тақ әтказиб столга қўйди-ю зингиллаб орқасига қайтди, лекин марокашлик қўноқ сакраб турди-да қизалоқнинг қўлидан ушлаб олди.

— Шошма, шошма, — деди у қизалоқни каравот томон тортиб. Уни қўйиб юбормасдан каравотга ўтириди, сўнг: — Бир дақиқа ёнимда ўтири, ўтири деяпман, ўтиранг-чи... Гап бундай, яхшилаб қулоқ сол... — деб шивирлай бошлади.

Капалаги учиб кетган қизалоқ итоатгўйлик билан унинг ёнига ўтириди. У энтикиб-энтикиб изҳори дил қила бошлади: Худо ҳаққи, сени кўрдиму эс-хушим бошимдан учди, бир кўришдаёқ севиб қолдим, ёлгон гапираётган бўлсан, ана, тепамда Худо турибди, бир ўпич учун ўн тилло, йигирма, бор-э ўттиз тилло бераман, бир халта тилло тангам бор... кейин...

Ёстиқнинг остидан қизил ҳамёнини олиб, қўллари қалтираб унинг богичини бўшатди, тилло тангаларни тўшакка тўкиб ташлади.

— Мана, кўрдингми, тиллоларим кўпмикан?.. Кўрдингми?.. — деб гўлдиради.

Қизалоқ шаҳд билан бош чайқади, каравотдан сапчиб турди. Лекин қўноқ уни дарҳол тутиб олди, қуруқшаган, чапдаст қўли билан оғзини ёпиб каравотга ётқиэди. Қизалоқ жонҳолатда типирчилаб унинг қўлини оғзидан юлқиб ташлади-ю:

— Негра! — деб чинқириб юборди.



Иван Бунин
туғылған уй.
Воронеж.



Шоирнинг онаси —
Людмила Александровна
Бунина (1834—1910).



Иван Бунин,
1891 үйл.



Иван Бунининг
“Уруш” номли шеъри.
Адіб 1915 үйл
12 сентябрда киритган
тузатишлар.



Иван Бунин,
1915 йил 28 июнь.



Иван Бунин
Одесса яқында,
1918 йил ёз ойлари.



Париж.
1920 йил, июль.




Иван Бунин.
Париж, 1922 йил.



Швеция Қироли
Нобель мукофотини
Иван Бунинга
топширимоқда.
Стокгольм,
1933 йил 13 декабрь
оқшоми.

Иван Бунинга
Нобель мукофоти
топширилгани ҳақида
газета хабарлари.



Иван Бунин тұлдирған
кутубхона варақаси.

Иван Буниннинг
муҳожирлиқда
ёзған ва нашр
эттирган китоблари.





Иван Буниннинг
Политехника музейидаги
адабий учрашувига билет.
Москва,
1915 йил, 8 декабрь.



Иван Бунин,
1933 йил.



Таконъ для контрола.

Иван Буниннинг
Париждаги
хонадони.



Иван Бунин.
Париж,
1945 йил, куз.

Энди у қизалоқнинг оғзини бурнига қўшиб маҳкам сиқиб, бўш қўли билан типирчиладётган оёгини ушлашга ҳаракат қилди; қизалоқ эса шаталоқ отиб унинг қорнига аёвсиз тепа бошлади. Шу пайт зинапоядан учиб чиқаётган итнинг ириллаши қулоққа чалинди. Марокашлик қўноқ сакраб ўрнидан турди-ю столда ётган тўппончасини қўлига олди, бироқ тепкини топишга ҳам улгурмасдан полга қулади — ит унга ташланиб, устидан босиб тушди. У устига мишиб олган ит ҳамласидан юзини тўсиб ётган жойида иргишилар, итнинг иссиқ нафаси юзига урилган чогда баттар тўлгонар, типирчилар, оҳ-воҳ қилар эди, лекин беихтиёр бошини орқага ташлаб, иягини кўтарган заҳоти ит унинг томогидан гарч этказиб тишилади-ю кекирдагини юлиб олди, шунда ҳалқумидан тизиллаб қон отилиб кетди.

1949 йил 23 марта

ҚЎНАЛҒА¹

Бу воқеа Испаниянинг жанубидаги хилват тоғ чеккасида бўлиб ўтди.

Июнь туни, тўлин ой чиққан, у осмонда увоққина бўлиб энг баланд нуқтада турар, бир оз пушти ранг нурлари одатда бинафшалар қулф уриб очиладиган дамларда, кундуэзи қисқа ёмғирлардан кейин келадиган иссиқ оқшомлардаги каби пастак жануб ўсимликлари билан қопланган яssi тоғ довонларини нурга белаган, то уфққача ҳамма нарсани аниқ илгаш мумкин эди.

¹ Ортиқбой Абдуллаев таржимаси.

Ана шу довонлар ўртасидаги торгина водий шимолга қараб чўзилиб кетган. Қирнинг соя тушиб турган бир томонида — ўлик сукунатга чўмган кимсасиз тун қўйнида тог жилғаси бир меъёрда шовуллаб оқар, чирилдоқ ва чиркак чивинлар қимматбаҳо шаффоф тошларга ўхшаб сирли ёғду сочиб, ҳавода тинимсиз учиб — сузиб юришарди. Водий қаршисидаги тобора пасайиб борувчи соя босган тепаликлар этагидан қадимдан қолган шағал йўл ўтганди. Пастда — текисликда бино бўлган тош шаҳарча ҳам ўта кўҳна эди. Коронги тушиб, эл ётадиган пайтда мана шу тош шаҳарча бўйлаб кенг оқ энли мурсак кийган ва бошига попукли дўппи қўндирган баланд бўйли бир марокашлик олдинги ўнг оёгини оқсаб босаётган тўриқ отда борарди.

Шаҳарча ўлик ва ташландиқ қиёфада кўринарди.

Марокашлик олдинига дераза ойналари ўрни ваҳимали қорайиб турган, тош бинолар орасидаги қаровсиз боғлари говлаб кетган хилват кўча бўйлаб юрди. Ундан кейин узун ҳовузли, устунли пештоқига кўкимтири маъбуда ҳайкали ўрнатилган черков ва қатор тураржой бинолари ҳамда карвонсарай жойлашган ёруг майдонга чиқди. У ерда — пастки қаватдаги кичкина деразаларда ҳали чироқ ўчмаган эди. Мудраб келаётган марокашлик сергакланиб кўзини очди, жиловни тортиб, оқсоқ отни майдондаги ўнқир-чўнқирлар устидан жадал юришга ундади.

От дупурини әшитиб, бўсағада ушоққина, озгин, туриш-турмуши тиланчига ўхшайдиган кампир пайдо бўлди, орқасидан сочини пешана гажак қилиб, яланг оёқларига шиппак илган, капалак гуллари хира торт-

ган оқиши калта қўйлакли ўн беш ёшлардаги қизалоқ чопиб чиқди, остоңада чўзилиб ётган жунлари силлиқ, калта қулоқлари тиккайган улкан қора кўпак ўрнидан турди. Марокашлик остоңада имирсилаб қолди, ит эса шу заҳотиёқ кўзлари ёниб, даҳшатли оқ тишларини иржайтириб унга ташланди. Марокашлик қамчисини ўқталди, аммо қизча ундан олдин қўрқув тўла жарангдор овозда:

— Негра! — деб қичқирди. — Сенга нима бўлди?

Ит бошини энгаштириб, секин орқасига қайтди ва тумшугини ўйга қаратиб, ерга чўзилди.

Марокашлик бузуқ испан тилида салом бериб, шашарда темирчи борми, эртага от туёгини кўрсатмасам бўлмайди, отни қаерга боялаш мумкин, унга ем-хашак топиладими, ўзимга кечки овқат пишириб берасизларми? — деб сўради. Қизча меҳмоннинг улкан қадди-қомати ва чечак изи қолган юзига қизиқсиниб тикилиб, хотиржам ётганига қарамай, ўзини хафа кўрсатаётган қора итини силаб-сийпаларди, қулоги оғир кампир ҳар бир саволга шоша-пиша қичқириб жавоб қайтараради: темирчи бор, хизматкор уй ёнидаги оғилда ухлаб ётибди, отга ҳашак солишади, меҳмон овқатдан ташвиш тортмаса ҳам бўлади: ёғда тухум қовуриш мумкин, аммо кечки овқатга фақат озгина совиб қолган ловия билан қовурилган қарам қовурдоқ бор...

Ярим соатдан кейин ҳамиша маст юрадиган хизматкор қария билан отни саранжом қилган марокашлик ошхонада столда ўтириб очкўэлик билан овқат еб, оқ мусалласни ютоқиб ичишга тушди.

Карvonсарой биноси илвираб қолган эди. Пастки қавати пичанхона бўлиб, охирида юқори қаватнинг икки

томонига олиб чиқадиган зинапоя бор эди; чапдаги сүри қўйилган кенг, пастак хона оддий одамларга мўлжалланган, ўнгдагиси ҳам айнан шундай бўлиб, бир пайтнинг ўзида ошхона ва емакхона вазифасини бажаарди, бутун шифти ва ён томонларини дуд ва қурум босган, деворлари қалин, аммо ойналари кичкина эди, бир бурчагига ўчоқ қурилиб, қўпол ёғоч стуллар ва сўрилар қўйилган, гадир-будир тош тўшамаси йиллар ўтиб силлиқланиб кетган эди. Шифтга осиглиқ занжири қорайған керосин лампа тутаб ёнар, мой ва қиздирилаётган ёғ ҳиди анқиб туради — кампир ўчоққа олов ёқиб совиб қолган қовурдоқни иситар ва қўймоқ пиширади; меҳмон эса сирка билан яшил зайдун ёғига аралаштирилган яхна ловияни туширади. У кийимларини ечмаган, мурсаги ҳам елкасида туар, йўғон чарм бошмоқ ичидаги оёқларини бор бўйича узатиб юборган, тўпигига ўралган оқ жун чоловорини қўнжига тиқиб қўйганди.

Қизалоқ кампирга қарашиб имирсиланиб юарар ва эркакнинг ўзига тез-тез қадалаётган ўткир нигоҳи, қуруқшаган чўтири юзидағи кўкимтири томирлари ва ингичка лабига кўзи тушганда, қўрққанидан галати бўлиб кетарди. Чиндан ҳам эркакнинг важоҳати қўрқинчли эди. Ниҳоятда баланд бўйи кенг мурсакда янада ҳайбатли қўринар, попукли дўппи остидаги калласи эса кичрайиб қолганга ўхшарди. Юқори лабининг чеккаларида қаттиқ қора туклар диккайган, ана шундай бир-икки тук иягидан ҳам чиққан эди. Бошини хиёл орқага ташлаганида, кекирдаги олдинга дўппайиб чиқиб, уни янада хунук қўрсатарди. Узун, қорамтиро бармоқларидағи кумуш узуклари оқиш тус олган эди. У ер, ичар, аммо негадир индамай ўтиради.

Кампир қовурдоқни иситиб, қүймөкни пишириб бүлгач, чүги ўчган ўчоқ ёнидаги сұрига ҳорғин чүкди ва ундан қаерлик бүласан, қаерга кетяпсан, деб қичқириб сұради, әркак хирилдоқ овозда қисқа жавоб берди:

— Узокқа.

У қовурдоқ ва қүймөкни еб бүлгач, бүшаган май күзачасини силкитиб күрди, қовурдоққа қалампир күп солинганди, кампир қизчага боши билан имо қилди. Қызы күзачани олди ва пичанхона әшигини очиб, тилла құнғизлар оқиста сузиб, ғалати ёғду сочаёттан тун қаърида гойиб бүлгач, у құқрак чұнтагидаги қутидан папирос олиб тутатди ва яна боягидек қисқа гап қотди:

— Неварангми?

— Жияним, етимча, — кампир қичқириб мархұм акаси — қызчанинг отасини қанчалик яхши күрганини ва уни деб қызлигича ўтиб кетаётганини, бу карвонсарой уники бүлганини, ўн икки йил олдин келини, саккыз йил олдин акаси вафот әтганини ва бутун молу мулки ўзига қолганини, одамлар камайиб бораёттан бу шаҳарчада ишлари юришмаётганини гапириб берди...

Марокашлик папирос чекиб, хаёлга чўмган ҳолда паришон тинглади. Қызы күзачани тұлдириб югуриб келди, у қызни күргач, папирос қолдигини қаттиқ сұриб, узун қора бармоги учини күйдириб олди, шоша-пиша янги папирос тутатди ва кампирға баланд овозда — қулоги оғирилгини сезган әди — маънодор қилиб:

— Агар жияннинг майни ўз қўли билан қўйиб берса, жуда мамнун бўлардим, — деди.

— У бундай құлмайди, — шартта кесди кампир, сүнг әзмаликни бас қилиб, лўндасига ўтди ва жаҳл аралаш қичқирди:

— Кеч бўлиб қолди, мусалласингни ичгин-у, бориб ёт, у ҳозир болохонада сенга ўрин солиб беради.

Қизнинг қўзлари чарақлаб кетди, буйруқни кутиб ўтиромасдан сакраб туриб, зинапоядан чопқиллаб юқорига чиқиб кетди.

— Иккалангиз қаерда ухлайсизлар? — сўради марокашлик ва тер босган пешонасидан дўппини сал нари суриб қўйди.

Кампир ёзда, у ер жуда иссиқ бўлади, мижозлар йўқ пайтларда — ҳозир улар бутунлай йўқ — пастки қаватда, мана шу ерда ётамиз, деб қичқириб, қўли билан пичанхона рўпарасидаги хужрани кўрсатди ва тагин ишлари юришмаётганидан шикоят қилишга тушди: ҳамма нарса қимматлашиб кетяпти, шунинг учун қўноқлардан кўпроқ ҳақ олишдан бошқа иложимиз йўқ...

— Эрта тонгда йўлга тушаман, — деди марокашлик кампирнинг гапларига деярли қулоқ солмасдан. — Эрталаб фақат қаҳва берсанг бўлди. Ҳисоб-китоб қилалими. — Қарайлик-чи, майда пулларим қаерда экан, — қўшиб қўйди у ва мурсаги ичидан юмшоқ қизил чарм ҳамёнини чиқариб, бўғзидағи богичини ечди, олтин тангаларни стол устига сочиб, ўзини гўё уларни дикқат билан санаётгандек кўрсатди, кампир эса тангаларни кўрганда кўзи ўйнаб, ўчоқ ёнидаги сўридан туриб кетди.

Болохона қоронги ва жуда иссиқ әди. Қизча тирқишиларидан ёруг нур тушиб турган дим, қайноқ хо-

нага кириб, думалоқ стол ёнидан тез юриб үтди ва пастдаги кичик ойналарни әслатадиган дераза табақаларини тұлғын ой нур сочиб, юлдузлар сийрак күрінаётган тарафга қараб очиб юборди. Майин ҳаво кириб, нафас олиши енгиллашды, водийдан жилға овози әшитилди. Қизча осмондаги әңг баланд нұқтага күтарилған тұлғын ойни күриш учун гавдасини дераздан чиқарди; сұнг пастта назар ташлади, Ҳовлида ити түмшугини күтариб унға қараб турарди, беш йил олдин кимдир адаштириб карвонсаройға ташлаб кетген бу кучук унинг күз үнгіда үсиб-улгайған ва фақат итлардагина бўладиган улкан садоқат түйгуси билан унға қаттиқ боғланиб қолган эди.

— Негра, — шивирлаб хитоб қилди қизча, — нега ухламаяпсан?

Ит аста ингиллаб, түмшугини күтарди ва пичанхонанинг очиқ әшигига қараб интилди.

— Қайт! Қайт! — жон ҳолатда шивирлаб буйруқ берди қизча. — Жойингга бор!

Ит тұхтаб, тағин түмшугини күтарди, қўзларида қизғиши учкун ярқиради.

— Сенга нима керак? — әркалаб хитоб қилди қизча, у ҳар доим ит билан худди одамдек гаплашарди. — Нега ухламаяпсан, тентак? Ой безовта қиляптими?

Ит худди жавоб қайтармоқчи бўлгандек, түмшугини тағин юқори күтарди ва яна секин ингиллади. Қизча елкасини қисди. Ит қизэning ҳам жони дилига айланған, дунёда әңг яқин, ягона дўсти бўлиб қолган эди. Ҳатто у нимани хоҳлаётганини сира адаммай англаб олаверарди. Аммо ҳозир ит нимани истаётганини, нимадан безовта бўлаётганини била олмади, шу

туфайли бармогини ўқталиб қаттиқ огоҳлантириди ва шивирлаб жаҳл аралаш кескин буйруқ берди:

— Жойингта бор, Негра! Ухла!

Ит ётди, қизча яна бир неча дақиқа дераза олдида туриб қолди... Балки анави қўрқинчли марокашлик гашига тегаётганмикан? Одатда ит карvonсаройга келувчиларни индамай қаршилар, ҳатто қароқчи-ю, таъқибдан қочиб юрганларга ҳам эътибор бермас эди. Шунга қарамай, негадир баъзи-баъзида айрим одамларни кўрганда момақалдироқдек наъра тортиб ташланиб қолар, шундай пайтларда уни фақат қизчагина тўхтата оларди. Қим билсин, иссиқ ҳаво, қилт эттан шабада йўқлиги ва қўзни қамаштирадиган ойдин тун уни жунбишга солиб, дарғазаб қилаётгандир?

Фавқулодда сокин кечаётган тунда водийдаги жилганинг шовқини баралла эшишилар, оғилдаги така бесаранжом бўлиб, туёгини дукурлатар, карvonсаройнинг қари хачири ё марокашликнинг оти уни бехосдан босиб олдими, ким билсин, у бор овози билан аянчли маъраб фарёд солар ва бу шайтоний нола сукунат оламини бузиб, атрофга таралар эди. Қизча шод-хуррам кайфиятда ойнадан узоқлашди ва бошқа дераза табақаларини ҳам очиб қўйди.

Қоронги хона ёришгандек бўлди. Бу ерда столдан ташқари девор бўйлаб қўйилган кенг учта каравот ҳам бўлиб, уларнинг устига дагал чойшаблар ёпилган эди. Қизча кираверишдаги биринчи каравот чойшабини суриб, бош тарафини тўгрилаётганда, хона худди эртаклардагидек тиниқ қўқимтиро майин шуъла билан ёришиб кетди: тиллақўнгиз пешана гажагига келиб қўнган эда. Унга секин қўлинини тегизди. Тиллақўнгиз

бир милтиллаб кўриниб, бир кўринмай яна хона бўйлаб учиб кетди. Қизча оҳиста хиргойи қилиб пастга тушди.

Ошхонада марокашлик тик туриб, кампирга паст овозда, аммо қатъият ва жаҳл билан ниманидир уқди-рар, кампир рад этиб, бошини чайқар эди. Марокашлик елкасини қисди ва тунд қиёфада ичкарига кириб келган қизчага ўгирилди, қиз беихтиёр ўзини чеккага олди.

— Жой тайёрми? — хириллаб қичқирди марокашлик.

— Ҳаммаси тайёр, — шоша-пиша жавоб берди қизча.

— Мен қаерга боришни билмайман. Қузатиб қўй.

— Ўзим кўрсатиб қўяман, — деди кампир жаҳл билан. — Мен билан юр..

Қизча кампир тик зиналардан туртиниб оҳиста кўтарилаётганини кўриб, изидан бораётган марокашликнинг бошмоги қандай тўқиллаёттанини эшитиб турди, сўнг ташқарига чиқди. Остонада чўзилиб ётган ит шу заҳотиёқ сакраб турди ва қувончдан силкиниб, унинг юзига суйканди.

— Тек тур, тек тур, — қизча шивирлаб уни эркалаган қўйи нари итарди ва оstonага ўтириди. Ит ҳам қаршишига келиб чўққайди, қизча уни бўйнидан қучоқлаб, пешонасидан ўпди ва у билан бирга тебраниб, марокашликнинг болохонадан эшитилаётган хирилдоқ овозига қулоқ тутди. У энди кампирга нималарнидир хотиржам уқдирмоқда эди, аммо гапини англаб бўлмасди. Ниҳоят, унинг қаттиқ овози етиб келди:

— Майли, яхши, яхши! Фақат кечаси ичишимга сув келтириб берсин.

Зинадан оҳиста тушиб келаётган кампирнинг қадам товушлари эшитилди.

— У нима деганини эшитдим. Йўқ, мен унинг олдига бормайман. Ундан қўрқаман.

— Бекорларни айтибсан! — бақирди кампир. — Бундан чиқди, сен мана шу тўмтоқ оёқларим билан қоронғида сирғанчиқ зинадан яна чиқишмни хоҳлайсанми? Унинг қўрқадиган ҳеч нарсаси йўқ. Фақат у жуда аҳмоқ ва тажанг, аммо қўнгилчан йигит. Сенга ачинишини айтди, камбағал қиз әкан, сепсиз қизни ҳеч ким хотинликка олмайди, деди. Тўғри айтади, сепни қаердан олардинг? Ахир бутунлай хароб бўлдик. Қашшоқ одамлардан бошқа ким ҳам келади бу ерга?

— Мени қўриб, нега бирдан аччигланиб кетди? — сўради қизча. Кампир чимирилди.

— Нималар деяпсан? — тўнғиллади у. — Мен унга бирорвнинг ишига бурнингни тиқма, дедим... Шунга хафа бўлди. — Сўнг жаҳд билан бақирди:

— Қани, бор энди, унга сув бериб кел. Бунинг учун сенга бир нима бераман деб ваъда қилди. Бор, деяпман!

Қизча сув тўла кўзачани кўтариб, очиқ эшикдан кириб борганда, марокашлик ечиниб, каравотда чўзилиб ётар, ойнинг гира-шира ёругида қиргий қўзлари, силлиқ қирилган кичкина боши яққол кўзга ташланарди. Хона ўртасидаги столда тиги узун, ўқдони катта револьвер ялтирас, нариги каравотда устки кийимлари оппоқ тепа бўлиб уюлиб ётар эди. Буларнинг ҳаммаси ваҳимали қўринарди...

Қизча югуриб кириб, кўзачани столга қўйди ва зингиллаб изига қайтди, аммо марокашлик сакраб туриб, уни қўлидан ушлаб олди.

— Тұхта, тұхта, — у тез гапириб, қызни каравотга тортди, үзи туриб үтироди ва қизнинг құларынан қүйиб юбормасдан шивирлади: — Енимда бир дақиқа үтир, үтир, қулоқ сол... фақат қулоқ сол...

Довдираб қолган қыз ноилож үтироди. Эркак бир күришдаәк уни севиб қолганини айтты, шоша-пиша қасам ичишга түшди, бир бұса учун үнта тилла танға... йигирмата танға беришга тайёрман, улардан мендә бир халта бор деб, ёстиқ остидан қызил чарм халтасын олди ва титраган құллари билан бөгични ечди; чойшаб устига олтинларни сочиб, ғұлдиради:

— Мана, күрдингми, улар мендә қанча?.. Күрдингми?

Қизча кескин бош силкитиб, каравотдан турди. Марокашлик қызни яна тутиб олди ва қаттық chan-gali билан оғзидан ушлаб, каравотта улоқтиради. Қизча жон аччигида құларынан тортиб олди ва қучи бориша:

— Негра! — деб қичқирди.

Эркак яна қизнинг оғзи-бурнидан сиқиб ушлаб, құли билан очилиб қолган оёғини күтәрмоқчи бүлди, қыз юлқиниб бир тепди, у бейхтиёр қорнини чангалауди ва шу дақиқада зинапоядан бүрон шиддати билан учеби чиқаётгандын итнинг шарпасини әшитди.

У сакраб туриб, столдан револьверни олди. Лекин тепкини ушлашга ҳам улгурмади, кучли зарбадан полға ағдарилиб түшди. Оғзини катта очиб, устига ташланған итнинг олов нафаси димогига урилди, құли билан юзини беркитиб ағанар әкан, әнгаги хиёл құтарилиб кетди ва ит бир ҳамладаәк унинг кекирдагини юлиб олди.

1949 ыйы 23 март

БЕРНАР¹

Менинг бу дунёдаги кунларим жуда оз қолди энди.

Энди Антиб яқинида, бандаргоҳга қўшни бўлган Денгизбўйи Алнида бир вақтлар Бернар ҳақида битган қайдларим тез-тез ёдимга тушади.

— Бернар деразамга бир сиқим қум отган пайтда мен донг қотиб ухлаб ётардим...

Мопассаннинг “Сувда” ҳикояси ана шундай бошланади, 1888 йилнинг 6 апрелида, “Баламий” яхтаси Антиб бандаргоҳини тарқ этиши олдидан, Бернар Мопассани шу тахлит уйготган эди.

— Деразани очишим билан юзимга, кўксимга ва вужудимга туннинг фараҳбахш эпкини урилди. Кўкдаги ҳарир мовийлик юлдузларнинг жонли жилвасидан титраб турарди...

— Ҳаво бугун айни муддао, жаноб.

— Шамол-чи?

— Соҳилдан эсяпти, жаноб.

Орадан ярим соат ўтди, улар энди аллақачон очиқ денгизда эдилар:

— Уфқ бўэариб борар, олисда, Фаришталар кўрфази ортида Ниццанинг чироқлари, ундан ҳам олисроқда эса Вилфраншнинг айланиб турувчи маёги кўринар эди... Ҳали ўзи кўзга ташланмаётган бўлса-да, лекин қор билан қоплангани сезилиб турган тоғлардан баъзан қуруқ ва совуқ ҳаво эпкини келиб турарди...

— Бандаргоҳдан чиқишимиз биланоқ яхтага гўё жон кирди, яйраб кетди, тезлиги ошди, енгил ва майдада мавжлар узра рақс туша бошлади... Тонг ёришиб

¹ Абдулла Шер таржимаси.

борар, юлдузлар бир-бир ўчар әди... Ҳув олис күкда, Нищада устида Юқори Алпнинг қорли чўққилари алла-қандай ўзгача бир пушти ёлқинга чулғаниб борарди...

— Мен қүёш чиқишини томоша қилиш мақсадида рулни Бернарга бердим. Кучая бошлаган шабада яхтани титроқ тўлқинлар узра олға ҳайдарди, мен қайдадир, олисларда янграган қўнгироқ садосини эшитдим. Ангелус бонг чаларди... Одамлар ҳали уйқуда ётган, лекин замин аллақачон уйғонган мана шу майин, шаффоф тонг палласини нақадар яхши кўраман! Тўйиб нафас оласан, мусаффо ҳавони симирасан, биз учун абадий сирли ва буюк изтиробга айланган дунёнинг туғилиб келаётган борлигини кўрасан киши!..

— Бернар — озгин, чаққон, ҳайратланарли даражада озодалик ва саришталиктар ружу қўйган, гамхўр, сезгир. У покдил, садоқатли инсон, ажойиб денгизчи...

Булар Бернар ҳақидаги Мопассаннинг сўзлари. Бернар эса ўзи ҳақида мана бундай деган әди:

— Мен ёмон денгизчи эмасдим, деб ўйлайман.

Буни у ўлимни олдидан айтган, бу унинг “Баламий” 1888 йилнинг 6 апрелида, денгизга ўйл олган ўша Антибда, ўлим тўшагида айтган сўнгти сўзлари эди!

Ўлимидан бир оз илгари Бернарни кўрган киши шундай ҳикоя қиласди:

— Кўп йиллар мобайнида Бернар буюк шоирнинг денгизда кечган саркаш ҳаётига ҳамроҳлик қилди, Мопассан то ўша машъум сафарга, Парижга, доктор Бланши ҳузурига ўйл олгунига қадар Бернар ундан айрилмади.

— Бернар ўзининг ўша Антибда ҳаётдан кўз юмди. Лекин мен уни яқиндагина қўпинча “Баламий”

лангарда туралын мүйжаз Антиб бандаргоҳининг нурафшон соҳилида кўрган эдим.

— Баланд бўйли, қотма, юзлари денгиз шўридан дагаллашган Бернарни гапга солиш осон эмас эди. Бироқ суҳбат мавзуи Мопассанга бориб тақалдими, бас, мовий кўзлари шу ондаёқ жонланиб кетарди, Мопассан ҳақида у шундай тўлқинланиб сўзлардики!..

— Энди у абадий сукут қўйнига чўмган. Унинг сўнгги сўзлари шу эди: “Мен ёмон денгиэчи әмасдим, деб ўйлайман”.

Мен бу сўзларни у айнан қай тахлит айтганини яқ-қол тасаввур қиласман. Бу сўзларни у қатъият ва ифтихор билан, офтобдан қорайган, қарилликдан қуруқшаган қўллари ила чўқина туриб айтган.

Хўш, бу сўзлар билан у нима демоқчи бўлган? Бу дунёга келиб, яхши денгизчи сифатида одамларга наф етказганидан ифтихор туйғусими бу? Йўқ: Тангри ҳар биримизга ҳаёт ила муайян бир истеъдод ҳам ато этганини ва уни тупроққа қориштирмасликдек муқаддас бурчни зиммамизга юклаганини айтмоқчи эди у.

Хўш, булар нима учун керак? Буни билмаймиз, Бироқ биз тубига ҳеч қачон етиб бўлмайдиган бу дунёда ҳар бир мавжудот учун маъно ва дунёдаги ҳамма нарсанинг “яхши” бўлиши учун қандайдир мақсад зарурлигини, бу илоҳий мақсадга етишмоқ эса бизнинг Тангри олдидаги хиэматимиз, айни пайтда ҳам қувончимиз, ҳам ифтихоримиз әканини билишимиз шарт.

Бернар буни яхши билар ва ҳис қилас әди. У зиммасига Худо юклаган камтарин бурчни умр бўйи муносиб ихлос ва садоқат билан адо этди, Тангри-

га құрқанидан әмас, вијќдонан хизмат қилди. Шундай әкан, у умрининг сўнгги дақиқаларида ўша сўзларни айтмаслиги мумкинми? “Банданг тавбасини даргоҳида қабул айлагувчи эй Биру бор Тангри таоло, Сенга ва одамларга қаратса бугун шуни айтишга журъат этаманки, мен ёмон денгизчи әмасдим, деб ўйлайман”.

— Денгиздаги бирон-бир нарсага Бернар бефарқ қараёлмас әди, деб ёзади Мопассан: ногаҳон дуч келган, қайдадир очиқ денгизда шамол эсаётганидан далолат берувчи совуқ оқимга ҳам, гарбда изгирин шамол турганини англатувчи Эстерел кўкидаги булатларга ҳам... У яхтани шу қадар озода сақлардики, ҳатто кеманинг мис қопланган қайсиdir бир қисмига тушган денгиз томчисига ҳам чидаб туролмас әди...

Ажабо, Бернарнинг бу томчини дарҳол артиб олишидан кимга наф бўлиши мумкин? У эса албатта артиб қўяр әди. Хўш, нега? Нима учун?

Ахир, ҳаммаси “яхши” бўлишини ҳатто Худонинг ўзи хуш қўради-ку! Бернар ҳам ўз ижодининг “яхши” эканини қўриб, ўзи қувонар әди.

Назаримда, сўнгги кунларим билан хўшлашар әканман, мен бир санъаткор сифатида, ўз ҳақимда ўлими олдидан бир пайтлар Бернар айтган ўша сўзларга ўхшаш гапни айтишга ҳаққим бор, деб ўйлайман.

1952 йил





МИТТИ ҲИКОЯЛАР¹

ИЛТИФОТА ИШТИРОК

Москвада, дейлик, Молчановкада “императорлар театрининг собиқ артисти” истиқомат қилади. Сўққабош, ёши ўтган, юзи япасқи, қотмадан келган. Ашуладан сабоқ беради. Ҳеч бир йил йўқки, айни декабрь ойида бу аёлнинг бошига битта иш тушиб турмаган бўлсин.

Бир куни якшанбада, яъники, жуда совуқ, қуёшли тонгда, даҳлиз томондаги қўнғироқ жиринглади.

— Анна! Эшикка қара! — ҳадиксирабгина қичқирди у ошпаз аёлга, ётоқхонадан туриб.

Ошпаз аёл эшикка шошилди, бориб очди ва ўзини бир оз орқага олди — рўпарасида башанг кийинган, ясан-тусанни ўрнига қўйган меҳмонлар — мўйнага бурканган, оқ қўлқопли иккита ойимтилла, әгнига ялангқават шинель илган, оёгида ич-ичигача муз ўтиб кетган юпқа пойабзалли пўрим талаба турарди. Талаба меҳмонларга шунчаки ҳамроҳлик қилгани ўз-ўзидан аён эди.

Ойнадаги муз нақшлар орасидан ўтиб, ичкарига гира-шира ёгду таралиб турган қаҳраборанг совуққина меҳмонхонада меҳмонлар узоқ кутиб қолишиди,

¹ Диidorxon Алиева таржималари.

сүнг уй бекасининг илдам қадам товушлари эшитилди ва улар пешвоз чиқиш учун шоша-пиша ўринларидан қўзгалишди. Нима гаплигидан хабардор аёл жуда ҳаяжонда — юзига қуюқ қилиб упа суртиб, ўирик, қоқ суяқ қўлларига атир пуркаб олганди...

— Сизларни куттириб қўйганим учун, Ҳудо ҳақи, мени афв этинглар, — деди у, шошиб чиққанидан юрак уришига зўрга бардош берганча жозибали табассум ва оқсуякларга хос хотиржамлик билан.

— Ташвишга қўйганимиз учун бизни афу этинг, — деди талаба унинг сўзини бўлиб ва ўзгача иззат-икром ила ялтоқланганча унинг қўлини ўпа туриб. — Ҳузурингизга биздан мурувватингизни дариг тутмассиз деган умидда ташриф буюргандик. Анъанавий адабий-вокал-мусиқа оқшомини уюштирувчи қўмита бизга илтифот кўрсатиб, бешинчи Москва гимназияси тарбияланувчиларининг фойдасига, Рождество байрамининг учинчи куни ўз илтифотли иштирокингиз билан ушбу оқшомда қатнашишингизни сиздан илтимос қилишни топширди.

— Жаноблар, мумкин бўлса, мени шундан халос этсангиз! — мафтункорлик билан гап бошлади аёл. — Гап шундаки...

Бироқ ойимтиллалар аёлни шунақанги мулоиймлик ва одоб билан, шунақанги ҳамжиҳатлик ила ўртага олишдики, шугина бир уринищаёқ у ҳатто бош тортишини қўяверинг, бир оғиз йўқ дейишига ҳам ботинолмаётганди...

Шу воқеадан сўнг орадан роппа-роса уч ҳафта ўтди.

Шу уч ҳафта ичи Москва ишлайди, савдо-сотиқ билан шугулланади, вақтичоглик қиласди, бироқ ўзи-

нинг энг ранг-баранг барча юмушлари-ю қизиқишлари ва ўйин-кулгилари орасида у фақат биргина муҳим 27 декабрь кечасини пинҳона кутиб яшарди. Шаҳарнинг ҳар бир чорраҳасида барча ранг ва ўлчамдаги сон-саноқсиз афишалар кўзга ташланарди: “Тубанликда”, “Кўк қуш”, “Уч опа-сингиллар”, “Сув париси”даги Шаляпин, “Қор қиз”даги Собинов, Шор, Крейн ва Эрлих, Зимин операси, Игорь Северянин кечаси... Бироқ энди бешинчи Москва гимназиясининг тарбияси қониқарсиз ўқувчилари фойдасига ўтказида-диган адабий-вокал-музиқа оқшомининг илтифотли иштирокчиси исм-шарифи катта-катта ҳарфлар билан ёзилган мўъжазгина афишадан кўз узиб бўлмасди. Бу вақт ичиде иштирокчининг ўзи унга кўз тутиб турган Москванинг ишончини оқлаш учун тинмай, астойдил ишларди — гоҳ уни, гоҳ буни, яна бошқасини ёдга солар, куйлайдиган қўшигини сараларди, овозини синовдан ўтказарди... Энди кунлар фавқулодда тез ўтиб борар ва бу тезлик уни ваҳимага соларди: бу даҳшатли кеча кўз очиб юмгунча келиб қолади!

Аёл дарс беришни тўхтатди ва ҳеч кимни қабул қилмади, кўқсовдан, тумовдан юқтириб олмаслик учун ўзи ҳам уйдан ташқарига чиқмади. Томошибинларга нимани тақдим этса экан? Бу саволга жавоб топиш ҳатто ўз ишининг устаси бўлган артист учун ҳам қандай мушкул эканини одамлар қайдан билсин! Бу ерда нечоғлик сезгирилигү нечоғлик дид, тажриба ва уdda-буроликни кўрсата билиш керак. Узоқ ва мاشаққатли шубҳа-гумонлардан, иккиланишлардан сўнг аёл эски, ўзининг ажралмас репертуарида тўхтади ва муаммо ҳар ҳолда ўз ечимини топгандек бўлди — тасдиқдан

яна ўша учта нарса ўтди: бири — ҳаддан зиёд бахтга ташна ва бахтдан тақводорларча юз ўғирган меҳрибон аёл қалбининг кучи ва дарди, ундағи пинҳона эҳтирос, алладек ёқимли, маъюс француздча мафтункор қўшиқ; бошқаси — товушдаги оҳангдорликнинг бор гўзалигини ва руснинг жасоратини намоён этувчи қўшиқ; ва ниҳоят — ҳар доимгидек алоҳида ҳайратга солиши мумкин бўлган ва “шавқ билан”, ёшлардек, шўх-ўйноқи ижро этилиб, яна худди шундай шиддат билан қарсаклар зарбидан бутун танобийни ларзага келтиргудек энг юкори, ингичка овозда кескин тугалланувчи унинг: “Мен сендан бўса олган бўлардим, бироқ ойнинг кўриб қолишидан қўрқаман” шоҳ қўшиғи! Бундан ташқари аёл, томошибинлар талабига биноан, ўн иккита нарсага тайёргарликни бошлаб юборганди...

Кунлар кўз ўнгидаги бир-бирини қувлаб лип-лип ўтиб бора ва унинг қалбидаги ўзининг кун-соати яқинлашиб қолганини сездирувчи туйгу этилиб келаётганди. Бироқ у тиним билмай ишларди. Мана, охири ўша сўнгги, ҳал қилувчи кун ҳам этиб келди.

27 декабрь куни эрта тонгдан у жонини жабборга бериб ишлади. Эрталаб яна битта, энг сўнгги тайёргарлик кўрилади. У энди эстрадада куйлагандек, овозни баралла қўйиб, бор санъаткорона таъсиричанилик билан куйлар, дастурнинг бошидан-охиригача чолгувчи унга ҳамроҳлик қиласиди ва у меҳнатлари зое кетмаганини ҳис этди! Бироқ оқшом уни нима кутаяпти — Худо билади. Галабами ёхуд ҳалокат? Унинг юзи ўтдай ёнар, қўллари эса муз эди...

Машқлардан сўнг у ўз ётоқхонасига йўл олди, ечинди ва ўринга ётди. Аннушка унга қандайдир ба-

лиқнинг одатдан ташқари донадор икрасини, совуқ жўжга ва ўткир шароб олиб келди: барча катта артистлар саҳнага чиқиш олдидан мана шу тарзда нонушта қилишарди. Тамадди қилиб бўлгач, у пардаларни беркитиб чиқиб кетишни ва ўйда мутлақо тинчлик сақлашни тайинлади-да, кўзини юмди, қоронғида, бирон-бир ҳаракатсиз кечқурунги олтигача бир, икки, уч соат ҳеч нимани ўйламай, ҳеч нимадан ҳаяжонланмай ётди. Олтида сапчиб турди; даҳлиз қўнғирогининг ёқимсиз овози эшитилди — рўпарада сартарош турарди!

Аёл гуп-гуп ураётган юраги-ю ловуллаб ёнаётган қулоқлари, ёноқлари ва муэдек қўллари билан ўзига роса қирқ томчи тинчлантирувчи ифорли валериана суюқлигидан томизди-да, ясан-тусан қилиб, қурбон бўлиш учун ҳозирланишга келган қариқиздек, халатда, соchlари ёйиқ ҳолича ойна олдига келиб ўтироди. Ошхонадаги плита устида қўлинни олдиндан илитиб олган сартарош кириб келди-да, далда бергандек:

— Бугун ҳаво бўлакча! Совуқ яхшигина бўлса-да, бари бир кишига ёқяпти! — деди.

У ҳам артистлардек феъл-атворга эга бўлгани боис уни етарли даражада тушуниб, аёлдаги артистларга хос ҳаяжонга ҳамдард бўлган кўйи ўзини олдинда турган воқеаларнинг иштирокчиси дея ҳис этиб, нафислик билан шошилмай ишларди. У ўзининг енгил-елпи, бепарво гаплари, ҳазил-хузули ва умуман, бундай ишларда бор пишиқ-пухталиги, шунингдек, аёлнинг бўлажак муваффақиятига қатъий ишонган ҳолда уни аста-секин юпатиб, унга бор куч-қувватини, журъатини, умидини қайтариб бераётганди... У ўз ишини якунлаб, унга ҳар томондан туриб назар ташлар экан,

бир жингалак соч ва бир турмак бундан ортиқ бўл-
маслигига ишонч ҳосил қилгач, кетди, ошхонадаги со-
ат эса жимгина еттини кўрсатиб турарди, унинг юра-
ги яна така-пука бўла бошлади: саккиз яримда аёлни
олиб кетишга келишади!

Соат саккиз бўлди, бироқ у ҳали ҳам тайёр эмасди.
У яна томчили доридан ичди, бу сафар гофманни-
кидан, аёл ўзининг энг яхши ичкўйлагини кийди,
ёногини қизилга бўяб, юзига упа суртди... Ўзининг
гумбурлаган овози билан уни ҳайратда қолдириб, со-
ат саккизу ўттиэда яна қўнғироқ янгради: келишди!
Анна алпон-талпон даҳлиз томонга югорди, ҳаяжон
босгандан, у ҳам ўзини йўқотганди — эшикни дарров
очишга курби етмаётганди...

Улар — бу сафар икки талаба — ижарага олин-
ган, жуда бақувват қирчанги от қўшилган, алмисоқдан
қолган улкан енгил аравада келишганди. Улар сар-
пойчан бўлиб, оёқлари ҳам совуқдан тош қотганди.
Меҳмонхона ҳар доимгидек совуқ ва керосин ҳиди
анқиб турган чироқ ёниб турарди. Улар меҳмонхонада
худди куёвжўра каби ялтираган силлиқ бошларидан
мойнинг хушбўй исини таратиб, қўкракка катта-катта
оқ селондан капалакнусха бандни қўндириб олганча,
битта мундирнинг ўзида сабр-тоқат билан кутиб ўти-
ришарди. Улар мулојимлик ва чидам билан, индамай,
ҳар томондан беркитиб ташланган эшик, қўқ ва қизил
чироқлар шуълалари милтиллаган музли ойналарга,
роялга, девордаги машҳур қўшиқчиларнинг суратлари-
га қараб ўтиришар, дераза ортидан трамвайнинг босиқ
жиринглаган, гилдиракларининг гумбурлаган овози,
эшик ортидаги Аннушканинг ва артистнинг хавотир-

ли қадам товушлари қулоққа чалинарди... Шу зайлда үн беш, үттиз, қирқ дақиқа вақт үтди... Нихоят қўққисдан эшиклардан бири ланг очилди. Улар барабаравар иргиб ўрниларидан туришди, артист хоним эса мафтункор ва бепарво табассум билан уларга пешвуз чиқиб келди:

— Худо ҳаққи, жаноблар, мени кечиринглар, сизларни кутдириб қўйдим... Нима, вақт бўлдими?UNDAY bўлса, мен тайёроман, қани, кетдик бўлмаса...

Ҳатто ёноқларидаги қизил бўёқ ва упанинг орасидан ҳам тўқ қизил дод ловуллаб турарди, оғзидан эса марваридгул томчи дорисининг, қўлидан ёғупанинг, ҳаворанг ҳарир кўйлагидан хушбўй атир ҳиди димоққа уради. Аёл рақс кечасига отланган Азроилга ўхшарди. Аёлнинг ҳамма томони жингалакланиб, шиширилган қулранг, мураккаб ва баланд қилиб турмакланган соchlарига қандайдир испанчами-еъ, қора тўр ташланган, кўқраклари олдинга туртиб чиқсан, ялангоч елкаларига оқ қўнгироқ юнгли калта эчки пустини солиглиқ эди... Талабалар ҳам шоша-пиша аёлнинг орқасидан даҳлизга отилишди. Улардан баланд бўйли, ориққинаси аёлнинг калиш-этигини қўлига олди-да, чаққонлик билан чўккараб, унинг олмос тўқа қадалган атлас қора пойабзалини кийдира бошлаганди, аёл ёрдамлашиб учун ич кийимининг жимжимали тўридан ушлаб этагини тортмоқчи бўлиб энгашганида, қўлтигидан аччиқ бадбўй ҳид анқиб кетганини сезди...

Аёл яшин чақнаб турган булат ва аллақандай мусофирхона тўгрисида куйларди — “Бизни бу мусофирихонага Парвардигорнинг ўзи юборди” ва яна ўзгача бир дабдаба билан “Мен сендан бўса олган бўлар-

дим-у...”. Биринчи қаторда ўтирган танқидбоз мўйса-
фид киноя билан қиқирлаб кула бошлади-да, бошини
бурди — ниҳоятда очик-ошкора: ҳар нарса қилсанг
қил-у, фақат ўпмагил... Бари бир аҳмоқ бўлгани қол-
ди: артист хоним улкан муваффақият қозонди, уни
тинмай саҳнага таклиф қилишарди ва томошабин-
ларнинг талабига биноан тақорорлашни сўрашарди —
булар айниқса оёқ остида туриб олиб, ваҳима билан
қичқираётган ва чўмич каби букилган кафтларини
бири-бирига уриб қарсак чалаётган ҳушёр ёшлар эди.

1929 йил

ҚОТИЛ

Замоскворечъедаги болохонали оддий ёғоч уй.
Ойналари топ-тоза, ромлар аъло сифатли қўжиштоб
рангта бўялган. Атрофи оломонга тўла, рўпарада енгил
давлат автомобили турарди. Кираверишдаги ланг очик
эшикдан тепадаги қизил ҳошияли кўкимтири гиламча
кўриниб турибди. Ичи қизиган оломон ўша томондан
кўзини узмасди, шу тоб ёқимли овоз эшитилди:

— Ҳа, азизларим, ўлдирибди! Бева ёш, бадавлат
савдогарлар авлодидан... Айтишларича, йигитни ўлгу-
дек яхши кўрган. Йигит бўлса фақат унинг пулларига
яшаб, тўғри келган билан кўнглини хушлаб юравер-
ган. Охири жонидан тўйған қиз видолашиб ниятида
уни ҳузурига чақирган, едириб-ичириб роса меҳмон
қилган, сўнг: “Кел, сенга тўйиб қараб олай” деган-да,
кайфи тарақ эркакнинг юрагига пичноқ санчган...

Болохонанинг деразаси очилиб, қандайдир оқ
қўлқопли қўл автомобилга ишора қилди. Машина ўт

олди, оломон тисарилиб унга йўл берди. Мана, дастлаб унинг келишган оёқлари, сўнг сувсар ёпинчиғининг этаги кўринди, сўнг бутун кийим-боши билан черковга, худди никоҳдан ўтишга отлангандек, ўзи шошмасдан, оҳиста зинапоядан тушиб кела бошлади. Бадани сутдай оқ, қош-кўзлари қора, бошида ҳеч нимаси йўқ, ўртасидан тўғри фарқ очилган соchlари силлиқ таралган, қулоқларида эса узун эирак силкиниб турарди. Юзи хотиржам, тиниқ, лаблари эса барчага мулойим табассум улашарди... Аёл машинага ўтирди, орқасидан қолган маъмурлар ҳам ўтиришди ва шинели гавдасига ярашиб турган киши текинтомошачиларга жиддий ва норози кайфиятда қараб қўйди; эшик қарсиллаб ёпиљди ва машина жойидан қўзгалди...

Орқадан қараб қолганларнинг бари завқланиб:

— Эҳ, ҳеч нима бўлмагандай жўнаб қолишди-я! —
дейишиди бир овоздан.

1930 йил

ОДАМХЎР

Қашшоқ, етимча қиз, ўзи ўта ёқимтой ва жуда ювош, деярли эси паст. Бой хонадон уни ишга олди ва эзиммасига энг ифлос ва энг кўп куч талаб этадиган юмушларни юклади — у қанча қийналса ҳам миқ этмай, жимгина ишлар, нима бўлса ҳам уларга ёқишига уринарди. Оқсоқол, яъни қўргоннинг қаттаси, истеъфодаги ҳарбий фурсатни қўлдан бермай, қизнинг номусини булғаб қўйди. Қизгина болаларча қайсаарлик билан қаттиқ қаршилик кўрсатди-ю, бари бир таслим бўлишдан ўзга чораси қолмаганди. Бир

ойдан сўнг унинг ҳомиладор экани маълум бўлди ва бундан барча хабар топди. Оқсоқолнинг хотини қилди қиёмат, қилди қиёмат... ва бой хотин қизни зудлик билан ишдан ҳайдаш пайига тушди. Ноилож қолган қиз зор-зор йиглаганча лаш-лушларини наридан-бери халтага жойлади-да, бу хонадондан бош олиб чиқиб кетди. Оқсоқолнинг хотини қаролхона остонасида туриб, қувончини ичига сифдиролмай телбаларча рақс тушар, ҳуштак чалиб, итни қизга “ол-киш”лар, мис тогорани суяқ билан уриб, ҳар хил овозда:

— Қанжиқ! Тиланчи! Қашшоқ! Ялмогиз! Жодугар!
Одамхўр! — деб қичқирад эди.

1930 йил

КЎЗ ЁШЛАР

Тиланчи кампир бой хонадон дарвозаси ёнида пайдо бўлди. Эгнида кампирларга хос жулдур кийим, қоқсуяк оёқларида кампирларга хос осилиб-солиниб ётган пайпоқ, мунгли кўзлар...

Унга эллик тийин тутқаздим-да, гапга солдим:

— Мана, бувижон, сизнинг бормаган ерингиз, кирмаган эшигингиз йўқ, — ҳаётда анча-мунча нарсаларни кўриб қўйдингиз-ов?

Кампир кўзларидан аччиқ кўз ёши тўкиб деди:

— Бошқа нима ҳам қиласдим, отахон, қўлимдан бошқа нима ҳам келарди!

Чала, пала-партиш олинган сочи оппоқ оқариб битган, эгнида хотинларнинг ялангқават кўйлаги, елкасига халта осиб олган Вания овсар ўтлоқдан оқсаб-тўқсаб аранг қадам босиб боради:

- Омонмисан, Ваня! Ахволлар қалай?
Ваня сүллагини оқизганча хурсанд оҳангда:
— Тупроқдан ташқари — шунга ҳам шукур... —
деб жавоб берди дув тўкилган кўз ёшларини артиб.

1930 йил

САРМОЯ

Тақирбош, юзи қип-қизил, мешқорин, учар квас-фуруш бутун ярмаркани бошига қўтариб:

— Кеп қол, мана квас, бурнинг ачишмаса ҳисобмас! Кеп қол, кўпирниб-тошган квасдан оп қол! — дея бақиради.

Иссиқ телпагини боши орқасига суриб, қўлтиғига катта нонни қистириб олган сариқмашак рус дехқони бурун катакларини шиширганча, ҳар замон-ҳар замонда нондан ушатиб оғзига солар ва уни чайнаганча оломон ичидан ўтиб борарди.

— Квас қанчадан? — сўради у бошини баланд қўтариб.

— Бургутлигидан чўэсанг бир шиша, бўлмаса икки тийинга бир пиёла.

— Ярим тийинга-чи, қуясанми?

— Ўша ярим тийинингга чумчуқнинг тезагини ҳам олиб бўпсан.

Эркак чайналганча ўйланиб қолди. Сўнг хўрсиндида, жиддий оҳангда деди:

— Ҳе-йўқ, икки тийинга қурбим етмайди. Бунаقا сармоя ҳозирча менда топилмайди.

1930 йил

ДУМЛИ ЮЛДУЗ

Бойларнинг уйидагилар ҳам, қишлоқдагилар ҳам думли юлдузга ўхшаш нимадир келаётганига анча вақтгача ишонишмади: “Улар фақат қадим замонлардагина бўлган!” Ва ниҳоят бир куни тунда, шимолий уфқ томонда, карета турадиган саройнинг орқасида бирдан думли юлдуз кўриниб қолди — унинг ялтироқ думи бир томонга хиёл қийшайган. Ҳўжайинлар уни соябонли пиллапояда туриб кузатиши. Улар хизматкорлар хонасининг остонасидан туриб ҳам ундан кўз узмай, чўқиниши. Эртасига оқсоқол зодагонлар уйининг томига чиқди-да, чордоқ ойнасига тахта қоқиб беркитиб ташлади. Тақир-туқурни эшитган уй эгалари чиқиб:

- Оқсоқол! Нима гап, у ерда нима қиляпсиз? — деб сўраши.
- Нима қиласдим, чордоқ ойнасини беркитяпман.
- Нимага?
- Нимага бўларди, думли юлдуздан ҳимояланиш учун-да.

1930 йил

ШАҚИРЛАГАН ҚОВУРҒА

— Салом, муҳтарам тўрам. Аҳволлар қалай дейсизми? Тупроқдан ташқарида юрганимга ҳам шукур. Пулнинг дардидা бозорма-бозор, ярмаркама-ярмарка елиб-югуриб юрибман... Ахир ёш ҳам қирққа борди, — тилимни итдай осилтириб, чопиб юрганимга

ишонманг. Бирдан-бир омадим бошпанамнинг борлиги, гарчи у кулба бўлса ҳам баъзан оч-наҳор қолиб қайтганингда, ҳар ҳолда ўз уйинг — ўлан тўшагинг бор, ҳозир бағримни эзгудек ҳувиллаб ётган бўлса-да, Ҳудо кўрсатмасин бундай кунни. Қишлоқдаги тирикчилик ўзингизга маълум; иссиқ, чак этган ёмғирнинг ўзи йўқ, кундуз кунларнинг-ку сира кети қўринмайди... Уйинг эса ютаман дейди: хотинни кўмдим, фарзандларимни кўмдим, баҳтимга ҳозирча онам тирик. Бироқ охириги пайтлар у ҳам мени хавотирга соляпти: уйда оёгини зўрга судраб босади, қўз ҳам, қулоқ ҳам аранг ишляпти, бироқ шунга ҳам ишонч йўқ, идрок, диққат-эътибор ҳам ҳалигидай, ўзи озиб-тўзиб, бир сиқим бўлиб қолган — жагини боялаб қўйсанг, тайёр ўлик. Қанақа аёл эди-я! Битта монастрнинг бекаси бўлишга арзигулик савлат ҳам, қадди-қомат ҳам бор эди. Энди куни битиб, шақирлаган қовурга қолган, холос.

1930 йил

БУВА

Мўйсафид, соchlари қалин, ҳурпайған, кун бўйи чеккани-чеккан.

Тонг саҳарда бир тортиб, ақлини пешлаб олмаса, гандираклаб, ўзига келолмайди.

Галати ҳам керак эмас, ундейлар бу ёруг оламга, бола-чақа ва оиласа (гарчи уни ота, бува деб чақиришса-да) бегона ва у кўз очиб юмгунча дунёдан ўтади, бу манфаатпарастлар уясини-ю марказдан олис бу овлоқни тоабадга тарқ этади ва ана ўшанда сен сўра, суриштири, сўзла, у бандидевона бу ёруг оламда ким учун яшади-ю, нима учун яшади.

Нима бўлганда ҳам унинг бу дунёда ўз ўрни бор:

— Буважон, тушликка келинг! Угра шўрва совиб қолади!

— Сизлар менга қарамай бошлайверинглар... Мен сал кейинроқ.... Менга қолгани ҳам бўлаверади...

Ўзининг эса тушликни кутавериб қорни пиёзнинг пўсти бўлиб кетган.

— Ота, сиз ҳеч бўлмаса иштонингизни алмаштириб олинг, ахир ич кийимларингиз тахланиб ётган бўлса!

— Бу гапингга беш кетса арзийди! Тахланиб ётганмиш! Бир парча бутун ери қолмагани қачонлар эди! Шундай бўлганда, авайлаб ўтиромасдим! Энди менга, келинжон, ҳеч ниманинг кераги йўқ. Худога шукур, яшадим, энди иззатим битди, фақат Ҳудодан битта ўтингчим — тезроқ жонимни олса...

Ўзига қолса ўлгудай зиқна, бор-йўгининг ташвишини қилгани-қилган, бу дунёдан ҳам ҳеч умид узгиси йўқ ва умрнинг бир асрдан камига рози ҳам эмас.

Нимага?

Буни ўзи ҳам билмайди.

Бирорнинг кўнглини бирор билиб ўтирибдими!
Ўзингникини билмайсан-ку!

1930 йил

АРАФА

Шаҳарда, вокзалга кетавериш. Извош дарё орқали тепалигу кўприкдан шитоб билан елиб бораарди. Кўприк тагида, соҳилнинг саёз ерида, кўприк соябони остида йўловчиларга орқа ўгириб, ўзини ҳимоя қилгандек елкаларини кўтарганча бир ялангоёқ исқирт

латта ичидағи аллақандай нишхўрдни титиб, очкўзлик билан ошалар эди. Орқада, ён томонида дехқонларнинг ваҳимали этиклари осилиб турган шалоқ арава силкингандча, гумбурлаб, шамолдек елиб борарди. Ҳамма ери унга беланган тегирмончилар, бари девқомат ва бари сап-сариқ, бошяланг, богочлари ечиб ташланган қизил кўйлакда...

Сўнг иккинчи тоифа вагони. Ва рўпарамда даванигидай, кирписоч, катаклари ёқимсиз керилган япасқи бурни устига тилла кўзойнак қўндириб олган қирқлар атрофидаги жаноб ўтиради. Бир пайт мендан ҳазар қилгандек ҳамма бирдан ўрнидан турди, ҳеч бири менга қарамаёттанди, улар токчадаги юкбоп жомадонлари-ю жомадончаларини тартибга сола кетишиди. Ўз ҳаётидан ва мустаҳкам обрў-эътиборидан мамнун, пишиқ-пухта ўзига ишонган жаноб...

Лекин ўн олтинчи йилнинг кузи аллақачон яқинлашиб қолганди.

1930 йил



ШЕЪРЛАР

ТИЙРАМОҲГА АЗОБДИР ҲАЁТ¹

ЧҮҒ²

Бир куни Темурбек тутиб чўғ ва лаъл,
Синамоқчи бўлди нораста ўғлин.
У оқил зот эди: синов бўлди ҳал —
Кутганидек — чўғни ушлади Эмин³.

Соҳибқирон деди: “Ўғлим, ярқироқ
Ҳар недан марҳамат кутма, бу — сабоқ”.
Худо — отадан ҳам оқил, меҳрибон —
Боланинг кафтига пуллади шу он.

1913 йил

ЧОДИРДА⁴

Чўл адоги, дарё бўйи қумларида
Қалқиб турар сербаргина қирмиз офтоб.

¹ Гулом Мирзо таржималари.

² Санкт-Петербургда чиқадиган “Современник” журналиниң 1913 йил 4-сонида (апрель) эълон қилинган. — *Бу ва кейинги ўринларда таржимон изоҳлари.*

³ Эмин — шоир қўллаган бадий образ. Аслида, Амир Темурнинг Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳруҳ Мирзо исмли тўрт нафар ўғли бўлган.

⁴ Петроградда чиқадиган “Летопись” журналиниң 1916 йил 10-сонида (октябрь) 18–20, 25-сатрлари цензура томонидан қисқартирилган ҳолда эълон қилинган.

Жондан азиз болажонинг қўлларингда,
Биқиқ чодир-аробадан чиқдинг шутоб
Ва термулдинг косадаги таом — кунга,
Қовурдоқдек егинг келди тузлар сепиб.
Дайди еллар тегиб ўтди қўкрагингга,
Эркалади юзларингдан аста ўпиб.
Орtingдаги қўшиннинг ҳеч ҳисоби йўқ:
Туя бўзлаб, ғичирлайди филдираклар.
Гулханлар мўл — оловидан дуди қуюқ,
Чанг, тутундан қон рангида тевараклар.
Сен — қалби ҳам, нигоҳи ҳам юввош малак,
Қум устида ўтирганча ўша оқшом
Сезганмидинг, сийнанг узра ётган гўдак
Бир кун келиб бўлажакдир Соҳибқирон —
Неча юзйил довругини эслар жаҳон?
Сезганмидинг, Онаизор, бир кун мен ҳам
Унинг шаънин улуғларман, ором нечун,
Исо Масиҳ, Галилейга, айт, не ҳожат,
Мен Аттила, Амир Темур, Мамай кучин
Ўз қонимда сезиб турсам агар факат.
Бузотларга мен муносиб бўлармидим
Макру алдоқ буҳронидан безиб кетиб,
Худо чизган чизиқларни бузиб ўтиб,
Бебош юртлар қисматин ҳал қилсан, балким?
Чўл ортида сўниб қолди шаффоф жило,
Титраб турган қуёш чўмди қум қаърига.
Хира кўкка Сен мароқсиз нигоҳ ила
Кўз ташладинг ва хўрсиндинг, билмам, нега...
Қўшин чексиз, аробалар ўйнаб келар,
Қаро тундан салқин ва талх бўйлар келар.

27.VI.1916 йил

* * *

Дашт адоғин парда билан түсгап каби бир замон,
Ногоҳ жала ёғиб үтди қия-қия йұлсімон —
Сүнг қайтадан ғоят теран мовий тус олди осмон,
Пастда оромбахш үрмөн.

Илиқлик ва намлиқ шавқи. Жаңдар хуш бүй
тараїди,
Кун тиғида бүгдойзорлар товланар баҳмал мисол
Ва қайынлар орасида, күм-күк шохда бемалол
Зарғалдоқлар сайдайди.

Сершовқин ва әвқбахш үрмөн, бутоқлар аро еллар
Эркаланиб эсади, лек оқ қайыннинг ушбу дам
Баргларидан олмос ёшлар ёмғирдек жим түкилар,
Ү кулар — құзлари нам.

1889 йил

* * *

Нақтепамда оқ сочли осмон
Ва очиқюз, яланғоч үрмөн.
Қуйида, сүқмоқда қораяр
Балчиқаро лимуранг хаzon.

Құқда совуқ шамол ва шовқин,
Ерда жимжит сұлмоқлик фасли...
Ёшлик — дарбадарлик, бу асли
Ва ёлғизлик үйларин завқи!

1889 йил

* * *

Хув ўша юлдузни — чайқатиб тунд сувни¹,
Хароб боф, буқри тол остида, күлмақда —
Тонгача милтираб тургувчи ёрдунни
Мен энди ҳеч қачон топмасман фалақдан.

Ешлигим қолган уқишлоғимга томон,
Бахт кутиб, шавқ кутиб болалик йиллари,
Илк шеърлар ёзғаним ҳув эски уй сари
Мен энди бормасман ҳеч қачон, ҳеч қачон.

1891 йил

* * *

Тун келмоқда қоралаб.
Тундлашар күк, кунботар...
Тун әтаги оралаб
Дала кезар шаббода.

Узун, қақроқ кун тинди...
Тун келса ҳам ҳаяллаб,
Куйлар оҳиста алла —
Оромга чорлар энди.

Чарос күзлари ғамгин,
Келар-кетар, ёлғиз ул...
Күнглим, ухла, олгин тин!
Унутгин... Уни буткул.

1893 йил

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Мир божий” журналининг 1901 йил 11-сонида (ноябрь) “Үтмиш” сарлавҳаси остида чоп этилган. Иван Бунин ушбу шеърини 1909 йили Максим Горький билан Капридаги учрашуви чогида үқиб берган ва ёзувчидаги катта таассурот қолдирган.

* * *

Агар бүлса әди имконим,
Үз-үзимни севсайдим фақат,
Сендең барин унугиб агад, —
Эсламасдим үтмишни, жоним.

Бу мангу тун фироқларини
Еңмоққа күч топиб ниҳоят:
Юмгай әрдим жим шунда шояд
Васлингга зор қароқларимни!

1894 йил

* * *

Тун бошланди, адo бүлди кун,
Яқынлашар уйқу, осойиш.
Чимдимгина шу ҳордиқ учун
Мен күнглигма бергум оройиш.

Гүзаллашар күнглиг шу онда!
Жаннат бүйин уфурмоқда бօғ!
Нур таратар осуда чарог —
Сомон йўли олис осмонда.

Кун бўйи мен чеккан ситамлар,
Кўксимдаги қат-қат гам учун
Айбламайман ҳеч кимни бу тун,
Мен сизни кечирдим, одамлар.

Бундай пайтда завқ-шавққа тўлиб,
Фақат сурур, бахтни эслармен.
Ўтган кунга шукронга қилиб,
Кузатаман нажиб кезларни!

1895 йил

* * *

Севинаман, мовий күзларинг
Күзларимга термулгани он
Уларда барқурап хисларинг:
Күзларинг — ложувард осмон.

Кийналаман, қора мижгонлар
Күзларингни бекитса мендан:
Тилда — сукут, дилда — исёнлар,
Сен севасан ийманиб, зимдан.

Кайда бўлсанг, қачон бўлса-да
Ёнгинангда турсам, яшнайман...
Эҳ, азизам! Кўркам ёшинг ва
Малоҳатинг алқаб яшайман!

1896 йил

* * *

Мана, яна бошланмоқда: сахар чоғлар
Банд этганча кенг ва эркин осмонларни,
Саф-саф қушлар излаб кетур уммонларни,
Қора тортар қия-қия арғимчоқлар.

Тонг тип-тиниқ, дашт қузатиб қолар сокин,
Қизаради шафақ, ҳаво қизиб борар...
Ва самода арғимчоқлар аста-секин
Бир маромда йироқларга сузиб борар.

Қандай олис, қанча юксак бу манзара!
Боқсанг — тубсиз зангорликдан қўзинг тингай.
Кузнинг теран осмонига тийран қара —
Худди эриб тушётгандек нақустингга.

Күчогига боржо чорлар шу олислар,
Чексизликни құчмоқ¹ үчун мен ҳам шайман,
Юрагимга кирап мунис, маңзун ҳислар —
Энди мен ҳам юксакларда яшагайман.

1898 йил

* * *

Қара, қандай фусункор күклам!¹
Авшалгидек құзларимга боқ
Ва айт: недан ғамгинсан, әркam?
Не сабаб сен бугун тантироқ?

Лекин гулдек сен жим ва сүлим...
Етар! Видо нутқи керакмас,
Нафасингдан билиб олдим, бас —
Елғизликка әкан-да йүлим!

1899 йил

* * *

Қушлар йүқ. Такдирига ризо бўлиб сўлмоқда
Кимсаси зқолган ҳамда нотавон хаста ўрмон.
Қўзиқорин мавсуми ўтган, лекин овлоқда
Замбариқларнинг иси димоққа урар ҳамон.

Кўримсиз хилват жойлар кўзга яқин ва равшан,
Буталар панасида берчланиб ётар ўтлоқ.
Тийрамоҳ ёмғирлари әзиз-әзиз ёғаркан,
Рутубатда қораяр хазонга дўнган япроқ.

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Журнал для всех” ойномасининг 1900 йил 12-сонида (декабрь) әйлон қилинган бу шеърга машхур композитор С.В. Рахманинов романсы ёзган.

Отнинг йўрға қадами бешикдек аллалайди,
Бир ажиг ҳасрат билан тинглаб, ўйлайман бу дам:
Милтигимнинг оғзига лаб босиб шамол-дайди,
Қайси қуйни чалмоқда — навоси бунча пурғам¹.

1889 ийл

ЛЎЛИ ҚИЗ

Олдда катта йўлу арава,
Қари кучук ҳамда гилдирак, —
Олдда яна эрк-озодлик ва
Саҳро, кенглик, чеки йўқ фалак.

Қиз карвонга ета олмайди,
Заҳарлашган юрагимни, дер.
Писта чақиб лаби толмайди,
Алдоқчилик қиласар мугомбир.

Нолияпти... Аммо, не учун
Ўйнаб турар икки қаро чўғ?
Кўзи кундек сочади учқун,
Лек бегона, бегам ва совуқ.

Эгни қат-қат! Расо пойига
Ярашиқли бошмоқчалари.
Мос тушибди шўх чиройига
Каҳрабодек ёноқчалари...

¹ Манбаларга қараганда, ушбу шеър, айниқса, унинг қуйидаги сатрлари атоқли адид Лев Толстойга жуда маъқул бўлган экан:

*Грибы сошли, но крепко пахнет
В оврагах сыростью грибной...*

(Кўзиқорин мавсуми ўтган, лекин овлоқда
Замбариқларнинг иси димоққа урад ҳамон...)

Олдда катта йўлу арава,
Қари кучук ҳамда ғилдирак,
Бахту ёшлик, эрк-озодлик ва
Офтоб, саҳро, чеки йўқ фалак.

1889 йил

* * *

Аргануннинг куйини тинглаб,
Синграйди ва йифлайди қўнгил.
Гоҳи шодон, гоҳида мунгли,
Эзгу тилак тилайди қўнгил:

Қодир Ўзинг ва Қаҳҳор Ўзинг!
Биздан меҳринг аяма, Эгам!
Қара, қанча ташна Ер юзи
Сенинг меҳринг ва қаҳрингта ҳам!

Аё, Тангриим, ситамларингга
Бандаларинг чидаяпти, кўр!
Шу қалби пок одамларингга
Тил бер, токи айтсинлар шукр!

1889 йил

* * *

Тик қояда, осмонларга яқин жойда,
Кўкни қучган бўронларга яқин жойда
Бургут дағал ҳамда сассиқ бир ин қурган.
Оқар сувдек симираман ҳаволарни,
Тоғ бўронин ва шу эркин сафоларни,
Мангаликни — бунда парвоз қилиб юрган.

Крим, 1889 йил

* * *

Кунни түсіб қўйгач, ногаҳон
Булуларни тутди қалдироқ.
Камалаклар ташувчи фильмон
Ранглар сочди патидан шу чоқ —
Ва довуллар бирдан қўзғолиб,
Бурганларга кирди ҳафсала,
Чанг кўтариб ва шовқин солиб,
Ер бағрига чопди шўх жала.

1891 йил

* * *

Қадрдон юртимдан олис жойларда
Тушларимга кирап сокин боғларим,
Қарағайзор, йўллар, шошқин сойлар-да,
Дала-дашт, экинзор, найсон чоғлари.
Тонгданоқ эркалар ложувард само,
Оқ, ҳарир булулар оқар мавжланиб,
Шудгорда гўнгқарға шоҳ каби юргай,
Ердан ҳовур чиқар... Осмонда тўргай
Шундай сайрайдики, гўё авжлари —
Кўқдан таралгувчи ажиб бир наво.

Қадрдон юртимдан олис жойларда
Тушларимга кирап Баҳор — келинчак:
Кўзлари мовийранг, юзи ойлардай,
Қадди — сарв, соchlари — олтин чамбарак.
Азизер, пок тонгга муносиб малак!
Унга она юртим, даштларим ёқар,

Еқади сукунат, қашшоқлик, меңнат;
Шунданми даламга меңде-ла боқар:
Лабида табассум, күзиде шафқат,
Бу ўша — болалик, баҳор, муҳаббат.

1893 йил

* * *

Дарёнинг ортида кўклиди яйлов,
Сувдан кўтарилар тоза нафаслар.
Ўрмон эмас — қушлар бозори гўё,
Янграйди турфа хил орзиккан саслар.

Илмилиқ дашт ели майин уфурар
Янги ток зангининг таҳир таъмларин...
Эҳ, баҳор! Қалб бунча яна баҳт сўрар!
Баҳорда бунчалик ёқар ғамларим!

Офтоб меңде билан баргларни силар
Ва оҳиста кезар боғда, йўлакда.
Билмайман, қайғадир кетворгим келар,
Не ҳислар гуллайди бу дам юракда!

Билмайман, мен севган, соғинган шунча
Азиз инсоним ким... Ва бундан не ғам?
Эзилиб яшайман бахтни кутганча,
Ишонмай қўйғанман аммо бахтга ҳам!

Менга алам қиласар, елга совурмоқ
Умримдаги гўзал, лазиз онларни
Ва эл қилмай негадир инсонларни, —
Ўз ҳолимча қувнаб, ёлғиз қайғурмоқ.

1893 йил

ОНА¹

Кунутунлар то тонгта қадар
Саҳро ичра қутурар бўрон
Ва қорларга кўмилар ҳар ён,
Қолмагандек қишлоқдан асар.
Тор кулбага ҳам кириб келар,
Фичирлатиб тунда ойнани,
Алмисоқдан қолган хонани
Супуради қор билан еллар.
Яхшиямки, мудом олов бор —
Тафтли ҳамда ёруғ шабистон.
Бунда сергак бир онаизор,
Тин билмайди отгунича тонг.
Липиллаган хира чироқни
Китоб билан қиласди пана,
Опичлайди сўнг чақалоқни,
Алла айтиб чиқади она...
Кеча эса узундан-узоқ...
Қор бўрони золим ва маккор,
Остонада пойлайди бедор,
Одамларни енгсин деб мудроқ.
Сўнг шиддат-ла бостириб келар,
Фариб уйни силкитиб чунон.
Ёрдам сўраб, чўл ичра нолон
Олислардан сас эшитилар.
Она гирён, кўз ёши кўп бор
Ювар ҳоргин нигоҳларини,
Бола-чи, шўх қароқларини
Тикиб ётар онага хумор...

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Мир Божий” журналинин 1-сонида (январь) эълон қилинган ушбу шеър шоирнинг онаси Александровна Бунинага (1834—1910) багишланган.

ҚИШЛОҚДА¹

Шамлар ёниб тугади, қиши туни эса узоқ...

Үриндиққа ўтириб, ташладинг сокин назар —
Ва сознинг торларини тутмасди бунча титроқ,
Бир кўҳна гамгин қўшиқ азобламаса агар.

“Бугун қайси осмоннинг офтобисан, олтиним?
Бугун кимлар сенга ва сен кимларга парвона?
Энди олиб бўларми айроликнинг олдини,
Ўша кунларга ахир қайтмас ҳаёт карвони!”

Шамлар ёниб тугади, қиши туни эса узоқ...

Қошларингни чимирдинг, кўзларинг

намдан шишган.

Утган ишга салавот, сени айбламайман, оҳ!

Ортда қолган умрни илож йўқ қайтаришга!

1897 йил

ТИЙРАМОҲ²

Рангин қўшкка менгзайди ўрмон.

Нафармон, заъфарон, арғувон.

Шўх рангларга девор-дармиён,

Кунгай жойда товланар шоён.

Кайинларнинг нақши тиллакор,

Кўк саҳнида яшинар бетакрор,

¹ Буниншунослар фикрича, Санкт-Петербургда чиқадиган “Журнал для всех” ойномасининг 1899 йил 1-сонида (январь) эълон қилинган бу шеър Иван Буниннинг отаси Алексей Николаевичга багишланган. Шоир ўз хотираларида отасининг гитара чалиб, қўшиқ айтганларини эслагани ҳам буни тасдиқлайди. Қаранг: Муромцева-Бунина В.Н. Жизнь Бунина. Париж, 1958. — С. 33.

² Бу достон 1900 йил ёз ойларида яратилган. Санкт-Петербургда чиқадиган “Жизнь” журналининг 1900 йил 10-сонида (октябрь) “Куз достони” сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Қарағай — минордек ҳаводор,
Барглар аро заб кунгурадор
Дарчалардан осмон қўринур
Ва ўрмонга ёғилади нур.
Ёзда офтоб симирган равоқ
Чўмилгай болутнинг бўйига.
Ва мушфиқ бевадек Тийрамоҳ
Кириб келар кўркам уйига.
Бугун бўм-бўш бу кенг ўтлогу
Муаззам ҳовлиниң тўрида,
Анкабутнинг ҳарир тузоги
Йилтиллайди нуқра тўридек.
Бугун куни бўйи ҳовлида
Тинмай учди сўнгги капалак.
Оқгулбаргга ўхшайди жуда,
Нуқра тўрга қўнди капалак,
Тўрки, ипи зарга йўғрилган;
Бугун ёғду борлиқни кўмган,
Ўрмон бўйлаб ва кўк аршида
Шундайин бир жимжитлик чўмган,
Янграп баргнинг шитирлаши-да.

Рангин кўшкка менгзайди ўрмон.
Нафармон, заъфарон, арфувон.
Кун тирида бу кўшки жаҳон
Товланади сокин ва шоён;
Қораялоқ юборар сайраб,
Шоҳдан шохга ўтаркан яйраб,
Қаҳрабо япроқлар ҳар ёнда;
Тўсатдан гуриллаб осмонда
Чуғурчиқлар ўзини шайлар
Рақсга, лек тинар шу онда.

Бахтнинг сўнгти дамлари кезар!
Бундай қўр ва соқов сукунат —
Рутубатдан даракдир, албат,
Олдинда фам, Тийрамоҳ сезар.
Узоқ, ғалат жим турди ўрмон
Тонг уфқида нор каби балқиб,
Олтин ва ўт ёғдуси қалқиб,
Айласа ҳам кўшкни нурафшон.
Сўнгра чўкди қуюқ зулумот.
Ой ҳам чиқди, ўрмонда бу дам
Сояларга жой тўшар шабнам...

Машъум фамлар келдими, наҳот,
Мана, ўрмон, чангалзор, ўтлоқ —
Ҳар ён совуқ, ҳамма ёқ оппоқ.
Бу кимсасиз тун аро, ҳайҳот,
Тийрамоҳга азобдир ҳаёт.
Энди сукут мутлақо ўзга:
Эшитинг-а — у ўсиб борар,
Ранги бўздек урилиб қўзга,
Қўзғалгайдир оҳиста қамар.
Сояларни қилиб пакана,
Ярқироқ чанг сочар ўрмонга
Ва қўқдаги тахтидан яна
Тик боқади бизлар томонга.
Эҳ, куз, тун, туш қилди тантана!
Эҳ, тун ваҳмин йўйманг осонга!

Кумуш ва зах туман — эгнида,
Ўтлоқ ёруғ, кимсасиз жуда;
Ўрмон оппоқ ёғдуга тўла,
Шу совуқ соҳт-сумбати ила

Офат чорлар ўзига гүё;
Бойўғли ҳам ҳатто гунг-кардек
Жим турибди шоҳда, овсардек,
Кўрқинчли сас чиқаради ё,
Кўқдан тошдек тушиб келар гоҳ
Қанотларин енгил елпитиб.
Манзил бўлар яна ўша шоҳ,
Қулоқдор бошини силкитиб,
Айлана кўзлар-ла қарайди,
Гўёки ҳайратдан яйрайди;
Ўрмон турар маҳобат сочиб,
Рангпар тунга бағрини очиб
Ва чирик барг ислар тарайди...

Бас, бехуда кутмагин тонгни,
Кун чиқмагай. Ёмғир ва зулмат
Оғушига олар ўрмонни, —
Рўёб бўлди тунда тунд ният!
Лек Тийрамоҳ сир сақлар ҳамон
Шўрликни тун қилди не бало,
Сокин оқшом ёлғиз қолган он
Кўшки ичра беркиниб олар;
Майли, ўрмон ёмғирга қонсин,
Майли қаро, зах тун чоғлари
Бўриларнинг жуфт қароғлари
Далаларда чўғдайин ёнсин!

Қаровсиз бир кўшк каби ўрмон,
Кирланипти, ўнгипти ҳамда
Сунбулада эсган ел-тўзон
Ёпқичларни отибди томдан
Ва йўлакни кўммиш хазонга;

Сүнгра қиров тушиб ҳар ёнга,
Эригунча — аёз олур жон...

Олис даштда бурғу товуши
Тараларкан, бу батанг садо
Фамгин зотнинг дардли хониши
каби янграп туманлар аро.
Дараҳтэор шовқини оралаб,
Водий ичра, ўрмон қаърида
Овга този итларни чорлаб,
“Серка шохи” обдон маърагай
Ва бу шовқин, даъвату зорлар
Елда учеб, даштга тарқагай.
Совуқ ёмғир қуяр, мисли дўл,
Шамоллар ўйнайди хазонни,
Фозларнинг сафма-саф карвони
Ўрмон тепасидан солди йўл.
Аммо, кунлар ўтади. Тутун
Симёгочдек юксалар уфқда.
Арғувоний ўрмон жим, беун,
Ер нуқрадек тўнган совуқда,
Оқсичқон мўйнаси янглиғ муз
Тусидан ҳам чехраси оппоқ,
Чиқиб келар охир Тийрамоҳ
Кўшк олдига сўнгги қун, ёлғиз.
Ховли совуқ ҳамда кимсасиз,
Қўш тераклар дарвозасидан
Боқар мовий водийлар чексиз
Ва ботқоқзор кенгликлари ҳам.
Кўринмоқда жануб сари йўл:
Киш қаҳридан қочганча буткул,
Жонга тегиб қуон, бўронлар —

Қүшлар учиб кетган томонлар;
Тийрәмоҳ ҳам саҳармардонда
Үша ёққа сари йўл бошлар.
Бадар кетар энди, ўрмонда
Очиқ-сочиқ кўшкини ташлаб.
Кечир, ўрмон! Хайр, алвидо,
Сезаяпман, кун яхши келар
Ва ҳадемай илк қорга тўлар,
Кумушланар бу жонсиз дунё.
Қор ва фироқ кутилган кунда
Борлиқ қандай кўринар, билмам,
Ўрмон ва кўшк қолар ортимда
Ва қишлоқ, том термулар бегам.
Ва кенг осмон, айни паллалар
Қўқ сари юксалган далалар!
Қанчалик қувнайди сувсарлар,
Оқсичқонлар худди шу чоқда,
Чакқон чопиб, исиб-яйрарлар
Қорлар қалин кўмган ўтлоқда!
Бу манзилда бамисли шомон
Тундрадан, уммонлар оша
Тайга сари келган шўх шамол
Рақсга тушиб, қўйгай томоша,
Қор сочару, қор каби шошар
Гоҳ махлуқдек қутуриб, ўзиб,
Азиз кўшкни юборгай бузиб,
Қозиқларни қолдирар, йўқ-йўқ!
Ҳатто улар қолмагай қуруқ—
Қозиқларда қорлар тингайдир,
Синчлар узра қиров қўнгайдир,
Ва мовий қўқ бағрида чунон
Бунёд бўлгай биллурий ошён,

Ҳар буржида ялтирайди муз —
Оқ ва тиниқ, нақ кумуш дейсиз.
Ва кечалар қаролигида,
Қўқ гумбазин аролигида
Юлдузлар мисоли тунсоқчи
Сиймбар саройга пойлоқчи.
Айниқса, сукунат чўмган дам,
Эсганда изгирин еллари —
Бу қасрга мосдир муҳташам
Қутб ёғудусининг гуллари.

1900 йил

* * *

Кўқда потраб чиқди нажимлар,
Уфқ томондан, чорбоғ оралаб
Эсган енгил ва хуш насимдан
Баҳорнинг бўйлари тараалар.

Шафақ сари кетаман мен ҳам,
Фоний умр, елга басма-бас.
Бу оқшом нозистасам — не ғам,
Қани, баҳтга чўмсан шу нафас.

Ўйқ, ўлмайман, ёруғ дунёни
Тарқ этганча ётмам лаҳадда.
Ҳаёт шодликларига қониб,
Кун чиқишин кутгум, албатта!

1900 йил

* * *

Кун буутли, аммо ҳовузда нур мўл,
Сув сатҳи ойнадек тиниқ, ярқироқ,
Қарасам, акс борми дея тузукроқ,
Ўзини кўзгуга солади нуқул
Сувнинг лабигача тушиб келган боғ.

Мана бу — ёмғирнинг йирик донаси,
Гулмиҳдек қокилди ҳовузтомига
Ва сувнинг саҷраган юзлаб нинаси
Чизиқчалар тортди кўзгу жомига,
Сўнг жала боғни ҳам олди домига.

Шамол япроқларин чапак чалдириб,
Икки ёш қайинни қўйди никоҳлаб.
Қуёш нурларини тангадек териб,
Майин ёғдулардан қувнар нигоҳлар,
Ҳатто қўлмаклар ҳам кўм-кўк бу чоғлар.

Камалак қўринди... Ҳаёт бунча соз —
Осмонга баҳтиёр боқиб яшамоқ,
Ризқу рўз ҳақида ўйлаб сарафroz,
Шу баҳт ва омаднинг қадрига етмоқ:

Ёмғирли дамларда чопсанг бошяланг,
Далаларни кезиб юрсанг пиёда,
Қани, ўйинига қўшса ёш-яланг...
Бундайин баҳт топилурми дунёда.

1900 йил

ЧОРРАҲАДА¹

Ташландиқ даланинг чорраҳасида
Қабр тоши қора қузғунга макон.
Манзил қаровсиз-да: ўт босган жуда,
Чим ичра — занглаған эски бир қалқон.

Чорраҳада яна шундай ёзув бор:
“Түғрига йўл юрсанг — ғам-кулфат бисёр,
Ғамларни енгишинг ва уйинг томон
Соф-омон қайтишинг ўта даргумон.

Агар ўнга юрсанг — қолиб уловсиз,
Ҳаётинг оч, яланг, ёлғиз ўтади.
Сўл томонга кетса қай бир йўловчи,
Уни ёт даштларда ўлим кутади...”

Мени вахма босар! Теграмда мозор...
Дахмаларда мангу ухлайди мозий...
“Қора қузғун, қани чиқар овозинг!
Менга борар йўлни кўрсатиб юбор”.

Пешин мудраётир. Сўқмоқлар — жўяқ,
Уларга экилган шўра ва... суяк.
Қовжироқ дашт аро уч йўл кўринур...
Билмайман, қисматим қай бири эрур?

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Книжки Недели” журналининг 1900 йил 10-сонида (октябрь) эълон қилинган. Иван Бунин бу шеърини рассом В.М.Васнецовнинг “Ора йўлда қолган баҳодир” (“Витязь на распутье”) картинасидан таъсирланиб яратган ва ўз ижод маҳсулини ана шу санъаткорга багишлаган. Шеърга А.Гречанинов томонидан мусиқа басталанган.

Бу ваҳший кенглиқнинг борми адоги?
Сукут чўмган даштга бокқаним чоғи —
Кимдир чақириди-ю тутиб отимни,
Чўчитиб юборди ҳуркак отимни?

Бир ўзим мардана чиқдим майдонга,
Ҳаёт чорлар, мамот пойлайди бироқ...
Қабр устидаги ўша маконда
Қора қузғун турар мудҳиш ва мудроқ.

1900 йил

* * *

Ҳали-бери тонг отмас, отмас,
Тун кетмади сокин ўрмондан.
Қайнзорда шабистон бирпас —
Тонг олдидан олаётир дам.

Үйқудадир қушлар — жарчилар,
Энди-энди қўкарап кўк ҳам,
Тим пистоқи тўнли арчалар
Таратмоқда қатрон ва шабнам.

Майли, кўпроқ чўзилсин бу ҳол.
Ўрмон йўли бўлсин зимзиё,
Бутун қайтиб келмайди, алҳол —
Бизга эпмас бу фироқ гўё...

Қарағайзор тўла қўнфироқ
Гоҳ занг чалар, гоҳ бермайди сас...
Тун атрофда кезади бу чоқ...
Ҳали-бери тонг отмас, отмас.

1900 йил

* * *

Үйларимдек ғамгусор кечә¹.
Кенг ва хилват чүл адогида
Липиллар бир шуъла гоҳида...
Қалбда ғам ва ишқ бисёр бунча.

Кимга дейсан, нима ҳам дейсан,
Қайга кетдинг, қалбдан не кечар!
Манзил олис, жимжит чүл эса.
Үйларимдек ғамгусор кечә.

1900 йил

* * *

Күк ложувард бағрини очди
Найсон кунларидан бирида.
Абрлар анкабут түридай
Еңдуларин үрмонга сочди.

Шитирлади әман барглари,
Тарқ этди-да кавагин илон
Үрмалади дараҳтзор сари,
Зар күйлагин күэ-күзлаб чунон.

Қовжироқ япроқлар, хуш бүйлар,
Қайинзор — оқ-қора хонатлас...
Бахтли дамлар, сарсари үйлар,
Эх соғинчга тұлди ҳар нафас!

1901 йил

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Журнал для всех” ойномасининг 1900 йил 8-сонида (август) өзөн қилинган бу шеърга С.В. Рахманинов ва Р.М. Глиэр романслар Ѽзған.

* * *

Бумовий, ёқимтой қүзларни¹
Тутмоқда тунги туш хумори:
Самонинг фаришта қизлари,
Беланчакни сокин қўйворинг.

Ёниб битди абри найсонлар
Ва зулматга қопланди дунё:
Олис ёғду, ёт чароғбонлар,
Ойнамизга сиздан нур раво.

Ухла, болам, кўзмунчоккинам,
Чечакларга ўралган гулим.
Мангу ўчма, Худонинг қўли
Асраб турган эй, чироқкинам.

1901 йил

* * *

Неъматларинг учун, Эгам, минг қуллук!
Серташвиш, ғамбода кундуздан кейин
Оқшом шафафини этдинг тасаддуқ,
Ҳадя қилдинг дашту далалар бўйин.

Мен яна ёлғиэман — ҳамиша ўзим.
Шафақ ўт қалагач кўкка бир бошдан,
Шу гулхан чўғида Зуҳро юлдузим
Эриб, ғойиб бўлар ярқироқ тошдай.

¹ Москвада чиқадиган “Народное слово” газетасининг 1918 йил 4 май сонида “Алла” сарлавҳаси билан эълон қилинган бу шеър шоирнинг биринчи рафиқаси А.Н. Цакни (1879–1963) билан никохидан туғилган ўғли Коляга (1900–1905) багишланган. В.Н.Муромцева-Бунина қайд этишича, ушбу шеър Бунин 1901 йили қишлоғига борганида ёзган асарлари сирасига киради. Иван Алексеевичнинг фарзанди ҳақида бошқа шеърлари ҳам мавжуд бўлган, аммо ўта таъсиричан ушбу назмий тизмалар чоп этилмаган. Қаранг: Муромцева-Бунина В.Н. Жизнь Бунина. – Париж, 1958. – С. 131, 159.

Мен эса мамнунман бундай қисматдан:
Хаммага ётману, Сенга маҳлиё
Ва яна саждалар аро түсатдан
Сен билан сўэлашиб қоламан танҳо.

1901 йил

* * *

Жала четлаб ўтди ўрмонни шитоб,
Майсалар учида — илиқ томчилар...
Ўрмон сўқмоғида ёлғизман, шутоб
Бир юлдуз йилтираб айлади итоб
Тунги кўк юзида дона томчидаӣ.

Сенинг юлдузингни ярқироқ нури —
Кетяпману — туйқус ёдимга тушар
Узун киприкларинг соя-сурори,
Абри найсонларинг бўйи, фужури,
Олис чақмоқлардан сўник нур ўша...

Баҳор тўэонидай бариси ўтди,
Бариси қалбимнинг ардоғидадир...
Осмонда кўзёшдай юлдуэмилт этди,
Кўклам туйгулари қарогимдадир...
Мен сени қанчалар севар эдим-а!

1901 йил

* * *

Хароба саройлар сояси янглиғ
Уфқда булатлар расми чизилди.
Илиқкина оқшом тунд ҳамда мунглиғ,
Қоронғу хонамда ёлғиз эзилдим.

Қадамимдан чиқкан ҳар бир товушга
Фамгин садо беріб құяды қандил.
Ол исда уфқұфқни олар оғушша,
Карашма қиласар тун — гүзалу санғдил.

1901 йыл

* * *

Даладан барра үт бүйі таралар,
Яйловлар уфурар салқын, хуш ҳаво!
Эманзору анғизларни оралаб,
Сарин нафаслардан топаман сафо.

Шамол эсиб-эсиб, бирдан тинади...
Сүнгра қораяди даштнинг адоги.
Булатлар осмонни аста минади,
Шом чүкиб, сұнади куннинг маёғи.

Тұсатдан ялт этиб чақмоқлар чақар,
Қиличдек ярқирап яшин бир онда
Ва борлық лаҳза нур қаъридан боқар,
Кейин яна қолар күр зимистанда...

Нақадар сирлисан, мафтункор яшин!
Севаман шусокин алдоқларингни,
Чақмоқ күзларингнинг туйқус ёнишин,
Севаман шу чанқоқ қароқларингни!

1901 йыл

ЁЛГИЗЛИК¹

Бу ерда шамол ҳам, жала ҳам, тун ҳам
Совуқкүл күксига уриб ётар түш.
Бунда баҳоргача ҳаёт йүқ, тинган;
Бунда баҳоргача боғлар ҳам бўм-бўш.
Дала ҳовлим совуқ, ёлғизман тунда —
Рассомлик дастгоҳи тураг қаршимда.

Кеча бирга эдик ва лекин сенга,
Сездим, зерикарли мен билан энди.
Булатли оқшомнинг сўнгида менга
Гарчанд маҳбубамдек туюлган эдинг...
Нетардим, алвидо! Амаллаб ёлғиз,
Энди баҳоргача ўтгум аёлсиз...

Бугун ҳам булутлар келмоқда чексиз,
Бугун ҳам булутлар тизим-тизимдир.
Бўсаға олдида сен қолдирган из
Ёмғир сувларига тўлди, эзилди.
Менга жуда оғир бунда ўлтиромоқ,
Оқшом зулматига якка термулмоқ.

Орtingдан қичқиргим келди кеча кун:
“Қайтгил, яқин бўлиб қолдик ҳаётда”.
Лек ўтмиш — даҳмаза аёллар учун,
Севмай қўйди, демак, мен унга ётман.
Нетардим! Ичгайман, печкани ёқиб...
Ўзимга бир кучук олсайдим боқиб.

1903 йил

¹ Бу шеърни 1910 йилда шоирнинг ўзи ўқиганида пластинкага ёзиб олинган.

ЖАНГДАН СҮНГ

Найза санчди, сүнгра ечди дубулғасини,
Холдан тойиб, ўша жойга аста чўзилди.
Қўргон маҳкам туриб берди; совути синиб,
Кўкси билан шонаси ҳам буткул эзилди...

Ярим кунлик бешафқат жанг тугади охир,
Жангчи ўлди жанггоҳ узра қўйиб бошини.
Жанубдан кузшамоллари эсади оғир,
Қуруқ ўтдек ҳилпиратиб унинг сочини.

Пайдо бўлди кўп вақт ўтмай чумолилар ҳам...
Лек атрофда на сас-садо, на бор ном-нишон.
Элас-элас яланглиқдан қўринар пурғам,
Тепасига найза саншиб қўйилган қўргон.

31.VIII.1903 йил

АТИРГУЛЛАР

Офтоб — тандир ўтида роса
Тобланмоқда булутлар ҳил-ҳил.
Гўё чўғга тўла жуфткоса —
Ром олдида икки атиргул.

Салқин уйга ойнадан қарап
Жазирада лоҳас яшил боғ.
Пичанлар анвойи бўй тараф,
Рұхга ором бағишлаб шу чоғ.

Баъзан оғир ҳамда зардали
Қалдирайди осмон тоқлари...
Аммо, пашша визиллар ҳали
Ва күйлайди кун бүйи ари.

Гоҳо шатир-шутир қылганча
Мовий ёмғир селлари оқар...
Лек, күп үтмай, ял-ял кулганча
Күлмаклардан күк мафтун боқар —

Офтоб яшнар, бир жуфт атиргул
Ҳаё билан әгиб турар бош,
Иккиси ҳам жилмаяр нуқул,
Олов тўла қўзларида ёш.

1903—1904 йиллар

ТОҒДА

Тилла ҳалқа каби тўлин ой
Қора булат ичра йўқолар.
Эриб-оқиб кетар, ҳойнаҳой,
Ҳадемай, кўк қамарсиз қолар.

Бироқ, шошма, кўкка сол назар:
Ой жойида турибди рўй-рост...
Вақт мангуга кетмагай бадар,
Тушдек кечар умримиз, холос!

1903—1904 йиллар

Кузак. Ўрмон чакалакзори.
 Курүк мөх¹лар — ботқоқдан дарак.
 Олисда кўл турар оқариб
 Ва тепада оқимтиро фалак.

Нилфия²да чечак қолмапти,
 Гулин тўккан ҳатто зальфарон³.
 Сўқмоқларда йўлак қолмапти,
 Кимсасиз ва яп-яланг ўрмон.

Фақатгина ўзинг гўзалсан,
 Аллақачон эсанг-да оғоч,
 Эй, соҳилнинг дўнгида ўсган,
 Қадрдоним — эски қандағоч⁴.

Ибо билан ҳар тонг тушингни
 Ҳозирча сувларга айтасан.
 Баҳорда тез йириб ҳушингни,
 Нуқра-нуқра гулга қайтасан.

1905 йил

¹ Мөх — ўйсин, мөғор, пўпанак.

² Нилфия (кушинки, нимфея; Nymphaea) — нилфиядошларга мансуб сув ўсимликлари. Кўп йиллик илдизли, барглари этли, узун бандли, юраксимон, сув бетида сузиб юради. Бутун ер юзида 40 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда Амударё ҳавзасида учрайди.

³ Зальфарон (шафран; Crocus sativus L.) — сапсаргулдошларга мансуб кўп йиллик ўтсимон туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жанубий Европа, Озарбойжонда катта майдонларда экилади.

⁴ Қандағоч (ольха) — қайндошлар оиласига мансуб барг тўкувчи дарахт ва буталар туркуми. Асосан, Шимолий ярим шарда 50 га яқин тури маълум. Евроосиё, Шимолий Америкада ҳамда Жанубий Америка тогларида таркалган.

* * *

Ҙүл бүйида тифиз күм-күк арчазор,
Мүл ва бўлиқ қорлар кўмган ҳар ёқни.
Шу қор узра буғу юрган — сервиқор,
Магур қўтарганча чамбарак шохни.

Мана, нозик туёқ изи сўқмоқда,
Бу ерда уарча шохин букибди.
Оппоқ тиши пўстлоқ уэмиш бутоқдан,
Қор устига пайраҳалар тўкипти.

Мана, яна излар — вазмин, хотиржам,
Сўнгра туйқус у сакраган ва фойиб!
Ора йўлда қолган овчи итлар ҳам,
Шоҳдор шохлар ичра чопмиш, ажойиб...

Эҳ, у қандай тез юрган водийда!
Шиддат билан қочган ёвнинг қўлидан.
Бу жонзотнинг аҳди ва баҳти шу-да:
Гўзалликни асраб қолган ўлимдан!

1905 йил

МУРИД

(Гуржилар қўшиги)

“Биродар, кулбамиз бунча қоронфу!
Дарани қор босиб ётипти, ёху.
Аммо, тоғ нишаби — музлик узра, боқ:
Бир нилий бойчечак гуллапти шундоқ”.

“Биродар, бетобсан, рангингда йўқ ранг!
Тоғли юрт — шафқатсиз ва қашшоқ, аттанг.
Ибодатхонамиз баландда беҳад,
Баҳор келгунича ҳали қўп фурсат”.

“Азизбиродарим, куйинма, етар!
Алаҳсирашларим ҳадемай ўтар.
Саҳро бўронлари тун бўйи эсар,
Нилий бойчечакдан қолдирмай асар!”

1905 йил

МУТАСАВВУФГА

Ой ёғдуси ёритган совуққина бир сарой;
Болалиқда киргандим.
Қадим ва рангин ромлар жилвасидан ҳамма жой
Ялтирап эди ҳар зум.

Худди меҳроб сингари юксак деразаси бор,
Боғда эса ой эди.
Ҳар тарафда оппоқ қор, қорлар ичра пурвиқор
Кекса қарагай эди.

Ваҳима босди бир зум, оstonада қотдим жим:
Меҳробда эдим гүё.
Сарой ичра зулумот қуюқлашар бетиним,
Нуқрадек нурлар аро.

Хайриятки, нигоҳим кўкка тушди: кўк тиник,
Ой ҳам ёргуғдиру сутдай —
Ва шунда қўрқув кетиб... Келди-ку бир хўрсиник:
Қўрқанга қўш кўрингай!

Энди болалик қайда ва қани у сарой-да,
Жаҳолатдан қоч абад.
Мавҳумлиқда қолганда, бу қоидадир фойда:
Нурга боқ, рост юр фақат.

1905 йил

БУТОҚЛАР ОРАЛАБ

Күзбаргларга чаплайди қаро:
Бу қисматдан қочиб бўлмайди!
Яланг ва тунд эманлар аро
Лекин ёруғ осмон жилмайди.

Илоҳий бир муждадек енгил
Қувват берар шу нур муттасил.
Яна, яна кечирар қўнгил,
Ташлаб кетса алдоқчи бир йил!

1903–1905 йиллар

ТОҒ ВОДИЙСИДА

Рангпар ва ғамзада ахтарлар фақат...
Эсимда қоронғу тушётган ўрмон,
Тоғ водийсидаги тун ва рутубат
ҳамда серизғириң кузаки осмон.

Астойдил, кўп ва хўп интилдим сизга,
Юксаклигингизга ҳавасим ортиб.
Нимага дуч келдим? Тош қалбингизга,
Сиздан тун, сукунат, қўрқувми тортиқ...

Туссизва ҳиссизсиз, тоғ юлдузлари,
Турқингиэдан ажал ҳиди келади.

Оханрабомисиз? Нечун биэларни
Метин вужудингиз мафтун қиласиди?

1903—1905 йиллар

* * *

Бизлар муюлишда учрашдик ногоҳ.
Шошардим кечанинг қаролигида;
Қаршимда чақнади қароқлар — чақмоқ,
Қуюқ киприкларнинг аролигидан.

У ҳарир либосда — лаҳзада кўклам
Елидан ҳаводек кетса-да тўзиб —
Ёниқ кўзларида, юзларида ҳам
Таниш жонланувни пайқади кўзим.

Бир эрка қош қоқиб, баҳорий елдан
Моҳитобонини тўсди-ю ўтди,
Муюлишда йитди... Ўшандা, кўклам...
У менинг баҳоимдан кечди — унутди.

1905 йил

ҚИЗ ҚЎШИГИ

Мен — полизчи, оддий қизман-да,
У — балиқчи, қувноқ, баҳтиёр.
Оппоқелкан қалқир Лиман¹да,
У сайд этган уммонлар бисёр.

¹ Лиман (юн. *limen* — гавань, қўлтиқча) — кирғоқлари унча баланд бўлмаган, лекин қўпинча тик соҳили, чўзиқ қўлтиқ. Денгиз соҳилининг пасайиб, текисликлардаги дарё водийлари ва жарликларнинг сув босишидан ҳосил бўлади. Қўпинча дарё қўйилиш жойининг давомидан иборат. Азов ва Қора дengизларининг шимолий соҳилларида лиманлар кўп.

Босфор¹даги юонон хонимлар
Офатимиш... мен — рангпар, нимжон.
Оппоқелкан уммонда елар,
Қайтиб келмас балки ҳеч қачон!

Кутажакман ёзу қиши үтиб,
Келмаса — бас полиз ҳосили,
Узугимни денгизга отиб,
Тим қора сочимга осилай.

1903—1906 йиллар

БЕГОНА

Сен ётсан, лек севгайсан,
Севгайсан мени фақат.
Мени унутмагайсан
Ҳаргиз токи қиёмат.

Сен соддадил ва тамкин
Үтдинг үэга никоҳдан.
Юзингни тұсдинг лекин
У бегона нигоҳдан.

Унинг аёли бұлдинг,
Аммо, қыздайсан мудом?
Қачонки хиром қилдинг,
Ана ноз, мана муқом.

¹ Босфор (юн. *Bosporos*) — Қора денгиз билан Мармарденгизини туташтырган бұғоз; Европа билан Кичик Осиे ярим ороли үртасида. Қулай табиий гаванлари күп, эң яхшии Европа соҳилицаи Халич (Олтин Мугуз) гавани; Осие соҳилица Истанбул шаҳри жойлашған, унинг портидан Босфорни кесиб үтувчи автомобиль күприги (уз. 2,8 км) қурилған.

Бевафолик расм экан...
Яна бир марта, балким.
Сен бироннинг хасмисан,
Эй, иболи малагим.

Алдашни ҳам билмайсан,
Сен унга ёт бир инсон...
Мени унутмагайсан
Асло, ҳаргиз, ҳеч қачон!

1903–1906 йиллар

БОЛАЛИК

Кун қанчалик қизэдирса, қарагайзорда кўп соз
Елим ҳидига тўйған ҳаводан олмоқ нафас.
Хуш ёқарди ҳар тонгда сайр этмоқ сарафроз,
Офтоб макони бўлмиш бу кўшкларни басма-бас!

Ҳамма жойда нур, жило; серёғду чор-теварак.
Қумлоқ — мисоли ипак... осилиб қарагайга,
Хаёлимдан ўтар шу: мен ўн яшар бир гўдак,
Бобо дарахт — хўп улкан ва кетган тарвақайлаб.

Пўстлоги дағал, чайир, қирмизи тусда экан,
Айни чогда, шу қадар тафтли, офтобни эмган!
Баъзан ўйлаб қоламан: қарагаймас, мабодо
Қуёшдан бўй таралган бўлса-чи шу ҳавода.

1903–1906 йиллар

ҚАШҚАРБЕДА

Чангли этигини ечмаган акам
Дераза ортидан күрди-ю мени,
Тутқазди шудгорда унадиган экин —
Қурғоқчилик гули — қашқарбеда¹ни.
Китобни тарк этиб, кетдим даشت сари...
Күрдимки, далалар — сап-сариқ гулшан,
Ва сарғиши гулларга бесаноқ ари
Жазира оқшомда қўнганду учган.
Пашшалар изғийди тўп бўлиб, мана,
Далада заъфарон ранглари қуюқ —
Демакки, саратон кучаяр яна,
Қурғоқчилик келар, буғдойлар бўлиқ.
Дон балки йигилар, балки сочилар,
Мухтоҷликлар бўлар, ҳатто очликлар...
Не бўлса ҳам, менга ҳозир зарҳал гул —
Қашқарбеда — барчасидан афзал гул!

1903—1906 йиллар

КИЧИК ОСИЁ СОҲИЛИДА

Амазон аёллар² салтанати — бу.
Ўзлари асов ва шўхликлари мўл.
Бир вақтлар атрофга солгандир қутқу
Зотлар ва отларнинг садоси бутқул.

¹ Қашқарбеда — дуккақдошларга мансуб ўқ илдизли икки йиллик бегона ўтлар туркуми. Ўзбекистонда сариқ қашқарбеда ва оқ қашқарбеда турлари учрайди.

² Амазонкалар — қадимги юонон афсоналаридаги жангчи аёллар. Ривоятларга кўра, улар Кичик Осиёда ва Азов денгизи қирогоқларида яшаган.

Аммо, ҳаётимиз — оний. Қаранг-чи,
Күмлоқда қоптими бирон изё сас?
Денгиэдан келётган шамолми, жангчи?
Яланғоч сохил-ку, лек аёл әмас!?

Уларнинг нафасин бу қирғоқлардан
Жануб ели қувган анча вақт аввал...
Пошналар изини нам қумлоқлардан
Зумрад оқим ювиб юборган тугал...

1903—1906 йиллар

ОҚИЛЛАРГА

Ботир — бўронга ўхшар, чодирларни бузгувчи,
Ёвнинг таъзирин бериб, қулогидан чўзгувчи.
Аммо, нотенг бир жангда ботир тупрокни қучгай,
Мисли учар юлдуздек руҳи самога кўчгай.

Кўрқоқ эса омондир. Юрагида ўч омон,
Мерган-да, найзасини чархлаб юради пинҳон.
Албатта, у оқил ҳам! Афсуски, қора юрак —
Кўксида тутаб турар бамисоли нам тезак.

1903—1906 йиллар

ШЕРОЗ АТИРГУЛЛАРИ

Сайра, булбул! Атиргуллар зор:
Акасларнинг гулчодирида,
Олмосдек шудринглар шашқатор,
Кўзёшига ўхшайди жуда.

Боги Эрам дейсиз боғларни,
Шундай сарин, шу қадар күркем.
Нақш пардадан үт нигоҳларин
Узмай бокар Ой — шоҳ; бор — ҳарам.

Саропарда — оқ, ҳарир девор.
Кўк ҳам — ипак. Ва юлдузлари
Термулади, гўё жодукор
Зумрад тусли аждар кўзлари.

Сайра, булбул! Гуллар интизор.
Аммо, улар гапиролмас, лол:
Таратган хуш бўйлари — изҳор,
Шудринглари тиниқ ишқ мисол.

1906—1907 йиллар

* * *

Етим қизча ёлғиз борар чантга ботиб,
Дала-даштда адашишдан чўчир эди.
Бир йўловчи дуч келди-ю, жиддий боқиб:
Ўгай онанг ҳузурига қайтгин, деди.

Яйловларда узоқ кезди етим қизча,
Қўрқанидан йифлаб чиқди қаро тунда.
Учради ва мойил боқди бир фаришта,
Фариштали кўзлардан нур кетди шунда.

Адирлардан үтди қизча, қирлар кезди,
Борар эди эгри-буғри сўқмоқлардан.
Бир довонда қаршисидан чиқди Ўзи,
Мехр-шафқат нури ёғди нигоҳлардан.

“Онажонинг эшитмайди фам чексанг ҳам,
Тор қабрдан чиқиб келмас, — деди Эгам, —
Менинг қизим бўлгайдирсан, етимгинам”,
Сўнгра уни олиб кетди жаннатига.

1907 йил

ҚОНУН

Марҳаматли Қодир Эгам номи билан бошлайман!
Қоғозни ҳам, қаломни ҳам Яратган Ўзи берган.
Деди: ёзув — азиз, билгил; амал қилгин сен тўлиқ.
Айтганинга риоя эт, айниқса, қонун — қутлуг.

Қонун қабул қилгандан сўнг масалани дангал қўй,
Уни кучга киритдингми, ҳурматини қил бешак.
Ахир, китоб ортмоқлаган хачир әмасдирсан-ку:
Қонунни ҳам шунчаки бир юк деб ташийди эшак.

1906—1907 йиллар

МАҚОМ¹

Мақом — ҳайрат, муқаддас бир зикр у,
Орзуларга етмоқликнинг жоҳидир.
Мақом — соғинч, илоҳий бир шукр у
Ва ижоднинг навосиз гувоҳидир.

¹ Мақом — арабча сўз бўлиб, асосан жой, ўрин, манзил каби лугавий маъноларга эга. Ўзбек тилида бу тушунча икки хил мазмунда кенг қўлланилади. Биринчидан, мақом — Шарқ мусиқасида мусиқий оҳанг, кўй йўли, тартиби ва жанри, демакдир. Мисол учун, “Шашмақом” номли олти қисмдан иборат ўзбек мумтоз мусиқа асарининг ҳар бир қисми “мақом” деб аталади. Иккинчидан, мақом — ислом динида тасаввуфга хос тушунча бўлиб, ҳар бир сўфий босиб ўтиши лозим бўлган босқичларни англатади. Турли тариқатларда мақомларнинг сони ҳар хил келтирилган, лекин кўп ҳоларда тўртта мақом — шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат тилга олинади. Иван Буниннинг “Мақом” шеъри улут рус шоири бу тушунчаларни жуда яхши билганидан далолатдир.

Девоналар армонга чўзар қўлин,
Яратганинг дийдорига зорман, дер.
Билмайдики: “Етишган — тонгай ўлим”.
Айни чоғда, қазо Худога элтур.

Меҳнатимнинг азобидан мен мамнун!
Бор ҳаётим шу ижод деб ўтади.
Умрим — камон масофаси¹, инчунун
Мен истаган мақом сари элтади.

1906—1907 йиллар

* * *

Поплар сабаб, шайтонлар сабаб
Кимлар ўтда бўлмади кабоб.

Кимни дин деб, кимни бедин деб,
Юлдузни кашф этдинг недин, деб

Тирик тутиб келингач талай
Қулоқларга қўйилди қалай.

Хўш, кейин-чи? Иблис қолди лол!
Чув тушириди писмиқ одамзот.

Кечакирик куйдирган, алҳол
Бугун гўрин қилади обод.

2.VII.1907 йил

¹ Иван Бунин Қуръони карим маъно-маэмунидан хабардор бўлиб, айни мавзуда бир қатор шеърлар ҳам ёзгани маълум. Бинобарин, бу ўриндаги “Умрим — камон масофаси” ташбеҳи илоҳий мақомга ишорадир. “Нажим” сурасининг 9-оятида: “Бас, икки камон миқдоридай жойда бўлди. Балки ундан ҳам яқинроқ келди”, дейилади. Яъни, “Тафсири Ҳилол”га қўра, фаришта Жаброил алайхиссалом Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаалоҳу алайхи васалламга Аллоҳ таоло ваҳийини етказиш учун икки камон миқдорича, балки ундан ҳам яқинроқ келганлар. Бундай яқинлик натижасида ваҳийни етказиш осонлашган.

ШАРОБ

— Яйлов¹да күклади қора қайинлар,
Кизарди қомати расо қарагай:
Айтгин-чи, ҳижронда яшаган кунлар
Юртга баҳор келса қайдан билингай?

“Токзорлар куртагин ёзиб агарда
Узум ҳосилига шайланса шитоб,
Салқин ва қоронғу ертүлаларда
Етила бошлайди олтинранг шароб”.

1906—1908 йиллар

ДАФИНА²

Бу дунёдан тинч күз юмганлар
Осоиши мангу бегумон.
Хазинасин гүрга құмғанлар
Мозорида увлайди армон.
Үнүтмаган юлдузлар ҳатто:
Ким дағн әтган, қаерда, нима.
Қазодан ҳам даҳшатли, зотан
Ажал қўриб ётган хазина.

1908 йил

¹ Яйлов — Қримдаги тог тизмаларининг умумий номи; ўндан ортиқ тог яйлови ўзаро туташиб, ёпик ва яхлит баландликни ташкил әтган жой.

² Иван Бунин Парижда чиқадиган “Последние новости” газетасининг 1932 йил 10 июль сонида чоп этилган битикларида буюк форсигүй шоир, адид ва мутафаккир Саъдий Шерозийнинг (Шайх Саъдий, 1203/1210—9.12.1292) “Гулистан” асаридаги ҳар қандай дафинани юз бошли аждар қўриқлаб ётади деган мазмундаги фикрларини келтирган. Юқоридаги шеърда Шайх Саъдийнинг ана шу фикри билан ўзаро ҳамоҳанглиқ мавжуд. Умуман олганда, Бунин Саъдий асарларини севиб мутолаа қилган ва Шарқ шоирига қўп бор мурожаат әтган.

ҚҰШИК

Феруза¹ ҳам бүлмиш хор,
Моғор босиб далада.
Күнглимга қарамас ёр —
Беписанд шу паллада.

Биламан, зигирпоя
Жуда нағис гуллайди.
У үсарди қайда-я,
Хеч әсимга келмайди.

Биламан, қароғинг — чүр,
Күзингда нур үйнайди.
Лекин, қаролмайман, йүр,
Ибайим үйл қўймайди.

1906—1909 йиллар

СОҲИЛ

Яна қўклам яшнар ойна ортида.
Кулбада энг сўнгти нарсами-нима —
Заъфарон шам нурида
Тебранади юпқа бир кема.

Ювиб-тараб ҳамда ясантирилар,
Сўнг тўсиб қўйдилар бўздек юзини,
Бир муддат шу ҳолда қолсин, дедилар
Сенинг қиёфадош ва гунг дўстингни.

¹ Феруза — қаттиқ ва юмшоқ қўринишга эга минерал. Қаттиқ ферузанинг ранги кўк ва самовий кўк бўлиб, яшил, қўнгир яшил ва қўнгир рангтacha ўзгаради. Юмшоқ феруза нам ҳолатда учрайди, қуритилганда каттиклишади. Ранги оқимтири, оч ҳаворанг, ҳаворанг яшил ва оч яшил бўлади.

Шўрликнинг на оти, на зоти бордир,
На дўсти, на ота-онаси, уйи.
Тобут ичра кечган умри абгордир,
Ҳар бир сонияси дўзахдек куюк.

Охирати обод бўлсин, майлига!
Озод руҳинг каби ҳадемай
Мовий уммон сари чиққай сайдра
Оқ кема.

16.VIII.1909 йил

ВИДОЛАШУВ

Эски чинорзорнинг бўйида қутсиз
Кўринар қуриган чашма ва жарлар,
Лола-қизғалдоқлар тўшалган қирмиз
ва заррин барглар.

Осмон сўник, офтоб ботди бир зумда,
Совуқ шамол эсар. Мовий кўзингдан
Дона-дона сизган йилтироқ ёшлиар
Бўзаргай баайнни феруза тошлиар.

1906–1909 йиллар

ЗИЁРАТЧИ¹

Сажжодага чўқди, лангар ташлади,
Ялангоёқ, оқ соч, юпқа чопонда,
Салласи қозондек... Оқшом бошланди
Олдинда файзли тун руҳ берар жонга.

¹ Бу шеър 1910 йили Москвада нашр этилган “Друкарь” тўпламига “Ҳожи” деган сарлавҳа остида киритилган.

Сүнг турди, кафтини босди тупроққа,
Пулинин ямокқа яширган дайди
Сингари қалбидә бир ўй асрайди —
Мәхнатига ризо сүрайди Ҳақдан.

Шунқор нигоҳига менгзайди күэлар,
Син солиб тикилар мовий осмонга.
Тасбек донасига дүнди юлдузлар
Мұқаддас ва азиз ўшал маконда.

Күнгил ҳам, кафтлар ҳам — ҳаммаси очиқ...
Самода ахтарлар күзёшдек сочиқ.

1906—1910 йиллар

ЙҮЛ БҮЙИДА

Эски, қиийшиқ бўлса ҳам, бироқ
Деразадан қўринар осмон:
Ойнада ой акси — япалоқ,
Йилт этади доғдек ҳар замон.

Чол эртароқ ётди, набира
Ухламасдан чиқиши лозим.
Ўй сурса ҳам, тугамас сира —
Кузтунлари чўлда хўп узун!

Кечак оқшом ўтди тоғирлар
Катта йўлдан, қишлоқ оралаб.
Изифиринда совуқ йилтииар
Буқа шохи ва аробалар.

Уловлар мўл, изма-из эди,
Жон кирганча ҳатто қамарга, —

Тунги карвон соясин тутиб,
Англизларда кузатиб боргай...

Каспийга юр, унда иш бисёр,
Таъминламоқ мумкин ҳаммани,
Тожирлар-ла бирга кетгум бор,
Лек кўз қиймас қийшиқ ойнани.

Гилон (Қоҳира яқинида),
28.1.1911 йил.

ҚҮНОҚ

Дунё — ўрмон, қушларга тунги макон.
Қоҳилар дуоси

Шом пайти илийди ўрмон зулмати
Ва илиқ сув узра — шафақ нурлари.
Шу зулматнинг яшил бағрида ётиб,
Хордиқ ол ҳузурланиб.

Тонг отганда эса оппоқ, сершабнам,
Қанот қоқ, баргларни айлагин тўзон.
Ва тиниқ осмонга синггин чунонам —
Батанингга қайтгин, жон!

Ҳинд океани, II.1911 йил

ЧОРЛОВ

Нафақада юрган денгизчидек мен
Ҳар тун денгизни туш кўриб чиқаман.

Мустаҳкам боғлайман ўзни арқонга,
Токи олиб кетсин мени уммонга.

Зотан, хотиралар асти тинч қўймас,
Янги саргузаштга чорлайди пайваст.

Энг чет денгиз, олис юртга бошла, дер.
Армон тугар жойга лангар ташла, дер.

Атлантида¹ сари қадамим етса,
Майли, ўша ёқда йўқолиб кетсан.

Аммо, биламанки, ўлгуним қадар —
Мумланган арқонлар тушимга кирап.

Тубсиз уммон, соҳир мавжлар оша мен —
Дарғанинг даъватин кутиб яшайман!

8.VII.1911 йил

БОШ ҚАРОЛ

Тунчироқ ваҳмали ва совуқ,
Кенг саройда ёнар қийимсиз.
Юздан ошган жўкалар тиқ-тиқ
Деразани чертар тинимсиз.

Жала қуяр, гўё беомон
Том босди ё босдилар томни.
Шовқин-сурон... Дард узра чипқон:
Вассажуфтдан чаккилар томди.

То тонггача оввора бўл, сен —
Қўлларингда тогора бўлсин!

¹ Атлантида — Платон асарларида сақланган юонон ривоятларига кўра, Атлантика океанида, тахминан Гибралтар бўгозининг гарбидаги мавжуд бўлган улкан орол. Ери сердосил, ахолиси зич жойлашган бу худуд зилзила натижасида океан қаърига чўкиб кетган. Атлантиданинг мавжуд бўлганлиги ва ҳалокатга учраши сабаблари фанда ҳануздагча муаммо бўлиб колмоқда.

Түннинг ўтсин ташвиш-армонда,
Юпун камзул, калта иштонда!

1906—1911 йиллар

ХИРГОЙИ

Кишлоғу маҳаллада,
Зиёфат ва яллада
Умрингни қилдинг адо.
Үрмонаңда куним ўтиб,
Кулбаларда хун ютиб,
Сенга хўп бўлдим гадо.

Қизлар тўқирди гилам,
Бола — энага билан;
Ўзим ёлғиз ҳамиша.
Тар мева каби олтин
Ва банди қушдай сокин,
Зифирдан ҳам кумуш-а.

Мен эдимми суймаган
ҳамда ҳеч сифинмаган,
Асрасин, дея Худо?
Умр сувдек оқарди,
Сочларимиз оқарди...
Ва сенда сўнди садо.

Офтоб — ботар чоғида
Бўлар ҳар биро ҳовлида,
Эманзордан ўтар йўл.
Куннинг тафти сезилмас,
На-да занжир узилмас,
Бандиликка рози дил...

1906—1911 йиллар

АЙТИШУВ¹

- Кеч тушиб қолди, болам
Йүл кимсасиз, серхатар...
- Она, бабақ хүрөзни
Эмчи интизор кутар.
- Ўрмон — талончига кон,
Хосиятсиз жойлар-да...
- Ўткир пўлат пичофим
Камаримга бойланган!
- Дарё тошқин, сув совуқ,
Кемачилар ўйғонмас...
- Энгил-бошим қурир-ку,
У соҳилга ўтсан бас!
- Ой бориб, қачон омон
Қайтгайсан, болажон-а?
- Бир гап бўлар, биз обдон
Хўшлашайлик-чи, она!

23.VII.1912 йил

¹ Санкт-Петербургда чиқадиган “Вестник Европы” журналининг 1913 йил 2-сонида (февраль) “Лапар” сарлавҳаси остида эълон қилинган бу шеър рус халқ қўшиқлари оҳангиде ёзилган. Бу борада Иван Бунин шундай деган: “Мен қачонлардир лапар ва термалар, халқ айтишувлари ва маталларни тўплаш билан астойдил шутулланганман. Бу гоятда бебаҳо бойлик бўлиб, қанча кўп ва хўп ёзиб олинса ҳам, бари бир, адогига етиб бўлмайди... Ҳар хил термалар ва халқ айтишувларининг ўзидан қариyb ўн бир мингтасини тўплаганман. Билмайман, ушбу материалларнинг барчаси ҳозир сақланганмикан, улар Москвадаги архивларим ичida қолган. Эндиликда нималарнидир хотираамда қайта тиклашга интиляпман, аммо хотира дегани — алдоқчи-да”. Қаранг: “Подъём”, Воронеж, 1979, №1, с. 121.

СҮЗ¹

Хок, мүмиё, сўнгак — ўлик барчаси,
Фақат сўэда жон бор азалдан.
Бу кўхна дунёмиз — зулмат дахмаси
Барҳаётдир сўз ва ғазалдан.

Езувдай зўр неъмат, соҳир мулк борми!
Яшасайдик асраб муттасил
Жон қадар, ҳеч курса, имкон қадарми,
Зотан, боқий инъом бизга — тил!

7.1.1915 йил. Москва

УРУШ²

Сарвзору саганалар оралаб
Кўкка ўрлар тундек қора қаргалар.
Ўққа учган салла бир ён ётар хор,
Бир томонда ипак рўмол кир, абгор.
Азиз китоб узра из бор — нагалми...
От туёги шунчалик ҳам дағалми!

Эгасиз боф пайҳон, ичим ачири.
Куюк шоҳга интилганча хачирим —
Ҳанграп, яна боққа қасди бормикан?
Мен — пес, мендек мохов эса шод-хандон,
Аччиқ тутун ичра кезгум лол-ҳайрон,
Бундай дўзах Аршга ҳам озормикан:

¹ "Летопись" журналининг 1915 йил 1-сонида (декабрь) эълон қилинган ушбу шеър ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Иван Бунин 1913 йили ўз даврининг модерн адабиёти хусусида мушоҳада юритар әкан, жумладан, шундай деган: "...рус тили бузилган... рус насрый нутқига хос оҳанг ва бошқа узвий сифатларни ҳис этиш туйгуси бой берилган, назм... сийқа ёхуд bemaza бир жўн нарсага айланиб қолган". — (Полное собрание сочинений, т. 6, с. 317).

² Бу шеър Петроградда чиқадиган "Биржевые ведомости" газетасининг 1915 йил 25 декабрь сонида "Мохов" сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Меники бу гунг ва вайронга шаҳар,
Таслимимдир энди ордона шаҳар,
Менга тобе ҳар кӯча, ҳар йўлаги,
Ҳатто барча мурдаларнинг шиппаги.
Шу хароба уй, саройлар узра боқ —
Денгиз саси нақадар хуш ва янгроқ!

12. IX. 1915 йил

* * *

Қачонлардир қўйруқдор кемаларда
Қанча вақтлар уммонларда сузганман.
Мовий осмон, елкан ва нималардир —
Бош устимда турган, дунё кезганман...
Етар энди, қуруқликни тарқ этай,
Тўла-тўкис эрк дея тугар бардош.
Яна тоза кўнглим билан ҳадемай
Кўк ва уммон меҳробига қўйгум бош!

25.I.1916 йил

* * *

Деворқоғоз мовий тусда эди кўп олдин,
Йиллар ўтиб, ранги роса униқиб қолди.

Мўл суратлар ва тимсоллар ечилгач, қаранг,
Ҳар-ҳар жойдан кўринмоқда энди ўша ранг.

Кўксимнинг нақтубидаги не-не сирларим
Водаригки, ўчиб борар вақт ўтган сари!

Унут бўлиб кетганлардан, лекин ушбу бу кез
Юрагимнинг деворида сақланмоқда из.

31.I.1916 йил

ШОШМА, ҚҮЁШ!¹

Улов шошар, ғилдираклар йилтиллайди,
Дилимда армон, титроқ,
Буароба борҳо тезроқ интилгайдир,
Олдга қарайман ҳар чоқ.
Олдда не бор? Жарлик, ўра, камар бордир,
Уфқда қон шундан дарак...
Қичқирадим агар ҳукмим ўтса борми:
“Шошма, қүёш! Бас, ғилдирак!”

13.II.1916 йил

ЕШЛИК

Қурғоқ дарахтзорда қамчи тарсиллар,
Сигирлар бутазор кезар лорсиллаб,
Бойчечак гуллапти мовий чунонам,
Эман япроқлари пойимда гилам.

Булутлар ёғинни опичлаб кезар,
Кўм-кўк дала бўйлаб шаббода эсар.
Сирли бир висолни қўмсаб тоқат тоқ,
Ҳаёт эса даштдек яйдоқ, беадоқ.

7.IV.1916 йил

ФОЛ

Бахтингданми, тахтингдан ё?..
Майли, очганим бўлсин.
Қўлингни тут, қўзимга боқ,
Қани, опанг ўргилсин...

¹ “Библия” нақлларига қўра, Мусо алайҳиссаломнинг хизматкори ва сафдоши бўлмиш Исо Навин (Исо Масиҳ әмас!) бир жангу жадал олдидан офтобга қараб: “Шошма, қүёш!”, деб даъват этган ва натижада ушандагуннинг бир муддат узайишига эришган.

Воҳ, кафтларинг бунча очик,
Бунча майин ва содда!
Кизармадинг, ҳаёнг ҳам йўқ?
Довдираб, энсанг қотди!

Кипригингга қалқиди нам,
Рангинг оқармиш бунча?
Парво қилма, қизил гул ҳам
Оқарап очилгунча.

10.V.1916 йил

* * *

Кўп вақт ўтиб, бир кун Жаннат деворлари қулади,
Хароба ва қаровсиздир Беҳиштда не-не боғлар.

Кечалари бунда энди шоқоллар сайд қилади,
Яратганинг қаҳридан ҳам чўчимай қўйди зоглар.

Ва одамзот қайтиб келди Жаннатга ўша замон,
Ҳалол меҳнат — гуноҳлардан фориг бўлмоқ чораси.

Аммо, ундан илгарироқ ҳаракат қилди Шайтон,
Жаннат ўрнида тиклади у Бобил минорасин.

29.VI.1916 йил

ҚОРА ЧИГИРТКА

Нафармон кўк узра
Зарғалдоқ қамар.
Олтин буғдойзорда
Тунги куй янграп:

Қора чигиртканинг
Уйқуси чала.
Шунданми, маҳзун ва
Узун күй чалар.

Бир дам лолу мафтун
Теграмга боқдим.
Бошланиб кетмиш тун,
Ойдан нур ёғди.

Күк ва замин кумуш,
Серҳосил дашт ҳам.
Тин олади сархуш
Сиймтан ўлкам.

30.VI.1916 йил

* * *

Жала қуяр. Борлиқда туман.
Бош чайқайди арчалар ҳайрон:
“Эх, Худо-я!” — худдики пиён,
Сувга бўкиб тебранар ўрмон.

Коровулхона ним қоронғу,
Қошиқ ўйнаб ўтирас гўдак.
Онасини элитган уйқу,
Қўра ичра маърайди хўжак¹.

Кулба ғаму пашшага тўла... —
Нечук чумчук сайрас ўрмонда,
Замбариқ мўл, чаманзор гуллар
Ва чечаклар яшнар ҳар ёнда?

¹ Хўжак — бузоқ (шевада).

Нима учун хумкалла бола
Дунёдану ғамдан аразлаб
Ва оҳангин ёмғирга мослаб,
Қошиқ билан ойнани чалар?

Бузоқ гунгдек сас берар яна
Ва арчалар эгиб нинасин,
Тўкиб солар араз-гинасин:
“Эҳ, Худо-я! Эҳ, Художон-а!”

7.VII.1916 йил

АФИНА-ПАЛЛАДА ТУЛПОРИ¹

Коҳинлар дуода байбайлаб,
Дарвоза очилар — ҳайҳайлаб
Чўкка тушар оломон.
Келмоқда баҳайбат бир тулпор,
Тиллоранг, калласи нақшинкор,
Офтобда порлар чунон.
Шўргинанг қуриди, Илион²!

¹ Афина-Паллада тулпори (Троя оти) — юонон ривоятларига кўра, ёғочдан ишланган улкан от; унинг ичига яшириниб олган юононларниң сара аскарлари Трояга (Илионга) кирганлар. Трояликлар юононларниң бу хийасидан гафлатда қолишган, ятни шаҳар девори олдида турган отни юонон илоҳи Афина-Палладанинг тухфаси деб ўйлашган. Соҳибкаромат Кассандранинг огоҳлантиришларини эшитмай, ёғоч отни шаҳарга олиб киришган. Тунда юононлар отнинг ичидан чиқиб қалъа дарвозасини очганлар ва қолган қўшинни шаҳарга киришига имкон берганлар.

² Илион (Троя) — Кичик Осиёнинг шимолий гарбидаги қадимий шаҳар. Юонон эпоси орқали маълум. Жез даврида (милоддан аввалги тахминан 3 мингинчи йиллар) ўирик марказ ва кичик подшолик пойтахти бўлган. Милоддан аввалги тахминан 1260 йилда Троя уруши натижасида вайрон қилинган. Кейинчалик, милоддан аввалги 700 йилда юононлар Троя ўрнида Янги Илион номли шаҳар барпо этишган.

Күдратли, улугвор, гавжум кент,
Шүринг қурсин, Илион¹!
Кохину оломон гавгоси түсди
Кассандра садосин,
Халоскор башорат нидосин
Энди ҳаргиз әшитмагайсен!

22.VII.1916 йил

* * *

Чарх² йүқдири бу фалак остида, Эгам:
Чарх йүқдири: гардиш бор ва яна кегай,
От билан йўллар бор извошчига шай
Ва чамбарнинг тарақлаши, ярақлаши ҳам.

Аслида, олам ва биз эмасми Чарх?
Ўзгалардан нима билан қилдик фарқ?
Зотан, жами Чархдан кўра қимматдир
Чарх ҳақида мавжуд биргина Фикр.

25.VII.1916 йил

* * *

Кунлардан бир куни бўлмам бунда, йўқ.
Ҳувиллаган ушбу хонамда аммо
Ҳеч нарса ўзгармас: стол, ўриндиқ,
Девордаги ўша қадимий сиймо.

Ўша-ўша: барқут қанотин мақтаб,
Кириб келади-да яна жонҳалак,

¹ “Шўргинанг қуриди, Илион! Күдратли, улугвор, гавжум кент” — “Алоказипсис” матнидан (юн. apokalipsis — башорат, дегани). Бу китоб яхудий ва христиан динларининг юзага келишига оид диний адабиёт на- муналаридан биридир.

² Чарх, ғилдирак, доира, тегирмон тоши — дунёнинг аксарият халқлари асотиршунослигида абадий айланувчан ҳаракатга оид фикрларни ифода этувчи илоҳий тимсоллар.

Мовий шифтда ипак гулдек ярақлаб,
Учиб-құниб-учиб кезар капалак.

Худди ўшандайин, очиқ ойнадан
Кенг осмон тикилиб қарайверади.
Ва уммон — зангори, яйдоқ бир майдон,
Кимсасиз бағрига чорлайверади.

10.VIII.1916 ыйл

* * *

Сокин тунда чиқиб келди түлин ой
Тим қора дарахтлар оралаб.
Манзар эшигининг саси, ҳойнахой,
Хузурбахш охандек таралар.

Орамизда кечиб арзимаган баҳс,
Сен унда дөғ ва мен бунда дөғ.
Шундай ажиб тунда биз ютиб нафас,
Үрнимизга хұрсинди гулбоғ.

Үн олтига қадам қүйған әдинг сен,
Мен киргандым үн етти ёшга.
Эслагин, сен әдинг ўшанда, лекин
Ой нурига эшикни очган!?.

Лабларингта босиб күэ ёшда бүккан
Нафис рұмолчангнинг учини,
Титраб, тушириб ҳам қүйғандинг, эркам,
Сочингдаги түғнағиғиңгни.

Үртаниб ва ёниб менинг ҳам жоним,
Жүшган әди күнглимда жунун...

Қанийди, қадрдон, бўлса имкони —
Қайтиб келса эди ўша тун!

27.VIII.1916 йил

БУЛБУЛНИНГ ИЛК САЙРОГИ

Милтиллаб эрийди ой булатлар товогида.
Олма дарахти қўркам оқ гуллар қучогида.

Ой гирдини уммондек ўраган абри найсон
Мавжланади, тўлқини нафис ва ларзон-ларзон.

Тиник хиёбонларда салқин ҳаво таралгай,
Булбулнинг ilk сайроғи мисли наво, яралгай.

Үй оқшом оғушида, деразанинг қошида
Сочларин ўтар бир қиз ой нурин ёғдусида.

Қизни ҳайратга солар, яйратар юракларин
Дунё минг бор эшитган баҳорнинг эртаклари.

2.X.1916 йил

ҚАРИ ОЛМА ДАРАХТИ

Эгнингда фатила-фатила хушбўй қор,
Офтобда олтиндай товланган жарангдор
Ари ва замбурулар оғушида бу дам
Кексарайсанми, азизам? Чекма ғам!
Айт-чи, сендек яшнаб ва яшариб такрор,
Гуллаб туриб қарий оларми ҳар ким ҳам!

1916 йил

КАРВОНДА

Ой нурида олис жанубда
Күмлар сувдек порлаган кезлар
Эсламагин жононни қўп-да,
Ёддан чиқсин гинали қўзлар.

Ой нурида қум оқар ялт-ялт,
Олтинмикан ёки сувми ул?
Армон тўла юракка фақат
Юпанч эгар билан йўл.

Ой нурида ҳар бир саксовул,
Ҳар битта тош қорайиб боқар.
Эсаётган ҳароратли ел
Ёр нафаси каби хуш ёқар.

28.VIII.1917 йил

* * *

Эрта сахар, фира-шира тонготар,
Юракларни ўн олти ёш уйғотар.

Ҳали-бери боғ пинақда, афтидан —
Мизғир жўка гулларининг тафтида.

Сир-синоат ва сукунат ичрадир,
Менга таниш деразали бу қаср.

Ором олар ойнага парда ёпиб,
Ўн олти минг оламимнинг офтоби.

27.IX.1917 йил

* * *

Арқонини узди-ю довул,
Далаларда югурди бебош.
Жалаларда баргдек бүлгач ҳұл,
Яхши ҳамки күринди қүёш.
Сүнг булатлар бое узра үсди,
Мум девордек офтобни түсди
Ва очилди рангин камалак,
Боги Эрам дарвозасидек,
Бир муҳташам, бирам ваҳмали.

1.X.1917 йил

* * *

Кимсасиз, муҳташам бое саҳни аро
Боряпман, пойимда инграйди хазон:
Бу нечук эрмакдир харобдан-хароб,
Кечмишни тепкилаб үтмоқ ҳар қачон!

Холбуки, илгари яширган қадрин
Нимаики бүлса, эслаш — ҳаловат!
Софинмоқ яна бир баҳорнинг атрин —
Бу азоб, бу алам, бу ор, маломат!

3.X.1917 йил

* * *

Бир юлдуз мавжланар олам тоқида...
Айт, кимнинг афсунгар құллари — чаққон,
Сабр косасидек лиммо-лим жуда
Сирли бир қадаҳни сунмоқда бу он?

Юлдуздек ёнади турмушнинг ғами,
Фалакнинг кўзёши, юракнинг дарди.
Не учун, Худойим, бу тўла жомни —
Аччиқ ҳаётимни кўкка кўтардинг?

22.X.1917 йил

* * *

Бу гуллар, арилар, майса, бошоқлар,
Бумовий кенгликлар, бу тафту шарор...
Вақтики, бандадан Эгам сўроқлар:
“Кечдими ердаги умринг баҳтиёр?”.

Ва бари ўчса ҳам у кез хаёлдан,
Шудала йўлини эслашим тайин.
Дилим шод, кўзда ёш, тилим лол ҳолда
Сўнг бошим саждага қўйиб ётайнин.

14.VII.1918 йил

ТЎТИҚУШ

Ватанида эди ям-яшил...
Брэм¹

Тўтиқушни уммон ортидан
Тутиб бу ён келтиришганди.
Саргайибди соғинч дардидан
Тор қафасга қамалган банди.

¹ **Брэм Стокер** (ингл. Abraham "Bram" Stoker, 1847—1912) — ирландиялик романнавис ва қисқа ҳикоялар муаллифи. Готика услубида битилган “Дракула” (1897) асари уни машҳурлик чўққисига чиқарган. Ушбу асар бутун дунёда кўршапалак мисол қонхўр одамларга ўҳшаган кўрқинчли образлар яратилишига туртки бўлган.

Ўша олис, обод маконинг
Энди қанча куйлама, шўрлик!
Қайтиб келмас яшнаш замонинг,
Сенга насиб этмагай ҳурлик.

10.V.1921 йил

* * *

Парранданинг ини бор, дарранданинг — макони.
Нораста бу кўнглимга алам қилган нақадар,
Тилга минг азоб бўлган айтмоқ бир сўз — видони,
Отам уйин тарк этиб кетарканман дарбадар!

Дарранданинг — макони, парранданинг ини бор.
Юрагим гурс-гурс ургай, ҳам ич-ичидан куйгай —
Менми ёки елкамда йиртиқ йўлхалтамми хор —
Эзгу тилак-ла ҳар гал кирсанм ижара уйга!¹

25.VI.1922 йил

КАМАЛАК

Камалак меҳроби — Ҳудо эҳсони,
Ҳаёт учун неки бўлса гар зарур —
Ҳаво, сув ва ёғдуунда жам эрур.
Қора булат аро рангин дунёни
Бизга шоён этар. Фақат Биру Бор
Марҳамат айласа: худди малакдек
Саноқли кишилар — шу камалақдек —
Умри поёнида порлагай бир бор.

15.VII.1922 йил

¹ Буниншунос олимларнинг фикрича, бу шеър сюжети қисман “Библия” нақларидан олинган. Ҳусусан, Исо Масиҳ шундай деган: “Тулкиларнинг уяси мавжуд, кўкда учар қушларнинг эса ини бор; фақат Одам Боласининг бош кўядиган жойи йўқ”. (Лука Инжили, IX, 58).

* * *

“Яна совуқ юзли, оқ сочли осмон,
Яп-яланг далалар, тиқилинч үйлар,
Сап-сариқ гиламга үхшаган үрмөн,
Остонада извош, қарол, жомадон...”

— Эх, эски дафтарни варақлаб толдим!
Бадбин банды, ахир, Худога ёқмас?
Дилхүш күз сайрига чиқишидан олдин
“Яна” деган сүзни битмагайман, бас!

7.VI.1923 йил

* * *

Деразамга боқардинг ва зерикардинг,
Келар әдинг, лек ичингда пинҳон дардинг...
Зеро, айни шу хоҳиши бор үзимда ҳам:
Қаламимни шундоққина қўйсам, шартта —
Деразадан тушиб келсам ва албатта
Сени баҳор bogларига олиб кетсам.
У bogларда изҳори ишқ қилган әдим,
Сенга боқиб, йиглаб-сиқтаб шундай девдим:
“Гар жаннатда учрашсак бир баҳтиёр кун,
Бог ичида ё кўчада, майли, қайда —
Оёгингга қўядим бош раҳмат айта
Севгим учун”.

6.XI.1938 йил

АЖИБ ПОРЛАР ШАМЛАР ЁЛҚИНИ...¹

* * *

Эй қалб! Кенгроқ очил, қабул айла, ох,
Баҳорий ҳисларни — оний меҳмонни!
Табиат, эт мени оғушингга жо,
Чиройингга Фидо этайин жонни.

Эй сен, юксак осмон, йироқдан-йироқ,
Чексиз мовий кенглик — йўқ сенда сарҳад.
Эй поёнсиз дала — ям-яшил ўтлоқ,
Чин дилдан талпингум сизларга фақат!

ҚИШЛОҚ ТИЛАМЧИСИ

Ухлаб ётар эман тагида
Тиламчи чол, ночор, ногирон.
Ямоқлари мўл чакмонининг,
Этагида офтоб сақлар жон.

Мўл йўл юриб, ҳориган дилхун,
Ётиб қолган эман остида.
Оёқлари толган, ёнар кун,
Тиф санчар ўт чолнинг устига.

Ох, қашшоқлик енгмишdir буткул,
У бошпана топмас ҳеч жойдан.

¹ Турсун Али таржималари.

Турсун Али — 1952 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Шоир ва таржимон. 2008 йили “Дўстлик” ордени билан мукофотланган. Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг аъзоси.

Қисмат әрүр гарибга нұқул,
Остонадан тиламоқ фойда.

Гадолар үйк пойтахтда асло,
Мұхтожлик хор айлаган яккаш!
Зиндон ичра — панжара аро,
Кам учрайди бу хил жафокаш.

Узоқ умрин үйлларида ул
Бор қувватин меңнатға берди.
Гүр қошида үша қуч буткул
Етмай қолса нетсин? Не дерди?

Қишлоқлардан қишлоққа ўтар,
Тили аранг үқир дуони.
Е ажал — ҳақ қўлидан тутар,
Жабри кўпдир қадим дунёнинг.

Ухлар. Яна қалқийди тезда:
“Худо ҳаққи, хайр қил. Яна хайр...”
Аянч — бунча хўрликни Русда,
Ато этган бўлса наҳот дайр?!

ДАЛА ГУЛЛАРИ

Ўт шуъласи, ойна орти яширин,
Нозланиб очилар бебаҳо гуллар.
Нафис атри тиниқ, мусаффо, ширин,
Барги, банди гўзал, нодирдир улар.

О, гулни ўстирар иссиқхонада,
Мовий уммон оша келтирмиш уни.

Күркитолмас уни совуқ шабада,
Чақмогу гулдурак, тунлар салқини.

Ватанимнинг сўлим далаларида
Шу гулнинг камтарин аймоқлари бор.
Очилар баҳор, ёз паллаларида,
Багрида гоҳ яшил ўрмон, ўтлоқзор.

Ойна иссиқхона, йўқ, йўқ, бу гуллар,
Осмон кенглигини қўрадир дилбанд.
Ўтга эмас, сирли маъвога улар,
Абадий буржларга бўлганча пайванд.

Улардан уятchan гўзаллик эсар,
Юрак ва қўзларга яқин қариндош.
Бошқа ким ҳам ўша кезларни эслар,
Аллақачон унут ва... тагин сирдош.

* * *

Ёдимдадир узоқ қиши туни,
Ола-ойдин. Сукунат ҳар ён.
Ажиб порлар шамлар ёлқини,
Остонада йиглайди бўрон.

“Болажоним, — шивирлар онам, —
Үйқунг келган бўлса агарда,
Эртага ҳам бўлиш-чун бардам,
Үйғониш-чун шодмон сахарда,

Унут бўрон увлаётганин,
Менинг бирла эканинг унут.

Эсла ўрмон майин шивирин,
Қайноқ кунлар тафтин ёдда тут.

Қайинларнинг садосин тингла,
Ед эт — ўрмон ортида уват.
Далаларда, юзлаб, минг-минглаб
Зар бошоқлар тўлқини қат-қат”.

Мен ҳам таниш маслаҳатни-ку,
Дастурамал билдим ўзимга.
Орзуларнинг огушида тун,
Үйқу кела бошлар кўзимга.

Үйқу билан келар ёнма-ён,
Алла айтган хаёл нафаси,
Ҳам шивирлар пишиб бўлган дон,
Англаб бўлмас қайинлар саси...

* * *

Қалдироқ-ла мени қўрқитма,
Тошқин сувнинг шовқини қувноқ!
Бўрондан сўнг бўлар, унутма,
Мовий осмон чунон мовийроқ.
Тингач бўрон, яна ёш бўлиб,
Янгича қўрк ялтирашида
Ифорлироқ, чиройга тўлиб,
Гул очилар айлаб нашида!

Қўрқаман, лек ёгинли кундан,
Ўйлаш оғир, ҳаёт ўтади.

Гамсиз, бахтсиз, гоҳ у, гоҳ бундан,
Тирикчилик олиб кетади.
Борар сўлиб қувватда ҳаёт,
На меҳнатсиз, на бир курашсиз,
Гамгин, намчил, туман ҳам, ҳайҳот,
Меҳрни умрбод кўмадир шаксиз!

* * *

Кўринмайди қушлар. Ҳувиллоқ, bemor,
Чирийдир тақдирга тан берган ўрмон.
Замбуруг ийқ, лекин аччиқ изи бор,
Жарликлардан, кўринг, анқир беармон.

Ўрмон қаъри чўқди, ойдиндир ойдан,
Буталар багрида ўлан ёнбошлар.
Куз, ёмғир зарбидан сўлжайган лойдай,
Қора барглар тагин қорая бошлар.

Далада-чи, шамол. Кун эса совуқ,
Қовоги солиқдир, мен-чи кун бўйи,
Кимсасиз даштзорга борганча ёвуқ,
Кетаман қишлоқдан дунёга тўйиб.

Мени аллалайди отлар дупури,
Дарддош бир қайгу-ла англайман алҳол,
Милтигим найида — бир хил сурори,
Нени наво айлаб қуйлайдир шамол?

ОНА

Кун бүйи, тун бүйи — сахаргача то,
Даштларда қутурди бүрөн ҳам чунон.
Четан деворларни айлади вайрон,
Қишлоқлар бузилиб кетганди ҳатто.
Кимсасиз бир уйга кирганди босиб,
Дераза ойнаси кетди зириллаб,
Қуруқ қор айланди қақшаб, чириллаб,
Зимистон хонага эмас муносиб.

Аммо олов бор-ди — кечаси ўчмай,
Ёритиб туради қовоқхонани,
Тонгга қадар ҳолин кўринг онани,
Аёл юммай қўзин, на еб, на ичмай,
Бунда бўлди... Ё ел, ё битган мойи —
Дафъатан ўчириди чироқни сўнгра,
Боласини олиб кифтига ўнглаб,
Аёл ўйлга тушди қилиб хиргойи...

Тун роса чўэилди — Ялдо ҳам бекор...
Баъзан уни ширин мудроқка чулғаб,
Секин сас берар бад қуюн очмай лаб,
Қора пешайвонда шопирганча қор.
Бўрон ёввойи ҳис исканжасида,
Тўсатдан ташланиб қолганди уйга.
Дир-дир титрагай деб борганди ўйга,
Фамда кимдир унинг муз панжасида.
Даштда заиф инграр — тушмиш не кўйга?
Неча бор тонггача, қўйганми танда?
Хорғин кўз ёшдан ялтирамади,

Демам, бола күргач — қалтирамади,
Унга нурсиз күзи билан бокқанда...

МАЁҚ

Күэсиз ойна, маёқ ичида,
Кузшамоли елар увиллаб,
Шовқин солар маёқ учиды,
Салқин шамол мени маст қилас.

Мен бурама зинада тұхтаб,
Пастға бокқым — тұлқинлар саси.
Соҳил мавжи, осмондир ажаб,
Ва уммоннинг мовий нафаси.

Пастда тұлқин, тепада тордек
Занжир боғи жаранглаб қуйлар.
Маёқ, күрфаз, тұлқин ўркачдек
Ва мен, осмон, булутлар, уйлар...

ИККИ КАМАЛАК

О, бир жуфт камалак — зарнигор, малхам,
Баҳор ёмғирлари. Жило сочар нур.
Қуюқ дараҳтзорлар ичра ушбу дам
Намчил май ҳавоси қолдирған билур.
Уфқда қоронғу булатлар зил-зил,
Қора нұқта — қүшнинг қанот излари.
Камалак турфа ранг, ноғармон, яшил,
Анқир бошоқларнинг тотли ислари.

МАЬЮС ХОТИРАЛАР ДИЛДА УЙГОНДИ...¹

* * *

Нақадар нурафшон гуллаган баҳор!
Ҳар галгидек боқиб кўзимга бедод
Ва, айт-чи, нимага маъюссан, дилдор,
Нимадан сўзингда бунча илтифот?

Сукут ичра нафис гулдек титрайсан...
Омайли, гапирма! Иқоор не керак?
Англадим: илтифот — ҳижрондан дарак,
Мен яна ёлғизман!

ОҚШОМ

Биз баҳтни хотирдан излаймиз музтар,
Ҳолбуки, у мавжуд ҳар ерда ҳар вақт —
Чайла ортида кузги боғ муваттар
Ва дарчадан эсган сабо эрур баҳт.

Тубсиз осмон узра парқу булутлар
Ястанар, товланар... Мен-чи, айлаб жаҳд
Кузатиб англадим, бизлар бехабар:
Фоғилга берилмас асло баҳтдан тахт.

Очиқ даричага чирқиллаб бир қуш
Қўнаркан, китобдан кўз узиб шу он,

¹ Сирожиддин Рауф таржималари.

Сирожиддин Рауф — 1967 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Журналист, хукуқшунос, шоир ва таржимон. 2002 йилда “Шуҳрат” медали билан тақдирланган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси. “Шарқ юлдузи” ва “Звезда Востока” журнallари бош муҳаррири (в.б.) лавозимида ишлайди.

Хоргии нигоҳ ташлаб қўйдим у томон.
Оқшом чўкаётир, осмон рўйи хуш.

Тегирмон қўшиғин тинглайди тандир...
Кўряпман, эшитдим — бахтим шундадир!

* * *

Бугун тунда кимдир куйлади узоқ.
Зимиston далани кезиб дарбадар,
Ўтмиш баҳт ва эркни қўмсади қўпроқ,
Овозида силқиб ўқинч ва қадар.

Сен ором олардинг... Дарчани бирдан
Очдиму қўшиқни ёниб тингладим...
Жавдар билан ёмғир ҳиди уфурган,
Салқин кеча ғоят хушбўй ва надим.

Бу нола қалб торин чERTдими? Билмам,
Маъюс хотирашар дилда уйғонди...
Сени шундай жондан севгандим мен ҳам,
Сен ҳам севган эдинг мени қачондир!

* * *

Қандай осойишта ва қандай очиқ,
Хувиллаган замин ғариб тус олган.
Ҳазонрез боғларда хотирот сочиқ,
Улуғвор осмон ҳам совуқ-бўзарган.

Эй, бепоён осмон, сенинг забонсиз,
Сокин ҳайбатингдан шошиб қоламан.
Ахир, бу ғарифлик кўнглимга эгиз,
Мен куэни қувониб қарши оламан.

Сочилган оловдай япроқлар лак-лак,
Нодир бүёкларда товланар экан,
Боғда ора-чира чирқиллар читтак,
Уларга хуш ёқар шу унут маскан.

Фақат куз шамоли гувлаган тунда,
Манзара ўзгарар, ҳаво айнийди.
Ошиқ қалб ҳижрондан бўзлайди шунда:
Оҳ, кўнглим маҳрами бўлса қанийди!..

* * *

Бир кун келиб жисму жоним йўқолар,
Лек, шунда ҳам ҳувиллаган бу хона
Бутун ашқол-дашқоли билан қолар —
Аввалгидай оддий ҳолатда яна.

Ва, яна шундай тинсиз учиб юрар
Қанотлари ғангин капалак:
Париллар, шитирлар ҳамда пирпириар
Зангори шифтузра жонсарак.

Ва, яна шундай осмон ҳам пастга,
Очиқ даричага боқади аста.
Мовий денгиз жимир-жимир тинмайди —
Бўм-бўш кенг бағрига чорлаб имлайди.

БИРИНЧИ БУЛБУЛ

Кўкда новвот каби эриб, ялтирайди ой,
Олма гули оқ, қўнғироқ — ажиб бир чирой.

Күк юзида тарам-тарам жимиirlар шафақ,
Ой теграси нилий рангда товланар фақат.

Шовуллар совуқда юпун ва ҳарир бөгча,
Махзунликда булбул нолон сайрайди чаҳ-чаҳ.

Очиқ дарича олдида ним қоронғида,
Қизча сочларини ўрар ой ёруғида...

Шунчалар тотлидир, бу баҳорий ҳикоя —
Минг айтилса-да, яна янги, бениҳоя!.

* * *

Елғиз қаршылайман шодмон кунларни —
Шимолда, овлоқда... Сизда-чи, күклам
Үрмона жон берар эритиб қорни,
Күрфаз майсалари ложувард, күркам.

Оқ қайин қимтиниб яшилланади,
Баландроқ олади булат забтини,
Шамол бөгни силқиб, сокин энади
Дарчага уфуриб апрель тафтини...

* * *

Қаровсиз боғдаги үшал буқри тол ости
Ховузда тун чоғи сокин чайқалган юлдуз —
Сахаргача милтираган шу чўғни, рости,
Мен энди ҳеч қачон кўкда кўрмасман, афус.
Болалигим кечган олис қишлоқ жонажон
Ва бағрида мен ёниб илк қўшиқлар битган,
Ўсмир орзуларим рӯёбини зор кутган
Ота уйимга ҳам энди қайтмам ҳеч қачон!

* * *

Шеърият — сүз билан англаңмас
мавхұм бир хилқат,

Мени ҳайратга солған тог багридек ёввойи:
Тошлоқ сайхон, четан құра, яна салқин сойи,
Чүпон гулханидан үрлаган тутун муваққат.

Ажид бир ҳадик ва шодликка қилолмай тоқат,
Юрагим буюарар: “Қайт ортга, бұлма ҳаввойи!”
Тутунмас димогимда гүё атиргул бүйи,
Борарман дилимда ҳасад ва адoқсиз ҳасрат.

Шеърият, ىүқ-ىүқ, у сиз билган шеърият әмас,
У менинг ёниқ ижодимда, меросимдадир —
Қанча бой бўлсан, шунча шоирман булбулнафас.

Ўзимга айтаман бир ҳисни туйғандек элас,
Ажоддларим айтиб кетган ҳикмат эсимдадир:
— Ажабки, турфа қалб ва замон дунёда бўлмас!

* * *

Баҳорий туйғулар, мана, марҳамат,
Лаҳзалик меҳмонсиз — қўксимни тутай!
Табиат, сен менга қучишни ўргат,
Гўзал борлиғингга қўшилиб кетай!

Эй, осмон, йироқсан, етмас нигоҳ ҳам,
Зангор кенгликларинг билмагайдир ҳад.
Сен-да бепоёнсан, ям-яшил далам,
Сизларга юракдан интилгум фақат!

ИВАН БУНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

Бахтиёр Назаров¹

ФИТРАТ ВА БУНИН²

ХХ аср ўзбек адабиётининг жаҳон сўз санъатидаги ўрни ва роли қандай? Биз бу саволга жавоб излашга узоқ вақт бирёқлама ёндашдик. Дунё тан олган хориж адиблари, аксаран рус ёзувчилари ўзбек қалам аҳлига кўрсатган таъсирни топишга гоҳида холис, кўпинча эса зўраки интилиш билан машғул бўлдик. Ҳолбуки, ўзбек ёзувчилари ҳам ўз асарлари билан жаҳон сўз санъатию адабий жараёнiga улуш қўша олгани айни ҳақиқат. Аммо биз бу улушни тадқиқ ва таҳдил орқали кўрсатиш тутул, ҳатто эътироф этишга ҳам чўчилик, журъат қилмадик. Бугун эса ўша хато ва камчиликларимизни мардларча тан олиш, айбни ўзимиздан — ўз танқидчи ва адабиётшуносларимиздан қидириш ўрнига нуқул шўро сиёсатию унинг мафкураси зугумига тўнкаётимиз.

Оврупо ва Америка танқидчилиги ҳамда адабиётшунослигининг кўпдан-кўп хусусиятларидан бири шундай: улар ўз минтақаларида яратилган асарлар фазилатини жаҳонга кўз-кўз қилишни, кенг тарғиб-ташвиқ этишни сал-

¹ Б. Назаров. Фитрат ва Бунин / “Тафаккур” журнали, 2015, 4-сон, 64–70-бетлар.

² Бахтиёр Назаров (1945.17.9, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (2000), филология фанлари доктори (1984), профессор (1994).

кам қонунга айлантирган ва барча соҳада бўлгани сингари адабиётда ҳам дунё гегемони эканига атай ургу беради. Тўгри, Оврупо ва Америка адабиётининг жумлаи жаҳонга кўз-кўз этарли ютуқлари оз эмас. Лекин чиндан-да ютуқ демоққа арзирли баъзи асарларни муносиб эъзозлаш билан бир қаторда уларга бирёқлама ёндашув ҳам мавжуд экани жаҳон афкор оммасига сир эмас. Ҳатто Нобель мукофотини беришда ҳам баъзан наинки жузъий, балки жиддий нохолисликлар кўзга ташланмоқда. Алалоқибат олийжаноб умуминсоний қадриятлар теран акс этган бадиий асарлар бир четда қолиб, айрим ночорроқ асарлар, гарбона дидга мос келгани учунгина, совринни илиб кетаётир. Собиқ шўравий республикалар бадиий ижодда мафкура зугумидан озод бўлганига салқам чорак аср тўлса-да, Нобель мукофоти билан сийловчи ташкилотнинг ўзи ҳануз ана шундай тушовдан халос бўлолмаганини дунё тан олган адиб Чингиз Айтматов ўз вақтида бу мукофотга лойик қўрилмагани ҳам тасдиқ этмайдими, ахир?!

Нафсиамри, ўзбек адабиётининг жаҳон миқёсидағи ўрни унинг қайси илгор сўз санъатидан қандай ютуқларни ўзлаштиргани билангина эмас, айни чоқда ўзи мустақил қандай фазилатларни касб этмоқда, Ватан равнақи, миллат камолотига нечогли ҳисса қўшмоқда, ўз замини ва бутун дунёдаги эврилишларни қанчалик ҳаққоний, теран, ёрқин акс эттиromoқда ва шу билан халқаро адабий жараёнда қандай мавке әгалламоқда — шулар билан ҳам белгиланмоғи лозим.

XX аср ўзбек адабиётида “Абулфайзон”, “Кеча ва кундуз”, “Ўткан кунлар”, “Руҳлар исёни”, “Ўзбекистон” сингари шоҳ асарлар озмунча эмас. Щунга кўра, адабий таъсир билан бирга типологик яқинлик муаммосини ҳам тадқиқ этиш — ўзбек адабиётини жаҳон сўз санъати контекстида ўрганишнинг самарали усусларидан биридир.

Типологик аналогия — замон ва макондан қатъи назар, турли адиб ва адабиётлар орасида, ўзаро таъсирларсиз зуҳур этувчи мазмуний-шаклий яқинлик, ўхшашлик, айниятдошлиkdir. Адабиётнинг ушбу қонунияти бирор алоҳида ёзувчию миллий адабиётни бошқаси билан бутун дунё ёки бирор минтаقا сатҳида қиёсий ўрганиш имконини беради; уларнинг халқаро адабий жараёндаги ўрни ва ролини тайин этади; ўзаро уйғун турфа миллий адабиётлардан ташкил топган жаҳон сўз санъатига ҳам алоҳида-алоҳида, ҳам яхлит ҳолда назар ташлашга йўл очади. Бир сўз билан айтилса, меҳварида сўз санъаткори турувчи жаҳон адабиётини яхлит жонли организм сифатида ҳам ич, ҳам ташдан гавдалантиради.

Келинг, фикрларимизни асослаш учун икки буюк адиб — Абдурауф Фитрат ва Иван Буниннинг “Темур олдинда” ҳамда “Темурхон ҳақида қўшиқ”¹ деган ҳажман кичик асарларини қиёсий таҳлил этайлик.

Шу вақтгача ўзбек ёзувчилари асарлари улардан илгари яшаган хориж адиблари асарларига қиёсан ўрганилгани ҳақида боягина айтдик. Бунинг сабаби — шўрлик ўзбек ёзувчиси, дейлик, рус устозидан албатта ибрат олиши керак эди-да!.. Аммо бу гал ўзаро қиёс этилаётган асарлар, ёзилган санаси нуқтаи назаридан, аксинча: Фитрат асари 1917, Бунин асари эса 1921 йилда ёзилган. Ўзбек адибининг насрый шеъри Октябрь тўнтаруви арафасида Туркистанда, рус ёзувчининг ҳикояси эса шу тўнтарувдан тўрт йил ўтгач, Францияда дунёга келган.

Тўғриси, Бунин аксар машҳур рус адиблари каби Амир Темур шахсига на шўро тўнтарувига қадар ва на ундан

¹ Иван Бунин ҳикоясининг олдинги таржимаси “Тафаккур” журналининг 1996 йил 3-сонида (104–107-бетлар) эълон қилинган бўлиб, унда таржимон исм-фамилияси аниқ кўрсатилмаган. Айни чогда, мазкур мақоласида ўша таржима матнини таҳлил ва талқин қилган академик Бахтиёр Назаровнинг ёзишича, аллома Озод Шарафиддинов асарни “Темурхон ҳақида қўшиқ” деган ном билан ўзбекчага ўгирган. — А.С.

сўнг одил ва холис муносабатда бўлган эмас. Лекин, аввало, ёзувчилик эътиқоди, қолаверса, бадий ният талабига кўра, ўзи буни хоҳлаганми, хоҳламаганми, “Темурхон ҳақида қўшиқ” асарида буюк Соҳибқирон образини бир қадар ҳаққоний тасвирлаган.

Маълумки, Бунин шўро тўнтарувини ёқламаган, унинг гояларини қабул қилмаган. У кундалик шаклида ёзган “Бадбаҳт кунлар” (1918) асарида кўплар инқилоб атаган талотумни кескин ва ошкор танқид қилган. Бу кайфият ва дунёқараш алалоқибат адебнинг 1920 йилда ватанини тарқ этиб, Францияда яшаб қолишига олиб келди.

Фитратнинг Туркистон аҳли ҳаётидаги норасоликлар ҳақида куюниб ёзган асарлари ўқувчига маълум. У каби Бунин ҳам бир қанча асарларида Россиянинг қолоқ турмушини қайғуриб тасвирлайди. Шу маънода, халқнинг забун ҳаётига ҳамдардлик Фитрат ва Буниннинг муштарак хусусияти дейиш мумкин.

XX аср бошларида Бунин бир неча Шарқ мамлакатларига саёҳат қилди. Бу ердаги халқларнинг турмуши, удумлари, тарихи билан танишди. Шу тариқа қалбига Шарқ рухини чуқур сингдиорди. Балки, айни сабабга кўра, унинг “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикояси билан Фитратнинг “Темур олдинда” мансураси ўртасида руҳий робита кўзга ташланар. Ушбу асарлар ўртасидаги матний яқинлик ҳам шундан бўлса ажабмас.

Фитратнинг Темур қабрини тавоғ этгани келган лирик қаҳрамони бўғзидан отилган оҳ-нолалар асар ёзилган вақтдаги Туркистон халқининг эрк, ҳуррият истаб чеккан дард-аламлари ифодасидир:

Турк учун қўйдигинг давлат битди,

Турк остига қурдигинг хоқонлик ёзиғами кетди.

Туркнинг номуси, эътибори, иймони,

Виждони золимларнинг аёзларин остинда қолди...

Буларнинг барига “ўзим сабаб бўлдим”,
деки фиғон чекади лирик қаҳрамон:

Сенинг Туронингни ўзим талатдим,
Сенинг турклигинги ўзим эздирдим,
Сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим...

Лирик қаҳрамон аччиқ иқрор ортидан
рухий мадад ўтинади:

Мен ёлғиз қонли күз ёшларимни бу сағананга
тўқмак учун эмас,
Ўз ёзиқларимни иқрор этарға келдим, хоқоним...
Эй арслонлар арслони!
Менинг ёзиқларимдан ўт,
Мени қўлимни тут,
Белимни боғла, муқаддас фотиҳангни бер!¹

Бу — эл-юртни асрий истибдоддан озод қилиш, ки-
шанларни парчалаш, Ватан мустақиллигини қўлга киритиш
учун сўз санъатининг мўътабар минбаридан ҳаёт-мамот
курашига чорлаш эди.

Бунинга келсак, гарчи Францияда яшаётган бўлса-да,
Россия қайгусидан озурдадил адабни Амир Темур обра-
зига мурожаат этишга, бу улуғ шахс ҳақида асар битишига
нима мажбур этди экан?

Бизнингча, мазкур асарнинг ёзилиши сира тасоди-
фий бўлмай, у Буниннинг шу даврдаги ижтимоий-сиёсий
қарашлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Юзаки қарал-
са, ҳикояда даврнинг ҳеч қандай муҳим ва салмоқли гояси
йўқдек, унда муаллиф бир тиланчининг Соҳибқирон ҳа-
қидаги қўшигига қулоқ тутиш баробарида Шарқнинг сў-

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, 1-жилд. — Т.: “Маънавият”, 2000. — 34—35-бетлар.

лим табиатини ҳам чизиб күрсатаётгандек туюлади. Бироқ чуқурроқ боқсак, ёзувчининг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий маслагини ҳам англаб етамиз.

Юқорида қайд этганимиздек, Бунин Октябрь тўнтарувини, шўро ислоҳотларини қабул қилмадигина эмас, уларни кескин ва ошкора танқид этди. Унинг Амир Темур образига мурожати замирида Россиянинг иқтисодий-сиёсий қудрати таянчларидан бири бўлмиш, Соҳибқирондек бутун дунёни зир титратган зотни вояга етказган Туркистон аҳли ҳам шўравий балодан қутула олмаётганидан қайгуриш, маъюсланиш туйгулари ётади, бизнингча.

Бунин тиланчи қўшиғи орқали Амир Темурни мадҳ ётади, кўкларга қўтаради. Қўшиқ мисраларидан бирида Соҳибқиронни “Жаброилдек нурли ва бетавфиқ” эди де-йилишига эса буюк жаҳонгирга бўлган русий муносабатнинг эпкини сифатида қарасак, хато бўлмас. Айни чоқда, қўшиқдаги “Соҳибқирон, сен Сулаймон подшодек доно ва бенуқсон эдинг!” деган хитобда Амир Темурга юксак эҳтиром яққол кўзга ташланади.

Фитрат ва Бунин асарларида шу қадар яқин, шу қадар уйгун нуқталар борки, беихтиёр, рус адаби ўзбек шоири мансураси билан таниш бўлган, бирорта сўзма-сўз таржи-ма орқали ундан таъсиrlанган эмасмикан, деган фикрга боришингиз ҳеч гап эмас. Бу ҳақда аниқ далил бўлмагани сабаб ҳозирча якуний хулоса чиқаришга шошилмаймиз, бироқ улар икки ижод маҳсули ўртасида типологик аналогия бор, дейишга ҳар қалай имкон беради.

Бунин ҳикоясига Қоимдаги овлоқ қаҳвахонада бир тиланчининг Амир Темур ҳақида куйлаган қўшиғи асос қилиб олинган. Мана, адаб талқини ва тасвиридаги қўшиқ пафоси: “О, Темур Соҳибқирон, — дея нола қилади қўшиқчи, — бу ёргу жаҳонда сендан жасурроқ, сендан саодатлироқ кимса йўқ эди... Энди эса сенинг қабринг ус-

тидан асрлар елиб ўтди, сенинг мангу мовий осмон ва ҳамиша хуррам қүёш остидаги масжидларинг ҳамда қасрларинг харобаларини зоглар қоплади... Ҳар баҳор (қабринг устидаги наъматак) шохларида булбуллар мудом гирён, ...мадҳига тил ожиз баҳтни қўмсащдан уларнинг бағри тилка-пора бўлади... О-о-о-о-о, Темур Соҳибқирон! Қани сенинг кескир ҳақиқаттўйлигинг?”

Булар Фитрат мансурасидаги лирик қаҳрамоннинг оҳнолаларини ёдга солмайдими? Зотан, Бунин ҳам ҳикоя аввалида тиланчи қўшигини “фигонга тўла нола” деб таърифлайди. Бундан ташқари, рус адаби ҳикоясидаги “Темур қабри”, “қасрлар”, “жаҳон”, “жасур”, “хароба”, “зоглар”, “қўмсаш”, “тилка-пора”, “кескир” каби сўз ва бирикмалар билан ўзбек шоири мансурасидаги уларга маънодош сўз ва бирикмалардан юзага келган гоявий муштараклик икки асар ўртасида, шаксиз, типологик яқинлик борлигига далолат қиласди.

Бунин ҳикоясидаги қўшиқда Амир Темурнинг “Хой, жанблар ва девоналар, менинг қалбимни сугуриб олингиз! Энди унда ҳеч нарсага иштиёқ қолмади”, дея хитоб қилиши, бир тарафдан, ҳаёт билан видолашаётган Соҳибқироннинг руҳий ҳолатини акс эттирган бўлса, бошқа тарафдан, Буниннинг, худди Фитрат каби, шуро истибоди остида қолган Туркистон аҳли қайғусига ҳамдардлигини ҳам ифода этади гўё.

Амир Темур хаётдан кўз юмгач, “унинг салтанатига путур етибди”. Мамлакат лахтак-лахтак бўлибди, шаҳарлар ва қасрлар хувиллаб қолибди, уларнинг вайроналарини қумтепалар қоплабди, (шу тариқа) “ному нишони ўча бошлабди”, деган жумлалар асар ёзилган даврдаги Туркистон аҳволига гўё бир ишорадир.

“О-о-о-о-о, Темур Соҳибқирон! Қани сенинг давру давронинг? Қани сенинг қилган ишларинг?.. Қани жан-

глар? Қани зафарлар?” Бунин асаридағи бу хитоблар Фитратнинг “Сочма” деган бошқа бир насрий шеъридаги “Дунёни “урҳо”лари билан титраттан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупрогини кўкларга учиратургон тоғ гавдали ўғлонларинг қани?.. Қани у чақмоқ чақишли ботиро хоқонларинг? Қани аввалги ўқ юрушли, отли бекларинг?” (юқоридаги манба, 31-бет), дея Туркистонга савол ёғдираётган лирик қаҳрамон изтиробини ҳам эсга солади.

Бунин ҳикоясининг асосий магзи ва етакчи гояси қўйидаги жумлаларга сингдирилган: “Ҳамма сукутга чўмған, ҳамма қўшиқ сеҳрига масти. Воажаб! Қўшиқ қаъридан отилиб чиқаётган аламли фигон, кимгадир аталган аччиқ таъна ҳар қайси юксак, ҳар қандай эҳтиромли хуррамликдан ҳам лаззатлироқ эди”. Бу — шўро ҳокимияти Туркистон халқига (ва умуман, ўзига тобе барча халқларга) берган “ҳар қандай эҳтиромли хуррамликдан” кўра шу халқ қалвидаги “аламли фигон лаззатлироқ” деган маънога ишора этмайдими? “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикояси билан “Темур олдинда” мансураси айниқса шу нуқтада типологик туташ экани аниқ намоён бўлади.

Буниннинг ўзи шу ҳикоясини ниҳоятда яхши кўргани, умр шомида уни қайта-қайта ўқигани ҳақида маълумотлар бор. Бунинг сабаби нимада эканини китобхон албатта билгиси келади. Аммо буниншуносликнинг бой материаллари ичидан, афсуски, бу саволга аниқ жавобни топмадик.

Рус дворянлар адабиётининг сўнгги йирик вакили — ҳассос қалбли, лирик табиатли Буниннинг Шарққа, унинг буюклари ҳаётига қизиқиши бежиз эмас эди. У Қрим муҳрабасининг гувоҳи бўлган отаси ва яқинларидан ушбу ўлка хотираларини, мусулмон халқлари эришган оламшумул зафарларни эшитгани шубҳасиз.

Буниннинг болалиқдаги уй муаллими Н.Ромашков шарқ тилларини пухта билган. Ёзувчининг ўзи ҳам йигит-

лик чөглари Кримга боргани маълум. У Шарқ мавзусида бир қатор шеърлар ҳам ёзган. Чунончи, “Хурмузд” шеърида нур ва зулмат кураши акс эттирилган. Туркияга саёҳат таассуротлари асосида эса “Истанбул” шеърини яратган.

Буларнинг барчаси “Темурхон ҳақида қўшиқ” ҳикоясини ёзиши, айниқса, Соҳибқирон қазоси олдидан бозор саҳнида ўтириб майиб-мажруҳ ва гадойларнинг жулдур кийимини тавоф этишини тасвиrlашида қўл келган. “Юрагимни сугуриб олинг, эй фақиру бечоралар, чунки унда ҳеч нима қолгани йўқ, ҳатто яшашга хоҳиш ҳам!” дейғон чекади Бунин қаҳрамони.

Буюк жаҳонгир умр шомида бундай аҳволга тушибмаганини ёзувчи яхши билади. Аммо шунга қарамай тўқимадан эркин фойдаланишга журъат қиласи. Нега? Ёзувчи Соҳибқиронни шундай алфозда тасвиrlаш орқали балки Турон аҳлининг шўро исканжасидаги забун ҳаётига шамақилгандир? Ёки — Темурдек забардаст зотнинг ҳам ҳаёти, пировардида, ўлим билан якун топди, зеро, ҳар қандай инсон ҳаёти фоний, бу дунё эса бебақо, демоқчиидир? Ёхуд — Россиядек улкан империя ҳам Октябрь тўнтаруви оқибатида кунфаяқун бўлгани, хўрланиш қадар тубан кетганига ишорамикан бу лавҳа? Ҳар қалай, адабнинг бу эпизоддан кўзда тутган мақсади шунчаки Амир Темур образини яратиш бўлмагани аниқ. Ахир, улкан адилларга бирор ҳаётий манзара ёхуд руҳий ҳолатни тасвиrlаш орқали бир эмас, бир неча маънони ифодалашдек санъаткорлик хос. Хуллас, Амир Темурдек қудрат соҳиби учун ҳам ўлим ҳақ эканини таъкидлаш замирида буюк инқилоб дей мадҳэтилган Октябрь тўнтаруви ҳам ҳалокатта учраб, барбод бўлажагини кўрсак не ажаб!

Баъзи рус адабиётшунослари Буниннинг “Номаълум дўст”, “Ямлоқи ўт” ҳикояларида ўлимнинг ҳақ, умрнинг

бебақо экани гояси илгари суралганини айтади. “Темурхон ҳақида құшиқ” ҳикоясини адібнинг шу турдаги асарлари сирасында кири тувшылар ҳам йүқ әмас. Лекин мазкур ҳикояга Октябрь тұнтарувига муносабат ифодаланған ижтимоий-рухий үйналишдеги асар сифатида қараш ҳам хато бұлмас.

Хүш, агар Бунин Фитрат мансурасини үқимаган бўлса, унда асар пафоси, гояси, ҳатто матнидаги бу қадар яқинлик сабаби нимада? Мазкур ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Саволларга жавобни яна Буниннинг ўзидан топамиз.

Лев Толстойнинг “Иблис” ва Иван Буниннинг “Митянинг севгиси” қиссалари ўртасидаги типологик яқинлик ҳақида адабий танқидчиликта талай фикрлар айтилган. Шундай фикрлардан бири Пётр Бицилли деган кишига тегишли. Бунин унга ёзған мактубида бундай дейди: “Кадрдон Пётр Михайлович, мен “Иблис”ни үқиган әмасман. Толстойнинг мендек мухлиси учун бу ҳол ғалати туюлиши мумкин, лекин ҳақиқатда шундай. Зотан, “Митянинг севгиси”даги Митя ва Алёна учрашуви парчаси “Иблис”даги қайсыидир лавҳага жуда үхшаб кетишини сизнинг мақоланғизни үқибгина билдім. Бу ажиб үхшашлик сабаби нимада? Сабаб — жуда оддий, биз ёқдаги қишлоқларнинг турмуш тарзи (Толстой билан әса деярли ҳамқишлоқмиз), ўртахол помешчиклар оламидаги “жаноблар” ва уларнинг “хұжалик”ларидаги майшат ниҳоятда үхшаш. Шу тариқа биз Толстой билан ўз асарларимизда “классик” учрашув ва мұхаббат таманиндарини айнан қаламга олғанмиз”¹.

Буниннинг ушбу мұлоҳазаси “Темурхон ҳақида құшиқ” ва “Темур олдинда” асарларидаги типологик яқинлик сабабини топишда очқыч вазифасини үтайды. Лекин бу гал мұштарақлик сабаби, Буниннинг Бициллига мактубида қайд этилганидек, турмуш тарзи, қаҳрамонлар дунёси,

¹ Қаранг: А. Мещерский. Неизвестные письма И.Бунина // М.: “Русская литература”, 1961. — С.153.

мақсад-интилишларидаги яқинлигу үхшашлиқда әмас. Бу үринде икки адіб ўз асарига жо әтган ғоядаги яқинлик ва шунингдек, улар амал қылған ижодий принциплардағи үхшашликни таъқидлаш жоиз. Ана шу нұқталар Амир Темур сиймосини талқину тасвир әтишдә типологик муштаракликка сабаб бўлган.

Лекин шуниси ҳам борки, турфа асарларда кўзга ташланувчи типологик яқинликни ҳатто буюк адилар ҳам (ўз ижодида бундай ҳодиса учраши ёки учрамаслигидан қатъи назар) кўпда хушламаган — бу ҳақда адабиёт тарихида кўплаб маълумотлар бор. Масалан, Иван Бунин қиссанини ўқиган Максим Горький Константин Фединга ёзган мактубида бундай ёзғиради: “Бунин “Митянинг севгиси” деган ном остида “Крейсар сонатаси” ни қайтадан ёзиб чиқибди”.

Фитрат “Юрт қайгуси” туркумiga кирувчи “Темур олдинда” мансурасини 1918—19 йилларда кенгайтириб, “Темур саганаси” номли бир пардали драма ёзган, лекин, афсуски, унинг тўлиқ матни ҳозирча бизга маълум әмас.

Биз Ҳамид Олимжоннинг “Темур саганаси” ҳақидағи мақоласини (1936) аксар танқид қилиб келамиз. Унда Фитрат ноҳақ равища миллиатчиликда айблантган, деймиз. Аслида, Ҳамид Олимжон мақоласидаги барча фикрларни ҳам нотўғри деб бўладими? Муаллиф тўғри фикрлагани ҳолда, таассуфки, нотўғри хулоса чиқаради.

Үтган асрнинг 20—30-йиллари ўзбек адабиётининг унут саҳифаларини қайта тиклашда жонбозлик кўрсатган олим Сирожиддин Аҳмедов “Ошиқ иши — чин севиш” мақоласида ёзишича, Ҳамид Олимжоннинг танланган асарлари орқали воқиф бўлганимиз “Темур саганаси” драмасининг матни шоирнинг “Совет адабиёти” журналида (1936 йил 3-4-сон) чоп әтилган мақоласида анча кенгроқ берилган экан. Ушбу мақолага кўра, “Темур саганаси”да қуийидағи парча ҳам бўлган: “Хоқоним, эзи-

либ таланган, таланиб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сендан кўмак истарга келди. Боглари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди”, дейди қабро олдида бош эгган йигит. Соҳибқирон руҳидан эса бундай садо келади: “...Не бўлдиким... шарафли ва жасур миллаттимнинг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш. Кимлар bogларимнинг қушларини қувмоқда? Сизларга амр қиламан, қалқингиз!”

Профессор Наим Каримовнинг ёзишича, ўтган асрнинг 20-йиллари аввалида Олмонияга таҳсилга борган Саттор Жаббор исмли ўзбек йигити шу асрнинг 30-йиллари бошида ўша давр зиёлиларимиз, чунончи, адилларимиз ҳақида “Нажот йўлинда” номли китоб битган. Асар кўп йиллар ўтгач — 2000 йили Истанбулда “Қутулиш йўлинда” номи билан чоп этилди. Ушбу манбада “Темур саганаси” драмасидан бизга шу вақтга қадар номаълум бўлган парча ҳам бор:

Бу хоқоннинг қиличлар синдириб тузган
улуг мулки,
Эсивлар, оҳлар, мунглар, ёзишиларким,
бузилмишидир.

Бугун — қонлар тўкиб, жонлар сочиб
кўрган боги
Фигонлар, қайгулар ва ҳасратларким,
бузилмишидир!

Ёрил, эй, турк баҳтини эсга солган тоши,
ёрил илдам,
Ёрилким, кўкрагинг ичра ётиб қолғон
хон уйғонсин!

Таланган, ёндирилган юртни —
Туронни кўрсинг,

Эзилган, яраланган бойқиши элга

йўлни кўрсатсин!¹

Шу ўринда бир изоҳ: қора ҳарфлар билан ёзилган сўзлар, аслида, “тизилмишдир” ва “боёғиши” бўлса, эҳтимол.

Матндан аён бўлмоқдаки, бу монолог Амир Темурга эмас, унинг руҳини йўқлаб турган персонаж — йигитга тегишилдири. Хуллас, Бунин ҳикоясининг Фитрат мансураси билан типологик яқинлиги “Темур саганаси” драмасидан олинган ушбу парчада ҳам ўз тасдигини топаётир.

Ниҳоят, Бунин ҳикояси аслиятда “Оқсоқ Темур” деб аталганию гарчи асарда Соҳибқирон шаъни улугланса-да, аммо айни сарлавҳада Турон ҳукмдорига Оврупо ва Америкадаги муносабат муҳри кўзга ташланишини қайд этиш билан бирга, аллома таржимон Озод Шарафиддинов асарни “Темурхон ҳақида қўшиқ” деган ном билан ҳикоя руҳи ва мазмунига мос тарзда ўзбекчага ўгириш орқали бу галатликни бартараф этгани ҳамда ўзбек китобхони Бунин ҳикояси билан илк бор танишишида “Гафаккур” журнали (1996 йил 3-сон) дастёр бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Бошқа соҳалар қатори адабиёт соҳасида ҳам халқаро алоқаларни кучайтириш зарур. Қайси мамлакатда бизнинг адабиётимиз, маданиятимиз, қадрияларимизга ҳурмат билан қарашади, хориждан биз нималарни ўрганишимиз мумкин ва, ўз навбатида, уларга нималарни тақдим этишимиз мумкин — бугун бу масалалар халқаро майдонда ўэлигимизни намоён этишда катта аҳамиятга эга эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим”, деган фикрини эсга олиш фойдадан холи эмас. Зеро,

¹ Н. Каримов. Адабиёт ва тарихий жараён. — Т.: “Мумтоз сўз”, 2013. — 164—165-бетлар.

² Каримов И.А. Адабиётта эътибор — маънавиятга, келажаккакка эътибор. — Т.: “Ўзбекистон”, 2009. — 32—33-бетлар.

методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик бу фикр биз — адабиётшуносларга адабий алоқа ва адабий таъсиро муаммоларини, миллий адабиётлар ва алоҳида асарлар ўртасидаги типологик яқинликларни тадқиқ этиш орқали ўзбек сўз санъатининг жаҳон адабиётидаги ўрни ва ролини аниқлашда дастуриламал бўлади.

Мустафо Бойэшонов¹

ҚУЁШ ШАРҚДАН ЧИҚАДИ²

Маълумки, халқлар орасидаги маданий алоқалар инсониятни узлуксиз тадрижий ривожланишга олиб келади. XIX асрнинг бошларидан Россияда Шарқ маданиятига, тарихига, фалсафасига ва адабиётига эътибор кучайди. “Вестник Европы” ва бошқа журналларда Шарқ халқлари фольклори, адабиёти, фалсафаси ва санъатига оид кўплаб мақолалар, таржималар эълон қилинди.

Рус китобхонлари Қуръони карим, “Минг бир кеча” билан, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Навоий каби ўнлаб муаллифларнинг асарлари намуналари билан танишди. Ўша даврларда Жуковский, Пушкин ва бошқа номдор ёзувчи ва шоирлар Шарқ ижодкорлари асарлари намуналаридан қувват олганлиги уларнинг ижодида сезилиб туради³.

1890 йилнинг бошларида Москва саҳҳофларидан бири Иван Бунинга Шайх Саъдийнинг “Гулистон” асари

¹ Мустафо Бойэшонов — 1952 йилда Сирдарё вилояти, Гулистон туманида тугилган. 1976 или Россия Федерациясининг Иваново Давлат университетини туттаглан. Филология фанлари номзоди, доцент. Рус ва жаҳон адабиёт тарихи, адабиёт назарияси бўйича кўплаб илмий ишлар муаллифи.

² Мустафо Бойэшонов. Солнце восходит с Востока // Звезда Востока, 2015, №4. — С.99—102.

³ М. Байшанов. Восток в творчестве И.Бунина // Казаховедение (г. Чимкент), 2015, №2, с 119–126; М. Байшанов. Амир Темур в русской прозе XX века // Казаховедение, 2013, №4, с 80–88.

ни совга қиласи. Ёзувчи бу ҳолатни қуйидагича әслайди: “Москвада букири, қария саҳифнинг китоб дўкони бўлар эди... Эсимда қиши, дўкон жуда ҳам совуқ бўлганидан нафасимдан буг кўтарила, мен чўккалашиб ўтирган ҳолда хона бурчагида бетартиб қалашиб ётган китобларни титкилашиб кўрар эдим. Кекса дўкондор әски курсида ўтирар, чой ҳўплар ва мендан ўткир нигоҳини узмас эди.

— Демак, сиз ҳам ёзувчисиз, йигитча?

— Ҳа, ёзиб тураман.

— Сиз Саъдийнинг “Гулистан”ини ўқиганмисиз? Мен сизга бу китобни эсдалик учун совга қиласман. Бу асарда ҳақиқий олтин сўзлар бор. Сиз эса айниқса Саъдийнинг мана бу сўзларини яхшилашиб эслаб қолинг: “Ҳар қандай хазинани юз бошли аждар қўриқлади”. Ушбу фикрони чуқур тушуниб олиш керак. Бу сизга адабиёт соҳасига киришингизга оқ фотиҳам бўлсин.

Ёзувчи зоти бугунги кунда жуда майдалашиб кетди. Биласизми нима учун? Уларнинг фикрича хазинани хеч қандай тайёргарликсиз, жуда осонлик билан қўлга киритиш мумкин. Йўқ, бундай бўлмайди. Бу ерда нафс учун эмас, ҳаёт учун тўхтовсиз кураш кетади. Бу қарама-қаршилик инсон “тўрт оёқли чўбин от”га мингунича шиддатли давом этаверади. Сиз ушбу фикрлар кимга мансуб эканини биласизми? Бу сўзларни Саъдийнинг юқоридаги асаридан келиб чиқиб А. Пушкин айтган. Буларни мен саҳиф Богомоловдан эшитганман”¹.

XIX аср охиrlари — XX аср бошлари рус халқи ҳаётида, адабиётида, фалсафаси ва тарихида кучли ўзгаришлар даври бўлди. Ҳаётни тубдан ўзгартиришга даъват этувчи шиорлар, чақириклар кундан-кун кўпайиб бор-

¹ Бунин И.А. Собрание сочинений в 9 томах, Т.9. — Москва: “Художественная литература”, 1967. — С. 277—278. — Ушбу парча таржимаси бизники — М.Б.

ди, натижада адабиётда ҳам турли оқимлар пайдо бўлди, уларнинг аксарияти бадииятдан йироқ эди. Натижада баъзи ёзувчилар ўз ижодини Шарқ тарихи, фалсафаси ва маданияти билан боғлаб, янги, инсоният руҳиятига яқин оҳанглар ва мавзуларни топди.

И. Бунин Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарлари ҳамда “Куръон” билан танишар экан, уларнинг очиқ дидактик, тарбиявий жиҳатлари Фарб адабиётидан фарқ қилишини тушунди ва ўзи учун янги бир дунёни кашф этди. Адибда ана шу китобларда кўрсатилган мамлакатларни зиёрат қилиш иштиёқи пайдо бўлди. 1903 йилда саёҳатга отланар экан, ўзи билан Куръони каримни ва Саъдий асарларини олади ва уларни ҳар куни, мунтазам мутолаа қиласи. Рус адиби қадимги Миср, Сурия, Фаласгин каби мамлакатлардан кучли таассурот олади.

Саёҳат давомида унга ҳамроҳлик қилган турмуш ўртоги Вера Николаевнанинг таъкидлашича, Бунин бу даворда Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарларини ўқиш билан бирга, уларни рус тилига эркин таржима қила бошлади. Ўз таржималарини у “Саъдийнинг “Бўстон” достонидан”, деб номлаган. Шоир Саъдий асарларидан жами 11 та шеърий парчани рус тилига таржима қилган.

Умуман, Саъдий асарлари таржимаси XX аср бошларида немис тилидан рус тилига Н. Урри томонидан амалга оширилган ва Петербург шаҳрида чоп этилган. “Гулистон” ва “Бўстон” асарларининг тўлиқ илмий нашри таржима ва шарҳлар билан бирга 1968–1969 йилларда “Шарқ халқлари адабиёти дурдоналари” номли катта туркумда нашрдан чиқарилган.

Шарқ ўзининг мафтункор жилоси билан Бунинни ромэтган ва у ушбу минтаقا мамлакатларига етти марта саёҳат уюштирган. Бунинг натижасида “Кавсар”, “Каъбанинг қора тоши”, “Ағ-София”, “Яшил байроқ”, “Истанбул”,

“Тамжид”, “Сир”, “Шероз гуллари”, “Сулаймон тахти”, “Шарққа”, “Зайнаб”, “Қуёш қасри” каби құплаб шеърий ва насрій асарлар дунё юзини құрди.

Әхтимол, Буниннинг Шарқдан олган қучли таассуротлари инсон ва табиат, ҳаёт фалсафаси, ҳаёт ва үлим қарама-қаршиликлари, инсон ва табиат бирлиги, халқлар ҳаётидаги үхшашликлар каби масалаларға эътиборини қаратишга сабаб бўлгандир. Балки, айни шу сабабдан Бунин ислом динига, фалсафасига ўта ҳұшёрлик ва нозиклик билан ёндашган бўлса ажаб эмас. У 1910 йилда “Одесский листок” газетасида чоп этилган интервьюсида мухбир саволига “Мен умуман Шарқни ва унинг динини севаман”, деб жавоб берган.

Шоир “Кавсар” ва бошқа асарларида Қуръони карим оятларидан иқтибослар келтирган ва бу билан шеърдаги кўпово зиликни, сероҳангликни таъминлаган, унга янгича руҳ багишлаган. Шоир халқлар ва замонлар орасидаги муштаракликни шундай тараннум этади:

*Вақт келиб, рўёдан қутулар пайтда
Борлик нурга сингиб кетса ногаҳон:
Вужуд мавжудликда түзилаар қайта —
Руҳ жаннатни мангу этганда ошён¹.*

Иван Буниннинг Шарқ мавзусидаги шеърлари психология нуқтаи назардан ишонарли тасвиirlангани, диний урф-одатларнинг христианлар воқелигига қарама-қарши қўйилмагани билан ажralиб туради. Яъни, мавлоно Жалолиддин Румий каби, Бунин ҳам барча динлар замираida эзгулик ётганини теран тушуниб етган².

¹ Мақолада ушбу ва кейинги ўринларда Иван Бунин шеърларидан келтирилган намуналарни иқтидорли шоир Ҳаёт Шодмон ўзбек тилига таржима қилган. — М.Б.

² Жалолиддин Румий (1207—1292) қазо қылганида мусулмонлар, христианлар ва яхудийлар баравар аза тутишган экан.

Замонлар ўтади, инсонлар ақлий, рухий, маънавий бар-камолликка интилаверади. Замон ва маконда кечган бу интилишлар, Шарқ халқларининг ижобий тарафлари Гарбга ўз таъсир кучини сингдиргани шоир ижодида янада яққол кўриниб боравефади. Умуминсоний қадриятларга эхтиром, боқийлик, хотира, мангулик шоир лирикасида етакчи гояларни ташкил этади.

Ҳаёт ва мамот ўртасидаги узлуксиз кураш, инсон тақдирининг азалийлиги Бунин лирикасининг яна бир лейтмотивидир. У ўзининг “Йўлчи юлдузлар” шеърида шундай ёзган:

Сўнгакларга тўла дема сўқмоқлар,
Босган ҳар қадамга ўқи саловат:
Тилагани оқ йўл руҳлари шодлар —
Елка тутганларга ёзилисн раҳмат...

Шеърдаги лирик қаҳрамон — ўзида эзгуликни, одобахлоқ қоидаларини мужассам этган оддий, номсиз бир инсон. Бунин ўзининг “Саъдий ўйтларидан” асарида: “Хурмо дараҳтидек саховатли бўл¹, агар ундаи бўлолмасанг, Сарв дараҳтидек тўғри ва улугвор бўл”, деб ёзди.

Айтганимиздек, ёзувчи ижодида Шарқ халқлари урфодатлари, фалсафаси, адабиёти ва маданияти муҳим ўрин тутиши билан бирга унинг асарларида, айниқса, буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг бадиий сиймоси алоҳида ўрин тутади. Амир Темурнинг Европа мамлакатлари, хусусан, Испания, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар билан олиб борган ижтимоий-сиёсий алоқалари самараси сифатида бу мамлакатларда ушбу улуг шахс ҳақида кўплаб бадиий асарлар дунёга келгани маълум.

Шарқ мамлакатлари тарихида бундай хоқонлар Соҳибқиронга қадар учрамаган. Унинг халқ тинчлиги ва озод-

¹ Бунин И.А. Собрание сочинений в 9 томах, Т.1. — Москва: “Художественная литература”, 1965. — С. 355

лиги йўлидаги ҳаракатлари Бунинга кучли таъсири қилади.
Шу боис у Амир Темурга багишлаб асарлар ёзади.

“Современник” журналининг 1913 йил 4-сонида шоир-нинг “Еқут” номли шеъри чоп этилган:

*Темур ўғлини синаши учун икки тоши —
Ёқут бирла яшинар чўғ кўмири тутди:
Ота ҳукми вожиб! Котирмай ҳеч боши —
Амирзода жимгина амр кутди.
Билса ҳамки жон аччиқ, илки куйиб,
Холидан ҳол ишора йўқлаб куйди:
Худо эса, отадан кўпроқ суйиб
Боланинг кафтига пуфлаб қўйди!*

Асада Темур ўз ўғлининг иродасини, ҳушёргигини, ақл-фаросатини синаб кўриш учун иккита ялтироқ нарса келтиргани, Худонинг каромати туфайли чўтга бораётган гўдак қўли лаълга бурилгани ҳақида сўз боради. Шоир Худонинг иродаси инсон ақлидан юқори деган тўғри хуносага келади.

“Летописи” журналининг 1916 йил октябрь сонида Иван Буниннинг Соҳибқиронни дунёга келтирган онага багишланган “Ўрда” номли шеъри эълон қилинади. Шоир ўз асарида узоқ ўтмиш воқеаларини хотирасида қайта тиклаб, ўша олис манзарапарни аниқ, жонли, аслига мос равища ёрқин ифодалаган. Айтиш мумкинки, ижодкор истеъоди унга асрлар оша узоқ ўтмишнинг жўшқин ҳаётини аниқ кўриш ва тасвирлаш имконини берган.

Иван Бунин бу асарида Амир Темурнинг шиддат-шижоатини ва Соҳибқирон Онасига хос магрурликни мадҳэттан:

*Эй мунис, муштипар, кўзлари нигор,
Билармидинг раҳм кўтарганд юкни:*

*Қучоғингда ором топган беозор,
Дунёга келтириб шахси буюкни —
Хонуми бўлганинг Соҳибқиронга?!.*

Орадан бир неча йил ўтиб Бунин яна буюк Амир Темур образига мурожаат қиласди. Адиб 1921 йили, яъни муҳожирикда яшай бошлаган даврида машхур “Темурхон” фалсафий ҳикоясини чоп этади. Унча катта бўлмаган бу ҳикоя ўзининг теран фалсафий моҳияти, маъно ва мазмумни, тарихий ҳодисаларга ишоралар кўплиги билан эътиборга лойиқ:

“Бу ёруғ оламда Темурбекдан шонлироқ, шавкатлироқ хон бўлмаган. Ой ости мамлакатлари ҳалқарининг барчаси унинг номини эшитибоқ қўрқув ва таҳлика гаштари тушар, энг гўзал жувонлар ва қизлар бирлашага бўлса ҳам унинг қули бўлишни орзу қилишар эди...

Ер юзида сендан журъатлироқ, донгдорроқ, баҳтиёрроқ инсон бўлмаган, бугдойранг юзли, чўғ нигоҳли Жабройилга монанд, ақлу заковатда подшоҳ Сулаймон каби доно, шукуҳли Темурбек. Сенинг бошингдаги салланг ипаклари жаннат гўзалликларини эслатар, унга қадалган лаъл етти хилда жилоланаар ва товланара эди”¹.

Иван Бунин ҳикоясида тасвирланишича, буюк саркарда кўплаб ҳалқлар ва мамлакатлар тақдирини ўзига бўйсундиради, лекин бирданига унда ҳукмронликка бўлган қизиқиши сўнади. Шафқатсиз қазо яқинлашаёттанини ва ўлим олдида ўзининг ожизлигини англаган Жаҳонгир Яратганинг иродасига бўйсунади. Соҳибқирон ўзининг ақли, фаросати, куч-қудрати билан ярим дунёни ўзига тобе этади, лекин ўлимни енга олмайди.

¹ Бунин И.А. Собрание сочинений в 9 томах, Т.1. — Москва: “Художественная литература”, 1967. — С. 357. — Ушбу парча таржимаси бизники — М.Б.

Ҳақиқатан ҳам, инсон қанчалик буюк бўлмасин, у инсонлигича қолаверади ва ҳамиша ўлим олдида ожиздир. Иван Буниннинг ушбу ҳикоясини мутолаа қиласр эканмиз, кўэ ўнгимизда авлиёсифат покдомон зот, ўз тақдирини Парвардигорга ишонган имон-эътиқодли шахс гавдаланади. Худонинг иродаси банданинг қудратидан юқори эканига, курашишнинг бефойдалигига Темурхон иқорор бўлади. Зоро, у буюк фотиҳ, шу билан бирга Аллоҳни унумтаган инсон ҳамдир.

Асарнинг ёзилишида Иван Бунин Амир Темур ҳаётидан олинган автобиографик маълумотлардан фойдаланганини таъкидлаш лозим. Гап шундаки, Соҳибқирон ҳақидаги маълумотлар XIX асрда Н.П. Остроумов томонидан рус тилига таржима қилинган. Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар “Темур тузуклари” асари эски ўзбек тилида ёзилиб, сўнг форс тилига таржима қилинганини кўрсатди. Бу фактлар “Темур тузуклари”ning форс тилидаги вариантини текстологик таҳлил қилиш орқали аниқланди. Шубҳасиз, рус адаби Амир Темурнинг куч-қудрати ва шиддат-шижоатига, метин иродаси ва мустаҳкам әътиқодига тан берган. Шу боис айни жиҳатларни ўз асарларида моҳирлик билан талқин қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, адаб ўз асарларида Саъдий, Фирдавсий ва Шарқ адабиётининг бошқа намояндалири асарларига кўп мурожаат қилган, улардаги парчалар, жумла ва иборалар, ҳикмат ва маталларни ўз ижодида қўллаган. Шунингдек, Шарқ халқларининг ҳикматли сўзлари ва мақоллари, Қуръони карим оятларини ҳам Иван Бунин асарларида кўплаб учратиш мумкин.

Ҳар қандай интеллектуал муносабатлар турли даврларда ёзилган матнларнинг бир-бирига сингиши натижаси сифатида намоён бўлади, албатта. Янги қатлам эскисини янгилаб боради, натижада мураккаб полифоник кўповоз-

лилик дунёга келади. Иван Бунин 1911 йили “Пайгамбарнинг вафоти” асарини ёзган. Ҳикоя анъанавий диний мавзуда бўлиб, ҳаётнинг фонийлиги ва бебақолиги, ўлимнинг ҳақлиги унинг асосий гоясини ташкил қилади. Бу масалани Иван Бунин Шайх Саъдийнинг қуидаги сўзлари билан тасдиқлайди: “ажал элчиси чўпоннинг илтижосига ҳам, фотихнинг иродасига ҳам бўйсунмайди. Тўхта: ўлгандан сўнг фикрларга бой бош чаногимиз тупроққа қоришади, ўлим ҳоқон эмас, Сен Отабек Абубакр эмассан: ундан ҳаётингни қайта сотиб ололмайсан”¹.

Иван Бунин кейинчалик ҳам Шарқ халқлари ҳаёт тарзи ҳақида шеърий ва насрый асарлар ёзган. Унинг 1911 йилда эълон қилинган “Фарёд” номли ҳикоясида фарзандини урушда йўқотган отанинг руҳий ҳолати очиб берилган. 1924 йилда ёзилган “Қайгу” ҳикояси эса Мисрнинг қадимги фожиавий тарихига бағишиланган.

Мухтасар айтганда, Иван Бунин қўҳна ва навқирон Шарқ тарихи, бу минтақада яшаган, ижод қилган буюк шахслар, уларнинг илмий, бадиий, тарихий асарлари мазмун-моҳиятига чуқур кириб борган ҳамда бошқаларни ҳам шундай йўл тутишга унданган.

Иван Буниннинг Шарқ мамлакатларига етти марта сафар уюштиргани, Амир Темур лаълининг етти хил жилоланиши, бутун оламнинг етти кунда яратилиши — рақамлар сир-синоатига шарқона асосда теран фалсафий-илоҳий ёндашув билан баглиқ бу каби воқеликларнинг барчаси адид асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Натижада у “Шарқ — қуёш мамлакати, келажак — Шарқники”, деган хulosага келган².

¹ Бунин И.А. Собрание сочинений в 9 томах, Т.1. — Москва: “Художественная литература”, 1967. — С. 193. — Ушбу парча таржимаси бизники — М.Б.

² Уша манба. — С. 127. — Ушбу парча таржимаси бизники — М.Б.



ИВАН БУНИН ВА ЖАХОН

Максим Д. Шраер¹

БУНИН ВА НАБОКОВ

Ҳарбу зарб тарихи²

Мемуарлар қандай ёзилади?

(Набоков Бунин ҳақида)³

Гап 1936 йил 28 январда Владимир Набоковнинг Парижга иккинчи ташрифи муносабати билан бўлган рус адабиётининг икки намояндаси учрашуви устида кетмоқда. В. Набоков ўшанда де Версаль авенюсида⁴ истиқомат қилувчи яқин танишлари Фондаминскийларникига қунади. Яқин-атрофда, Жак Оффенбах кўчасида Бунинларнинг квартираси бор эди.

¹ Максим Давидович Шраер (ингл. *Maxim D. Shrayer*; 1967 йилда туғилган, Москва) — адабиётшунос олим, таржимон, зуллисонайн ношир; ўндан зиёд шеърий ва нашрий китоблар муаллифи.

² Манба: Шраер Максим — Бунин ва Набоков. Ҳарбу зарб тарихи. — Москва: “Альпина нон-фикшн”, 2014.

³ Рус тилидан Сайджалол Сайдмуродов таржимаси.

Сайджалол Сайдмуродов — ёш ва умидли таржимон; 1990 йил Фаргона вилоятида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети магистратура йўналишини 2016 йилда тамомлаган. Ҳозирги кунда “Ўзбекистон” нашриётида муҳаррир бўлиб ишламоқда.

⁴ Авеню — АҚШ, Англия ва Францияда: икки чеккасига дарахтлар ўтқазилган катта кўча (изоҳлар таржимонники).

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас Набоков аллақачон “ресторанда ширакайф Иван Алексеевич билан” (Набоковнинг 1936 йил 2 февралда Шаховскаяга ёзган хатидан) ўтирарди. Бу учрашув ўкувчиларга Набоковнинг бир қанча мемуар китоблари: аввало инглиз тилидаги “Conclusive Evidence” (“Ишончли далиллар”, 1951), кейин ўша китобнинг русча варианти “Ўзга соҳиллар” ва ниҳоят инглиз тилидаги кенгайтирилган таржимаи ҳоли Speak, Memory: An Autobiography Revisited (“Сўйла, хотира: таржимаи ҳолга қайтиб”, 1966)дан маълум. Санаб ўтилган китобларнинг сўнгисидан ўша парчани келтираман:

“Яна бир эркин ёзувчи — Иван Бунин эди. <...> Бунин билан танишган пайтимда уни кексалик ниҳоят даражада ўз домига олганди. Судхатнинг аввалбошидаёқ гарчи ўттиз ёш катта бўлса-да, мендан анчайин бардам-бақувват эканини мамнун бўлиб таъкидлаганди. У яқиндагина қўлга киритган Нобель мукофотининг гаштини суреб юради. Эсимда, ўшанда у мени Париждаги қиммат ва ҳашамдор ресторанига дилдан гурунглашгани таклиф қилди. Аксига олгандек, ресторан ва қаҳвахоналарни жиним сўймайди, айниқса, қаҳва, аралаш-қуралаш вермут¹ хиди анқиб турган, ҳовлиқма югурдаклар, лўлилар, мижозларга суйкалевчи хирапашша машиоқларга лиҳ тўла Париж тамаддихоналари кўнглимни айнитади... Дилкуши судбат ва Достоевский йўсинидаги таваллолар ҳам таъбимга ўтирмаиди. Увилдириқдан татиб кўрмаганимдан (ёшлигимда увилдириқка бўккунча тўйғанман) оғзи очилиб, эсхатологик мавзуларда сўзлашишдан бош тортганим бу питрак ва алжираф қолган кекса жанобнинг зардасини қайнатди. Тушлик сўнгидаги бир-бири миздан ўлгудай зе-

¹ Шаробнинг бир тури.

рикдик. “Сиз ниҳоятда азобланиб, мутлақо ёлғизликда дүнёдан үтасиз”, — деди аччиқ алам билан Бунин гардеробхонага йўналганимизда...

Бунин жаноблари регланини¹ кийшиига кўмаклашмоқчи бўлганимда, у тақаббурлик билан мени тўхтатди. Назокат ила курашни давом эттириб — энди у менга кўмаклашишга интиларди — Парижнинг рутубатли кўчасига хиром билан сузиб чиқдик. Ҳамроҳим ёқасини қадамоқчи бўлган чоғ дилкаш юзига таажжубу афсус балқиб чиқди. Пальтосининг барларини ҳадиксираганча очиб, қўлтиги тагини титкилашга тушди. Мен ёрдамга шоидим. Гардеробхонага масъул ойимқиз адашиб унинг пальтоси енгига тиқиб қўйган шарфимни бир амаллаб чиқариб олдик. Шарфни худди мумиёланган жасадни ечинтиргандек аста-аста тортиб олдик. Бир-биримиэнни айланиб-ўргилиб, панелли уй тагида салоланиб турган уч “жонон” ёнидан үтиб кетдик. Бу мисрча операцияни тамомлаб, миқ этмай муюлишгача бордик ва қўл сиқишиб хайр-хўшилашдик. Кейинчалик биз одамлар орасида камдан-кам кўришидик. Негадир ўртамиизда кесатиқлар қоришган хафагарчилик пардаси чизиқ тортганди <...>”.

Кўриб турганимиздек, Набоков мемуарларида ушбу саҳнага ҳам мумтоз рус адабиёти (Бунин қиёфасида), ҳам рус муҳожирлар мухити билан рамзий тус бермоқда. Собиқ мураббий мумиёга эврилди. 1936 йил 30 январда рафиқасига жўнатган хатида Набоков Бунин билан бўлган учрашувни қўйидагича тасвирлайди:

“Gare du Nordдан ав de Vesailles”га метро орқали йўлга тушдим. Зилдай жомадонларим билан тинкам қуриб манзилга етиб келдим. <...> Бу ерда мен-

¹ Реглан — енг билан елкаси яхлит бичилган пальто.

га мұжазгина ҳужра ажратиши. <...> Эндигина буюларимни жойлаштира бошлиғандым — чамаси, соат етти яримлар эди — лоп этиб пинқиллаб гапирадиган Бунин пайдо бўлди ва ҳарчанд қаршилик кўрсатишинга қарамай Корниловга (шунақа ресторон бор) тушлика судрай кетди. Аввалига сұхбатимиз “ёпишмади” — афтидан, камина туфайли — мен ғазабнок ва ҷарчаган эдим, увилдириқ буюрганиям, гапирии оҳангиям, ахлоқсиз латифалариям, юргу-дакларнинг жўрттага ялтоқланишилариям, ҳаммаси ғазабимни қўзгарди. Шунгами у Алдановга хаёлим бошқа жойда эканлигидан арзи-хол қилди. Мен шундай ғазаблангандымки (у билан тамадди қилишга борганим учун), анчадан бери бундай дарғазаб бўлмагандим, аммо кейинроқ, ташқарилаганимизда дам-бадам салимийлашиб бордик, хўппасемиз Алданов бизни кутаётган Мюра қаҳвахонасига етиб келганимизда, хуш кайфиятда эдик. У ерда бирровга сап-сарық Ходасевич билан қўришиб олдим; Бунин уни кўпам ёқтиромайди <...>. Алдановнинг айтишича, Бунин иккаламиз бир-бirimиздан кўз узмай гаплашаётганимизда гўёки иккита кинематография аппарати тинмай ишилаёт-гандек бўлармиси. Ив. Ал. <Бунин> Одессада ўйланган дамлари олти яшар ўзиличаси ўлганини сўзлаб берди. Айтдики, “Митя Шаховский”нинг (Иоанна <Шаховская>нинг отаси) сиймоси — кўчма маънода — “Митянинг муҳаббати”ни ёзишига туртки берган экан. Айтдики... кел, буни, яхиси, қўришганимизда оғзаки сўзлаб бераман. Қаҳвахонадан чиқиб, учаламиз Алдановницида кечки тамадди қилдик. Кеч ётдим. Тун узоги исқотининг “шарофати” билан босинқираб чиқдим”.

Иван Алексеевич ва Владимир Владимирович учун хурсанд бўлиш мумкин — “қиттай-қиттай отиб” кўнгил ёзишиди, бошида пайдо бўлган совуқ муносабат охирига бориб самимийлашди, ҳеч қандай норозиликларга ўрин қолмади.

Шундай бўлса-да, Буниннинг “башорат”и чиндан ҳам “тилга кўчганди” — фақат бошқа жойда, бошқа сабаб билан. 1937 йил 30 марта Бунин ва Набоков Тэффини қутлаш маросимида иштирок этишади. Орадан уч кун ўтиб Набоков рафиқасига бу ҳақда шундай ёзади:

“Яқинда ўта дилбар кеча бўлди, лекин айтишига арзигулик гап йўқ: ҳамма таралла-бедод, фрак кийволган Алданов, Бунин хунукдан-хунук смокингда <...> Ильюша <Фондаминский> чиппа ёпишган иштонда, оёклари нақ чиллаширнинг ўзи, ёқимтой ва шарти кетиб, парти қолган Тэффини айтмайсанми?! <...> Бунин нуқул менинг “калондимоғ” лигимни кўрсатди ва кейин қулоғимга шипшиди: “Сиз нихоятда азобланиб, мутлақо ёлғизликда дунёдан ўтасиз...”

Бунин 1951 йил 10 июнда Алдановга ёзган хатида Набоковда (“Ишончли далиллар”да) уларнинг Париждаги учрашуви қандай кўрсатиб берилганидан бежиз ранжимаган:

“Кеча бизнекига Михайлув¹ қадам ранжида қилди. Ўзи билан муқовасида шоҳона тож ялтираб турган Набоковнинг бемаънидан-бетаъсири китобини олиб келибди. Китобда мен ҳакимда ёлғон-яшиқлар ҳам йўқ эмас экан — нима эмиш, мен уни “дилдан гурунглашгани” қандайдир ресторанга судрабман. Каминани жа кифтини келтириб тасвирлабди-да! Таъвия қурғур, бир замонлар у мени унуганини, унга ҳасад қилишимни айтиб қўрқитганингиз чинга ўхшайди.”.

¹ П.А. Михайлув — Буниннинг яқин оғайниси, юриспруденция профессори.

Уч кундан сўнг Бунин кундалигига қуийдагиларни ёза-
ди (1951 йил 14 июнь):

“B.B. Набоков-Сирин инглиэча ёзиб, китобчиқариди,
муқовада, фамилиясининг остида негадир шохона тож
тасвирланган. Китобда унинг ўзи ўттизинчи йиллар-
да Парижда учратган муҳожир ёзувчилар ҳақида на-
ридан-бери ёзилган қайдлар бор экан, менга ҳам саҳифа
ажратишни унутмабди: турган-битгани гирт ёлғон,
эмиски, барча русларнинг жон-дили бўлган, у эса
тоқат қилолмайдиган бекорчихўжачилик — “дилдан
гурунглашиш”, қиттай-қиттай отиши учун мен уни
қиммат рус ресторанига (лўлиларга тўла) қўярда-
қўймай олиб келибман. Аравани қуруқ олиб қочганини-
чи?! Ҳеч қачон у билан биронта ресторанга қадам изи
қилмаганман”.

ДИЛСИЁҲЛИК

1931 йилнинг кеч қузагида Набоков Бунин асарларини
инглиз тилига үтириш билан боғлиқ адабий ишлар бўйича
унга уч марта хат ёзади. Буниннинг топшириғига кўра, На-
боков рус тилидан инглиз тилига таржима қилувчи Макс
Истман (Max Eastman)ни излаш билан шуфулланади:

“18-XI-31

27, Luitpoldstr, Berlin W. 30

Аэиз ва муҳтарам Иван Алексеевич, мактубингиз-
ни олган заҳотим Макс Истман ҳақида маълумот
олишга умид қилиш мумкин бўлган бир неча кишилар-
га сим қоқдим, бироқ ҳеч ким у ҳақда билмас экан.
Бугун байрам, ҳаммаёқ ёпилган, шундай экан, эртага
Англия билан иш юритадиган иккита китоб фирмасига
мурожаат этиши имкони бўлади. Агар эртага манзил-
ни билиб олсан, сизга яна экспресс орқали ёзиб юбора-

ман. Рес-инглиз таржимонининг манзили немисларда бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин, деб қўрқаман (исми менга таниш туюляпти, бироқ шунча бош қотирсам ҳам эслолмаяпман). Ариадна Влад^{<имировна>} Тирковага мурожаат этиб қўрдингиизми? У Лондонда яшайди, инглиз-рус адабий ишларига алоқаси бор. Ўзим тарафдан Истманни излаб топиш учун қўлимдан келганини қиласман, сизга хизмат қўрсатаётганимдан бошим кўкда. Асосийси: у қанақа китобларни таржима қилган ва қайси нашриётларда нашр эттирган. Бу ярамас почтамат патқалами учун маъзур туттайсиз — қитир-қитир қиласвериб, сиёхни “туфлаб” юборди.

Қўлингиизни қаттиқ сиқиб, сизга чин дилдан садоқатли В. Набоков”.

1931 йил 18 ноябрдаги сўнгти жавоб хатида Набоков Бунинга қўйидагича хабар беради:

“Аэзиз ва муҳтарам Иван Алексеевич, мен иккита китоб фирмасига учрашим, улар у-бу қидириб қўришиди, аммо натижасиз. Ёрдам бероладиганларнинг барчасидан суриштиридим, тағин фойдаси бўлмади. Менимча, ягона ўйл — рус тилидан ўғирилган таржималарни чоп эта-диган биронта инглиз нашриётига ёзиши керак, масалан: Humphrey Milford, Oxford University Press (Толстойни босиб чиқарган), балки ўша нашриёт Eastmanни то-пиб берар? Мажаллий Asher китоб дўконидагилар менга айтишидики, мабодо Eastman таржимасида қандай ки-тоблар чиққани аниқланса, у ҳолда уни излаб топшига умид қиласа бўларкан. Аллақандай арзимас оворагарчи-ликларни деб шундай муҳим иш пучга чиқадими, деган фикр ич-этимни кемиряпти.

Қўлингиизни қаттиқ сиқиб, сизга чин дилдан садоқатли В. Набоков”.

Ниҳоят, 1931 йил 6 декабрда Набоков Бунинга шундай хат битади:

“Қадри Иван Алексеевич, баъзи бир нарсаларни ойдинлаштиридим: “*Editions de la Nouvelle Revue Française*”да Max Eastmanning рус инқилоби ҳақидаги учта китоби (инглизчадан таржима) чиққан экан (1929 йилда бўлса керак). Эҳтимол, N. R. F. унинг манзилини билса керак.

Кўлингизни қаттиқ сиқиб, В. Набоков”.

Жавоб хатларига эга эмасмиз, негаки Буниннинг ўша даврдаги мактублари сақланмаган. 1932 йил нояброда Набоков Парижга нутқ сўзлагани келади, лекин Бунинни учратмайди. Ўшанда Буниннинг адабиёт бўйича Нобель мукофотини олиш имкониятлари кенг муҳокама қилинаётганди. 1932 йил 3 ноябряда Набоков Париждан ўша дамда Берлинда қолган рафиқаси Вера Набоковага шундай деб ёзади:

“Алдановнинг уйида: <...> аввалбошда Бунин Нобель мукофотини олиши-олмаслиги борасида мулоҳаза юритилди, кейин эса, то кечанинг сўнгига қадар, замон ва ёшлилар ҳақида қизғин баҳс кетди, хусусан, <Борис> Зайцев христианча разилликлар, Ходасевич адабий бемазагарчиликлар, каминанинг ёқимтой тақвадори Фондик <Фондаминский> эса жамият характери борасида жуда таъсирили гаплар айтди, Вишняк унда-бунда соғлом материализм түйрисида луқма ташлаб турди, Алданов ва унинг меҳмонлари оғизларига толқон солиб ўтиришиди”.

Набоковнинг Париждаги ғалабаси, унинг маърузаси муҳлисларни мутаассир қилгани ҳақидаги шов-шув бадхоҳларга, Грассгача ҳам етиб борди. 1929 йилнинг кузида Кузнецова кундалигида Буниннинг сўзларини

келтириб, танқидчилар ва ўқувчилар “ёзувчини кўздан кечиришгани”ни ёзиб қўйганидан бери уч йил ўтди: “Ўн ийлдан бери ёзади, лекин уни на маҳаллий <Париж> танқидчилар, на омма билади”. 1932 йилнинг кузида Набоков Париждаги мухожирлар оммасини тонг қолдидиради. 1932 йил 28 октябрда Фондаминский Париждан Бунинга шундай ёзади:

“Алданов билан деярли ҳар куни кўришиб турибмиз, Сириннинг (у жуда назокатли бўлиб қолган) шарафига кечалар ўтказяпмиз, ҳатто Бор. Конст. <Зайцев> ҳам кўп шикоят қилмаяпти”.

1932 йил 15 ноябрь куни “Salle du Muse Social”да Набоковга барашланган кеча борасида “Последние новости” да ёзилган материалдан парча келтирамиз:

“Зал лиқ тўла, гўнгир-гўнгир авжида, маърузачининг ҳар бир сўзи эътибордан четда қолмаяпти... В. Набоковнинг кечаси сингари бундайин муваффақкиятли ўтган адабий кечалар ҳадеганда бўлавермайди. Рус Парижи қисқа вақт ичида йирик ном қозонган ёш адигга алоҳида диккат қаратди. В. Сирин биринчи қисмда шеърлар ва чоҳроқ ҳикоя — “Мусиқа”ни, иккинчи қисмда янги романи “Танглик”дан энг қизиқарли парча ни ўқиди. <...> Тингловчилар кеча бошида ҳайқирганча олқишилашиди, охирида эса Сиринга янада қизғин ва оташин миннатдорлик билдиришиди”.

1929–1932 йиллар оралиғида Набоков “Современные записки”да адабий юлдузга айланади. Ношир сифатида 1927 йили илк бора унинг “Даҳшат” ҳикояси чоп этилганини эслаб ўтиш жўяли бўларди. Кейин эса бирин-кетин “Лужин ҳимояси” романи (1929–1930), “Пильграм” ҳикояси (1930), “Айғоқчи” мини-романи (1930), “Жасорат” (1931) ва ниҳоят “Камера обскура” романни (1932–1933) нашр этилди. 1931 йилда биринчи марта энг обручи

мухожир газетаси “Последние новости” да ҳикояларини эълон қилади. Набоковнинг адабий шуҳрати Лондондан Варшавагача, Белграддан Ригагача, Шанхайдан Сан-Франциско ва Нью-Йорккача кенгаяди. У мухожир китобхонлар дикқат марказига тушади.

1930 йиллар бошида Бунин атрофида бўлганларнинг кундаликлари, хатлари ва хотиралари синчилкаб ўрганилганда, Бунин хонадонида асабийлик торлари айнан Набоковнинг Парижга илк ташрифи ҳамда унинг яшиндай кўтарилган чорларида тортилганини билиш мумкин. 1932 йил 19 ноябрда Вера Бунина: “Бу ерда уни яхши қабул қилишиди. И.И. Фондаминский ва Алданов унинг атрофида кўпроқ парвона бўлишияпти. Сирин ҳам Алдановни алқаб қўйяпти, Алданов эса Сиринга таҳсин ўқимоқда”, — деб ёзади.

Набоковга нисбатан адоват уруғи сепилишида Буниннинг ёр-биродарларининг (Л. Зуров, Н. Роцин <“Капитан”>) ҳам қўли бор эди. Буниннинг яқинлари Борис Зайцев ва унинг рафиқаси Вера Зайцева биринчилардан бўлиб Набоковга қарши “тиш қайрашади”. Аввало Гиппиус ва Мережковский (ўрта авлод ёзувчилари) ҳамда Георгий Ивановдан тарқалган антинабоковона фикрларни тақорорлаган ҳолда Зайцевлар Набоковни асарларида умид ва гуманизм йўқлигида айблашади. Улар учун Набоков “рус бўлмаган” ёзувчи эди. Вера Зайцева хатларида рус Парижидаги “Сиринга ишқивозлик” борасида “захар томиб турган” сўзларни ўтказиб юборади.

1932 йил 30 декабрда Бунин кундалигига Зуровнинг гапларини келтириб ўтади:

“Кейин биз йўл бўйи Сирин ҳақида гаплашдик. У <Зуров> менга: “Мен Сирин сингари кўзга ташланиши хоҳламайман, ҳатто жуда бол ўхшатишларниям ўчириб ташлайман, хонамни қандай озода тут-

сам, худди шундай оддий ёзмоқчиман. Бу билан И.А. <Бунин>дан фарқ қиласынан. Үнда фактат вақт шуъласыгина порлайди, шуъла ортида эса ажабтовур бамаңни одам яшириңган. Сиринде бүлса фактат жилвакорлик бор, холос. Бу хусусиятни у Буниндан үзлаштирган. Энди бошқалар Сиринни И.А. билан таққослашаади. И.А.га бу ёқмаслиги турған гап. Бурунлари биргина у порларды, эндилекда Сирин ҳам шу йүлге үтиб олди”.

Буниси эса Буниннинг чамаси 1933 йил 1 апрелга оид таҳликали қайдлари:

“Сирин “Танглик” номли роман ёзибди. Уни “Сўнгги янгиликлар” нинг охирги саҳифаларида чоп этишиларини истаётганмиши, августга бориб “С.э.”¹ учун яна битта роман ёзив тугатаркан. Ошировматдимикин? Ёзувчи сифатида ундан кўнглим нотинч. Тўғри, ёзувчи замон билан ҳамнафас бўлиши керак, аммо ёзувчи ўта замонавий экан, бу хавфли — ўша замонавийлик деганлари үтиб кетганда, ёзувчи буни кўтара олармикин? Башарти, у ҳар қачон замон билан баравар одимлар экан, ўлимидан сўнг нима бўлади? <...> Лекин улар Сиринга бағоят мубтало бўлдилар. “У Бунин билан беллаша оладиган ягона ёзувчи”.

Бундайин фикр-мулоҳазалар Бунинлар хонадонида тез-тез янграб турди. Оила даврасида айтилган заҳаржанда пичингларга қарамасдан, 1932–1933 йилларда Бунин ёш замондошига меҳро боғлайди. Набоковнинг дўстона ва садоқат-ла битган мактубларини, ёш муҳожир шоирлар эзифирча-да қизиқиши билдиримаган шеърларига ёзган тақризларини сақлаб қўяди. Набоков Бунинни ёш танқидчилар (Вячеслав Лебедев, Алексей Эйснер)нинг маломатларидан жон-жаҳди билан ҳимоялаб, икки марта “Руль” саҳифаларида музокарага киришади.

¹ “Современные записки” журнали назарда тутилмоқда.

Асосийси, Набоков услуб, композиция ва тематика но-
ёблиги жиҳатидан муаллифини мусоғирчиликдаги касб-
дошларидан ажратиб тургувчи ҳикоялар ёзганди. Бунин
Набоков ўзининг ҳикояларида Чехов асос солган ва Бу-
ниннинг ўзи 1910–20-йилларда бойитган анъаналарни да-
вом эттираётганини ўша давринг муҳожир ўқувчилари ва
танқидчиларидан кўра яхшироқ тушунарди.

Бироқ Бунин набоковона насрда ҳам ҳикоя бичими-
даги новаторликни, ҳам метафизик¹ йўналишни кўради.
Бир қисми “Чорбнинг қайтиши” тўпламида эълон
қилинган илк ҳикоялардаги Набоков насли 1930 йил-
лар бошига оид ҳикояларда сифатли ўсиб боришини
кузатаркан, Бунин қўпинча Набоковнинг ижод йўлида
ўзининг ҳикоялари қанчалик аҳамиятта эга эканлиги
ҳакида мулоҳаза юритарди. Айнан ўшандада Бунин На-
боковда ўзининг давомчисини, ҳаммасидан ҳам кўпроқ —
рақибини кўради.



¹ Бу ерда: мавхум маъносида.



ИВАН БУНИН
ХАЁТИ ВА ИЖОДИ
СОЛНОМАСИ

ИВАН БУНИН ҲАЁТ ВА ИЖОД
ЙЎЛИНИНГ АСОСИЙ САНАЛАРИ

1870 йил 10 (22) октябрь — бўлажак адаб Иван Алексеевич Бунин Воронежда, заминдорлар оиласида дунёга келган. Отаси — Алексей Николаевич, онаси — Людмила Александровна (қизлик фамилияси — Чубарова). Олис аждодларидан бўлмиш Симеон Бунковский XV асрда Польшадан (айрим манбаларга кўра, Беларусь-Литва Буюк князлигидан) Москва Буюк князлигига кўчиб келиб, бу ерда Бунин фамилиясини олган.

1881 йил — Иван Бунин Ельц шаҳридаги гимназияга ўқишга кирган. Аммо, 1886 йилнинг қишида ўқиш учун тўлов тўламагани учун гимназиядан ҳайдалган. Сўнг уйда акаси қўлида таҳсил олган.

1886—87-йиллар — 16 яшар ўсмир Бунин “Иштиёқ” номли роман ёзган, аммо бу асари эълон қилинмаган.

1887 йил — Иван Бунин адабий фаолиятининг бошлиниши. Адабнинг илк шеъри Петербургда чиқадиган “Родина” журнали май ойи сонида эълон қилинган.

1887 йил, сентябрь — П.А. Гайдебуров ноширли гидаги “Книжки Недели” журналида туркум шеърлари чоп этилган. Уша даврда бу ҳафтаномада С. Шедрин, Г. Успенский, Л. Толстойнинг асарлари тез-тез чиқиб турган.

1889 йил — қашшоқлик туфайли Иван Бунин қадрдан ховли-жойини ташлаб кетишга мажбур бўлган. У Харьков, Севастополь ва Ялтага борган, Орёл шаҳрида бир муддат яшаган. Турли касб-корларда, жумладан, мусаҳҳих, кутубхоначи, ҳисобчи, китоб сотадиган дўкондор бўлиб ишлаган.

1891 йил — “Орловский вестник”да ишлаган даврида навқирон адид ушбу газета мусаҳҳихи Варвара Пашенко билан танишиб қолган ва унга ўйланган, аммо қизнинг ота-онаси қаршилик қилгани учун никоҳдан ўтишмаган.

1892 йил — ёш оила Полтавага кўчиб келган. Иван бу ерда акаси Юлийнинг ёрдами билан кутубхоначи бўлиб ишга жойлашган. Бу иши унга мутолаа ва саёҳат учун кўпроқ вақт ажратиш имконини берган. Бир муддатдан сўнг турмуш ўртоғи билан ажрашган.

1894 йил, январь — Иван Бунин Москвага бориб, Лев Толстой билан учрашган.

1894 йил, апрель — “Русское богатство” журналида адиднинг дастлабки ҳикояси “Қишлоқ тарҳи” сарлавҳаси остида эълон қилинган.

1895 йил — Москва ва Санкт-Петербургда бўлиб, бир қатор рус адидлари, хусусан, Антон Чехов ва Константин Бальмонт билан учрашган.

1895 йил, октябрь — “Новое слово” журналида “Дүнёнинг у чеккасида” номли ҳикояси чиққан.

1896 йил — машхур американлик адид Генри Лонгфеллонинг “Гайавата ҳақида қўшиқ” асари Иван Бунин таржимасида эълон қилинган.

1897 йил, январь — О.Н. Попованинг таклифи билан “Новое слово” журналида ҳикоялари эълон қилинган.

1898 йил, 23 сентябрь — Одессада чиқадиган “Южное обозрение” газетаси ношири Н.П. Цакнининг қизи

Анна Николаевна Цакнига уйланган. Одессада ушбу юони аёл билан бир ярим йилча муддат бирга яшаб, 1900 йилда ажрашган, 1905 йилда эса уларнинг ўғли Коля вафот этган.

1898 йил — Москвада “Очиқ осмон остида” шеърий тўплами чоп этилган. Бу даврда Иван Бунин Н.Д. Телешов бошқарган “Муҳит” адабий тўгарагининг фаол иштирокчиларидан бўлган. М. Горький, Л. Андреев, А. Куприн каби адиллар ушбу тўгарак фаолиятида мунтазам қатнашиб турган.

1901 йил — “Тийрамоҳ” номли шеърий китоби нашрдан чиқсан. Деярли бир пайтнинг ўзида назм ва насрдаги дастлабки тўпламлари адига машхурлик олиб келган.

1903 йил — Иван Бунин Россия Фанлар академияси томонидан Пушкин номидаги мукофот билан тақдирланган.

1903—1910-йиллар — Иван Буниннинг кўплаб шеърлари чоп этилган. Хусусан, Санкт-Петербургдаги “Знание” нашриёти 1903 йилда “Шеърлар”, 1906 йилда “1903—1906 йиллар шеърлари”, 1907 йилда “1907 йил шеърлари” номли учта тўпламини нашрдан чиқарган. Бу тўпламлар, рақамланмаган бўлса-да, адебнинг беш жилдлик асарлар тўплами таркибига кирган. Олтинчи жилд 1910 йили “Общественная польза” нашриётида “1907—1909 йиллар шеърлари ва хикоялари” номи билан эълон қилинган.

1906 йил — Иван Буниннинг ўша давр учун тўла асарлар тўплами олти жилдда “Нива” журналига илова сифатида нашр этилган.

1906 йил — адид ўзининг бўлгуси рафиқаси Вера Николаевна Муромцева билан танишган; улар 1907 йили турмуш қуришган. Адебнинг олдинги турмуш ўртоги билан никоҳи бекор қилинмагани туфайли 1922 йилга келиб-

гина Парижда ушбу оиланинг никоҳ ришталари расман боғланган.

1907 йил — Иван Бунин турмуш ўртоги билан Миср, Сурия ва Фаластиинга саёҳат қилган. Умуман, ўша йилларда Иван Бунин Европа, Осиё ва Африка мамлакатлари бўйлаб бир неча бор саёҳатга чиқкан. Ҳусусан, Туркия, Греция, Италия, Сицилия, Сербия, Руминия, Жазоир, Тунис, Сурия, Фаластин каби кўплаб юртларни томоша қилган.

1909 йил — Иван Бунин Фанлар академиясининг 12 нафар фахрий аъзосидан бири этиб сайланган. Каприда Максим Горький билан учрашган.

1910 йил — Иван Бунин қаламига мансуб “Кишлоқ” қиссасининг матбуотда чоп этилиши ўирик адабий воқеа бўлган.

1910—1911-йиллар — Иван Бунин Миср ва Цейлонга саёҳат қилган.

1911 йил — Каприда яна Максим Горький билан учрашган. Горький Бунинни Россиянинг энг яхши ёзувчиси, деб атаган.

1910—1911-йиллар — Иван Буниннинг “Ҳаёт чамани” (М., 1915), “Сан-Францисколик жаноб” (М., 1916) ва “Қуёш саройи” (Пг., 1917) номли китоблари чиқкан. 1918 йилда у “Парус” нашриётида ўзининг шеърлар ва хикоялардан иборат ягона китоби, яъни асарлар тўпламининг ўнинчи жилдини чоп эттирган.

1917 йил — адид Россиянда юз берган февраль инклиби ва октябрь тўнтишига кескин салбий муносабатда бўлган.

1918 йил, май — Иван Бунин Москвадан чиқиб кетиб, Россиянинг жанубида, адабининг ўз ибораси билан айтганда, “оқлар” ва “қизиллар” ўртасида қўлма-қўл

бўлиб турган нотинч ҳудудларда бир муддат истиқомат қилган.

1920 йил 20 январь — Иван Бунин Ватанини бутунлай тарқ этган ва Францияда муҳожирликда яшай бошлигаган.

1933 йил — адид “адабий насрда рус кишиларининг ёрқин феъл-авторини яратиш борасидаги санъаткорона синчков иқтидори учун” Нобель мукофоти билан тақдирланган.

1934—1936 йиллар — Берлиндаги “Петрополис” нашриётида Иван Буниннинг 11 жилдлик асарлар тўплами нашрдан чиққан.

1939—1945 йиллар — немис фашистлари билан муносабатда бўлишн хоҳламагани туфайли Париждан Грасс шаҳрига кўчиб кетган ва уруш тугашига қадар оиласи билан ўша ерда яшаб турган.

1953 йил 8 ноябрь — муҳожирликда яшаган рус адиди Иван Бунин Парижнинг Жак Оффенбах кўчасида ги кўримсизгина хонадонида 83 ёшида оламдан ўтган ва бошқа рус муҳожирлари қаторида Сен-Женевьев-де-Буа қабристонида дафн этилган.

ИВАН БУНИННИНГ АСОСИЙ АСАРЛАРИ

- ✓ “1887—1891 йиллар шеърлари”, шеърий тўплам, Орёл, 1891 (“Орловский вестник” газетасига илова);
- ✓ “Очиқ осмон остида”, шеърий тўплам, Москва, “Детское чтение”, 1898;
- ✓ “Шеър ва ҳикоялар”, тўплам, Москва, 1900;
- ✓ “Тийрамоҳ”, шеърий тўплам, Москва, “Скорпион” нашриёти, 1901;

- ✓ “Дала гуллари”, ўсмирлар учун шеър ва ҳикоялар түплами, Москва, 1901;
- ✓ “Янги шеърлар”, шеърий түплам, Москва, 1902;
- ✓ “Шеърлар”, 2 жилдли түплам, Санкт-Петербург, “Знание”, 1903;
- ✓ “Тушлар”, ҳикоя, 1910 йил;
- ✓ “Қишлоқ”, қисса, 1910 йил;
- ✓ “Захар Воробьёв”, ҳикоя, 1912;
- ✓ “Сувсиз водий”, қисса, 1912;
- ✓ “Паймона”, ҳикоя, 1913;
- ✓ “Севги грамматикаси”, ҳикоя, 1915;
- ✓ Олти жилдлик тұла асарлар түплами, Пг., 1915 (“Нива” журналига илова);
- ✓ “Сан-Францисколик жаноб”, Москва, 1916;
- ✓ “Енгил нафас”, ҳикоя, 1916;
- ✓ “Бадбахт кунлар”, памфлет-кундалик дафтар, 1917 йил, 1935 йилда чоп этилган;
- ✓ “Чанга тушлари” ҳикоя, 1916 йил, 1918 йилда чоп этилган;
- ✓ “Сан-Францисколик жаноб”, Париж, 1920;
- ✓ “Илк севги”, Прага, “Славянское издательство”, 1921;
- ✓ “Ҳаёт чамани”, Париж, 1922;
- ✓ “Иерихон атиргули”, Берлин, 1924;
- ✓ “Митиннинг муҳаббати”, Париж, 1925;
- ✓ “Офтоб уриши”, ҳикоя, 1925;
- ✓ “Сайланма шеърлар”, Париж, “Современные записки”, 1929;
- ✓ “Арсеньевнинг ҳаёти”, роман, 1927–1933;
- ✓ Үн бир жилдлик асарлар түплами, Берлин, “Петрополис” нашриёти, 1934–1936;
- ✓ “Голстойнинг ҳуррияти”, адабий-назарий тадқиқот, 1937;

- ✓ “Хилват хиёбонлар”, новеллалар китоби, 1943;
- ✓ “Хотиралар”, 1950.
- ✓ “Баҳорда — Иудеяда”, Нью-Йорк, А.Чехов номидаги нашриёт, 1953;
- ✓ Антон Чехов хақидаги тугалланмаган асар, 1953 йили адаб вафот этганида, унинг иш столидан ушбу чала қўллэзма топилган;
- ✓ Тўқиз жилдлик асарлар тўплами, Москва, “Художественная литература” нашриёти, 1965—1967;
- ✓ Уч жилдлик асарлар тўплами, Москва, 1982;
- ✓ Олти жилдлик асарлар тўплами, Москва, “Художественная литература” нашриёти, 1987;
- ✓ Тўрт жилдлик асарлар тўплами, Москва, “Правда” нашриёти, 1988;
- ✓ Ўн уч жилдлик тўла асарлар тўплами, 1—13-жилдлар, Москва, “Восресенье” нашриёти, 2006;
- ✓ Ўн уч жилдлик тўла асарлар тўплами, 14-қўшимча жилд, Москва, “Восресенье” нашриёти, 2006;
- ✓ Ўн уч жилдлик тўла асарлар тўплами, 15-қўшимча жилд, Москва, “Восресенье” нашриёти, 2007;
- ✓ Ўн уч жилдлик тўла асарлар тўплами, 16-қўшимча жилд, Москва, “Восресенье” нашриёти, 2007.
- ✓ <http://www.bunin.org.ru/>
- ✓ <http://lib.ru/BUNIN/>



МУНДАРИЖА

Акмал Саидов. Иван Бунин ижод чаманидан нажиб гулдаста.....	3
---	---

ҲИКОЯЛAR

Темурхон (<i>Fулом Мирзо таржимаси</i>).....	23
Ойдин кечада (<i>Ориф Толиб таржимаси</i>)	29
Чиптаковуш (<i>Умид Али таржимаси</i>)	32
Корнет Елагин иши (<i>Дилдорхон Алиева таржимаси</i>)	35
Бозорда (<i>Холниса Раҳмонқулов таржимаси</i>).....	91
Ёшлик ва кексалик (<i>Умид Али таржимаси</i>).....	93
Стёпа (<i>Ортиқбой Абдуллаев таржимаси</i>)	98
Музга (<i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i>)	105
Хилват хиёбонлар (<i>Тоҳир Қаҳҳор таржимаси</i>)	116
Зумрад осмон (<i>Назира Жўраева таржимаси</i>).....	125
Совуқ куз (<i>Абдулла Шер таржимаси</i>).....	127
Юз рупия (<i>Олима Набизода таржимаси</i>)	134
Қасдлашув (<i>Олима Набизода таржимаси</i>).....	136
Баҳорда — Иudeяда (<i>Ортиқбой Абдуллаев таржимаси</i>).	150
Қўналға (<i>Олима Набизода таржимаси</i>)	157
Қўналға (<i>Ортиқбой Абдуллаев таржимаси</i>)	169
Бернар (<i>Абдулла Шер таржимаси</i>)	180

МИТТИ ҲИКОЯЛAR

(*Дилдорхон Алиева таржималари*)

Илтифотли иштирок.....	184
Қотил	191
Одамхўр	192
Кўз ёшлар	193
Сармоя.....	194
Думли юлдуз.....	195
Шақирлаган қовурға	195
Бува	196
Арафа	197

ШЕЪРЛАР

ТИЙРАМОХГА АЗОБДИР ҲАЁТ (*Fулом Мирзо таржималари*)

Чўг.....	199
Чодирда	199
“Дашт адогин парда билан тўсган каби бир замон...”	201
“Нақ тепамда оқ сочли осмон”.....	201
“Ҳув ўша юлдузни — чайқатиб тунд сувни”	202
“Тун келмоқда қоралаб”	202
“Агар бўлса эди имконим...”	203
“Тун бошланди, адо бўлди кун...”	203
“Севинаман, мовий қўзларинг...”	204
“Мана, яна бошланмоқда: саҳар чоғлар...”	204
“Қара, қандай фусункор кўклам!...”	205
“Кушлар йўқ. Тақдирига ризо бўлиб сўлмоқда...”	205
Лўли қиз	206
“Аргануннинг куйини тинглаб...”	207
“Тик қояда, осмонларга яқин жойда...”	207
“Кунни тўсиб қўйгач, ногаҳон...”	208
“Қадрдон юртимдан олис жойларда...”	208
“Дарёнинг ортида қўклиди яйлов...”	209
Она	210
Қишлоқда	211
Тийрамоҳ	211
“Кўкда потраб чиқди нахимлар...”	217
“Кун булатли, аммо ҳовузда нур мўл...”	218
Чорраҳада	219
“Ҳали-бери тонг отмас, отмас...”	220
“Ўйларимдек гамгусор кечача...”	221
“Кўк ложувард бағрини очди...”	221
“Бу мовий, ёқимтой қўзларни...”	222
“Неъматларинг учун, Эгам, минг қуллуқ!”	222
“Жала четлаб ўтди ўрмонни шитоб...”	223
“Ҳароба саройлар сояси янглиғ...”	223
“Даладан барра ўт бўйи таралар...”	224

Елғизлик	225
Жанғдан сұнг	226
Атиргуллар	226
Тоғда	227
“Күзак. Үрмөн чакалакзори...”	228
“Йұл бүйіда тигиз күм-күк арчазор...”	229
Мурид (<i>Гуржилар құшиғи</i>)	229
Мутасаввуфга	230
Буюқдар оралаб	231
Төғ водийисіда	231
“Бизлар муюлишда учрашдик ногох...”	232
Киз құшиғи	232
Бегона	233
Болалик	234
Қашқарбеда	235
Кичик Осиё соҳилида	235
Оқылларга	236
Шероз атиргуллари	236
“Етим қизча ёлғиз борар чангта ботиб...”	237
Қонун	238
Мақом	238
“Поплар сабаб, шайтонлар сабаб...”	239
Шароб	240
Дафина	240
Құшиқ	240
Соҳил	241
Видолашув	242
Зиёратчи	242
Йұл бүйіда	243
Құноқ	244
Чорлов	244
Бош қарол	245
Хиргойи	246
Айтишув	247
Сүз	248
Уруш	248

“Қачонлардир қүйруқдор кемаларда...”	249
“Деворқоз мовий тусда әди құп олдин...”	249
Шошма, қүйрүк!	250
Ёшлик	250
Фол	250
“Күп вақт үтиб, бир кун Жаннат деворлари кулади...”	251
Кора чигиртка	251
“Жала қуяр. Борлиқда туман...”	252
Афина-Паллада тулпори	253
“Чарх йүқдір бу фалак остида, Эгам...”	254
“Күнлардан бир куни бұлмам бунда, йүқ...”	254
“Сокин тунда чиқиб келди түлин ой...”	255
Булбулнинг илк сайрги	256
Қари олма дарахти	256
Карвонда	257
“Эрта сағар, гира-шира тонготар...”	257
“Арқонини уэди-ю довул...”	258
“Кимсасиз, мұхташам бөг сағни аро...”	258
“Бир юлдуз мавжланар олам токида...”	258
“Бу гуллар, арилар, майса, бошоқлар...”	259
Тұтиқуш	259
“Парранданинг ини бор, дарранданинг — макони...”	260
Камалак	260
“Яна совуқ юэли, оқ сочли осмон”	261
“Деразамга бокардинг ва зерикардинг...”	261

АЖИБ ПОРЛАР ШАМЛАР ЁЛҚИНІ...

(*Тұрсын Али таржималари*)

“Әй қалб! Кенгрөк очил, қабул айла, ох...”	262
Қишлоқ тилемчиси	262
Дала гуллари	263
“Едимдадир узоқ қиши туни...”	264
“Қалдироқ-ла мени құрқитма...”	265
“Құрингайы қүшлар. Ҳувиллок, бемор...”	266
Она	267

Маёк.....	268
Икки камалак.....	268

МАЬЮС ХОТИРАЛАР ДИЛДА УЙФОНДИ...

(Сироҷиддин Рауф таржималари)

“Нақадар нурафшон гуллаган баҳор...”	269
Оқшом	269
“Бугун тунда кимдир қўйлади узок...”	270
“Қандай осойишта ва қандай очиқ...”	270
“Бир кун келиб жисму жоним йўқолар...”	271
Биринчи булбул.....	272
“Ёлгиз қаршилайман шодмон кунларни...”	272
“Қаровсиз боғдаги ўшал буқри тол ости...”	272
“Шеърият — сўз билан англанмас мавҳум бир хилқат...”	273
“Баҳорий туйгулар, мана, марҳамат...”	273

ИВАН БУНИН ВА ЎЗБЕКИСТОН

Бахтиёр Назаров. Фитрат ва Бунин	274
Мустафо Бойэшонов. Қуёш Шарқдан чиқади	287

ИВАН БУНИН ВА ЖАҲОН

Максим Д. Шраер. Бунин ва Набоков	296
---	-----

ИВАН БУНИН ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ СОЛНОМАСИ

Иван Бунин ҳаёт ва ижод йўлининг асосий саналари	308
Иван Буниннинг асосий асарлари	312

УЎК 373.3.016(072)

КБК 84(2Рос-Рус)

Б 95

Бунин, Иван.

Б 95 Тийрамоҳ: Ҳикоя ва шеърлар / масъул муҳаррир
Бахтиёр Назаров; сўзбоши муаллифи Акмал Сайдов;
тузувчи Гулом Мирзо. – Т.: “DAVR PRESS”
НМУ, 2018. – 320 + 4 б.

ISBN 978-9943-4741-3-0

УЎК 373.3.016(072)

КБК 84(2Рос-Рус)

Адабий-бадиий нашр

ИВАН БУНИН

ТИЙРАМОҲ

Ҳикоя ва шеърлар

Бош муҳаррир Асрор Мўмин

Масъул муҳаррир Хосият Ражабова

Бадиий муҳаррир Жаҳонгир Абдужалилов

Муҳаррир Дилдора Зувайтова

Саҳифаловчи Диана Габдрахманова

Нашриёт лицензия рақами AI № 213

2016 йил 25 апреда нашриётга топширилди.

2016 йил 20 октябрда босишга руҳсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$. “Academy TAD” гарнитураси.

Шартли босма табоги 16,80 + 0,21.

Нашриёт ҳисоб табоги 14,5 + 0,10. Адади 1000 нусха.

1192-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет “DAVR PRESS”

нашриёт-матбаа уйида тайёрланди.

“DAVR PRESS” НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида

офсет усулида чоп этилди.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-үй.

Нашриёт бўлими тел.: + (0371) 120-1299.

Маркетинг бўлими тел.: + (0371) 120-1233; 120-1202.

Web: www.davrpress.uz

E-mail: davr-press@mail.ru

Telegram: @DavrPress

Facebook: Davr Press

You Tube: Davr Press



ИВАН БУНИН (1870-1953)

Атоқлы рус шоури ва ёзувчиси, рус адиллари орасидан адабиёт йұналиши бүйича Нобель мүкофотининг илк совриндори (1933 йил).

У Россиянинг Воронеж шаҳрінде думий зодағонлар оиласыда дүнега келган. 1891 йылы “Шеърлар” номлы биринчи түплами нашардан чыққан. У рус мұмтоз шеърияты аңыналарини давом эттирган. “Хазонрезги” шеърий китоби учун 1903 йилда Россия Фанлар академиясینинг олий наишони – Пушкин мүкофотига сазовор бўлган. Орадан кўп ўтмай, 1909 иили Петербург Фанлар академиясینинг фахрий академиги этиб сайдланган.

Адаб 1917 йилги октябрь түнтарышига мутлақо салбий муносабатда бўлган. Большевикларнинг “янги-ча тартиб” ларини 1920 йилгача чидам ва умидсизлик билан кузатган, сўнгра Россияни бутунлай тарк этган. Шу тарика ҳәёти ва ижодининг мұхожирилик билан боғлиқ оғир даври бошланган. У Ватанига қайтишини жуда хоҳлаган ва бу ҳақда доимо орзиқиб ўйлаган. Аммо Россияга қайтиб келиш унга насиб этмаган. Адаб умрининг охирда тез-тез хасталикка чалиниб турган бўлса-да, мұхожириликдаги ҳәёти давомида олтита янги китоб ёзган.



ISBN 978-9943-4741-3-0

9 789943 474130